

Азамат ҚОРЖОВОВ

# СЎНГИ ГУНОҲ

*(мистик қиссалар)*

ТОШКЕНТ – 2013

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

Қ-59

**Қоржовов, Азамат**

Сўнги гуноҳ : (мистик қиссалар) / А.Қоржовов –Т.:  
DIZAYN-PRESS, 2012. – 192 б.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

*Олис қишлоқдан келган абитуриент қизни шаҳарда ғаройиб воқеа кутиб турарди. Бир ёлғонни яшириш учун иккинчи ёлғон қанчалар қимматга тушишини у билмас эди. Тўйдан бир кун аввал вафот этган куёвнинг сирли тарихига дуч келган қиз гуноҳлар гирдоби сари сузиб боради. Нажот йўли борми? Ёки барчаси ҳалокатли яқун топадими? Бир қанча саргузашт, муҳаббат, детектив қиссалар муаллифи Азамат Қоржововнинг "Сўнги гуноҳ" қиссаси қаҳрамони Гулюзнинг бошидан кечирган жумбоқли воқеа сизни ҳам қизиқтириб қўяди.*

*Шунингдек, китобга муаллифнинг "Уч аёл фитнаси" қиссаси ҳам киритилган бўлиб, бир қишлоқда улғайган уч дугонанинг йиллар ўтиб ошкор этилган фитналари навбатма-навбат баён этилади. Мазкур асарларда "Ким ғолиб бўлади?" деган саволга "Ростгўй ва ҳалол инсонлар" деб жавоб берилади. Қизиқарли, сирли ва жумбоқли воқеаларга бой ушбу китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.*

**Тақризчи: М. ЙЎЛДОШЕВА** – Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмасининг аъзоси, ёзувчи.

## БИРИНЧИ ДАЛИЛ

Даҳшатли воқеани ҳикоя қилиб берган қиз билан кузнинг туманли кечасида — бир қаровсиз қабристонда тасодифан учрашиб қолганман. "Қаровсиз қабристон? Кечаси? Қиз?" деб ҳайратланишга шошилманг. Ҳаммасига ҳайдовчининг янгилишиб, машинани бошқа йўлдан ҳайдаб юбориши сабаб бўлди. Қовжироқ алафлар босган ўнқир-чўнқир кўшоёқ йўлдан кетавердик, охир-оқибат рўпарамиздан тобутхона чиқиб қолди. "Тобутхона эканлигини қаёқдан билдингиз?" дейсизми? Машинадан аввал Баҳодир ака тушди, ҳозиргина у чоржуйлик ёш шоирнинг шеърларидан ўқиб келаётган эди.

"Шеърнинг белига тепди-да бу қулба?" — деди у.

Кейин мен тушдим ва ёндиргич чироқчасини эшик пештоқига тутиб, шундай ёзувни ўқидим: "Зафартепа қишлоқ тобутхонаси".

Не кўз билан кўрайликки, биз қаровсиз қабристоннинг қоқ ўртасида турардик, Зафартепа қишлоғи эса йигирма беш йил бурун кўчириб юборилган эди...

Шу жойда қиссамни бошлайман. Уни қандай қиздан, қай ҳолда эшитганимни сал кейинроқ, қиссамнинг бир неча бобидан сўнг, "Иккинчи далил"да қистириб ўтаман.

### I

Роппа-роса ўн еттига кирганида тоғлар ортидаги катта шаҳарга ўқишга жўнайдиган бўлди. Падари ибодатдан қайтиб, ҳар кунги жойига камоли эҳтиром билан ўтираркан, шундай деди:

— Қизим, опаларингдан биронтаси ўқимади, сени ҳам ўқитмоқчи эмасдим. Лекин, кўрдинг, — у рўмоли учини ўйнаб ўтирган аёлига кўз қирини ташлади, — энанг билан маслаҳатлашиб, узо-о-қ тортишиб, жиқиллашиб, охири розилик бердик. Минг марта қулогингга қуйгандир, сафаринг олдидан мен ҳам айтай... — Томоқ қириб, тўлғониб олди. — Ҳеч қачон юзимизни ерга қаратмасликка ваъда берасан. Бўлмаса, йиглаб-сиқтаганинг билан арзинг ўтмайди, шаҳар-пахарга бормайсан.

Гулюз жим ўтирарди.

– Гапир, – ниқтади онаси.

Қиз уялганидан бошини кўтаролмас, ахир отаси нимага шама қилаётгани ойдин эди-да. Шу ёшгача севги нима, билмабди. Ариқдан ўтаётганида бир синфдоши қўлидан ушлагани акаларига етиб, катта жанжал чиққан: уч кун мактабга боролмагани, йигит эса бир ой қашқа бўлиб юрганди.

– Ваъда бераман, – деди қиз зўрга тили айланиб. – Юзингизни ерга қаратмайман, ота.

Падар яна Гулюзнинг онасига кўз ташлади.

– Вақти-соати келганда, кимга десак. Ўшанга турмушга чиқасан, – деди онаизор шоша-пиша, – севишмайсан, орқандан ҳеч қачон гап-сўз чиқмасин. Водий-воҳа қилиб, қаерлардандир совчилар келиб юрмасин, тушундинг-а?

Гулюз лоладек қизариб, оқ фатво кутди. Ота-онасининг ташвиш чекишини тушуниш мумкин. Тўққиз фарзанддан кенжасини – ой деса ойни, кун деса кунни уялтирадиган соҳибжамол қизни шаҳарга жўнатишмоқда. Дугоналарига совчи келишни бошлаган. июлда бир нечтасининг тўйи. Бу қишлоқда олис шаҳарда ўқийдиган талаба қизни ҳеч ким келин қилмайди, демакки, йигирма бир ёшгача эрга тегмаслиги муқаррар. Ўқишни битирганида эса қишлоқ ўлчови бўйича қариқиз деб ҳукм чиқаришади.

Шунга қарамай, отаси розилик бергани тақдирнинг катта тухфаси эди. Албатта, университетнинг охирги курсида ўқийдиган ҳамқишлоғи Нафисанинг ҳам хизмати катта (ҳозир дарвоза олдида Гулюзни кутиб турибди, сумкасига чанг тегмаслиги учун қўлдан қўймагани важдан бармоқларининг қони қочган. Қўшни қишлоқлик, ҳозирда шаҳарда ишлайдиган йигитга фотиҳа қилинган эди у).

"Ўқийман деса, ўқитинг-да, – деганди Гулюзнинг онасига, – ким айтди шаҳарда юрган қизлар ёмон деб?! Авваллари шундай ўйлашарди, энди эса қишлоқ қизлари бемалол ўқийди, йигитлар ҳам ўқиган қизларга уйланадиган бўлишган. Фақат бизнинг қишлоқ қолоқ, бизнинг қишлоқдагина қизларни камдан-ками ўқишга юборишади. Эртага ўқимаган қизлар шундай афсус қилишадики, Гулюзга ўхшаб жанжал қилиб бўлса ҳам бормабман-да, дейишади. Уйингиздан совчилар аримаса менга айтинг!.."

– Нафиса, бери кел, қизим, – деб Гулюзнинг отаси фотиҳа беришдан олдин уни ҳам чақирди, – сумкангни чорпояга қўй. – Кейин узундан-узоқ дуо қилгач, деди: – Мабодо Гулюз имтиҳондан ўтолмай қолса, автобусга ўтиргизиб юборасанда, телефон қиласан, акалари бекатда кутиб олишади... Гулюз, ҳамиша ёдингда тут: шайтонга, хизматкорига, яна унутмагинки, шайтоннинг соясига яқинлашмайсан.

Гулюз бошини лиқиллатди, Нафисанинг эса кулгиси қистади. Йўлда отасининг охириги гапини эслатган эди, қиз шундай жавоб айтди:

– Отам ёмон ишларни шайтон деб ҳисоблайди. Ёмонликка бошловчи одамларни унинг хизматкорлари дейди. Соя эса шайтоний ўй-хаёллар.

– Шунақа дегин. Эсимни таниганимдан бери отанг тоат-ибодатда, мачитдан бери келмайди, бу одам шайтон деганда кечаси юрадиган эчки тўёқли, шер думли, мол шоҳли, олақўз мавжудотни тушунадими, дебман-а, ҳаммаси оддий экан-ку. Шунчаки рамзий.

– Йўқ, шунчаки эмас, Нафиса опа, гапларида жон бор.

– Гапларида жон бор, айтган нарсаларида эса йўқ. Ахир ҳеч ким шайтон, жин, арвоҳ, алвастиларни кўрмаган-ку. Биология китобида ҳам йўқ. Тағин бу гапларингни имтиҳонга бирга тайёрланадиган қизларга айтиб юрма, тушунгани тушунади, тушунмагани устингдан кулади. "Лунатик"ка ўхшаш антиқа-антиқа лақаб орттириб олма тағин.

Гулюз қишлоқилигича қолишдан қўрқарди.

– Нега айтаман? Айтмайман, – деди у.

– Фақат ўқишни ўйла, – таъкидлади Нафиса. – Ўқишга ўтиб олсанг, қолгани кейин бўлаверади.

## II

Ўйлаб боқса, галати одатлари кўп экан. Булар бир қарашда ирим-сиримларга ўхшаб кетади. Аслида эса қандайдир асослари бордек. Кечаси ҳуштак чалса, чақалоқлар вафот этади, қўлига таяниб ўтирган одамни бахтсизлик кутади, ювилган кийимни ўнг илса, эгасига ажал ёпишади... Шулар каби барча ҳодисалар, Гулюзнинг тасаввурича, ўз-ўзидан амалга ошмайди,

албатта. Кўзга кўринмас қандайдир кучлар ўз қонунларига зид иш қиладиган одамларни пойлаб туради.

Бироқ ҳеч қандай қонуниятга риоя қилмасдан ҳам эсон-омон яшаб юрганлар борлигига Гулюз авваллари ҳайрон эди. Энди эса ўзи ҳам отасидан олислаб борган сайин илоҳиёт дарсларидан қутулаётганини ҳис этди. Эркин ҳудудга кириб борарди гўё. Бунда ҳеч қандай ирим-сиримларга, инс-жинсларга эътибор бермай бемалол яшаш мумкин. "Иримларга риоя қилмай яшаш учун уларни унутиш керак, ишонмаса, жин ҳам урмайди", — деган фикр қизгинанинг эътиқод саройи эшигини қоқмоқда эди.

Нафиса уни университет ётоқхонасига жойлаштирар экан, "ўзингни шаҳарликлардай тут, мени шарманда қилма, дадил бўл, айниқса, отангнинг гапларини гапириб юрмагин", деб яна тайинлади.

Четдаги икки кишилик хонада Баҳор исмли қиз билан турадиган бўлди. Ҳамхонаси қийиқ кўз, шўх, аммо одобни жойига қўядиган ёқимтойгина эди. Ўтган йили худди шу университетдан йиқилиб, уйига кетган. Янги йил байрамидан сўнг шаҳарга қайтиб, кундузи тоғасининг цехида ишлаган, кечалари ўқишга тайёрланган экан. Тоғаваччалари халақит бераверишгач, ётоқхонага кўчишга қарор қилибди, цехдаги ишини ҳам ташлабди.

— Ухлаб қолдингизми, Гулюз? — шивирлади у имтиҳондан бир кун аввал, ярим кечаси.

— Йўқ.

— Нима ҳақида ўйлаяпсиз?

— Имтиҳон ҳақида.

Баҳор турди шекилли, каравот гижирлади.

— Имтиҳон ҳақида ўйлаётганингизни биламан... Айтмоқчийдимки, имтиҳондан ўтиш учун нималарнидир хаёл қиляётгандирсиз? Мисол учун, Хизр бобо пайдо бўлиб қолсаю ёрдам берса ёки ғойибдан фаришталар келиб, тўғри жавобларни шивирлаб айтиб турса...

— Мен... мен уларга ишонмайман. — деди Гулюз (Нафиса онасига берган ваъдаси таъсирида бу гап оғзидан чиқиб кетди).

— Вой, нега унақа дейсиз? Гуноҳдан қўрқмайдиганга ҳеч ҳам ўхшамайсиз-ку?

– Нафиса, бери кел, қизим, – деб Гулюзнинг отаси фотиҳа беришдан олдин уни ҳам чақирди, – сумкангни чорпояга қўй. – Кейин узундан-узоқ дуо қилгач, деди: – Мабодо Гулюз имтиҳондан ўтолмай қолса, автобусга ўтиргизиб юборасан-да, телефон қиласан, акалари бекатда кутиб олишади... Гулюз, ҳамиша ёдингда тут: шайтонга, хизматкорига, яна унутмагинки, шайтоннинг соясига яқинлашмайсан.

Гулюз бошини лиқиллатди, Нафисанинг эса кулгиси қистади. Йўлда отасининг охириги гапини эслатган эди, қиз шундай жавоб айтди:

– Отам ёмон ишларни шайтон деб ҳисоблайди. Ёмонликка бошловчи одамларни унинг хизматкорлари дейди. Соя эса шайтоний ўй-хаёллар.

– Шунақа дегин. Эсимни таниганимдан бери отанг тоат-ибодатда, мачитдан бери келмайди, бу одам шайтон деганда кечаси юрадиган эчки туёқли, шер думли, мол шоҳли, олакўз мавжудотни тушунадими, дебман-а, ҳаммаси оддий экан-ку. Шунчаки рамзий.

– Йўқ, шунчаки эмас, Нафиса опа, гапларида жон бор.

– Гапларида жон бор, айтган нарсаларида эса йўқ. Ахир ҳеч ким шайтон, жин, арвоҳ, алвастиларни кўрмаган-ку. Биология китобида ҳам йўқ. Тагин бу гапларингни имтиҳонга бирга тайёрланадиган қизларга айтиб юрма, тушунгани тушунади, тушунмагани устингдан кулади. "Лунатик"ка ўхшаш антиқа-антиқа лақаб орттириб олма тагин.

Гулюз қишлоқилигича қолишдан қўрқарди.

– Нега айтаман? Айтмайман, – деди у.

– Фақат ўқишни ўйла, – таъкидлади Нафиса. – Ўқишга ўтиб олсанг, қолгани кейин бўлаверади.

## II

Ўйлаб боқса, ғалати одатлари кўп экан. Булар бир қарашда ирим-сиримларга ўхшаб кетади. Аслида эса қандайдир асослари бордек. Кечаси хуштак чалса, чақалоқлар вафот этади, қўлига таяниб ўтирган одамни бахтсизлик кутади, ювилган кийимни ўнг илса, эғасига ажал ёпишади... Шулар каби барча ҳодисалар, Гулюзнинг тасаввурича, ўз-ўзидан амалга ошмайди,

албатта. Кўзга кўринмас қандайдир кучлар ўз қонунларига зид иш қиладиган одамларни пойлаб туради.

Бироқ ҳеч қандай қонуниятга риоя қилмасдан ҳам эсон-омон яшаб юрганлар борлигига Гулюз авваллари ҳайрон эди. Энди эса ўзи ҳам отасидан олислаб борган сайин илоҳиёт дарсларидан қутулаётганини ҳис этди. Эркин ҳудудга кириб борарди гўё. Бунда ҳеч қандай ирим-сиримларга, инс-жинсларга эътибор бермай бемалол яшаш мумкин. "Иримларга риоя қилмай яшаш учун уларни унутиш керак, ишонмаса, жин ҳам урмайди", – деган фикр қизгинанинг эътиқод саройи эшигини қоқмоқда эди.

Нафиса уни университет ётоқхонасига жойлаштирар экан, "ўзингни шаҳарликлардай тут, мени шарманда қилма, дадил бўл, айниқса, отангнинг гапларини гапириб юрмагин", деб яна тайинлади.

Четдаги икки кишилик хонада Баҳор исмли қиз билан турадиган бўлди. Ҳамхонаси қийиқ кўз. шўх, аммо одобни жойига қўядиган ёқимтойгина эди. Ўтган йили худди шу университетдан йиқилиб, уйига кетган, Янги йил байрамидан сўнг шаҳарга қайтиб, кундузи тоғасининг цехида ишлаган, кечалари ўқишга тайёрланган экан Тоғаваччалари халақит бераверишгач, ётоқхонага кўчишга қарор қилибди, цехдаги ишини ҳам ташлабди.

– Ухлаб қолдингизми, Гулюз? – шивирлади у имтиҳондан бир кун аввал, ярим кечаси.

– Йўқ.

– Нима ҳақида ўйлаяпсиз?

– Имтиҳон ҳақида.

Баҳор турди шекилли, каравот гижирлади.

– Имтиҳон ҳақида ўйлаётганингизни биламан... Айтмоқчийдимки, имтиҳондан ўтиш учун нималарнидир хаёл қиლაётгандирсиз? Мисол учун, Хизр бобо пайдо бўлиб қолсаю ёрдам берса ёки ғойибдан фаришталар келиб, тўғри жавобларни шивирлаб айтиб турса...

– Мен... мен уларга ишонмайман, – деди Гулюз (Нафиса опасига берган ваъдаси таъсирида бу гап оғзидан чиқиб кетди).

– Вой, нега унақа дейсиз? Гуноҳдан қўрқмайдиганга ҳеч ҳам ўхшамайсиз-ку?



Гулюз секин бурилиб қараганида, ҳамхонаси ғалати тикилиб ўтирарди.

– Эрта гуришимиз керак; ухланг, – деб Гулюз яна деворга бурилиб ётди.

– Оддий одамларнинг арвоҳлари кечаси кезиб юришига ишонасизми ишқилиб?

– Қабр ҳаёти ҳақида эшитганман, отам намозхон... Айтишича, руҳлар тирикларнинг орасида кезиб юрмасмиш. Лекин... келинг, кечаси бунақа гаплардан гаплашмайлик.

– Шунақа демайсизми, Гулюз, "ким билан хонадош бўлиб қолдим", деб қўрқиб кетибман-а! Ишонч-эътиқодсиз одамларнинг касри бошқаларга ҳам уришини ойим кўп гапирадилар. Эртага имтиҳон, ҳеч кимни хафа қилмаслигимиз керак. ўтганларнинг руҳларини ҳам. Яхши тайёргарликнинг ўзи кифоя эмас. Ҳамма биздан рози бўлса, ишимиз беш, ўқишга ўтамиз.

Баҳор чуқур уқ тортиб қўйди, жойига ётмади. Гулюз унинг яна савол беришини сезди, истамаган ҳолда кута бошлади. Ва нечундир руҳониятдан савол эшитмоқликни кўнгли тусади. Адашмаса, илоҳиёт ва ирим-сиримлардан чала дарс олган ўздан беш багтар қизга дуч келган эди. Нафиса эса Гулюзнинг ҳамхонаси қандай қиз бўлишини билганиданми, огоҳлангиравериб оғзини бекорга оғритмаган эди.

– Гулюз, – шундай дея Баҳор тиззаларини қучоқлаб, қўнишиб ўтириб олди, – бир гап айтсам қўрқмайсизми? Уйғоқлигимга сабаб... сабаб шуки... хуллас, эртанги имтиҳон эмас... Ҳар доим ярим кечаси қулоғимга кимдир шивирлайди. Биласизми, ҳозир у нима деди...

– Ким?.. – дея бошини кўтарди Гулюз ва беихтиёр хона ичига қўз югуртирди.

– У.

– У деганингиз ким?

– Нега тушунмаганга оласиз? Қулоғимга шивирлаб уйғотди, кўзимни очсам, ҳеч ким йўқ... Демак, ким бўлади? Арвоҳ-да! Бу биринчи марта бўлаётгани йўқ. Мен ўзи шунақаман, ойим ҳам биледи.

– Ухланг, чарчабсиз, – деб Гулюз бошини ёстикқа ташлади.

Шу қызга ҳамхона бўлганидан афсусланиб, чойшабни алам билан тортган эди, яна Баҳорнинг овози эшитилди:

– Гул-юз... У сизни сўраяпти... Танишмоқчи. Жиддий айтаяпман, арвоҳ келганда, чўзилиб ётиш яхшимас.

Ахийри, Гулюз ҳамхонаси каби каравот қирғоғига ўтириб, сочини йиғиштирди.

– Илтимос, Баҳор, бунақа ҳазил қилманг.

– У хонада, – Баҳор дераза томонга қўрқа-писа имо қилди, – наҳотки, сезмаяпсиз? Ана, нариги бурчакка ўтди.

– Эртага имтиҳон...

– Ишонмасангиз қаранг, имтиҳон ташвишини қўйиб турсангиз-чи шундай пайтда, – пичирлади қиз. – Яхшилаб тикилинг... Э, қараш ҳам бефойда, қулоқ тутинг... Жим! У энди бу бурчакка ўтаяпти... Қулоқ солишдан кўра ҳис қилинг... ҳис... Вой ойижон, рўпарамда... Кучоқламоқчи...

Гулюз ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай анграйди. Ётоқхона ҳовлисидаги чироқ хонани хира ёритган, Баҳорнинг ранги девордек гезариб кўринарди.

– Вой-й. ойиж-ж-о-нн... -- қалтиради бояқини Баҳор.

Гулюз қўлт этиб ютинди.

– Ундан кўра эртага тест саволларининг жавобини айтса эди... – деди Баҳор.

– Нима?

– Бекордан-бекор кучоқлатадиган ким бор?!

– Нималар деяпсиз, Баҳор?

– У мени текин кучоқламоқчи! Арвоҳлар ҳам айёр бўларканда, а?.. Вой, шўрим курсин, уларда пул нима қилади?

– Баҳор, дедим... – Гулюз кўзларини катта-катта очди.

– Ваҳ-ҳаҳ-ҳа-а... – Шум қиз ўзини тиёлмай шарақлаб кулиб юборган эди, Гулюз нақадар кўпол ҳазил қурбони бўлганини англади. – Ишондингиз-а? Ишондингиз... Ишондингиз... – Қўлини бигиз қилиб куларди у. – Одам ҳам шунча содда бўладими?!

– Ҳозиргина "биздан рози бўлса, ишларимиз беш" демадингизми, Баҳор, бу нима қилганингиз? – Гулюз астойдил хафа бўлиб, тўшагига ётди-да, чойшабга кўмилиб олди.

Бирпасдан сўнг Баҳор ҳам ўрнига ётгани эшитилди.

– Ҳазиллашдим, – деди у. – Хафа бўлманг, илтимос... Жуда

ҳам шўхман!.. Жин-пинларга ишонишингизни Нафиса опадан эшитиб қолдим, сизга шаҳарда қандай юришни тушунтираётганда, арча орқасида китоб ўқиб ўтиргандим.

– Арча орқасида?

Гулюз сесканиб тушди. Ҳамхонаси "арча орқасида китоб ўқиб ўтиргандим" деганида кўз олдидан негадир тобутда ётган қиз лип этиб ўтди. У ўзи эдими, Баҳорми, билолмай қолди. Англагани шу эдики, гарчи кафанга ўралган бўлса-да, қиз тирик эди.

### III

Иккиси ҳам барвақт, аммо зўр-базўр уйғониб, чой ичишди. Томоқдан нон ўтмайдиган ҳаяжонли кун эди,

– Қанийди таппа ташлаб ўнгача ухласам, – деди Баҳор.  
– Эртароқ уйқу келмаганининг касри шу-да!

– Кечаси ёмон ҳазил қилдингиз, – деди Гулюз. – Бировга маслаҳат беришга ҳаққим йўқ, лекин сизга маслаҳатим – иккинчи унақа ҳазил қилманг. Ҳазиллашадиган мавзулар кўп-ку.

– Вой, оғзингизга нима бўлди? – Баҳорнинг қийиқ кўзлари ўйнаб кетди. – Учқуми? Бунчалик қўрқиб кетишингизни билмагандим, узр, минг бор узр. Ахир, шаҳарнинг ўртасидасиз, атроф тўла прожектор! Э-э, одамнинг ҳам шунчалик қўрқоғи бор экан-да!

Гулюз тобутни ўйлаб, кўнгли баттар хижил тортди. "Йўқ, тобут ичидаги мен эмасдим, – деди ўзига-ўзи. – Ким бўлса ҳам тирик эди. Юрак уришларини эшитдим, қовоғи ҳам хиёл учгандек туюлди... Қовоғи... У... У Баҳор эди-ку... Ҳа, қийиқ кўз Баҳор!.. Ишқилиб Худой сақласин уни..."

– Чойингизни ичинг, кечикмайлик, – деб Баҳор юзига нари-бери фотиҳа тортди. – Кийинай... Айтгандай, оқ кўйлагимни кийсам, нима дейсиз, Гулюз? Ярашадими ўзи?

Гулюз кўрқув билан тикилиб турарди.

– Бир-икки кийганман, ўзимга ёқмаган, – "пуф" дегандек қўл силкиб қўйди Баҳор, – худди оқ мато ёпинган мурдага ўхшаб қоламан! Куппа-қундузи университетдаги арвоҳ! – Шум қиз яна қаҳ-қаҳ уриб кулди. – Бунча довдирайсиз? Буларнинг ҳаммаси ҳазил-ку!.. Албатта кияман! Шу бугун! Ҳозироқ!.. Бу

ҳам тақиқланган мавзуми, Гулюз? Кечиринг мени. Кечадан бери негадир шунақа бўп қолдим.

Кўп ўтмай иккови ётоқхонадан шошилишчи чиқишди. Бугун 1 август! Имтиҳон тест усулида олингани важдан абитуриентлар, уларнинг яқинлари – ҳамма одам бир вақтда университет биносига мўр-малахдай бостириб келишган, аммо тартиб-интизомга ҳалдан ташқари киришиб кетган маъмурият, ҳатто, чивинни-да ўтказиб юбормасди. Икки қиз тўғри ўз гуруҳлари рақами ёзилган тахта тагига боришди. Милиция йўлакни тўсиб қўйди.

Фуқаролик кийимидаги махсус текширувчилар бино ичкарасида ҳам ҳар бир кишини назоратдан қочирмас, "шпаргалка" ишлатиш илинжидагилар кўзларини олазarak ўйнатиб, бир-бирига сирли бош чайқаб қўйишарди.

– Ҳой, оқ қўйлакли қиз, қўлингни чиқар парта тагидан, – деб назоратчилардан бири Баҳорнинг "шпаргалка"сини тортиб олди. – Яна кимда бор? Сендами? Сенда-чи?

Абитуриентлар гимирлаб қолишди. Ҳарқалай қўлга тушганларни кечиринди, шунда ҳам Баҳор тинчимас, аллақерларга яшириб қўйган бошқа қоғозларни олиб, саволларга жавоб топишда давом этарди. Гулюз эса бутунлай карахт ҳолда ўтирар, бўм-бўш эди мияси.

– Нега фойдаланмаяпсиз? – турткилади Баҳор бир соатлардан сўнг. – Ё тавба, хаёл суриб ўтирибсизми? Кечаги гапларни унутинг, арвоҳлар йўқ. Бор бўлса ҳам қулоғингизга тўғри жавобларни шивирламайди... Ҳой, эшитяпсизми?

Тест топшириш якунланди. Гулюз саволларнинг ярмига ҳам жавоб тополмади. Мактабда тузукроқ дарс ўтилмаганини эслаб ичида яниб қўйди.

Баҳорнинг эса оғзи қулоғида эди.

– Ўтдим! – деди у. – Икки ҳафтани кутиб ўтирмайман, бугуноқ уйдагилардан суюнчи оламан. Нега деганда, мана, дафтарларга қаранг, айнан шу жавобларни белгиладим... Ва тўғри белгилабман!

Гулюз каравот четида мунғайиб ўтирарди. Нафиса курсдошининг тўйига кетган, Баҳор ҳам бугун йўлга чиқмоқчи. Ётоқхонанинг чекка хонасида шу кеча Гулюз ёлғиз ётиши керак.

– Бир кунга қололмайсизми? – сўради у.

– Нега? – ажабланти Баҳор.

– Уйим узоқ, отам биратўла жавобини эшитиб келасан, деган. Унгача Нафиса опа билан туришим керак эди, бугун Бўқадаги дугонасининг тўйи. Келолмайди.

– Эшикни қулфлаб, бемалол ётаверинг.

– Қўрқаман... ётолмайман.

Баҳор ҳамхонасининг юз-кўзига тикилиб, ўлса ҳам ёлғиз қолмаслигини тушунди.

– Уйга ҳозир жўнамасам бўлмайди, йўл сизникидан ҳам олис, дугонажон. Бир кеча ётиб туришга бошқа хоналарда қизлар йўқмикан?

Гулюзнинг хўрлиги келиб, кўзлари пирпираб кетди. Бир зум ўйлаб кўргач, Баҳор деди:

– Вўҳ, зўр фикр келди. Тоғамнинг гилам цехи жойлашган бинода қизлар ётоғи бор, кетдикми? Ҳаммаси жуда меҳнаткаш, одобли, яхши қизлар! Айтгандай, тест жавоблари чиққунича ўзингиз ҳам цехда ишлаб турасиз. Тоғам кунлик ҳам ишлатади. Бир-икки кунда мен ҳам келаман, бўптими?

Гулюз ўша куни Баҳорга эргашиб шаҳар биқинидаги мавзеда жойлашган улкан бинога кириб борганида, худди қайтиб чиқолмайдигандек алланечук безовта ҳисларни туйди. Ичкаридаги усталар афт-ангорини чанг босган барзанги, совуқ нигоҳли, шубҳали кимсалар эди.

## ИККИНЧИ ДАЛИЛ

Аввал ваъда этилганидек, ушбу қиссадаги воқеани кимдан эшитганимни "Иккинчи далил"да баён этмоғим лозим эди, фурсат келганга ўхшайди. Баҳодир ака (фамилиясини сал кейинроқ қаламга олишга ижозат берасиз деган умидламан) ва мен ўша кеча оз-моз отиб олгандик. "Москвич" ҳайдовчисигина хушёр эди, шу вайдан туманли куз кечасида қабристондаги қизни илк бор у пайқали.

"Оғайнилар, – деди ҳаяжонли овозда, – кулбада кимдир бор!"

Баҳодир ака кулиб юбориб:

"Э, қабристонга охириги марта ўлик қўйилганига йигирма

беш йил бўлган, — деди. — Энг яқин қишлоқ ҳам йигирма беш чақирим нарида! Йигирма беш минг доллар берсангиз ҳам ярим кечаси тобутхонага биров келмайди. "Кимдир" нима қилади бу ерда?"

"Алдамаяпман! Аниқ кўрдим!" — деб ҳайдовчи чошиб, рулга ўтириб олди. — Кетдик!.. Бехосият жойга қаёқдан ҳам келиб қолдик, "знак"ни олиб ташлаганнинг падарига лаънат!"

"Ҳой, ким бор?" — эшикни тақиллатдим.

Шу пайт, астаффуруллоҳ, тобутхона эшиги гийқиллаб очилиб кетди ва бир қадам нарида шарпа кўринди. Бирдан ортга тисарилдим. Ёндиргич чироқчасини тутганимда, балоғатга етган гўзал бир қиз юпун оқ либосда дийдираб, айна дамда ўқрайиб қараб турарди...

Ўлик куёвдан келган совчилар ҳақида ундан эшитдим. Бу қиз ким эканлигини, кимсасиз дашт ўртасидаги қабристоннинг ташландиқ тобутхонасида ёлғиз нима қилаётганини "Учинчи далил"да ўқийсиз. Ҳозир навбат яна қиссага!

#### IV

Баҳорнинг тоғаси Мирзакамол ака инқирозга учраган корхона биносини сотиб олган бўлиб, гилам цехи мазкур бинонинг сўл қанотига вақтинча жойлаштирилган эди. Усталар ишлаётган йўлақлардан ўтишгач, ҳартугул яп-янги эшикка дуч келишди. Тақиллатишган эди, кимнингдир қадам товуши кулоққа чалинди. Кўлида чўмич ушлаган ошпаз аёл Баҳорга кўзи тушиши билан:

— Асалим, сенмисан? — деб жилмайди. — Ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб яна келдингми?.. Дугонанг ҳам бор экан-ку. Киринглар... Вой-ей, бунча чангитиб юборишибди.

Гулюз ёқимли ҳидлар сузиб юрган, осуда ва бутунлай озода, ўзга бинода пайдо бўлиб қолди. Ичкарилаб боргани сайин ширинсухан хотинларни, рўмол танғиб олган чаққон қизларни учратиб, кўнгли тоғдай кўтарилди. Мая исмли хотинни сўраб, дастгоҳлар ёнидан ўтишгач, иккинчи қаватга — қизлар ётоғига олиб чиқиладиган торгина зинапояга етдилар. Зинанинг ёнида, чап томондаги эшикда синган қулф осилиб ётарди.

— Бу нимаси, қизлар?! — Баҳор таққа тўхтади. — Тоғам "ҳеч

ким очмасин" деганди, ким кирди шарпахонага, ҳалиги... ҳовузхонага?

Мўндалоққина қиз шошилинич етиб келгач, елка қисди.

– Ярим кечаси шарақлаган овозни эшитдик.

– Шарақлаган овозни эшитдингларми? Шунда ҳам ҳеч ким қизиқмадимми? Ким у? Нимани шарақлатди? Ярим кечаси қизлар ётоғининг зинапоясига бало бор эканми? Наҳотки, Мая опа "ғиқ" этмаган бўлса?!

– Эшитган қизлар қоровул деб ўйлашибди. Мая опа эса хуррак отиб ётувди. Кейин усталар ишлаётган томонда ҳам тез-тез нимадир гурсиллаб, тарақлаб туради, эътибор бермаймиз.

– Ярим кечаси-я?!

Мўндалоқ қиз вақт масаласида жичча янглишгани важдан дув қизариб кетган эди, ярашиб тушди.

– Мая опага эрталаб гап орасида ўзим айтгандим, эшикдан бош суқиб, хуштак чалиб қўйди, холос. Кейин ҳаммамиз бир-бир қарадик, ўгирланадиган ҳеч нарса йўқ. Бўм-бўш зал, ҳовуз...

Баҳор қошларини чимириб, шарт бурилди-да, синиқ кулфни кўш ҳалқага илиб, Гулюзга имо қилди:

– Кетдик.

Иккинчи қаватдаги хоналар ҳам пастдагилар каби катта-катта, залсифат эди. Иккитаси таъмирланиб, вақтинчалик ётоқхонага айлантирилган экан.

Қирқ ёшлардан ошган, калта соч, қорамағиз аёл спортчилар кийимида пешвоз чиқди ва:

– Ҳа, бошоғриқ, тест топшириб бўлдингми? – деб ҳол сўрашди. – Бу ким? Қаердан?

– Дугонам... Мая опа, шарпахонани кечаси ким очди? Нега безътиборсизлар-а?

– Ўгирланадиган нима бор экан, оповси? Ҳовурларидан сал тушсинлар. Хўш, тест зўр бўлдими?

– Тоғам ҳеч ким очмасин, касофати уради, деган-ку. Мулла чақириб, қўй сўйдириб кейин ҳовузни буздирмоқчи бўлганди. Буни яхши биласиз.

– Менимча, якшанба куни мен йўғимда кундуз усталар иш билан кирган бўлса керак. "Армстронг"ларни қаерга қўйса экан, деб юришувди.

– "Армстронг"? Нима у?

– Шифтга қоқиладиган нарса. Қизлар дарров ваҳима қилишдими? Қўрқоқлар! Йўлак эшигини ҳар кеч ўзим маҳкамлайман, деразалар панжарали. Цехга мендан сўроқсиз пашша ҳам кирмайди. Бунинг ҳаммаси ўша чўпчакка ишониш. Уларнинг мишмишларига ишонадиган бўлсак, шарпахонада арвоҳ яшаркан, кечалари чироқ ўз-ўзидан ўчиб ёнаркан, кимдир ингрармиш. Томи кетганми буларнинг?!

– Усталардан бир огиз сўрамадингизми? Ахир ҳеч ким ҳеч нима қўймаган, бўм-бўш, қулф эса синиб ётибди.

– Сўрамаган бўлсак, сўраймиз, бунча ҳовлиқасан?! Шунга келганмидинг?

Баҳор уф тортиб, сумкасини бир четга қўйди-да, каравотга ўтирди. Қаровсиз ётган ҳайҳотдек хонанинг қулфи бузилиши шу қадар асабига тегиши Гулюзга эриш туюлди. Рост-да. Агар бирон кор-ҳол юз берганда қоровуллар, хўжалик ишлари бўйича масъуллар, қолаверса, Мая опанинг ўзи ҳам бамайлихотир юрмасди. Собиқ завод биноси жуда катта, бўш хоналар саноқсиз. Таъмирлаш ишлари кетаётган айни дамда ногаҳон бўш хоналардан бирининг қулфини синиқ ҳолда кўришса, кўп ҳам ажабланишмайди.

Бироқ пастдаги залнинг биргина ноодатий жиҳати – Баҳорнинг тоғаси эшикни очмасликни тайинлагани эди. Яъники, ўша хона билан боглиқ ростдан ҳам аллақандай машъум афсона бор ва унга корхона раҳбари, хусусан абитуриент жияни ҳам қаттиқ ишонарди.

– Дугонам тестнинг жавоби чиққунча шу ерда ётиб, цехда ишлаб туриши керак, – деди Баҳор. – Тоғамга айтмоқчи эдим, кўринмайди?

– Қўқонга кетган.

– Синган қулфдан ҳам билса бўлади тоғамнинг кетганини, – пичинг қилди Баҳор. Кейин Гулюздан сўради: – Қалай? Ёқдимми?

– Бўлади, – ийманибгина жавоб берди Гулюз.

– Уйга бориб келай, мен ҳам ишлайман. Сентябрга кофта-юбка, сумка оламан.

Бир қараса, одобли, меҳрибон, бир қараса, шўх, енгилтак



кўринадиган бу қиз Гулюзга ёқиб қолган эди. Муҳими, одамга беғараз фойдаси тегишда эмасми?

– Ўзингиз ҳал қилсангиз керак, Мая опа? – сўради Баҳор ўрнидан туриб.

– Кимларни олишим билан тоганг ҳозирча иш тутмаяпти. Бунни қара, жой йўқ эди-ю, эрталаб Холбуви дўхтирга тушиб қолди, ўшанинг жойида ишлаб туради.

– Холбувиги нима бўлди?

– Эрталаб рўмолини ечай демайди. Қишлоқдаги ҳашарчи қизларга ўхшаб огзига ниқоб қилиб олган. "Ҳа" десам, "огзим қийшайиб қолганга ўхшайди, бир томонга тортаяпти" деб йигламсиради. Дўхтирга олиб бордим. Асаблари чарчаган, тўрт-беш кун неврологияда ётади, деди. Тавба, бир марта асабийлашганини кўрмаганман, дардини ичига ютган-да, бояқиш. Лекин ёш қизда дард нима қилади, ҳайронман.

Гулюз Баҳорнинг ранги гезариб кетганини кўриб, дугонасидаги ногаҳоний ўзгаришларга яна ҳайрон қолди. Сўрашнинг мавриди эмас эди. Баҳор ҳам сўрашга имкон қолдирмай, шоша-пиша эшикка юрди.

– Йўлим узок, тезроқ жўнашим керак, – деди у.

## V

Эртасига Гулюз университет ётоқхонасига қўнғироқ қилиб, гилам цехи ётоғида яшаш азмини айтганда, Нафиса кўришга келди. Қишлоқдагилардан сир тутишни ўтинган эди, опа кифт учириб:

– Бунинг айби йўқ-ку, нега яшираяпсан? – деди. – Тест жавоблари яқинда чиқади, шунгача дугонамни тоғасининг цехида ишлаб тураман, де.

– Агар... – чайналди Гулюз. – Худо сақласин... ўқишдан йиқилсам, қишлоққа қайтиб кетмайман: Шу ерга жойлашиб оламан-да, келгуси йилгача кечқурунлари тайёрланаман. Биласиз, шаҳарда ишлаётганимни отам эшитса, ўша кунни акамларни жўнатади... Эрга бериб юборишади.

– Ҳа, майли. Тўғри айтасан. Отангни яхши биламан. Сени ўқишга юборгани қишлоқда дув-дув гап эмиш. Худди мўъжиза юз бергандай! Менимча, бу йил – биринчи ва охириги имкониятинг. Яхши ўйлабсан, барибир ўқишинг керак.

Ўқисанг, вақти-соати келиб, танлаган йигитингга турмушга чиқасан.

– Турмушни ўйлапманми, дарров одамни уялтирманг.

– Ўзинг айтаяпсан-ку, қишлоққа борсам эрга берворади деб. Кимга беради? Тўрт-беш йил аҳдлашиб юрганнинг борми? Насл-насаб дейди, ота-онасини таниймиз дейди. Гаплашмаган, чала таниш йигитга тегасан-кетасан! Кўп ўтмай қишлоқнинг кап-катта аёли бўлиб турибсан-да. Ўқишга ўтсанг эса ўзингнинг факультетингданми, бошқасиданми, кўнгил қўйган йигитлар чиқаверади. Билдирмасдан танлайсан, синовдан ўтказасан. Менга ўхшаб шаҳарда қоладиган қишлоқлик йигитдан топганинг маъкул. Иккови ҳам ўқиган, иккови ҳам ишлайдиган эр-хотинларга ҳамма ҳавас қилади, уларнинг фарзандлари ҳам ўқимишли бўлиб чиқади, қизларига ҳам обрўли жойлардан совчилар келади...

Бу гаплар Гулюзга мойдай ёққанини чақнаган кўзлари ошкор этди. Бўй қизларга ёқмайдими ширин келажак саслари? Бироқ шу он Нафиса гапидан тўхтаб, Гулюзнинг лабига қўл югуртирди.

– Учуқ чиқибдими? Нимадан кўрқдинг?

– Ҳеч нимадан... – ортга тисланди; арвоқ ҳақидаги гапга ишониб, юраги ёрилаёзганини сездириб қўйишдан номус қилди у. – Келиб-келиб шундай пайтда чиқибди. Тестни ўйлаганимдан... яхши ухлолмай...

– Қизиқ феълинг бор-да, Гулюз.

Усталарга кўзи тушган Нафиса остонада тўхтади ва бир оғиз ҳам гаплашмасликни қатъий тайинлади. Бу – деярли бутун эркак зоти билан гаплашмаслик хусусидаги фармон эди.

Баҳор уйдан қайтди. Нимадандир беҳаловат эканини пайқаш мушкул эмасди.

– Холбувининг аҳволи қандай? – дарҳол суриштирди Гулюздан.

Кеча онаси касалхонадан қизини чиқариб, эскича қилиш учун қишлоғига олиб кетгани кулогига талингандек бўлганди, шунга қарамай:

– Уни танимасам, ҳеч кимдан сўрамабман, – деб жавоб берди.

– Ўрнига вақтинча ишга ўтгансиз, бир оғиз ҳам сўрамадингизми?

Шу куни икки дугона ёнма-ён ётишди. Сухбат талаба бўлиш бахти ҳақида эди, албатта. Тун яримига бормай, бошқа қиз-жувонлар бирин-сирин ухлаб қолишди.

– Гул... Гулиш... – оҳиста туртди Баҳор. – Узр, яна беш минут ухлатмайман. Нега дейсизми? Ичимдагини айтмасам, ёрилиб ўламан... Ўттиз биринчи август куни ҳазиллашгандим...

– Ҳазиллашганингизни неча марта эслатдингиз... – кўзлари юмуқ, гўлдирали Гулюз.

– Лекин арвоқлар кезиб юришига чиндан ишонаман... Ишонмасдан ҳам иложим қолмади.

– Яна ўша гапми, Баҳор?

– Аҳмоқчилик қилганимга сабаб, сизнинг арвоқлару жинларга қаттиқ ишонишингиз эди... Кейин худди шу ердаги бир воқеани эслаб, университет ётоқхонасида ҳам томоша қўймоқчи бўлдим. Билган бўлсангиз керак, пастда, ҳовузхонада сирли воқеалар бўлган.

– Қандай воқеа? Булар "ўнинчи август", "сувга чўккан куёв", "ёр-ёр" дейишди... Янги бўлганим учун сўраёлмадим. – Гулюз кўзларини очди. – Шайитми?

– Шайит? Йўқ... Аммо одам ўлгани рост... Бир йигит ишхонасини тўйга айтишга келиб, залдаги ҳовузга йиқилиб тушган. Озроқ ичган экан, бахтга қарши атрофида ҳеч ким бўлмаган. Бечоранинг оёғи тўр симга илашиб қолган. Залдаги ҳовуз чўмиладиган жой эмас, заводнинг алламбало нарсалари ювиладиган ҳавза экан, шунинг учун ичида темир-терсак, тўр симлар ётган. Шўрликнинг ўлганини биронта ишчи билмай қолган. Қарашса, залда йигит кўринмаяпти. Уйига кетибди-да, деб эшикни кулфлаб қўйишган. Жамоа эртасига автобус буюртма қилиб, тўйга жўнаш арафасида турганида, тўй бўлаётган хонадон манзилини ҳеч ким аниқ билмаслиги маълум бўлган. Цех бошлиғи: "Ие, кеча бир қоғозга ёзиб берганди, буни қаранглар, қоғоз ҳовузхонага илинган коржоманинг чўнтагида қолибди", деган. Унинг шахсан ўзи шошилиб келганча, мана шу пастдаги хона эшигини очса, куёв йигит сув лабида хаёл суриб, **Ўтирганмиш, йисит, худди** бўйни қотиб қолгандай бошини қийинчилик билан **А НАВОСТЕНОМДАСИ** титроқ

қалтираб, буриб бошлиғига тикилибди. Уст-боши шалаббо, ранги қоғоздай оқ, лабларию қовоқлари кўм-кўк экан. Бежо қарашини, қип-қизил кўзларини кўриб, бошлиқнинг юрагида юрак қолмабди, бошқаларни ёрдамга чақиришга чопиб кетибди. Ҳаммалари келиб қарасалар, куёв сув тубида тўр симга илакишиб, ўлиб ётганмиш. "Ҳозиргина уни шу ерда кўрдим", деб бошлиқ йиғлаб қасам ича бошлабди. Дўхтирлар эса "кеча ўлган, шундан бери сувдан чиқарилмаган", дейишибди. Кейин ўша цех бошлигининг эси кирди-чиқди бўлиб қолган дейишади... Хуллас, ачинарли қисмат, ниҳоятда ачинарли.

— Цех бошлиғи йигитни тирик ҳолда кўргани аниқми? Буни қандай исботлаб берган? Балки кўзига кўрингандир? — уйқуси очилиб кетди Гулюзнинг.

— Ҳамма гап шунда-да, — шивирлади Баҳор. — куёв бир кун аввал чўкиб ўлган. Эртасига ҳовуз четида ўтирган, лаби кўқарган, ранги қоғоз, қизил кўз эса тирик одам эмас. арвоҳ бўлган.

— Арвоҳ?

— Ҳа. Цех бошлиғи йигитнинг арвоҳини биринчи бўлиб кўрганлардан, тушундингизми?

— Яна... ундан кейин ҳам кўрганлар борми?

— Бор. Ярим кечаси сув шалолашини қоровуллар кўп эшитишган. Бир неча марта чироқ ўз-ўзидан ўчиб-ёнганига гувоҳ бўлганлар бор. Ҳарҳолда кейинчалик бир оз тинчиб қолган. Завод инқирозга учраб, ёпилиб кетган. Шундан бери ҳар йили ўнинчи августда, айнан йигит ўлган кунини ҳовузхонадан мунгли йиғи эшитилади. Ёввойи мушук кириб қолган, дейишадию, мен ишонмайман. Бечора йигитнинг руҳи безовта бўлса керак, яна ким билади дейсиз? Ахир, у ўттизга кирган, тўй кунини ўн йил кутган экан. Армон у дунёда ҳам тинч қўймаётган бўлиши мумкин. ҳаётга тўймай кетган, орзу-ҳавас кўрмаган... Ётоқхонага негадир шу воқеа эсимга тушиб қолди. Мен ҳам тест кунини интизорлик билан бир йилдан бери кутаётгандим. Бекор қиллим-да, дугонажон. Ишонасизми, уйга боргандай ҳам бўлмадим, кечаси билан ухлаёлмай чиқдим, кўнглим гашлиги ҳалигача тарқамаяпти. Бемаъни ҳазил керак эдими ўзи! "Бурчакда кимдир бор" дедиму, хаёлимга ҳовузда ўлган йигит келаверди...

– Келинга нима бўлган? – Гулюзнинг уйқуси буткул ўчиб кетди.

– Қайси келин?

– Ўлган йигитнинг келинчаги. Фожиадан беҳабар, бечора "бугун тўйим" деб эрталабдан тайёргарлик кўргандир?

– Эҳ, нимасини сўрайсиз?! Келин бояқиш тонг-азондан кўзгу рўпарасига ўтирган, оқ либос кийишни шунчалик орзу қилган эканки, ҳаяжонли кун келганига ишоналмай хаёл суравериб-суравериб... кўзи бирпас илинган, шунда "Гулюз!" деб чақирган биров...

– Тавба, нега Гулюз?

– Вой, айтмаганимга қаранг. Йигитнинг исми Мавлон, келинники эса Гулюз экан, сизнинг адашингиз.

Қовоғи асабий учган Гулюз калима қайтарди ва каравотни гижирлатиб, тескари қараб ётиб олди.

– Нимадир дедингизми? – бошини кўтарди Баҳор. – Ухламоқчимисиз?.. Жудаям ачинарли, мудҳиш воқеа, а? Ҳар бандани Худонинг ўзи паноҳида асрасин.

– Кимдир чақиргандай туюлибдими унга?

– Келинчакками? Ҳа, у ҳам шундай деб ўйлабди. Кўзини очса, хона чироғи ўчган, деразаларга қалин парда тутилганидан нимқоронғи. Кўзгуга қарабди-ю, ўзини эмас, Мавлонни кўриб, чинқириб юборибди. Кўп ўтмай "куёв йўқ эмиш, кечаси келмабди", деган хабар эшитишибди. Бир фалокат бўлганини ҳамманинг кўнгли сезган, жудаям файзсиз, бехосият кун экан. Келин оқ кўйлакни ечишни ҳам, ечмасликни ҳам билмай ўтираверибди. Душманига ҳам раво кўрмайди одам бундай кунни. Тушга яқин мудҳиш хабар тарқалибди. Тўйга келган юзлаб одамлар куёвнинг жанозасида иштирок этишибди.

– Келин нима қилибди?

– Нега бунча келинга қизиқиб қолдингиз? Нима ҳам қиларди? Қон-қон йиғлаган, уйдан бир неча ой чиқмаган. Бир куни ота-онаси тенгини топиб, узатворишган. Бола-чақали бўлиб кетгандир.

Нафақат цех ётоқхонасига, заводнинг хувиллаган биносига, балки бутун шаҳарга сукунат чўккан эди.

– Тестнинг жавоби шу ҳафта эълон қилинмасмикан? –

сўради Гулюз оғир жимликни бузиб дугонаси томон ўгириларкан.

– Ўнинчидан кейин-ку, – деди Баҳор.

– Эртароқ эълон қилишса эди...

– Ишқилиб цехдан кетиш ташвишига тушиб қолмадингизми?

– Йўқ... Худо хоҳласа, ўқишга ўтсам, албатта уйга бориб келаман... Сентябрга яқин қайтаман. Уйимиздан узоқда бунчалик кўп юрмагандим.

– Қўрқдингиз-а? Эрталаб лабингиздан яна учуқ чиқиб кетмасин... – Баҳор шифтга тикилиб ётди. – Тўғрисини айтсам, дардимни фақат сизга ёргим келди.

Гулюз унинг афт-ангорига ҳайрон бўлиб кўз ташлади.

– Тушунмадим, бу сизнинг дардингиз эмас-ку?

– Тўғри, дардим эмас, лекин кўнглим ёмон гаш. Шунинг учунми, бу воқеа дардимга ўхшаяпти. Кечадан буён худди биров таъқиб қилаётгандек туюлади. Ишонасизми. Гулюз, пастдаги хонанинг қулфи ўттиз биринчи июль кечаси, айнан сизга кўпол ҳазил қилган вақтимда синган. Бунга нима дейсиз? Демак, йигитнинг арвоҳи мендан норози, мени деб безовта бўлган у.

– Худди шунақа эканлигини қандай билдингиз? Тавба денг... Бунга ишонмайман.

– Қулфга бир қарашдаёқ кўнглим сездим. Уйга борганимдан сўнг ҳар томонлама ўйлаб кўрдим.

– Арвоҳ қулфни синдириб, ташқарига чиққан демоқчимисиз? Қулф эшик сиртида бўлса! Игнанинг тешигидай жойдан ҳам, кинолардагидай девор орасидан ҳам ўта олар экан, нега қулфни синдиради?

– Тириклар шундай ўйлайди, Гулюз. У эса нима қилиб бўлса ҳам ўзига жуфт қидираётганга ўхшайди, шунинг учун эшикни очиб қўйган. Икковимиз ҳам қиз боламиз. Чимилдиқ кўрмаган, ҳаётга тўймаган, жуда-жуда яшагиси келаётган йигит...

Шу пайт биринчи қаватнинг қайсидир олис йўлагидаги мрамор полга темир қопқоқ жаранглаб тушди.

То қопқоқ муқим жой олгунча даранг-дурунг қилиб ўйнаб турди, сўнгра олам яна ўлик сукунатга чўмди.

– ... жуда-жуда яшагиси келаётган, "ёр-ёр" билан чимилдиққа киргиси...

Гулюз чидаёлмай қулоғини маҳкам бекитиб олди.

– Илтимос, Баҳор, бу ҳақда гапирманг. Ухлайлик.

Шундан сўнг Баҳор узр сўради-да, чойшабни бошдан-оёқ ёпиниб, жимиб қолди. Қайсидир каравотдан қизлардан бирининг: "Нима-а у?" – деган уйқусираган овози эшитилди, аммо ҳеч ким жавоб бермади.

## VI

Ҳар кунги иш бошланди. Гулюз дугонасининг восвос гапларидан юрак олдириб қўйган эди. Ошпаз хотиннинг меҳрибончилигию Мая опанинг дадиллигидан қувватланиб, мудҳиш фожиа ва безовта руҳ хотиридан бир оз кўтарилган кечки пайт Баҳор яна нағмасини бошлади:

– Қулф ўз-ўзидан синиб кетмагандир? – деди у ҳаммага қарата. – Текшириб кўрдим, пичоқ билан кесилгандай банди узилган. Бунинг устига кечаси қаердадир темир нарса жаранглади.

– Ҳалиям шарпахонангнинг ташвишида юрибсанми? – қулумсиради ошпаз хотин. – Бу юришингда ўнинчи август куни ҳамманинг юрагини ёрасан. Қулфни мен синдирганман. Бир тортгандим, узилиб қолди. Кечаси жаранглаган нарса эса кастрюльканинг қопқоғи эди. Дераза рахида омонатгина турганди, тушиб кетибди.

– Ўз-ўзидан тушиб кетмас?

– Омон-тгина турган нарса нега тушиб кетмайди? Тушадилда.

Баҳсинг устига Мая опа келиб қолди.

– Хўжайин ўнинчи августгача ушланиб қоларкан, – деди у бош силтаб, ваҳоланки пешонасига соч тушмаган эди. – Ўша куни қўй сўйиб, қон чиқарар эканлар. Бизга топшириқ – қўй сўйишдан олдин ҳовузхонани супуриб, тозалаб қўйиш. Мулла дуоибад ўқишга кирганда, атрофнинг ифлослигидан кўнгли айнимасин...

Қизлар баравар кулиб юборишди.

– Кулгили гапми? – кўзлари чақчайиб кетди Мая опанинг.

– "Дуоибад" дегани яхши гап эмас, опа, – Гулюз кўз ёшларини артди.

– Устимдан кулишни бас қилинглар, – Мая опа ҳаммага аланг-жаланг боқди. – Нима дегани у? Фарқи борми?

– Дуо ўқиб, балои қазога гирифтор қилиш дегани. Дуоибаддан ёмони йўқ, қарғиш ҳам йўлда қолиб кетади.

– Ҳу палакат, – деб қўйди Мая опа ўзига-ўзи.

– Бундай нарсаларни Гулюз жуда яхши билади, – деди мўндалоқ қиз, – чунки отаси қишлоқ мулласи. Арвоҳлару муллалар билан гаплаша оладиган нафаси ўткир мулла!

– Ҳовузxonангизга ҳеч ким кирмайди, Мая, – кастрюлька қопқогини тарақлатиб ёпди ошпаз хотин, – ўзингиз тозалайсиз. Нега дейсизми? Асалимдан сўранг, Баҳоройимдан.

– Тушунмадим.

– Ҳовузга чўкиб ўлган йигитнинг арвоҳи кечаси билан бинода изғиб юради, ўзига қайлиқ ахтараяпти, деб қизларнинг юрагини ёраяпти. Шундан сўнг қайси қиз ҳовузхонага киради? Тавба қилдим, ҳеч бири арвоҳга турмушга чиқмоқчи эмас.

– Баҳор, – деди Мая опа, – эскичага мен ҳам оз-моз ишонаман, қўй сўйиб қон чиқарилса, ишимизга барака киради. Арвоҳ-парвоҳингни эса йиғиштир! Менинг ҳам жонимга тегиб кетган шунақа гапларинг! Тезроқ ўқишга ўтиб, институтингга даф бўлсанг, яхши эди. Қара, арвоҳингнинг... э, астафтурулло-е, ҳалиги... ўртоғингнинг лабига чиққан учуқ ҳалиям кетгани йўқ. Арвоҳга ишонади, деб мулланинг қизини роса қўрқитган кўринасан. Агар Холбуви бўлганида ажалидан беш кун бурун ўлдирардинг.

Фақат чекка-чеккадаги қизларгина оғзини бекитиб кулган бўлишдию тўсатдан жиддий тортиб қолишди. Холбувининг оғзи қийшайиб қолишининг асл сабаби ошкор бўлган эди, гўё.

### **УЧИНЧИ ДАЛИЛ**

Қиссанинг шу жойида "учинчи далил"га тўхталиб ўтсак. Дашт ўртасидаги ташландиқ қабристон тобутхонасида ярим кечада дуч келганимиз ўша қиз ўн саккиз ёшларда эди.



Чироқчадан кўзлари қамашмагани янада кўрқинчли кўрсатди уни, тилим калимага келмай қолди.

"Кимсиз?" — деб сўрадим титраб.

"Гулюзман", — кўрс жавоб эшитилди.

"Гулюз... Мозоротда нима қиялпсиз?.. Ёр... ёрдам керакми?"

Баҳодир ака сал нарида қотиб турарди.

"Кетдик... Кетдик бу ердан... — деди у. — Юрсангиз-чи... "

"Нега кетар эканмиз? Қизни шу ерга ташлаб-а?!"

Шунда қиз тобутхонада ёлғиз қолишдан чўчиган каби илкис қадам ташладию очиқ ҳавога чиққан заҳоти кўзларининг қораси қочиб, шилқ этиб қумли тупроққа йиқилди. Баҳодир ака иккимиз машинагача кўтариб бордик. Бадани совиб қолган бўлса-да, томири уриб турарди. Йўлда ҳушига келди. Ўтиниб сўрагани шу бўлди:

"Илтмос, қабристонга қайтаринглар... "

"Нега?.. У ерда нима қиласиз? Бошқа ҳеч ким йўқ эди-ку!"

"Аллақачон тупроқ бўлганман... "

"Яқин орада шифохона борми?" — сўрадим ҳайдовчидан.

Гарчи ҳайдовчи билан ошна бўлиб қолган бўлсак-да, жаҳл аралаш тўнғиллади. Билдимки, дашт ўртасида бемаъни савол бермаслигим керак. Қизнинг бадани баттар совиб борарди.

"Ўзингиз билан катта гуноҳни олиб кетиб, барака топаман, десангиз, хато устига... — Қизнинг тили зўрға айланди. — ... хато қиласиз, ака... Қабристонга қайтаринг... қайтаринг, илтмос... "

"Нималар бўлганини айтсин, гаплари бунча совуқ? — Баҳодир ака сигарета тутатди. — "Мистика, мистика" дердингиз, дўстим, мана сизга тирик арвоҳ!.. Шу қиз ҳақида ёзинг энди".

"Майли... Қабристонга қандай келиб қолганимни айтишим мумкин, — деди қиз, — лекин бир оғизлик гап эмас... Тобутхонага борайлик, айтаман... ҳаммасини... "

"Бутун бошли достон, шундайми?" — нафратомиз гап қотди Баҳодир ака ортига ўгирилиб.

"Ҳа, ака... "

"Айтмадимми! Ахир, кўҳна қабристоннинг ўртасидаги чордеворда ярим кечаси тимирскаланиб юрган қизнинг қандай қилиб қисқача тарихи бўлиши мумкин?! Ҳеч ҳам ишонмаган

бўлардим! Бу ерда зўр ишқий саргузашт бор! Узу-ун саргузашт..."

Шу пайт қизнинг бадани лўқ-лўқ қила бошлади. "Нима бўлаяпти унга" деб афт-ангорига қараганим он кўзлари ёввойи мушукникидек чақнаб кетди. Машина суюнчигига беихтиёр тисланиб, қизни қўйиб юбордим. Унга шу керак экан: пайтдан фойдаланиб, "Москвич" эшигини очди-да, кўз очиб-юмгунча ғойиб бўлди. Оқ ҳарир қўйлагининг этаги ҳавода бир силтанганини кўришга улгурдим, холос. Бахтимизга машина асфальтда эмас, зулмат чўкиб ётган даштнинг тупроқ йўлида эди.

"Тўхтатинг!" — ҳайқирдим ҳайдовчига.

Тормоз босилди, Баҳодир ака шошганидан сигаретини шимиға тушириб юбориб, чўғни жон-жаҳди ила полға қоқиб тушира бошлади...

Маъзур тутишларингизни сўраб, шу ерда "Учинчи далил"га нуқта қўйсам-да, яна қиссага — Гулюз. Баҳор ва ҳовузда чўкиб ўлган йигит кечмишига қайтсам. Ўнинчи августда шаҳарда содир бўлмиш воқеа дашт йўлида ўзини машинадан ташлаган қиз тақдири билан чамбарчас боғлиқ эди. "Нафақат чамбарчас боғлиқ, бу ўша Гулюзнинг худди ўзи-ку!" дейсизми? Йўқ-йўқ, шошилманг. Даҳшатли воқеа қуйидагича бошланган...

## VII

Шундай қилиб, шанба куни Мая опа қарсагини чалиб, қиз-жувонларни атрофига тўплади.

— Бугун қўй сўйилишини ҳамма билади-я? — деди тамшаниб.  
— Хўжайин шанба куни мулла чақириб, қўй сўйдиради, биз у ёқ-бу ёқни тозалаймиз, дегандим. Қани, ҳамма супурги, челақларни олсин... Фарида, Соҳиба, Роза опа йўлакка! Меҳринисо, сен ойналарни артасан. Баҳор... Баҳор деяпман! Гулюз, Нодира билан марҳамат қилиб, ҳовузхонага сув сепиб, яхшилаб супуринглар! Огоҳлантириб қўяй, агар кимда-ким арвоҳ-парвоҳ деган гап чиқарса, қатъий чора кўраман. Ахир ҳаммамиз замонавий, тушунган, тарбияли оилалардан чиққанмиз. Дунёдан ўтганлар ҳақида "вой дод, шу атрофда кезиб юрибди", деб беҳурматлик қилмайлик, ёмон бўлади.

— Ёмон бўлиш ҳам гапми?! — дейишди бир неча жувон бош

ликиллашиб. Улар Баҳорга масхараомиз, айна дамда норизо қараб қўйишди.

Баҳор супургини юлқиб олди-да, ҳовузхонага жўнади. Ортидан Нодира эргашди. Гулюз ҳам ноилож одимлади. Ҳовузхона эшиги ланг очиқ, икки рус уста жўмакларни бураб, ҳовузга сув оқизиб ўтиришарди. Қизларга кўз ташлаб, елка қисиб қўйишди.

– "Уборка"ми? – сўради бири.

– Ҳа, – деди Баҳор. – Бугун маърака қилинади, қўй сўйилади. Хабарларингиз йўқми?

– Яхши. – Қўлларини артди улардан бири. – Эшитган. Лекин эсдан чиққан... Сизга бир илтимос, сув ярим соат оқсин, кейин бураб ўчириш керак.

Уч қиз ишга тушиб кетишди. Йўлакда ишлаётганлар баланд овозда ҳазил-хузул қилишар, кулишар, челақлар тарақлар, аммо ҳовузхонадагиларнинг кайфияти йўқ эди. Мая опа эшикдан қараб:

– Ҳорманглар! – деди кулумсираб. – Нега товушларинг чиқмайди?.. Ие, сув очиқми?

– Усталар очиб кетишди.

– Усталарнинг орасида янги бола пайдо бўлиб қолибди, сочи жингалак? Ўшами? Боя мендан ҳовузхонани сўрагани.

– Қанақа янги бола? – деди Баҳор. – Ўрис усталар эди... – Шундай деб жўмакка қарадию бурнини жийирди. – Оқизган сувлари курсин, зангми, бўёқми?

Мая опа ҳовуз ёнига келиб, эринмай томоша қилиб турди. Бирпасда сарғиш тусга кирган сувга Гулюз ҳам кўз ташлади. Эсизгина, ҳозиргина тип-тиниқ эди-я.

– Усталарга айтиш керак, – тишини ковлади Мая опа, – қаердадир қувур-пувури ёрилди, шекилли.

Баҳорнинг кайфияти сония сайин тушгандан-тушиб борарди. Супургини ташлади-да, эшик томон юрди.

– Айтасанми? – ортидан хитоб қилди Мая опа.

– Доримни ичиб келаман. Сув билан нима ишим бор!

Нодира ҳам унинг ортидан эргашган эди, Мая опа койиб берди:

– Нега думга ўхшаб эргашаверасан-а? Ундан кўра айт, дугонанга нима бўлган? Қанақа дори ичяпти?

Нодира эшик олдида елка қисиб, бир нафас турди-да, шошилганча чиқиб кетди.

– Гулюз, сен ҳам ҳеч нарса билмайсанми? Кўнгли бекорга айнимаса керак? Тинчликми ишқилиб? Дугона деган бунақа бўлмайди-да.

Худди келишиб олингандек шу пайт йўлакда Баҳорнинг кучаниб ўқчигани эшитилди, томоғига нимадир чуқурроқ тикилди, нафаси бўғилиб, ўлар ҳолатда йўталди. Ҳамма унинг атрофига тўпланиб, ҳол-аҳвол сўрай бошлади.

– Ҳовузхонада сув оқаяпти эканми? Кир, ювиниб ол, – деди бир жувон.

Ранги бўздай оқарган Баҳор унга маъносиз қараб қўйди. Кейин сўнги кучини тўплаб, қаддини ростлади, гандираклар кетган эди, Нодира суяб қолди. Ювиниш хонасига олиб кетишаётганида, атрофдан пичинглар эшитилди:

– Ҳовузхонада арвоҳ бор, деб бекорга айтмаган экан-да, каранг. Гулюз билан Нодирага жин ҳам урмаган. бунга эса касри тегибди!

– Бўлар-бўлмас гапларни гапиравермаслик керак-да!

– Нима бўлганини Гулюз биледи. сўрайлик-чи...

Қўлини белига тираб турган Мая опа койиб берди:

– Ҳамма ўз ишини бажарсин! Минғир-минғирни бас қилинглр!.. Ҳой, Сора, полтаёғинг билан латтанг қани? Тозала, анавини.

– Менми? Вой, Мая опа, ҳақорат қиляпсизми? Ҳозиргина ҳамма ўз ишини бажарсин, дедингиз-ку! Нега бировнинг қусуғини тозаларканман?

– Бўлмаса, ким тозалайди?! – тутуни чиқди Мая опанинг.

– Бир соатдан кейин мулла келади, хўжайин ҳам! Агар...

– Бўлди-бўлди! Яқин дугоналарига айтинг. Мен... узр, Мая опа, барибир тозаламайман.

– Узрингни пишириб е, айирмачи! Ҳали кўрасан... Ҳой, Нодира! Ие, қани у? Баҳор билан ювиниш хонасидами, дейман?.. Ҳе, қиз бола бўлмай кетинглр! Бир-биридан шум булар!..

Мая опа алам билан атрофига кўз югуртирди. Баайни ҳозир ҳовузхонада арвоҳ борлигига Баҳор ишонмаган бўлса-да,

дугонаси ногаҳон ўзини ёмон ҳис этиб қолганидан ажиб бир маъно кўрди.

Тириklarнинг ҳам, ўликларнинг ҳам устидан кулиш яхши эмасди. Балки кўнгли айниб юрганига бошқа важ бордир, аммо дунё ишларидан сабоқ олурлик изларни кўриш ҳам анчайин хосиятли эди.

– Мен, опа... – деди Баҳор бош ирғаб. – ... Мен тозалайман.

– Бор экансан-ку. Ана, полтаёқ билан латта. Сора, бер.

Гулюз тоза сув олиб келиши керак эди, ювиниш хонасига эндигина жўнамоқчи бўлганди, Мая опа очик эшикдан ҳовузхонага кўз ташлаб, деди:

– Занг ҳам тугаб, сув тиниқлашибди, шу ердан ола қол.

Дарвоқе, бир зумда шунчалар зилол, шарқироқ сувга айланган эдики, Гулюз сеҳрлангандек ҳовуз ёнида бир зум анграйиб туриб қолди. Кейин ҳовузнинг бетон қирғоғига чиқиб, жўмракка яқинлашди. Муздай эди у. Қониб-қониб ичгиси келарди кишининг.

Айни дамда Гулюз ортида кимдир турганини ҳис этди.

– Бунча тиниқ, қаранг... – деб ўгирилдию ҳеч кимни кўрмади.

Йўлакдагилар ҳам ўз ишларига шўнғиган, на бировининг сояси кўринар, на овози эшитиларди; сувнинг шовиллашидан бўлак шовқин йўқ, ташқи олам сукутга чўмган эди, гўё. Шу пайт ҳовуз тубида нимадир типирчиландек туюлди. Гулюз тикилдию занг сувнинг билқ-билқ этганини, икки-уч бор пуфакчалар чиққанини кўрди. Назарида сал аввалроқ ҳовузхонага кимдир кирган эди ва сувга йиқилиб, ҳозир ўзини ўнглаёлмай ётарди.

– Ҳей-й... бу ёққа!.. – деди Гулюз, аммо овози бўғздан отилиб чиқмади, қандайдир бўғиқ, заиф, бегона эди. Ёнига бир қадам ташлади, аммо оёғи тойиб, мувозанатни йўқотди. У жўмракдан ушлаб қолиши ҳам мумкин эди, афсуски, фаррошнинг челаги халақит берди: сўнгги дамда челақ ҳовузнинг бетон қирғоғига урилиб, дангирлаб, нариги томонга отилиб кетаётганини кўрди, ўзи эса... бор бўйи ила кесилган дарахт каби хосиятсиз ҳовузнинг ўртасига учиб борди, сочлари ёйилиб, кўзлари олайиб, қўллари ҳаводан тинимсиз тутқич излаб йиқилди у.

## VIII

Жон ҳолатда сакраб турмоқчи эди, ҳовуз тубидаги панжарага оёғи кириб қолди. Оғриқдан инграб юборган эди, оғзи-бурнига сув кириб, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди. Жон ширин, типирчилади-типирчилади... Ва лекин барибир халос бўлолмади. Шу ерда, шу бугун ажалим етибди-да, деган ўй ўтди хаёлидан. Агар оёққа туrolганида эди, сузишни билмаса ҳам тирик қоларди. Негаки, ҳовуз чуқурлиги бўйидан баланд эмас.

Сўнги лаҳзаларда худди шу ерда оёғи панжарага тикилиб, тўйидан бир кун аввал аянчли ўлим топган куёв йигитни ўйлади. Бехосият жой деганлари рост экан-да...

Энди у ҳам лаънатланган ҳовузга чўкиб ўладими? Нега йигитнинг шум қисмати бошига тушмоқда? Исми Гулюз эканлиги учунми? Ҳа, жувонмарг куёвнинг ёри ҳам Гулюз исмли қиз эди. Бироқ исми монанд келса, айби нима? Шу туфайли гулдай умри хазон бўлиб кетаверса, бу оламнинг таянч нуқтаси ҳисобланмиш адолат тарозиси қайда қолади?

"Бугун ўнинчи август, фалокат бўлган кун, Баҳор минг марта айтди-я, — хаёлидан яшин тезлигида шу ўй ўтди Гулюзнинг. — Ҳовузхонага ёлғиз кирдим, ақалли битта дугонам бўлганида одамларни ёрдамга чақирарди!.. Онамнинг ҳоли нима кечади? Отам-ку намозхон, ўлимимдан келган азиятга китобларидан таскин топиб олаверади... Онам эса... Эҳ, бечора онам... "

Қиз адои тамом бўлганини англаб етди. Оёғини панжарадан чиқариб ололганда эди... Ана, икки қарич юқорида ҳаёт ёришиб, тўлқинланиб турибди. Оёғи синиб кетса ҳам, яна бир оз уринганида, ҳаводан ҳўпларди, ютоқиб нафас оларди...

Охир-оқибат, Гулюзнинг бўғзидан ғарқиллаб ҳаво чиқиб, ўпкаси сувга тўлдию жон аччиғида типирчилади, кейин эса дунёни зулмат босди.

— Гулюз, кўзингизни очинг, — деган овоз эшитилди. — Гулюз... Гу-ул... ю... з-з...

Овоз олислашиб кетди, аммо зум ўтмай қовоқларини зўр-базўр кўтарди. Кўзларида сув ҳалқаланиб турар, бошидаги одам рўёдек кўринар эди.

– Одамни кўрқитиб юбордингиз, индамаса шугина ҳовузга ҳам чўкиб ўлардингиз, – деди йигит.

Гулюзнинг кўзлари пирпиради, кейин энгашиб турган йигитни аниқроқ кўрди: майин жилмаймоқда эди у.

– Салом, – деди ва негадир елка қисиб қўйди йигит.

Гулюз ўрнидан тураётиб, яна ўқчиди, бу сафар қолган-қутган сув эмас, зардоб отилиб чиқди. Оёққа туриш учун таянч керак эди, ҳовузнинг бетон қиргоғига суюниб, қаддини кўтармоққа уринганди:

– Ҳей-ҳей, – дея йигит тирсагидан тутди, – яна ҳовузга тушмоқчимисиз? Зўрға қутқариб қолдим! Ўлиб кетишингиз мумкин эди-я!

– Кимсиз?.. Қочинг...

– Нариги дунёдаман, деб ўйлаяпсиз шекилли?

– Қўйинг... Қизлар қани? Мая опа... Улар...

Йигит атрофга аланглади. Шунда Гулюз бир қарашдаёқ ўзини мафтун айлаган халоскорига зимдан қараб қўйди. У ҳам бошдан-оёқ шалаббо эди, сочлари ҳилвираб осилиб қолган бўлса-да, аслида жингалак эканлигини пайқаш мушкул эмасди. Кўзларида қувноқлик, шўхлик, чексиз масрурлик жо-бажо эканлиги кишини ҳаммасидан ҳам ҳайратга соларди. Ўлим чангалидан ҳозиргина халос бўлган эса-да, Гулюз тирик қолганлик ҳақида эмас, шу кўзлар ҳақида ўйлади. Бундай ҳаётбахш кўзларни у умрида илк бор учратиши эди-да ахир.

"Дунёда яхши йигитлар ҳам бор", – деди хаёлан. Кейин эса юз берган ҳодисадан бениҳоя хижолат чекиб, қаёққа қочишни билмай қунишганча панароқ жой, тўғрироғи, ўтириб йиғлашга гўша ахтарди.

– Хонангиз иккинчи қаватдами? – сўради йигит. – Юринг, чиқариб қўяман. Балки дўхтир чақиршим керакдир?

– Йўқ, ўзим... – Гулюз ноилож зал эшиги томон юрди. – Илтимос, эргашманг... ўзим...

Шоша-пиша эшикка яқинлашаркан, ҳаяжон ва қўрқув хуружида ўз аҳволига заррача эътибор бермагани ёдига тушди. Оқсоқланишга мажбур этаётган шилинган оёқ, уст-бошига ёпишган узун-узун пўпанаклар, этагида судралиб келаётган яшил иплар тўсатдан таққа тўхтатди уни. Шартта ортига ўтирилганида йигит ҳамон жилмайиб турарди. Гулюз даҳшат

ичра эшик томон бурилди: ўлик сукунат ҳукм сураб, бир неча дақиқа бурун Баҳорнинг ҳолини гийбат қилиб, йўлакни тозалаётган гиламчи қиз-жувонларнинг инқ этган садоси-да эшитилмасди.

Гулюз йўлакка мўраладию ҳовузхонага икки-уч қадам қайтиб кирди.

– Менга нимадир бўлган... нимадир... – Баданини пайпаслади у. – Мен ўлдимми?.. Ўлдимми?! Арвоҳманми мен?.. Йўқ, энажон... Йўқ...

У залнинг ўртасида хосиятсиз ажал домидек турган ҳовуз лабига ярадор оёғини судраб, шошиб келди-да, сувга қаради, ҳеч қанақа ўликни кўрмади.

Йигит жўмрак қулоғини бураб, шалдирашни тўхтатди-да, қиздан жимгина кўз узолмай турди.

– Мая опа айтган бўлса керак, мен янги ходимман, – деди юпанч берувчи меҳрибон товушда. – Исмин Норбек. Устаман.

Дарвоқе, Мая опа "усталарнинг орасида янги бола пайдо бўлиб қолибди, сочи жингалак", деганди (оддий уста бўлса ҳам зийрак экан, Гулюзнинг исмини дарҳол билиб олганини).

– Исмингизни билганимга ажаблანаяпсизми? – Бу гал у оппоқ тишларини кўрсатиб кулумсиради. – Баҳор билан йўлакда турганингизда ойна орқасидан кузатдим... Кўрдингизми, дугонангизнинг исмини ҳам биламан. Чунки қулоғим жуда яхши эшитади.

– Бугун ўнинчи август...

Сув тинганига қарамай йигит жўмрак қулоғини куч билан буради. Қизнинг кўзларига қарамай сўради:

– Ўнинчи август? Фалати оҳангда айтдингиз, нимадир нишонланадиган кунми?

– Худди шу бугун ҳовузга Мавлон деган йигит чўкиб ўлган, – деди Гулюз. – Тўйига бир кун қолган экан... Эртасига унинг арвоҳи мана шу бетон устида хаёл суриб ўтирганини кўрган ҳамкасби жиннихонага тушган, билдингизми?

– Айтмоқчисизки... – тикилди Норбек.

– Бугун бехосият кун! Келиб-келиб шу маҳалда, йигит ўлган кунда, айнан ўша соат, ўша дақиқада сувга йиқилиб тушдим.

– Вақтни аниқ билишни қадрларкансиз. Лекин гапингиздан шундай маъно келиб чиқяпти: бугун ҳам кимдир ўлиши керак.



– Шунақа, – ниҳоят Гулюз ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

Норбек тирсагидан тутди ва эшик сари етаклади.

– Жудаям иримчи қиз экансиз. Иримчи ҳам деб бўлмайди, турган-битганингиз восвос... Агар озгина ўйлаб кўрганингизда эди, йил давомида бирон кун йўқки, инсоният тарихида одам ўлмаган бўлса! Масалан, бугун, яъни ўнинчи августда минг-минг йиллар давомида кимлар вафот этмаган экан-а? Биров оловда ёнган, кимнидир найза билан ўлдиришган, менга ўхшаганларни эса...

Гулюз бундай гапларга тоқат қиладиган ҳолатда эмасди, кўлини тортиб олиб, ювиниш хонаси томон қочди. Ташлаб кетилган полтаёқ, супурги, челақлар ваҳимали туюларди кишига. Ахир, одамларнинг бирдан гойиб бўлиб қолиши кимни ваҳимага солмаган?!

Ювиниш хонасида ҳам тирик жон кўринмади. Эшикни ичкаридан тамбалаб, душга кирди. Илиққина сув тагида бир оз тургач, оёқларидан мадор кетиб, деворга суянди, сўнг беҳолгина тиз букиб, ўтириб қолди. Бир неча сония ўтди, дақиқами, билмади. қўққисдан кимдир эшикка гурс этиб урилди, қаҳқаҳ уриб кулиб юборди. Гулюз даҳшат ичра эшик тутқичига тикилди, кулаётган аёл бор кучи билан тутқични паства босар, аммо очолмас, баттар куч берарди кўлига.

– Нега очилмаяпти?! – қичқирди у. – Ҳой, ким бор?.. Вой, ичкарида ҳеч ким йўқ эди-ку, кимни чақиряпман!

Кўп ўтмай қулфнинг бардоши тугаб, эшик шарақлаб очилди ва Мая опанинг кулгидан қизарган юзи кўринди. У Гулюзни кўриб, бир лаҳза қотиб қолди, сўнгра йўлакдагиларни чақирди. Гилам тўқувчилар туртиниб-суртиниб кириб келишганида, Гулюз вошиллаб тушаётган сув тагида тиззаларини кучиб, дийдираб ўтирарди.

– Душда кийимлари билан ўтирибдими? – деди қизлардан бири кўрқув аралаш. – Унга нима бўлган? Тинчликми?

– Бугун икки дугона биз билан кўпол ҳазил қиляпти, – деб ошпаз тикилинчда ўзига йўл топиб, йўлакка чиқиб кетди.

– Ҳа, буларни жин урибди, – деди Мая опа ва огзига тўлдириб, сув олди-да, чайқади.

IX

Инқирозга учраган корхонанинг қаровсиз биносини сотиб олган бизнесмен, яъни Баҳорнинг тоғаси мулла билан бирга келди. У улуғ режалари ҳақида гапириб, бу ерда гилам цеҳи вақтинча фаолият юритаётганини қистириб ўтди. Зеро, бинода йигирмага яқин эркак усталар таъмирлаш ишлари олиб бораётган айни дамда сўл қанотда қиз-жувонлар гилам тўқиётгани, кечалари шу ердаги ётоқхонада тунаётгани мулланинг олдида хижолатпазликка важ бўлиши мумкин эди.

– Куёв йигит ўлган хонани кўрсатинг, – деди мулла бизнесменнинг гапи тугагини сабрсизлик билан кутгач.

Эркаклар ҳовузхонага кирган дамда Гулюз иккинчи қаватдаги ётоқхонада, каравоти ёнида кийимларини алмаштирмақда эди. Оёқ териси шилинганини айтмаса, унга ҳеч нима қилмагани ҳисоб. Шунинг учун бўлса керак, ҳовузга йиқилиб тушгани ҳақида гиламчи қизлардан бошқа ҳеч ким эшитмади.

Гулюз иш билан кирган Мая опалан Баҳорни сўради.

– Поликлиникага олиб кетишди, дедим-ку. Ёмон нарса еб қўйганга ўхшайди. Кўнгли айниб, қайт қилганда нима хаёлларга бормабман-а!.. Оёғинг оғрияптими?

– Йўқ... Мая опа, усталар шу ердами?

– Шу ерда. Жўмакни сен бурадингми? Роса маҳкамлаб ташлабди, дейишди. Хўжайин билан мулла ҳам келишди. Нима касофат бўлса, ҳаммасини ўқиб ташлайди, роса-а дами ўткир мулла экан... Айтгандай, ҳовузга йиқилиб тушганингдан хўжайин беҳабар, сен ҳам айтмай қўя қол, хўпми? Эшитса, бизга гап тегаети, ҳовузга йиқилиб тушиш тугул, ҳовузхонага ҳам ҳеч ким кирмасин, деб тайинлаганини қоровул ҳозир айтиб ўтирибди. Нега унда хўжалик мудирини бизга супуриб-сидиринглар деди, ҳайронман. Булар арвоҳдан жуда кўрқинчар экан-а? Ҳаммаси бўлмагур сафсата... Қани энди, тур, биз ҳам фотиҳага қўл очайлик...

Улар биринчи қаватга тушиб, йўлакда турган қиз-жувонлар сафига қўшилишди. Очиқ эшикдан ҳовузхонадаги эркаклар кўриниб турарди. Гулюз ўлимдан халос этган уста йигитни ахтариб эркаклар қаторига бир қур кўз югуртирди, аммо

ичкаридагилар гўёки бир хил қиёфа касб этишган, Норбекни топиш мушкул эди.

– Аёллар эшикнинг олдида турмасин, – деди хўжайиннинг ёрдамчиси Мая опанинг ёнига оёқ учида келиб, – цехда фотиҳа қилсаларингиз ҳам ҳисобга ўтаверади.

Шу пайт мулла қад ростлаган эди, ўзига ярашиқ соқолли юзи эркаклар орасида ялт этиб кўзга ташланди. Ўткир нигоҳи аёлларга қадалганини кўрган хўжайин ёрдамчисининг капалаги учиб кетди.

– Айтдим-ку, тез... тез жўнанглар!..

Бироқ у биринчи гапини ҳам, кейингисини ҳам залнинг ўртасидаги мулла эшитмайдиган тарзда салкам пичирлаб гапирганди, Мая опа силтаб ташлади:

– Нега ҳовлиқасиз? Аёллар одам эмасми? Дуони эшитиб, шу ерда омин қиламиз.

Бу пайтда мулла аёллар томон юрди, ҳамма, хусусан корхона хўжайини ҳам гап нимадалигига тушунолмай ҳайрон қараб қолди.

Ҳақиқатан, мулла бир қарашдаёқ нафаси ўткирлиги сезиладиган алланечук сирли шахс эди. Чувак юзига ингичка қора соқоли ярашган, кўзларида ўлимлик фалсафаси зуҳурланар, тикилиброқ қараган одам "эрта-индин мен ҳам ўламан, лекин нариги дунёдан сизчалик хабардор эмасман, гуноҳларимдан қутқаринг, гўримда илонларга ем бўлишни истамайман", деб оёғига йиқилиб ёлворгиси келарди.

У негадир ҳавони ҳидлагандек туюлди Гулюзга. Бу ҳолни бошқа аёллар ҳам сезиб, муллага янада қизиқиш ва ҳайрат билан боқишди.

– Ораларингиздан ким ҳовузга тушиб чиқди? – сўради мулла.

Мая опа сесканиб, ўз ходимасига қаради, Гулюз ҳам бейхитёр қалқиб тушди, мулла:

– Сизми, қизим? – деб Гулюзга мурожаат этди.

– Дарров ким чақа қолди-я? – шивирлади Мая опа.

– Ҳеч ким чаққани йўқ, – гапни оғзидан олди мулла. – Бу қизимиз ҳовуздан узук топган, ўлган кувёнинг никоҳ узугини. Илтимос, қайтариб беринг, у хосият келтирмайди, айтмоқчиманки, буюрмайди.

– Мен?.. – Гулюзнинг ранги бир зумда оқариб кетди.

"Бўлган воқеа каминага аён" деган маъно мулланинг кўзига балқиб чиқди. "Бу қандай тухмат, шунча одамнинг олдида... шармисорлик..." – деди Гулюз ўзига-ўзи. Бироқ Мая опа биллагидан тутиб, бармоғидаги узукни суғуриб олишга уринаётганда, шўрлик Гулюз чинқириб юбораёзди. Ё алҳазар, бармоғида саргиш никоҳ узуги ярақламоқда эди. Кўзсиз, қалин, ярқироқ тилла узукни илк бор кўриб туриши! Боя гарангсиб эътибор бермаганига дол эди у. Наҳотки, марҳум йигитнинг никоҳ узуги бўлса?!

Узук ҳадеганда чиқавермали, шунда мулла тасбеҳ доналарини ширқ-ширқ ўткази бошлади, лаблари бетиним пичирлади. Бир неча сония шу тариқ кутгач, деди:

-- Қийнаманг... Майли, қачон ечилса, ўшанда қайтариб беради.

У зал ўртасидаги ҳовуз олдига қайтди. Худойига сўйилган қўйнинг қони шекилли, Гулюз полда қон изларини кўриб, қўнгли беҳузур бўлди. Бунинг устига корхона хўжайини ғазаб билан, киирик қоқмай кузатиб турарди уни.

Мулла жойига ўтирганда, хўжайиннинг юзида сохта бўлса-да, ҳарқалай табассум жилва қилгани кўпчиликка таскин берди. Тез орада жимликни бузиб, мулланинг қироат билан ўқиётган сураси майин сузиб, дилларни сархуш айлади, чўкиб ўлган йигитнинг аламзада руҳини-да аллалади, эҳтимол. Ўлим ҳолисасида бундан ортиқ малҳам йўқ эди ўлганларга ҳам, қолганларга ҳам.

Гулюз эса бош эгиб, ҳадеб чиранар, ҳеч кимга сездирмай узукни суғуриб олишга уринарди. Қанийди чиқа қолса! Тортқилашдан наф йўқлигини англаса-да, ён-верига ўгринча боқиб, мақсад-бемақсад нажот ахтарди. "Бу ерда барибир узукни чиқаришнинг иложи йўқ".

Шу лаҳзада у кимдир кузатиб турганини сезди. Ҳа, ҳозиргина ён томонига қараб қўйганида, орқароқда, йўлак муюлишида биров тикилаётгандек туюлди. Ўгирилди... ўгирилдию Норбекни кўриб, бир муддат оғиз очганча қотди. Сўнгра миясидан юз ўй-хаёлни ўтказиб бош эгди, бу ўй-хаёллар бир хил мазмунда эди: "Тураверсамми? Орқага тисланиб чиқсам-

чи? Ортиқ чидолмайман... Булар чақириб қолса-чи?.. Йўқ, кетдим..."

У журъат ва таваккал далдаси билан секин тисланиб, ошпаз хотинга туртиниб кетди, кейин яна бир қизга урилди, ҳеч ким ундан "қаёққа?" деб сўрамади.

– Бунга қаранг, – Гулюз йигитга узукни кўрсатди, – туҳматга қолдим. Мен... мен ҳовуздан топиб олиб, таққан эмишман...

– Илтимос, эшитайлик, – зорланди йигит ўқиладган сураларга қулоқ тутиб.

– Майли, эшитинг... Лекин... мабодо сиз тақмадингизми?

– Нимани?

– Узукни.

– Буними? Ҳа, мен тақдим, – деди Норбек.

Гулюз тошиб келган йигини ичига ютиб чопиб кетди ва бир зумда йўлак охирига етди, йигит ҳам ноилож эргашди.

– Каллангиз жойидами?! – Гулюз шарт ўгирилди-да, халоскорига тўлиб-тошиб гапира бошлади. – Нега тақасиз?.. Бунинг учун... бунинг учун уларга ўзингиз жавоб берасиз!.. Ундан кўра қутқармаганингиз яхши эди... Ҳозироқ бориб ҳамманинг олдида айтинг...

– Демак, сизнинг узугингиз эмас экан-да?

– Албатта, меники эмас! Нима, турмуш қурган, деб ўйладингизми?

– Мен ҳам шунга ҳайрон бўлдим, қошларингиз терилмаган... – деди йигит.

– Уятсиз!

Норбек қизнинг шаънига тегадиган қандай гап оғзидан чиққанига тушунолмай елка қисди.

– Кечирасиз, нега уятсиз эканман? – сўради у.

– Ўйлаб гапиринг-да!..

– Шундоқ ҳам сизни деб шу ерга келдим, – кўзлари пирпиради йигитнинг. – Нега ўйламай гапирар эканман?

– Мени деб шу ерга келдингизми? Бўлди, етар! Қутқарганингиз учун раҳмат!.. – Гулюз яна бир уринган эди, узук бармоғидан сирғалиб чиқиб кетди. – Мана! Хоҳласангиз муллага беринг, хоҳласангиз олган жойингизга отиб юборинг!.. Энди хайр!

– Қайси маънода тушундингиз? Муллани тинглаш ўрнига,

шу ерга, йўлак охирига келдим, деяпман. Сизни кўриш учун корхонага ишга ўтдим, демадим чоғи? Жуда ҳам биқик муҳитда ўсган гул экансиз. Куёш нурини кўриш учун мен қанча азоб чекканман, сиз эса...

Норбек узукни маҳкам қисиб, йўлак муюлишида кўздан йўқолди. Йўлакда, қиз-жувонлар орғида туриб, дуога қўл очдими ёки эркаклар ўтирган ҳовузхонага кирдими, Гулюз кўрмади.

## Х

Мулла узукни қайтиб сўрамади. Қизлардан бири ҳовузга йиқилиб тушганини, бармоғига марҳумнинг никоҳ узугини таққан қизни сезиб қолган мулла ҳақида корхонада дув-дув гап тарқалди. Узукни кўрмоқчи бўлганларга Гулюз йўлакда содир бўлган воқеани айтиб бериб қутулди.

– Мени ишдан бўшатиб, – деди Мая опага. – Тест эълон қилинишга ҳам кам қолди.

– Бўпти, нима ҳам дейман. Ҳовузга чўкиб, бошимизни балога қўймаганинг учун катта раҳмат! Ишқилиб бошинг тошдан бўлсин, бундан кейин эҳтиёткорликни унутма!

Телефон қилган эди, университет ётоқхонаси қоровули Нафисани чақириб беришга рози бўлди. Бир фалокатдан омон қолганини эшитган Нафиса гўшакни тарақлатиб қўйди ва ярим соатда корхонага етиб келди.

– Кўзингга қараб юрмайсанми?! – деди жиғибийрони чиқиб. – Гилам цехда ётиб ишлайман, деганингдаёқ кўнглим сезганди. Менга осонми отангдан сиригни яшириш? Худо кўрсатмасин, агар ўлиб-пўлиб қолганингда, мениам тортиб кетардинг нариги дунёга...

У Гулюзни университет ётоқхонасидаги ўз хонасига олиб келди. Душанба кунини тест жавоблари эълон қилиниши ҳақида мишмишлар юрарди, талаба қизлар икки кеча полдаги гилам устига жой қилиб беришди.

Тест ҳақидаги мишмишлар рост чиқди. Одамлар университет биносини чумоли уясига айлангириб юборишди. Нафиса ҳамқишлоғини эргаштириб, тўдани ёриб, эълонлар тахтасига яқинлашди. Ҳаяжондан бўлса керак, жавварди:

– Ҳозир... ҳозир... Насиб қилган бўлса, бугун байрам! Хў-

ўш... Мана! Э, йўқ, бу бошқа. Номерингнинг боши ўшар экан.

Гулюз сон-саноқсиз рақамларга қараб, ўз рақамини тополмаслигига кўзи етган кўйи анграйиб турарди. Билардики, ҳозир ҳаётидаги муҳим воқеа юз беради...

– Кетдик, – Нафиса кўлидан тортиб, бир четга чиқарди, кўзларида ачиниш зоҳир эди.

– Ўтолмабсан, Гулюз, хафа бўлма, – деди Нафиса. – Мен ҳам биринчи йил йиқилганман. Кўряпсан-ку, ҳаш-паш деганча ўқишни ҳам тугатдим. Бир йил ўтади-кетади, худо хоҳласа, келгуси йил...

Гулюзнинг кўзларидан икки томчи ёш думалади. Юзини четга буриб, елкаси силкинганча йиғлаб юборди. Қишлоғига бош эгиб қайтадимиз? Отаси ҳеч қачон ўқишга жўнатмайди. Унинг бошига ҳам опаларининг қисмати тушади: бир йилга қолмай эрга беришади, кейин эса бу шаҳарни, қачонки бедаво дардга чалинса, ўлими олдидан даволатишга олиб келишгандагина кўради. Балки абитуриентликнинг унутилмас лаҳзаларини, Баҳорнинг арвоҳ ҳақидаги ҳазилини, тест натижалари чиққунча гилам цехда ишлайман деб, ҳовузга йиқилиб тушганини, Норбек қутқариб қолганини эслар, балки ҳеч нарсани эсламас...

Шу лаҳзада Гулюз яна йигитнинг нигоҳини ҳис этди, худди мулла келган шанба кўнидагидек. Боғ йўлагига назар ташладию ростдан ҳам Норбекка кўзи тушди. Ё тавба, у сап-сариқ гулдаста кўтариб, кулумсираб турар, қилт этмас, гўёки атрофида ҳеч зоғ йўқ эди. Гулюз бетон ариқчадан беихтиёр ҳатлаб, Норбекка яқинлашди. Йигит жилмайган кўйи гулдастани тутди.

– Табриклайман, Гулюз!

– Йиқилдим...

– Йиқилганингиз учун табриклаётганим йўқ, – деди Норбек. Унинг нигоҳида болалик беғуборлиги, бўз йигитларга хос андиша, ошиқлар интизорлиги, шу билан бирга қандайдир мунг ҳам мужассам эди.

Гулюз "Хафа бўлманг, гулингизни ололмайман", деб ортига қаради. Йигит билан гаплашиб турганини Нафиса кўрса нима дер экан? Қандай ришта тортди ўзи уни бу ерга? Гўё шаҳарга

университет талабаси бўлиш учун имтиҳон топширишга эмас, Норбек билан танишишга келгандек айбдор сизди ўзини.

— Лекин сиз барибир шу университетда ўқийсиз, — деди Норбек.

— Қаёқдан биласиз?

Йигитнинг тубсиз уммонлар мавжланиб турган кўзи қаттиқ тикилганди қизга.

— Умидингизга қулоқ солинг, — деди Норбек.

Гулюз нима дейишни, қаёққа юришни билмасди. Вужудида ажиб илиқлик уйғонган қиз хушёқим ҳисларидан узилолмасди. Унинг бахтига, танишлари билан тўлиб-тошиб гаплашаётган Нафиса йигит-қизлар орасига сингиб кетди.

— Юринг, — деди йигит гулдастасини қўлдан қўймай. — Чеккароққа чиқсак, дегандим. Анави хиёбон менга кўп нарсаларни эслатапти. Ҳаяжонли, унутилмас кун-а, Гулюз? — Қиз илўнга тилсимлангандек эргашди унга. Йигит сўзлади: — Табриклаганимга ҳайрўн бўлдингизми? Имтиҳоннинг жавоби чиққан кун ҳам бир байрам. Йиқилган-йиқилмаганларнинг ҳаммаси кейинчалик тест жавоблари кунини ширин хотираларга кўмилиб, эслашади. Тест олинаётган кунлари университет томонларга йўли тушса, энтикади одам.

— Сиз ҳам топширганмисиз?

— Мен ўқишни ёқтирмасдим. Хатоим кўп.

Университет рўпарасидаги кичик хиёбонга ўтишди. Бу ерда ҳам туманот одам ўриндиқлар банд эди. Бироқ улар яқинлашган заҳоти четдаги бўшади. Отасидан, акаларидан қаттиқ кўрққан қиз, айрим тасодифларни ҳисобламаганда, йигит зотига ҳамроҳ бўлмаганди. Энди кечагина цехда танишган нотаниш йигит дардкаши, боз устига гул кўтариб изидан келган... Гулюз ҳозир шу ҳақда ўйлаб, шаҳардаги гўшаларда жуфтликлар сирлашиб ўтиришини тушунгандек бўлди. Бу кўз-кўз учун эмас, кўнгил эҳтиёжи экан. Юрагига қил сифмаётган чоғда кутилмаганда Норбекнинг ёнида алланечук овутилгандек ҳис этди ўзини.

— Тестдан ўтолмаганингиз учун бунчалик хафа бўлиш яхшимас, — деди Норбек. — Ҳаётдаги бошқа имтиҳонлардан



ўтаяпсиз-ку, шунинг ўзи энг яхши баҳо. Наҳотки, гулдастамни олмасангиз?

– Йўқ, Норбек ака, тўғри тушунинг.

– Гулларимнинг айби нима?

– Ҳаётдаги бошқа имтиҳонлардан ўтаяпсиз, дейсиз. Отам бундай юрганимни имтиҳон қилса, ўтолмайман. Гулларингизнинг ҳам айби йўқ.

– Отангиз қайси ёмон ишингиз учун имтиҳонидан ўтказмаган бўларди?

– Йигитлар билан гаплашишни қатъиян тақиқлаган.

Норбек кулиб юборган эди, гулдаста силтаниб, сариқ барглardan бири тўкилди. Ингичка, заиф кулги Гулюзнинг кулогига чалинганек туюлди.

– Мен учун ўтказмаган бўлармиди?

– Ҳа, – деди Гулюз.

– Мен нима ёмонлик қилдим?

– Четдан қараб, нотўғри хулоса чиқаришади.

– Отангиз қишлоқ мулласими?

– Мен ҳақимда сўраб-суриштирибсиз-да? Ўлимдан қутқарганингиз учун сариқ гуллар кўтариб юрибсизми ё бунинг ҳам бошқа маъноси борми?

– Ўлимдан? Сиз ўлим ҳақида нималарнидир биласизми? – пешонасида чизиқлар кўринди Норбекнинг.

– Ҳовузда ўлиб қолишим мумкин эди, агар сиз қутқармаганингизда...

– Бундан чиқди, сиз ҳам ўшанақа экансиз-да?

– Қанақа?

– Сариқни айрилиқ рамзи деб ҳисоблайдиган, ўлимга ўхшатадиган.

– Йўқ...

– Агар сариқ ранг айрилиқ келтирганида, ҳеч ким сариққа яқинлашмасди. Масалан, сариқ машиналар, сариқ кўйлақлар, сариқ китоблар. Биласизми, Гулюз, ҳув анави светофордаги сариқ ранг огоҳлантириш маъносини англатади. Сариқдан кейин ё қизил, ё яшил чироқ ёнади.

– Ҳм, – деди Гулюз мутелик билан.

– Гулдастам... ростини айтсам, худди светофор чироғидек. Қайта изоҳлаб ўтиришимга ҳожат бормикан?

– Ҳм-м... – Гулюз бош силкиди.

– Гулдастам сиз учун ё қизил, ё яшил йўл пайдо бўлишидан дарак беради, Гулюз. Қайси бирини танлайсиз?

Йигитнинг нима демоқчилиги кундай равшан эди. Жингалак сочлари ногоҳоний эпкинда ҳилпирагандек туюлди, лаблари жилмайди, сезилар-сезилмас кулгичлари ҳам бор экан. "Бир-биримизни тушундик, демак, бахтлигимиз" – шу маъно акс этарди Норбекнинг чеҳрасида. Йигитлар бундай одобли, ёқимтой, ширинсухан бўлишини Гулюз кутмаган эди. Улар қизлар каби одам, қизлар каби яхшилик истайдиган хилқат экан-ку. Нега қишлоқда, ҳеч бўлмаса, синфдош йигитлар билан яйраб гаплашиб юришига отаси, акалари қўймайдилар. Қолаверса, бегона йигит ва бегона қиз дўст ёки ака-сингил тутиниши мумкин. Бунинг нимаси ёмон? Мабодо ошиқ-маъшуқ бўлишса-ю, бир-бирининг қўлидан ҳам ушламаса ва совчиларга розилик берилгачина турмуш куришса, жиноят нимада?

-- Олинг, гулларим хафа бўлмасин, – деди Норбек.

Гулюз энди таклифни рад этолмасди.

– Дўстлик учун бўлса майли. – Гулдасталар жон киргандек яшнаб кетди қизнинг қучоғида.

– Шаҳарга биринчи марта келишингизми?

– Отамнинг мулла эканини биларкансиз, бундан ҳам хабардор чиқарсиз?

– Ҳа, дарвоқе... – бош эгди йигит. – Кўп нарсадан хабарим бор.

– Менинг эса ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

– Нега сиз ҳамиша ўзингизни паст тутасиз? – сўради Норбек.

– "Билмайман", "йиқилдим", "қўрқаман..."

– Қўрқаман, демадим-ку.

– Кўзларингиз айтиб турибди... – Тўсатдан йигитнинг нигоҳида хавотир учқунлари ўйнади. Юраги ногоҳон чимиллаб санчиганга ўхшади. – Гулюз, мен ҳақимда қандай фикрдасиз, буни ҳам биламан, лекин... шуни хоҳлайманки, ҳозир сўрайдиганимни... илтимосимни... утинчимни ўлдирманг.

– Сўранг-чи, кўрамиз, – кўзларини олиб қочди қиз.

– Шаҳарда қолинг, Мирзакамол аканинг цехида ишланг.

– Нима? – Гулюз илкис бош кўтарди. Норбек юракдан

эзилиб ўтингани шуми? "Сизни севаман", "совчи юбораман" деган гапларни кутгани, чунки қанчалик тиришмасин, бу йигит ака-сингиллик ёки дўстлик учун келганига ўзини ишонтиролмади.

— Мирзакамол аканинг цехида ишланг, — ҳазин оҳангда такрорлади Норбек. — Ишга ўтишингизга Баҳор ёрдам беради. Ўтиниб сўрайман. Мени... мени ҳозирги аҳволимдан фақат сиз халос эта оласиз. Боя ҳам айтдим, албатта шу университетда ўқийсиз, менга ишонинг. Бир умр цехда қолмоқчи эмассиз-ку, тўғрими? Мен эса умрбод қолиб кетишим ҳеч гапмас... — Ҳақиқатан йигитнинг юраги санчди шекилли, кўксини ушлаб, кўзларини юмди. — Яхши қизсиз... Сиздай қиз топилишини билардим... Тақдир менга сўнги марта имконият берди. Илтимос, цех биносига боринг, қишлоғингизга кетиб қолманг.

— Тушунмадим, — хавотирланди Гулюз.

— Шоиртабиатроқман, кўрқманг. — йигит чеҳрасини зўрма-зўраки очди. — Ёмон маънода таклиф этмаяпман.

— Нега умрбод қолиб кетасиз? Кимдан қутқаришим керак?

— Бу ҳозирча сир.

— Баҳорнинг тоғасиданми?

Қиз саволлар берган сайин ўртадаги пардани унутиб, йигитнинг эски танишига айланиб бораётганини сезмасди.

— Ҳозирча буни тушунмайсиз, Гулюз, — бош чайқади йигит.

— Мен онамнинг яккаю ёлғиз ўғли эдим, эрка ўсдим, ичадиган одатим бор эди... Ҳозир ичмайман ҳам, чекмайман ҳам... Баҳорнинг тоғаси зўр одам, унинг умуман алоқаси йўқ... Қоласизми? Бир йигит сиз тасаввур ҳам қилолмайдиган жойдан келиб, ёрдам сўраб турганида, имонли қиз қандай ҳам йўқ десин! Шундайми?

— Уйдагиларим шаҳарда бир кун ҳам қолдирмайди.

— Уларга ростини айтинг.

— Ёлғон айтсам ҳам қолишим даргумон.

— Бир қарорга келишингиз ўзингизга боғлиқ. Илтимос, қишлоғингизга кетманг! Сиздан абадий миннатдор бўлардим.

Хиёбон ёнига машиналар тўпланди. Светофорнинг яшил чироғи қайта ёнгунча сукут чўкди ўртага.

— Сиз қаердансиз ўзи? — деди Гулюз.

– Гулсаройдан.

– Гулсараой дедингизми? Қаерда у?

– Гулсараой эмас, Гулсарой, яъни гуллар саройи. Тошкентга яқин. Бир кун борасиз қишлоғимга.

Йигит маъноли нигоҳ қадади.

– Нафиса опам ахтараётгандир, – ўрнидан турди Гулюз, – кета қолай. Гул учун раҳмат!

– Гулни олиб, қўлимни қайтармаганингиз учун сизга ҳам раҳмат! Биз бир-биримизга керакмиз. Цехда кутаман, Гулюз.

– Балки... Ҳозир менга жуда ҳам ишониб қолманг. – У илк бор йигитга очиқ сўзлагани учунми, худди қучоғига ўзини топшираётгандек бадани жимирлаб кетди.

Қиз аниқ жавоб айтмаган эса-да, йигитнинг ўтинч оловини сўндирмади. Давлат тестидан ўтолмаганини эшитган отасидан шаҳарда яна бир йил қолишни сўраш бефойда эди. Падар ҳукми Гулюз уйдан чиқаётгандаёқ ўқилган ва у минг йиллик тошбитик сингари ўзгармас эди.

Иккиси ҳозирча айро тушишди. Гулюз хиёбон этагига етгач, университет дарвозасида кимнидир қийқириб қучган қизни кўрди. Қиз шунчалар бахтиёр эдики, бир сония ҳам тинч турмас, гоҳ чапак чалса, гоҳ эчкидек сакрар, рақс ҳам тушарди. Анграйиб қолган Гулюз бир неча киприк қоққулик фурсат ўтибгина уни таниди: "Баҳор!"

– Салом, Гулюз! – қучоқ очди у. – Табрикланг! Ўқишга ўтдим!.. Сиз-чи?! Вой, йиқилдингизми? Нега-а-а?..

– Бўлмади... – Гулюзнинг кўзларида ёш ҳалқаланди.

– Вой-й, йиғламанг, балки рақамларингиздан адашгандирсиз? Яхшилаб қарадингизми?

– Қарадим...

Улар жимгина қучоқлашдилар. Шу пайт:

– Жиннимисиз? – деб ортига тисарилди Баҳор. – Шаҳарда сариқ гулдаста кўтармайди ҳеч ким! Қаердан олдингиз?

Нафиса ахтариб юрган экан, йиғлаётган Гулюзни кўриб койиб берди:

– Нега йиғлайсан? Йиғлама! Шуни ҳам энди катта фожиа деб ўйлаяпсанми? Билиминг етмаган бўлса, келгуси йилгача тайёрланасан!.. Ие, нега сариқ гулдаста кўтариб юрибсан? Ташла-е!

Нафиса гулдастани юлиб олиб, чиқинди қутисига улоқтирди.

– Отамни биласиз-ку, Нафиса опа... – ҳиқиллади Гулюз.  
– Янаги йилгача ўқишга тайёрланишимга рухсат бермайди.

– Отанг тушунмаса, ўзим тушунтираман, – юпатган бўлди Нафиса. – Яхшиси, ёлғонни қўшиб-чатамиз! Ўқишга ўтди, деб алдаймиз қишлоқни. Битта шартим, кейинги сафар албатта ўтасан! Мени ёлғончи қилиб қўймайсан! Хўпми? Шундоқ ҳам сени деб кўп ёлғончи бўлаяпман. Фақат йиғлама! Йиғиштир кўз ёшингни!

– Мана, "шпаргалка"ларнинг фойдаси! – деди Баҳор қувлик ила ял-ял ёниб. – Ўтган йили йиқилиб, кўзим мошдай очилди! Нега одам ҳамма нарсани тўғрилиқча ҳал қилиши шарт, деб ўйлаши керак? Айёрлик нима учун ўйлаб топилган? Муаммони ҳал қилиш учун-да!

– Мен ундай қилолмайман, – мўлтиради Гулюз.

– Отангизни алдамоқчи эмасмисиз? – ҳайронлигини яширмади Баҳор. – Ўқияпман, десангиз, шаҳарга келиб текширмайди-ку. Нафиса опадан сўрайди. "ҳа, ўқияпти", дейди, муаммо ҳал.

– "Шпаргалка"лардан ҳам фойдаланолмайман, отамни ҳам алдаёлмайман, – ерга қаради Гулюз. – Нима қилсам экан? Бошим қотди.

– Кўчадан ариқ чиқса, сакрайсанми? – деди Нафиса койиб.  
– Манзилга етиш учун ҳам сакрайсан! Нима қилибди текис йўлингда ариқ чиққанла бир марта сакрасанг!

Гулюз шу тобда яна Норбекнинг нигоҳини ҳис этиб, хиёбонга кўз ташлади. Йигитнинг зорланиши қулоғи тагида жаранглагандек туюлди: "Шаҳарда қолинг!.. Шаҳарда қолинг!.. Илтимос... илтимос... Мени қутқаришингиз керак..."

Баҳор оиласидан суюнчи олиши учун водийга қанот қоқди. Шу кеча Гулюз университет ётоқхонасида, Нафисанинг ёнида мижа қоқмай тонг оттирди.

– Хўш, нима қиламиз, ўртоқ абитуриент? – юз-қўлини ювган Нафиса унинг каравоти ёнида тўхтаб, сочиққа артинишда давом этди. – Кўзинг бунча қизариб кетибди? Ухламадингми?

– Қишлоққа кетмайман, опа, – бир нуқтага тикилди қиз.

– Отангга-ю бутун қишлоғимизга ёлғон гапириб менга нима зарил? Жаҳлим чиқаётгани шуки, нега айнан бизнинг

қишлоқда мактабни тамомлагандан кейин қизларни турмушга узатворишади? Қиз бола аслида йигирма ёшдан ўтиб оилага тайёр бўлади-ку! Шунгача у ўқиши, ҳунар ўрганиши керак. Мана, мен! Университетда ўқиб, шу ёшгача эрга тегмаганим учун қанча гийбатларга мавзу бўлдим! Худога шукр, севган йигитимга унаштирилдим. Тўйдан кейин шаҳарда яшайверамиз. Йиллар ўтади, қишлоғимиз қизлари бизнинг йўлимиздан юрмагани учун кўп афсусланади ҳали... Лекин ўнг қулоғинг билан ҳам, чапи билан ҳам эшит, Гулюз! Шаҳарда сени бир йил олиб қолиш учунгина ёлғон гапираман. Агар иккинчи марта йиқилсанг, мендан ўпкалама. Яна бир қаттиқ шартим — ҳеч ким билан севишмайсан! Ҳар бир қадамингга мен жавобгарман! Унутма!

Тушга яқин қишлоққа қўнгироқ қилишди. Гулюзнинг талаба бўлганини эшитган онаси ўзида йўқ севинди. Отаси эса:

— Майли. шу қизим ўқиса ўқисин, — деди салмоқлаб.  
— Ўқиш бошлангунча у ёқда нима қилади? Уйга келсин, сентябрга яқин кетали.

— Телефонни ўзига бераман, гаплашинг. — Нафиса қишлоғининг мулласига ортиқ ёлғон гапиришга журъат этолмасди, гўшакни топширди.

— Ассалому алайкум, ота, — Гулюзнинг товуши эшитилди.

— Ўқишга ўтибсан, раҳмат, қизим, — деди мулла. — Овозинг бунча паст? Ё отам ўқитмайди, деб қўрқаяпсанми? Э қизим-ей, ўқитмасам Тошкентга, имтиҳонга юборармидим? Энангнинг тушларига ҳар куни кириб чиқаяпсан. Сени ҳеч ўзидан узоққа юбормаганими, ҳар хил ёмон тушлар кўриб, йўлингга қараб ўтирибди. Уйга кел. Кейин Нафиса опанг билан яна жўнайсан.

Эртасига қуёш чарақлаган маҳал Нафиса Гулюзни бекатга кузатиб қўйди. Улар автобус кутиб, бир кекса одамнинг ёнига, ўриндиққа чўкишди.

— Нафиса опа, Гулсарой деган жойни эшитганмисиз? — деб сўради Гулюз гапи орасида.

— Эшитмаганман, — деди Нафиса.

— Тошкентга яқин қишлоқ дейишганди.

— Нима қиласан у ерни?

— Шунчаки ўзим...

Баногоҳ уларнинг гапини эшитиб ўтирган кекса киши гап қўшди:

– Гулсарой деган қабристон бор. Ҳаммаси эски мозорлар, ҳозир ўлик қўйилмайди.

Совуқ гап қизларга ёқмади. Ўрниларидан туриб, нари кетишди.

## XI

Августнинг охирида Гулюз Тошкентга қайтди. Ҳаётига ёлгон қоришиб, энди буткул ёлгон дунёда яшаётгандек эди. "Қаерда бўлса ҳам ишлайман, йигитлар билан гаплашмайман, бўш вақтимда китоб ўқийман, келгуси йил ўқишга ўтсам, ёлгонларим учун отамнинг оёқлари остига ётиб узр сўрайман", – деди ичида. Бироқ шу ондаёқ Норбекни ўйлади. Дарвоқе, Гулюз қаерда ишлаши мумкин? Бир ўлимдан қолганидан сўнг ҳам гилам цехига қайтиб борадими? Норбек... Норбек... Ким ўзи?

Бу гал Нафиса университет ётоқхонасидан бир кечага ҳам жой тополмади. Янги комендант назоратни кучайтириб, бегоналардан ҳеч кимни қўймади ётоқхонага.

– Бир курсдошимнинг ҳамшаҳар дугоналари шу ерга яқин "дом"да ижарада туради, – деди Нафиса. – Хоналарида битта қиз учун жой бор. Кеча Баҳор сени сўради. Мая опа деган аёл ҳам, майли, келсин, дебди.

– Ўша гилам цехами?

– Ҳа, ўша гилам цехга, – деди Нафиса. – Бундан кейин кўзингга қараб юр. Бир ўлимдан қолиб, юрагимни ёрдинг. Ўша бинода усталар ҳалигача ишлаётган экан, таъмирланаётган жойларга, ҳовуз-повузга умуман яқинлашма.

Баҳор ҳам уйдан қайтган эди. У Гулюзнинг ижара уйи манзилени Нафисадан сўраб, кечқурун кириб келди.

– Цехдаги ётоқхонада ётмайсизми? – деди у. – Майли, ўзингиз биласиз. Бу ер яхшига ўхшайди. Битта хушxabар айтайми? Тушгача ўқисам, кечқурунлари мен ҳам тоғамнинг цехида бўламан, ул-бул ишларига ёрдамлашиб, пул ишлайман.

– Мунча яхши.

– Кетдик. Ҳозир цехга борамиз, Мая опа билан гаплашамиз.

– Қоронғи тушаяпти-ку.

– Эрталаб ўқишда бўламан, – деди Баҳор.

Улар кўчага чиқишганида, кечкурунги шаҳарда бирин-кетин чироқлар ёнди. Одамлар уйларига қайтаётган дам эди: автобус ва трамвайлар тирбанд. Кўп кутмадилар. Қўнғироғини жиринглатганча трамвай келди, эшиклари шарақлаб очилди. Трамвайда қизлар учун бўш жой йўқ эди. Ўртада, тиқилинчда туришди. Баҳор оғзи-оғзига тегмай талабалик фаслидан дoston айта бошлади. Ҳаққиға кўчганда, ҳар бир гапи Гулюзнинг асаб торларини чертиб, кўнглини ағдармоқда эди (дунёда дугоналикнинг шунақа хили ҳам бор эди чоғи). Тестдан бир кун бурун арвоқларни мазах қилган, тест куни "шпаргалка"дан фойдаланган, ота-онани алдашни бемалол маслаҳат бера оладиган қиз нега бунча бахтли? Баҳор ва унга ўхшаш қизларнинг омади чопаверишига сабаб нима? Балки Гулюз ўқишга ўтдим, деб падари бузрукворини алдаган кундан бошлаб унинг-да омад қушлари қанот қоқаётгандир? Қолаверса, нафақат яқинларини, Нафисани ҳам алдамаяптими? Норбек билан куппа-кундузи учрашганини, сариқ гулдастани ундан олганини, цехга талпинаётганининг иккинчи важи Норбекни кўриб туриш эканини яширди-ку. Ҳақиқатан, ушбу ёлгонлардан сўнг, мана, иш ҳам ижара уй ҳам топила қолди. Қандай хулоса чиқариш мумкин? Омад деганлари у дунёнинг эмас, шу ёлгон дунёнинг мукофоти экан-да? У ҳолда жазоси қандай бўларкан? Қачон ижро этиларкан илоҳий суднинг ҳукми?

Бир пайт Баҳор гапдан тўхтаб, трамвай қуйруғига бўйнини чўзди-да, аланг-жалаң кўз ўйнатди. Кайфият чироғи лип этиб ўчгани юз-кўзидан маълум бўлди.

– Ўхшатдим шекилли, – деди у.

– Кимни гапираяпсиз? – Гулюз ҳам трамвайнинг қуйруқ томонидаги йўловчиларни назардан ўтказди.

– Тоғамнинг цехига шу ой келган жингалаксоч йигит кўзимга кўринди. Ўнгдаги ойна томонда... Ҳув анави рўмолли хотинлар орқасида... Мендан бекиндими, нима бало?

Агар бошқа йигит ҳақида гап кетганида, Гулюз қайтиб бўй чўзмасди, аммо цех биносида ишлаётган усталар сафига яқинда кўшилган жингалаксоч йигит – Норбекнинг ҳам шу трамвайда экани юрагини ҳалприқтириб юборди. Йигитнинг



трамвайдалиги тасодиф эмас. "Қишлоқдан келишимни кутиб юрган, квартирамнинг маъзилини ҳам аниқлаган, лекин кўчага Баҳор билан бирга чиққанимни кўриб индамай қўя қолганда, изимдан эргашган..." — Гулюз шундай хаёлга борди. Ахир, Норбек биларди-да бошқалар олдида йигит зоти билан гаплашмаслигини.

— Сизни сувдан чиқариб олган йигит... — яна аланглади Баҳор.

Гулюз миқ этмади, бошини ҳам кўтармади.

— Бизни яширинча кузатаётганга ўхшайди, — шивирлади Баҳор. — Ё тоғам ҳар бир қадамимни ўлчашга одам солдимикан? Яширмайман, йигитим... йигитларим бор. Аниқлашса, бошимда ёнғоқлар чақишади, тўп-тўп-тўп!

Ҳамма нарсага ёлғонлар билан эришиш Баҳорнинг шиори эди гўё. Гулюз ким билан дугона тутинди-я? Норбекдан эмас, Баҳордан кўрқиб керакка ўхшади. "Дугонаси кимлигига қараб қиз болага баҳо берса бўлади" деганди отаси. Шайтонга, унинг хизматкорига, соясига яқинлашмасликни тайинлагани-чи? Падар фалсафасига кўра қиз шайтонга яқин йўлади, хизматкори билан дугона тутиниб, соясида юрибди.

"Ишга жойлашганимдан кейин Баҳордан секин-аста узиламан, — ўйлади Гулюз. — Ўқиш бошланса, шундоқ ҳам курсдошларига ўралашиб қолса керак. Бу танноз кун бўйи ўқиб, кечқурун ишлашига ишонмайман..."

— Нега ундай қиласиз? — деди Гулюз.

— Тушунмадим, нимани назарда тутаяпсиз?

— Йигитларим бор деяпсиз...

Баҳор кулиб юборган эди, атрофдаги ҳориган-толиган кишилар норизо нигоҳ ташлашди. У Гулюзнинг эгнига юзини яшириб, елкаси силкиниб куларкан:

— Нафиса опа сизни қоғозга ўралган конфетдай сақламоқчи, — деб пичирлади. — Мен юз фоиз аминманки, сизнинг қоғозингиз шунчаки қоғоз. Эртага қобиғингиздан сиз ҳам чиқасиз, йигитларга ўзингизни кўрсатишни хоҳлайсиз. Шундай орзу-хаёл кўнглингизда йўқми? Куёш яхшига ҳам балқийди, ёмонга ҳам. Сувни яхши ҳам ичади, ёмон ҳам. Элга келгани тўй, элдан кетгани қўй. Демак, ҳаммамиз ёшликда бир хилмиз. Бизни бир хил қисмат кутаяпти.

– Сиз ўйлаганчалик эмасман.

– Одамга ташқаридан берилган баҳо тўғрироқ, Гулюз. Тақдирдан қочиб қутулолмайсиз. Ундан кўра ҳаракат қилсангиз бўларди.

"Қаёқдан ҳам унга йўлиқдим?" – деди Гулюз ичида. Албатта, қовоғи уюлиб, бошқа томонга қараб олди. Трамвайдан тушганларида:

– Фойиб бўлди, – деди Баҳор.

Гулюзнинг ҳам икки кўзи трамвайдан тушаётганларда эди.

– Ҳеч ким орқангиздан юргани йўқ, – эътироз билдиришга журъат этди у. – Сизга шундай туюлган. Тоғангиз усталарига сизни пойлаб юришни буюрмаса керак, Баҳор?

– Пойлаб юрмаган бўлса, раҳмат. Пойлаб юрган бўлса-чи?..

– Баҳор шундай дегач, эшитилар-эшитилмас қўшиб қўйди:

– Биз ундай келишмаганмиз.

Тўйи арафасида ўлган йигитнинг сирли тарихи яширинган бинонинг бир қисмида чироқлар ёниқ, ўнг қанот қорайиб, ўшшайиб, ҳайбатли кўринарди. Гулюз бино эшигига етганида, ортига қаради: Норбек уларнинг изидан тушмагани ҳақиқат шекилли, кўчанинг бинога бурилиш йўлаги кимсасиз эди. Ё Баҳорнинг кўзига шарпа кўринди, ё шум қиз ҳазиллашди. Гулюзнинг халоскор йигитга бефарқ эмаслигини аллақачон пайқаган бўлиши, синаб кўргани эҳтимолдан холи эмасди.

Биринчи қаватнинг кираверишдаги бўлимлари таъмирдан чиқарилган эди. Қоровулга салом беришганди, йўлакдан фойега чиқиб келган усталар ҳам алик олишди. Гулюз беихтиёр улар орасидан жингалак сочли йигитни – Норбекни ўғринча ахтарди. Ҳамкасблари орасида ҳам йўқ эди у. "Бу ерга биринчи келганимда усталар барзанги, қўрқинчли, ваҳший кўринганди, ойдек йигитлар-ку" – хаёлидан лип этиб ўтди Гулюзнинг. Шу заҳотиёқ кўнгил кўлида Норбек сиймоси мавжланди: очикчеҳра, ширинсўз йигит ҳовузда чўкиб ўлишдан халос этди. Ҳам халоскор, ҳам барно эди.

– Баҳор, кейинроқ тушсанг, сенда гапим бор эди, – деди қоровул уларнинг орқаларидан.

– Хўп, хўп, – қарамасдан қўл силкиб қўйди Баҳор.

Йўлак охирига етмасдан ўнгга, зинага бурилишди. Ҳовузхона

эшигига икки калитли кулранг рус қулфи осилган эди. Хосиятсиз зал қопқасидан тез юриб ўтишди-да, иккинчи қаватга кўтарилишди. Юқорида оғир, аммо жонбахш мусиқа сузиб юрарди.

– Хуш келибсизлар, – деди ошпаз хотин зинапоя бошида. – Ўқишга ўтганинг билан табриклайман, Баҳор!.. – Ўпишиб кўришдилар. У Гулюзни ҳам ўпди. – Хафа бўлма, асалим, сенинг ҳам кўчангда байрам бўлади, мени айтди дерсан... Уйга шошиб турибман, хайр, қизлар!

– Сўрайвериб асабини бузманг, – деди Баҳор. – Мая опа ўзларидами?

– Вой-ей, биринчи сўрашим-ку!

– Ҳамма сўраяпти-да, опажон.

– Кечга қолмай, овқатни сузиб, идиш-товоқни ювишга ҳам улгурдим, Баҳорой. Бинода арвоҳ бор, деб юрагимни ёрган сен эмасмисан? Инс-жинслар уйғонмасдан кетишга ҳаракат қиламан-да, жоним. Яна бир марта хайр!

– Тоғам худойи қилди, энди эски гапларни қўзгаманг.

– Ҳазиллашаяпман. Арвоҳ куёвга ишонган ўзи сенми, менми?

– Бўлди-да, жиннимисиз! – Баҳорнинг ранги қандай гезариб чиққани яққол сезилди.

Ошпаз хотин билан хайр-хўшлашиб, цех ётоқхонасига чиқишаётганида, Баҳор оғир уҳ тортиб, тўхтади.

– Гулюз, дугонажон, – деди у. – Мени кечиринг, кўп тентакликлар қилдим. Тентакликларим ўзимнинг йўлимга эккан тиканларим бўлди. Кўрдингиз, аввал айтган гапларимни ўзимга қарши ишлатишаяпти. Пастдаги ҳовузда ўлган куёвнинг исми Мавлон, келинчагининг исми Гулюз эди, кечалари марҳум куёвнинг арвоҳи шу бинода кезиб юради, ўзига жуфт ахтаради, сизнинг ҳам исмингиз Гулюз, деб бекорга гапирганман. Бугундан бошлаб ҳаммасини унутинг... Унутасизми?

– Исми ростдан Гулюз бўлганми? Унчалик ишонмагандим. Баҳорнинг юзи тундлашди.

– Ҳа, – деди у, – лекин Гулюз исмли қизлар кўп, сизни хафа қилганимни тушуниб етдим. Ўлганларнинг ҳаётига

қизиққандан кўра тирикларникига қувонч бахш этмаймизми, тўғрими? Боя трамвайда мендан жаҳлингиз чиқди-я? Мен шунақаман! Ҳар хил ёмон ҳаёлларни унутиш учун тириклик билан яшашни яхши кўраман... Мураккаб жумлами?

– Гапга устасиз, – мақтаб қутулишни жоиз топди Гулюз.

Мая опа спорт кийимида, магнитофон ёнида тирноқ бўяб ўтирган эди. Гулюз унинг кечаси қандай хуррак отишини эслаб, цех ётоқхонасида тунамаслигидан икки карра хурсанд бўлди. Мая опа йўлакдаги гиламчи қизларнинг кириб келувчилар билан ҳол-аҳвол сўрашишларига қулоқ солиб, кимлар ташриф буюрганини билди, мийиғида кулиб, юмушини қилаверди. Қизлар киргач, ўрнидан туриб кучоқ очди. Баҳорни табриклаб, Гулюзга деди:

– Қиз боланинг биринчи йиқилгани хисобмас, унга яна бир марта шанс бериш керак. Шу ерда бир йил ишлаб туришга қалайсан, Гулюз?

– Вой, шунинг учун келдик-да, – деди Баҳор. – Эртага эрталабдан ишга чиқаверсинми? Тоғамнинг вақтини ўғирлаб ўтирмадим.

– Фақат ҳовузга яқинлашмаслик шарти билан, – кулди Мая опа. – Қизларимнинг лабларидан учуқ тошиб юришини ҳам асло-асло хоҳламайман.

– Сиз ҳам шу ҳақда гапирасиз-а! Қиз боланинг биринчи йиқилиши деб ҳовузга йиқилиб тушишни айтмадингизми ишқилиб?

– Вуҳа-ҳа-ҳа-ҳа! – Бу Мая опанинг кулгани эди.

– Мая опа, унутайлик ҳовузни! Минг марта тавба қилдим, Мая опажон!.. – тўлқинланди Баҳор.

– Тавбанг қабул қилинди, қисик кўзим, – кулгисига яқун ясади Мая опа.

– Гулюзнинг бир ҳафталик иш ҳақини қачон берасиз? – каравотга ўтириб, оёқларини саланглатди Баҳор. – Шундан гапиринг. Ёзганмисиз ўзи?

– Ёзганман, эртага олади.

– Шоколадсиз, Мая опа! Пул билан кўп ишларни ҳал қилса бўлади! Гулюзга пул жуда зарур, уйдан пул сўрайвермаса, ҳаммаси жойига тушиб кетади.

Гилам цехида ишлайдиган хотин-халажнинг кўпчилиги уйдан қатнаб ишларди. Гулюз ижарада яшашини айтди, Мая опа елка қисди, "Менга фарқи йўқ, квартирадан қатнайвер", деди, аммо кўзларида қандайдир истеҳзо бекиниб тургандек эди. Гулюз бу аёлнинг кўзлари тубига чўккан китобни ўқиб ололмади.

Баҳор ва Гулюз биринчи қаватга қайтиб, тушишганида йўлак бўм-бўш эди.

– Дарров қоронғи бўп қолибди, – деди Гулюз деразага қараб.

Баҳор гапирмоққа оғиз жуфтлаган эди, қоровул йўлакка қадам босиб:

– Сенга бир оғиз маслаҳатим бор, – деб тўхтатди.

– Нима гапингиз бўлса, бемалол.

– Билиб гапирган – олим, билмай гапирган – золим, – деди қоровул. – Эшитишимча, сен анави залда, зина ёнидан кириладиган хонада жойлашган темир-тесак ювиладиган ҳовуз ҳақида турли ҳазил-ҳузул гаплар айтармишсан.

Икки қиз ортга, ҳозиргина зинадан тушиб келинган йўлак охирига ўгирилиб қарашди. Айни шу он йўлак шифтидаги неон чироқ пирпираб, бир неча сония нур ва зулмат ола-чалпоқ рақсга тушди.

– Ҳамманглар келишиб олганмисизлар? – ҳайратланди Баҳор ёқа ушлаб. – Нега бугун фақат шу ҳақда гапираяпсизлар?! Бўлди, бас! Ҳазилларимни қайтариб олдим! Дугонам ёнимда. У ўқишдан йиқилди, узоқ қишлоқдан. Нима бўлса ҳам, унга осонроқ иш топиб беришим керак. Келгуси йилгача тоғамнинг цехида ишлаб, ўқишга тайёрланса, уйдагиларига оғирлиги тушмаса, дегандим. Куёв йигит чўкиб ўлган ҳовузга дугонам ҳам йиқилиб, бу бинодан юрагини олдириб қўйган экан, нима керак унинг олдида гапиравериб? Мақсад Гулюзни цехга яқин йўлатмасликми? Лекин у барибир шу ерда ишлайди!

Қоровулнинг юзидаги нуронийларникига хос кулумсираш изсиз йўқолди.

– Бу нима деганинг, Баҳорой?

– Бўлмаса, қандоқ тушунай?

– Айтадиган гапим шуки, ҳовуз жойлашган залда тўйдан

аввал бир бечора йигит ўлгани рост. Мен ўша вақтда заводда ишлардим. Одам ўлган жой билан эса ҳеч қачон, агар ҳазил қаттиқ хуруж қилса ҳам, ҳазиллашмаслик керак. Бу мусулмончилик тугул, бошқа динларга ҳам тўғри келмайди. Шу пайтгача ҳайҳотдек иморат қаровсиз ётарди. Мен Мирзакамолга яқинда ишга келганман, яна такрорлайман, аввал шу ердаги заводда ишлаганман. Завод ёпилганидан кейин ҳам бир йилча бино қоровули бўлдим. Тоғанг файзли жойга айлантирди. Ташландиқ эканида ҳам ҳеч ким арвоҳни кўрмаган. Нимагаки... кўрмайди ҳам. Арвоҳ ҳаммининг кўзига кўриниб юрадиган жонзот эмас-ку, қизим! Цехга қизлар келиб, арвоҳ кезиб қоладими? Унга жуфт керакми? Йўқ, Баҳорой, жуда ёмон гап бу! Ким айтди марҳумлар хотин излайди деб? Сенга маслаҳатим, бундан кейин арвоҳларни ҳазил қилма. Айниқса, зинапоя биқинидаги ҳовузхонада ўлган йигитни! Биз кўпни кўрган одаммиз, билмасак гапирмаймиз. Бир-иккита тентаклар бўлмағур афсона тўқиган бўлса, тўқигандир. Уни давом эттиришнинг нима кераги бор?! Тагин кўнглинга олиб. мендан хафа бўлма. Шунақа шартаки феълим бор. Нотўғри гапираяпманми?

– Уф-ф! Ким сизга нотўғри деяпти?

– Нега уф тортасан? Сенга яхшилигимни айтдим. Отанг тенги, отангдан ҳам катта одамман.

– Э, дугонам шунақа гапларни эшитаверса, кетиб қолади.

– Гапни бурма, Баҳорой. Сенга насихат қилишга, эҳтимол, ҳаққим йўқдир...

Гулюз уларга қулоқ солишни истамай тоқатсизланди. Шунда йўлак охирида нимадир заиф жаранглагани қулоғига чалиниб, сесканиб тушди. Назарида, кичкина металл тугмача мармар полга тушгандек... йўқ, биров атайлаб ташлаб юборгандек туюлди. Гулюз қарамоқчи эмасди, аммо неон чироқлар яна пирпираганда, кимдир йўлак ўртасида қимирлади. Аниқроғи, тўсатдан экранда зоҳир бўлгандек оқиш тусда жонланди. Ҳарҳолда қизнинг икки кўзи баҳслашувчиларда бўлса-да, ён томонда, йигирма-ўттиз қадам нарида одам турганини пайқади.

Гулюз ялт этиб қаради. Норбекни шу маҳалда зинапояга бурилиш жойида, йўлакнинг қоқ ўртасида учратаман деб

ўйламаганди. Усталар кетиб бўлганди, юқорида фақат хотин-қизлар. У нима қилиб юрибди? Ҳозиргина иккинчи қаватдан тушаётганларида кўрмадилар-ку. Йўлак охири тахта девор билан тўсилган, мудҳиш ҳовузхона эшигига эса кулранг қулф илинган. Наҳотки, Норбек қизлар ётоқхонасидан тушди? Ва нима қилиб юрганди у ерда?

– Сиз... – деди Гулюз.

Норбек бармоғини лабига босиб, оҳиста бош чайқади. Кейин мафтункор жилмайишини туҳфа этиб, полга энгашди-да, узукни олди. Гулюз ҳовузга йиқилганида, бармогида пайдо бўлган ўша никоҳ узуги эди у. "Топилмани ҳалигача ҳеч кимга бермабди-да? – ўйлади Гулюз. – Бировнинг омонатини сақлаб юрганини қандай тушуниш мумкин?.. Тўхта, Норбек ака бу ерда нима қиляпти ўзи? Баҳорни пойлаётгани учун бармоғини лабига босиб, "жим" ишорасини бердимиз?.."

– Кетдик, – Баҳор қўққисдан қўлидан тортган эди, Гулюз фойе томон оғиб, йўлакдан кўзи узилди.

– Баҳор... – деди Гулюз трамвай бекатига кетаётганларида.

– Ҳозир менга ҳеч нарса деманг, – жиғибийрони чикди унинг. – Катта шаҳарларда доим кичик одамларга пичинг қилишади, ҳатто энг майда қоровул ҳам! – Бир оз юришгач, шундай деди: – Ўзим ишламасам ҳам сизни тоғамнинг цехига ўтказиб қўяман.

– Ишламоқчи эмасмисиз?

– Йўқ, – деди Баҳор. – Сиздан хабар олиб тураман, ўлай агар, хабар олиб тураман.

Гулюз шу тобда Норбек ҳақида гапирмасликка, эртага барчасини йигитнинг ўзидан сўрашга қарор қилди. Ҳақиқатан, Баҳорнинг бирга ишламаслиги Гулюзга маъқул эди. Цехдаги қизлар билан дугона бўлиб кетади ҳали. Холбуви деган қизни айтмаганда, ҳеч бирига жин ҳам урмаган...

– Холбуви... – деди Гулюз ўзига-ўзи. – Мен келишдан аввал у нимадан бунчалик кўрқиб, оғзи қийшайиб қолган экан? Баҳор айбдор... Уни ҳам Баҳор кўрқитган...

Шу кеча Гулюз бир туш кўрди. Нимқоронги йўлакда шарпа каби Норбек эмас, Гулюзнинг ўзи турганмиш, шифтда неон чироқ ўчиб-ёнмоқда, қўлида никоҳ узуги. Сал нарида қоровул билан Баҳор баҳслашаётганмиш. Баҳорнинг ёнида сумка

кўтарган одми қиз. Сумкаси ҳам, ўзи ҳам жуда таниш. Ва Гулюзнинг қўлидаги узук баногоҳ мармар полга тушиб кетибди-ю жаранглаш эшитилибди. Баҳорнинг ёнидаги қиз ўгирилиб қарабди. Ё алҳазар, у Гулюз эмиш, худди кўзгудаги акси. Бироқ Баҳорнинг ёнидаги Гулюз бу сафар индамай қўя қолмабди: кўрққанидан шунақа чинқирибдики, дераза ойналари зириллаб кетибди. Гулюз ўз қиёфадешининг кичқиригидан ўтакаси ёрилиб, йўлак охирига қочибди, аммо тахталар билан беркитилган экан. Зинапояга чопибди, мазкур зина уни қизлар ётоқхонасига элтади, чароғон ва гавжум хонани истамаётгани оёқларига тушов солибди. Шунда чапдаги эшикнинг кулранг кулфи ғойиб бўлганини кўрибди-ю бор гавдаси ила ўзини урибди. Эшик гумбурлаб очилиб кетибди. Мактабнинг спорт залига ўхшаш ҳайҳотдек хонанинг ўртасидаги бетон ҳовузга жўмракдан сув вошиллаб оқаётганмиш. Худди ўша кунни эслатаркан. Гулюзнинг ҳар бир қадами акс-сало берибди. Ҳовузгача узоқ туюлган масофани югуриб босиб ўтибди-ю етганда кўрибди Норбекни

"Сиз?!" – ҳайрон бўлибди Гулюз.

Шунда Норбек:

"Баҳордан сизни ҳимоя қилиш учун мулла отангиз томонидан яширинча юборилдим, – дебди. – Баҳор кимлигини биласизми? У сиздек гўр қизлар у ёқда турсин, эртага тўйи бўлаётган йигитларни ҳам аянчли тарзда ўлимга маҳкум этган жодугар. Қадимдаги ёвуз кучлар бугун ана шундай ёлғончи ва енгилтак қизлар вужудида яшаяпти. Кетинг! Кетинг бу бинодан! Қарғиш теккан бинода ажаллан бошқа ҳеч нарса тополмайсиз. Давлат тестидан аввал кўз олдингиздан лип этиб ўтган тобут ва ундаги қиз ёдингиздами? Ёдингизда! Ўлим ҳақида нима биласиз? Ҳеч вақо билмайсиз! Аслида сиз ўқишга ўтгансиз. Ҳозир талабасиз! Лекин қаерда эканингизни ҳануз англамаяпсиз. Онангизга тушларига аён бераётган фожиа ҳақиқатда ҳам юз бермаслигини истамасангиз кетинг. Кетинг бу ҳовуздан! Бу ҳовуз меники!.."

Гулюз қора терга ботиб уйғонди. У аллақачон ҳаётнинг сирли сўқмоқларига бурилганини, олдинда ақл бовар қилмас манзил кутаётганини тушунди.



## ТЎРТИНЧИ ДАЛИЛ

Қиссам шу бекатга етгач, баъзи сирларни очаман. Зеро, шаҳарда бир абитуриент қизнинг собиқ завод биносида кўрган-кечирганларини даштдаги қиз ҳикоя қилганига тўхталиш фурсати келди, деб ўйлайман. Гулюзнинг саргузаштларидан бир нафас танаффус қилиб, "Тўртинчи далил"да айрим ойдинликларни баён этишимни кутганингиз ҳам рост. Фаройиб эди бу қисмат! Ҳақиқатан ҳеч кимнинг хаёлига келмаган уфққа бурилмоқда эди воқеалар карвони. Тобутхонада учраган қиз ўзини Гулюз деб таништирганида ишонмаган эдим. Ишонмаганим учун ҳам унинг ортидан қолмасликка тиришдим. Ким бу қиз? Кечаси мазоротда нима қилиб юрибди? Агар етиб ололмасам, бир умр жумбоқлигича қолмайдими?..

Қиз "Москвич"дан ўзини ташлаб, қоронғи дашт қўйнида кўздан йўқолганида, бошимда турфа саволлар ғужғон ўйнаб чопавердим. Кўп ўтмай нимани кўрдим денг. Зафартепа қишлоқ қабристонини тобутхонасини! Туманли куз кечасида машинамиз қўшоёқ излардан тентираб, қаровсиз қабристон атрофида кезиб юрган экан.

Шартта тўхтаб, энгашдим. Узоқда "Москвич" мотори ванғиллади. Сукунат чўкди. Қаровсиз қабристонда тиқ этган садо йўқ эди.

"Гулюз! – бақирдим тобутхонага қараб. – Биламан, шу ердасиз!.."

Жавоб бўлмади. Ёндиргич чироқчасини ёқдим. Мудҳиш кеча саргузаштига асир бўлиб, тобутхона сари юрдим. Мен арвоҳлар, шарпалар, тунда кезадиган вампирлар ҳақида китоблар ўқиганман, фильмлар кўрганман, миш-мишлар эшитганман. Овлоқ маконларда кечалари юриш кўрқинчли, бироқ биз ҳозир уч кишимиз, шароб ичганмиз, саргузашт истаб турган, шўхлик қистаб турган бир расво тун эди.

"Яна ўша жой-ку! – деди ортимдан етиб келган Баҳодир ака. – Қочдик! Бу ерда бир сир бор! Бизнинг ақлимиз ҳам, руҳиятимиз ҳам ожиз!"

"Қиз ичкарида", – пусиб борвердим мен.

Баҳодир ака ўз жойида қолди. Унинг "Қайтинг... Орқага қайтсангиз-чи, ахир..." деб шивирлашига қўл силташ билан

жавоб қилдим. Тобутхона эшигини очдим. Вақт ортга қайтиб, бояги воқеа такрорланаётгани хусусидаги шубҳа шамоли эсди. Шубҳамга ишонмадим.

"Гулюз, шу ердამисиз?" – деб сўрадим чироқчани зим-зиё тобутхонага тутиб.

"Мен ўлганман, кетинг!.." – йиғи аралаш овоз келди.

"Бу ёғи қизиқ бўлди-ю! Ўлган бўлсангиз нега гўрда эмассиз? Ярим кечаси ташландиқ тобутхонада юпқа кийимда дийдираб юришингиз нимаси? Машинага ўтиринг! Сизни шифохонага олиб борамиз!.."

"Керакмас... Энди кеч!.."

"Гулюз! Мен ҳам руҳларга, жинларга, ғаройиб мавжудотларга – ҳамма-ҳаммасига ишонаман, лекин сиз улардан бирортасига ўхшамаясиз. Тирик одамсиз! Ҳозирча тириклигингизча қолинг! Ҳаётимиз Оллоҳнинг ихтиёрида, аммо биз – тирикларга ўз тақдиримизни ўзгартиришга бир оз имкон берилади. Ҳаётнинг мазмуни ҳам шу! Бу имкониятдан фойдаланиб кимдир тақдирни ёмонликка, кимдир яхшиликка ўзгартиради ва шунга яраша мукофот ёки жазо олади. Аслида "жазо" деган сўз ҳам ёмон сўз эмас. Сиз тирик экансиз, демак, сизда ихтиёр бор. Танангиздаги кучингизни ўз-ўзингизни йўқ қилишга сарфласангиз, оқибати қанчалик аянчли бўлишини тасаввур қилаяпсизми?"

"Ихтиёрим ўзимда эмас".

"Кимда?"

"Ҳатто, сизнинг ҳам ихтиёрингиз ўзингизда эмас".

"Масалан?"

"Сиз шароб ичгансиз, қаттиқ мастсиз. Ҳозир бу ерда эмассиз. Маст ҳолатда туш кўриб ётибсиз. Мен тушингизга киришни уддаладим..."

"Ана холос! – дедим қаддимни ростлаб. – Маст ҳолатимда ҳам яхшилиқ қилаётган эканман-да!"

"Бундай яхшилиқнинг фойдаси йўқ. Чунки бу туш! Мени ҳақиқий ҳаётда қутқаролмайсиз!"

"Жуда қайсар қиз экансиз. Ўйлаб кўринг, қандай қилиб сизни бу ерга ташлаб кетаман? Сизнингча, ҳаммаси туш экан, наҳотки, мен тушимда ёрдамга муҳтож одамни ташлаб қочсам? Тошкентда яшайман, шеър китобларим чиққан, драматургияга

қизиқаман, лекин шоирман. Орқамдаги одам Баҳодир ака Эсонов! У киши кўп шеър айтганига қарамай аслида драматург, театрлар учун пьесалар ёзади. Сизнинг вилоятингиздан! "Москвич" ҳайдовчиси ҳам яхши инсон! Отаси бахши ўтган. Учаламиз ҳам элнинг орасида юрган, бола-чақали, ўзига яраша обрўли одамлармиз. Биздан қўрқаётган бўлсангиз, бу — аҳмоқлик! Ижодкорлар оддий қизлар учун хавфсиз. Биздан умуман ташвишланманг, хўпми?"

"Сизни алдадим... Мен Гулюз эмас, Баҳорман... Гулюз тирик! Тошкентда яшар экансиз-ку, боринг, Тошкентдан топасиз!"

Тобутхона ичкарасига бир қадам ташладим.

"Кирманг! Газ... Газ бор!.." — деди қиз чўчиб.

"Газ?"

"Ҳа, табиий газ... Ё портлайди, ё бўғилиб ўласиз".

Зафартепа қишлоғининг кўчириб юборилишига газ ва нефт конларининг топилиши ваз бўлганини эшитгандим. Қабристон заминидан газ сизиб чиқиши ҳақиқатдек туюлиб, гўхтадим. Тобутхона билан бирга ҳавога учиб кетиш режамда йўқ эди.

"Исмингиз Баҳорми?"

"Ҳа", — деди қиз.

"Дугонангизнинг исми Гулюз?"

"Ҳа, Гулюз".

"У Тошкентда яшайдими?"

"Айтдим-ку Тошкентдан топасиз деб!"

"Хўп, хўп, — дедим чироқча нуруни тобутхона ичра айлантириб, — Тошкентга борганимда, албатта, топаман. Гулюзга айтадиган бир оғиз гапим бор. Баҳор деган дугонангизни узоқ туркман чегарасига яқин жойда, ярим кечаси бир қабристонда учратиб қолдим, сиз ҳақингизда ундан эшитдим, "Баҳорга нима бўлган?" дейман. Биз туш кўраётган эканмиз, сиз ҳозир аллақерда ухляпсиз. Манзилингизни Гулюз биледи".

"Ҳеч нарса қилолмайсиз", — йиғлай бошлади қиз.

"Гулюзни Тошкентдан қандай топишимни айтинг, йиғламанг, юрагим эзилаяпти... Сизга маслаҳатим, ёлғон гапирманг. Дунёни ёлғон ўлдиради".

"Шу гапни кутгандим. Ёлғон гапирмасликка бу ерга ҳозир

қочиб келаётганимда қарор қилдим. Исминни ўзгартириб айтганим – охирги ёлғоним".

"Раҳмат, синглим".

"Гулюз шу вилоятдан, шу тумандан. Қишлоғининг номи Ҳасан ота. У университетда ўқийди, психология факультетида. Мен бошқа вилоятданман, исмим Баҳорлиги рост... Тошкентда тоғамнинг цехи бор эди, гиламчилик... Гулюз билан имтиҳондан сал аввал талабалар ётоқхонасида танишганман. У қалби пок, имонли, ота-она измидан чиқмайдиган қиз бўлгани учун цех биносига олиб келиш менга топширилганди. Отаси мулла экани ҳам роль ўйнади. Худди қўшмачи хотинларга ўхшаб бечора қизни алдаб-сулдаб эргаштирдим. Келгуси йилгача цехда ишлаб пул топасиз, бўш вақтларингизда ўқишга тайёрланасиз, дедим. Мен ёлғончи, эътиқодсиз, ёмон қизман. Бировнинг бошига етишим мумкин эди..."

"Тушунарли, тоғангиз топшириқ бердимиз?"

"У кишининг тирноқча айби йўқ бу ишда!"

"Гулюзни кўз остига олган кишининг мақсади нима эди?"

"Жуда ҳам қалтис..."

"Катта фитнес қилинганга ўхшайди... Эй, қанисиз? Нега кўринмаяпсиз?"

"Хоҳласам кўринаман, хоҳламасам йўқ".

"Қизиқ гап! Шароб таъсири йўқолиб, кўрқиб кетаяпман. Мен ўзи қаерданман? Яъни бу ерда руҳим кезиб юрган экан, вужудим ҳозир қаерда маст бўлиб ётибди? Кимникида кимлар билан ичганим, қачон машинага ўтирганим – ҳаммаси эсимда".

"Ичишдан гапирманг. Ичиш гуноҳ..."

Шу тобда ўзим ёзган шеър хаёлимга келди. Қизни чалғитиш учун бепарво оҳангда шеъримни ўқидим:

*"Ичиш – маним душманим,  
Ичмаслигим – қуш маним.  
Бу беш кунлик дунёда  
Ўзимдадир ҳуш маним..."*

"Шеър ёзасизми?" – сўради ҳазин овоз.

"Кимлигимни айтдим, мисол ҳам келтирдим".

Шундан сўнг қуриган хаслар гичирлаганга ўхшаш товуш чиқиб, тобутхонанинг сўл кунжагидаги шарпани илғадим. Ёндиргич чироқчасини тутганимда, Баҳор юпқа либосининг ёқаси ила кўксини тўсиб, бош эгди. Бироқ юзида уялиш эмас, даҳшатли азобдан азият чекаётгани кўринди. Гапи ҳақ бўлса, мен айти дамда аллақаерда маст бўлиб ётибман, у ҳам қаердадир сармаст ёки қаттиқ уйқуда. Гарчи кўраётганларим туш бўлса ҳам, тунги кўйлақдаги қизга тикилавериш одобдан эмасди.

"Сиз газдан бўғилмайсизми? – сўрадим оғир тортиб. – Саволим тузсиз туюлса ҳам, анча ўринли".

"Бўғиламан... Мен ҳам одамман..."

"У ҳолда тирик қолиш учун ташқарига чиқинг".

"Ўзим чиқолмайман".

"Келинг, ёрдамлашаман".

"Келинг, ёрдамлашаман, дейсизми? – Баҳор икки-уч қадам ташлаб, тобутхона ўртасига етди. – Агар юролсам, ўрнимдан туролсам ташқарига чиқмасмидим?"

"Юраётганингизни кўриб турибман".

"Ҳали ҳам гапларимга тушунмадингизми? Чин вужудим бу эмас".

"Чин вужудингиз қаердадир газдан бўғилаётган экан-да?"

"Ақлингиз етгани учун раҳмат".

"Демак, бу газдан мен ўлмайман. Чин вужудим бошқа жойда экан, нега ўламан?"

"Йўқ, таваккал қилманг. Менга жуда ёрдам беришни хоҳлаяпсизми?"

"Буни юз марта такрорлашим мумкин, Баҳор! Сизнинг миянгиз газдан эмас. бўлмағур ғоялардан заҳарлангани сезилиб турибди".

"Ўлганим яхши..." – бирдан ортга тисарилди Баҳор.

"Ёш экансиз, индамай ўлиб кетмоқчимисиз? – бир қадам ташладим. – Қайтинг ўша чин вужудингизга! Ё тавба, қизларга қутқарувчилик қилиш тушимга ҳам кирмаганди-я! Қисмат нега айнан мени танлади?"

"Мум тишлаб ётганим йўқ, гапираяпман, дардимни дoston қиляпман... Иккилангандим... Шеър ёзаркансиз. Шеър ёзган одамдан ёмонлик чиқмайди".

"Айтинг, қандай ёрдамим тегиши мумкин? Биз ҳаётнинг хаёлийми, тушми, ҳушми, ишқилиб қайсидир қатламида бежиз учрашмагандирмиз? Одамлар яхшилик ёки ёмонлик қилишлари учун бир-бирига дуч келишади. Мен ёмонлик қилишни хаёлимга ҳам келтирмайман. Шеър ёзадиганларга ишонаркансиз. Бир гапни айтиб қўяй, шеър ёзганлардан қабих кимсалар етишиб чиқиши ҳеч гапмас. Шеър пок туйғу, вужуд эса пок бўлолмаслиги мумкин".

"Биз вужудсиз гаплашяпмиз".

"У ҳолда ёнимга келинг. Ҳеч бўлмаса, руҳингизни қутқарай".

"Тушундим... Севасизми?"

"Бу... қайси маънода?"

"Кимнидир севасизми?"

"Болаларимни, онамни, отамни, хотинимни, Ватанимни, ижодимни... Санайверайми? Севги менга қаҳат эмас, қалби кенг инсонман".

"Сизга Гулюз ва Норбекнинг муҳаббатини гапириб бераман. Мени қутқариш қутқармаслик кейин ўзингизга боғлиқ..."

"Гапиринг. Оғиз очмасангиз ҳам сизни қутқариш бурчим..."

"Уларнинг севги тарихини эшитинг..."

Баҳор ҳикоя қилган Гулюз кечмишларидан яна сўз битамиз. Зафартепа қишлоқ қабристонни тобутхонасида мен ва Баҳор ўртасидаги воқеа давоми эса "Бешинчи далил"га қолдирилади.

## ХII

Баҳор ва Гулюз цехга боришган куннинг эртасига соат етти яримда эшик қўнғироғи жиринглади.

– "Хозайка" келди-ёв, – дейишди қизлар.

Бир зумдан сўнг даҳлиздан ширинсухан аёл овози эшитилди. Уй соҳиббаси ичкарига кириб, Гулюз билан ҳам эски танишлардек ҳол-аҳвол сўрашди. "Ижара ҳақини олдиндан оламан, негаки аввалги ижарачилар алдаб кетишган", деганидан кейин отаси тутқазган пулларни қуртдай санаб берди.

– Зўр иш топибсиз, – дейишди хонадош қизлар Гулюзга. – Иш вақти кам, ойлик етарли. Таниш-билиш яхши-да. Бизга бойларнинг жиян-пиянлари ҳеч дуч келмайди. Нега ундай, ҳайронмиз. Умримиз бегоналарнинг қаҳвахоналарида тўнғиллашларни эшитиб, бесамар ўтаяпти.

Гулюз кўчага ёлғиз чиқди. Трамвай бекати бошқа бекатлардан фарқли ўлароқ йўл ўртасида эди. Кечаси кўрган туши таъсирида фаромуш ҳолда бораётиб, ногоҳон чалинган сигналлардан чўчиб тушди. Чорраҳадан отилиб чиққан машиналар бир гала итдек ёпирилиб келарди. Гулюз қаёққа юришни билмай қотиб қолди: бир сония ўтди, икки сония, уч... "Тамом!"

– Югуринг! – кимдир етаклаб кетди уни.

Трамвай бекатининг темир тўсиқларига етгач қаради халоскорига. У Норбек эди. Ҳалоқат юз бериши муқаррар ҳисобланса, уста йигит иккинчи марта ўлимдан қутқарганди.

– Бекатлар фақат йўл четида бўлади, деганлар адашади,  
– деди Норбек кулумсираб.

Бежирим оқ кўйлак, оқ шимдаги йигитни ҳеч ким бино таъмирловчи уста деб ўйламасди.

– Кўрмай қолибман...

– Сув ичасизми?

– Йўқ.

– Сув таклиф этганим учун узр.

Ҳовузга йиқилгани, оғзи-бурни сувга тўлгани Гулюзнинг кўз олдидан лип этиб ўтди. Трамвай келди. Ишга, ўқишга шошилаётган одамлар кўп эди. Гулюз ва Норбек орқа ойнадаги тутқичдан ушлаб, ёнма-ён туришди. Қиз илк бора сездики, йигитда ўзига мафтун этувчи ҳид уфурмоқда. Йигитлар қизларни хушбўй атирлари билан ҳам асир айлаши мумкинлиги Гулюзга маълум эмасди. Ёғдай эриб борарди у.

– Ҳаяжонингиз босилдими? – меҳр-ла сўради йигит қўлига кафт босиб.

Аммо Гулюз ток ургандек тортиб олди оппоқ қўлини. Нимадир дейиши керак эди. Балки жаҳли чиққандек кўрсатса, тобора эриётган вужудини эски ҳолатда сақлаб қолар?

– Кеча бизни пойлаб юрганмидингиз?

– Бугун ҳам пойлаётганим йўқ, – деди Норбек. – Сизни цех йўлагига тўсатдан кўриб қолдим, кўлимдан узук тушиб кетди. Умуман олганда, мен шу атрофда тураман, ижарада.

– Нега унда жим бўлишимни ишора қилдингиз?

– Қичқиришингиз мумкин эди.

Гулюз тушини эслади.

- Узукни бермадим, – деди Норбек.
- Кимга?
- Мая опага ёки Мирзакамол акага.
- Ўзингиз биласиз... Менга фарқи йўқ, – елка қисди Гулюз.
- Бегонасирашингизни тушунаман, – Норбек бир оздан сўнг қизга янада яқин сурилди. – Лекин... бу ҳақда бирдан гапириш ноқулай бўлса ҳам, айтаман... Сиз ундай қилманг.
- Тушунмадим, Норбек ака...
- Цехга қайтганингиз учун раҳмат. Биз ҳар куни гаплашиб турсак дегандим. Кўнглингизга ёмон ҳаёл келмасин. Ўша куни айтгандим, биз бир-биримизга керакмиз.
- Йигитлар билан гаплашмасликка сўз берганман.
- Бу бажариб бўлмайдиган ваъда. Мана, мен билан гаплашаяпсиз.
- Хўп, гапирмайман...
- Қишлоғимни сўрабсиз.
- Бунчалик кўп айфоқчиларга эгалитингизни билмагандим, – деди Гулюз негадир дадиллашиб. – Суҳбатга бурнини суққан бобо ҳам одамингизмиди?
- Гулсарой қабристон эмас, бобо янглишган. – деди Норбек.
- Кечқурун бирга кетишга рози бўлсангиз, ўзим ҳақимдаги аччиқ ҳақиқатни ҳикоя қилиб бераман.
- Трамвайдан тушиб, цех биносига юришди. Гулюз ўз соясига кўз қирини ташлади: сочи кўнгилдагидек турмакланганига кўнгли тўлди.
- Вақтга ишонасизми? – сўраб қолди йигит.
- Вақтга? – ҳайрон бўлиб қаради Гулюз. Шу кунгача "Худога ишонасизми?", "Севгига ишонасизми?", "Ирим-сиримга ишонасизми?" каби саволларни эшитганди.
- Нима дейсиз, Гулюз? – деди Норбек. – Жавоб бермадингиз.
- Вақтнинг бор-йўқлигига ишонасизми, деб сўраяпсизми?
- Ҳа-да, – деди йигит.
- Нега ишонмас эканман, албатта ишонаман.
- Норбек шеър ўқиётгандек:
- Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба, якшанба, – деб ҳафта кунларини санади. Ойларга ўтди: – Январь, февраль, март, апрель, май... Хўш?



Гулюз саволомуз кўз узмаётган йигитга жўяли жавоб айтиши кераклигини тушунди.

– Ҳафта кунларига, фаслларга ишонмаслигингиз галати, – деди у. – Кун чиқишини, ботишини, қиш келишини, баҳор бошланишини кўриб турамиз-ку.

Гулюзга ҳақиқатан ҳам шоиртабиат йигит ҳамроҳ бўлганди чоғи, тўлқинланиб кетди-да:

– Мен учун вақт йўқ, уни ҳис этмаяпман, – деди. – Кун ўтиши, фасллар ташрифи вақт эмас.

– Саволингиз қизиқ экан. Жавобингиз ҳам.

– Демак, кечқурун бафуржа гаплашамиз?

– Кечқурун квартирада бўлишим керак.

– Ишдан қайтаётганимизда, йўлда гаплашсак, демоқчи эдим.

Гулюзнинг шаҳарда кашф этгани – бегона йигит ва бегона қизнинг суҳбатида мавзу фақат севги бўлмаслиги ҳам мумкин. Уларни қизиқарли, ёқимли ва галати мавзулар боғлаб туришига нега бошқалар фақат шубҳа кўзи билан қарашар экан-а? Гулюзнинг ақли яна шунга етардики, мавзуларда икки дил оҳанрабосини-да йўқ деб бўлмасди. Келгусида ўзи ва Норбек муносабатларида ака-сингиллик, дўст-дугоналикни кўрмаётган эса-да, отаси нафратланган иллатни ҳам тополмаётганди. Тилда тушунтириб беришга ожиз дил ришталари уланади, уланиб бораверади. Бундан қанчалик хурсанд бўлмасин, айти дамда у Норбекни севиб қолишдан ҳам қўрқарди. Отаси кимга берса, ўшанга турмушга чиқиш фикри миясига шу қадар чуқур илдиз отгандики, "мулланинг қизи шаҳарда бир йигит билан севишибди, ундан совчилар келаётганмиш" деган гап ўлим ҳукми эди гўё.

Худди университет хиёбонидагидек мубҳам хайрлашган Гулюз иккинчи қаватга кўтарилаетиб чуқур тин олди. Норбек иккиси бундан кейин битта жойда ишлаши ёқимли эканини рад этолмасди. "Кейинчалик совчи юбормоқчи бўлса юборсин, аммо севишиб юрганимизни ота-онамдан яширамиз, – деди ичида беихтиёр. – Пинҳона гаплашишдан ўзимни тиёлмайман. Уйланиш нияти рост бўлса, ўқишни тугатишимга бир йил қолганда совчи жўнатишига шартлашаман... Вой, нималар деяпман? Турмуш қуриш ҳақида нега ўйляпман? Севгининг бошланишими бу? Уни ёқтириб қолдимми?"

Қишлоқда ҳам, ҳозир ҳам нега Норбекни ўйлаяпман?.."

Мая опа иш кийимлари берди, дастгоҳлар ёнига бошлаб келаркан, деди:

– Кўзимга жуда паришон кўринаяпсан, Гулюз. Бир неча кун бўлса ҳам бирга ишлагансан, ҳатто кеча ҳам бунақа эмасдинг. Нима гап?

– Ҳеч нима, Мая опа... – биринчи кунданоқ ошиқ-маъшуқлик бобида танбеҳ эшитишини сизди Гулюз. – Ўзим шундай...

– Ҳамма қизларга, хотинларга жавобгарман. Мирзакамол ака цехни кенгайтириб, фабрикага айлантирмоқчи. Цехни бошқардимми, фабрикани ҳам бошқармоқчиман. Ўнинчи август куни ҳовузга йиқилганингда, Худо сақлади. Бунақа фалокат такрорланмаслиги учун одамнинг эс-ҳуши жойида бўлиши шарт. Мулла келган куни хўжайин сен учун менга айтадиганини айтди. Қандайдир сирларни яшириб, махфий иш қилиб юриш, уйдаги низоларни ишхонага олиб келиш, ишга таъсир қилувчи севги-певги – бундай муаммоларни ёқтирмайман. Битта мен эмас, ҳеч қайси иш бошқарувчи, хўжайин, раҳбар ёқтирмайди. Ҳар бир ходимга ойлик берилса ишлайверадиган машина деб қарайдиган бизнесменлар мингта бўлса, мингтаси ҳам хато қилган. Унутма шуни!

– Хўп.

– Ҳозиргина сени иккинчи қават деразасидан кўрдим. Ким билан гаплашиб келаётгандинг?

– Ҳеч ким билан... – деб юборди Гулюз.

У алдамоқчи эмасди. Йўлда Норбекка тасодифан дуч келганини, ўрталарида йигитнинг халоскорлигидан бўлак ҳеч нима йўқлигини айтмоқчи эди, улгурмади.

– Ёнингда биров бордек туюлди, – деди Мая опа. – Яхшилаб қарайман дегунимча айвон панасига ўтиб кетдинглар. Сен янгисан. Катта шаҳарга ҳам яқинда келгансан. Йигитларни кўрганда кўзлари ўйнаб қоладиган гунажинларни ёқтирмайман.

– Мая опа тўхтаб кўрсаткич бармоғини ишора қилди. – Тагин кўнглингга олма, сени унақа демоқчи эмасман. Одобли, тарбия кўрган, ақлли қиз эканинг кўриниб турибди. Ҳовузга ҳам паришонликдан йиқилмадинг. Бундан кейин фалокатларнинг олдини олайлик, уларни чақирадиган сабабларни юзага

келтирмайлик. Бирор йигит хиралик қилса, менга айт. Гоҳида йигитлар фалокат уяси бўлишади.

Гулюз кун бўйи Норбекни учратмади. Кечга яқин ижара уйига отланар экан, гилам цеҳи қизлари ва уста йигитлар битта том остида ишлашларига қарамай бир-бирига унча-мунчага дуч келмасликларини фаҳмлади. Бунинг устига Мая опа бизнеснинг тараққиёти маънавиятда деб ўйларди ва муҳаббат қанчалик олий туйғу бўлмасин, қалбларнинг поклигидан кўра вужудлар ўртасидаги масофа сақланишига кўпроқ ишонарди.

— Аввалги ишлаган кунларингнинг пулини ол, — деди Мая опа.

Пул қизнинг юрагига ажабтовур таскин берди. "Шаҳарда бошпанам, маошим бўлса, бир йил уйдагиларни алдашни удалайман, — ўйлай бошлади у. — Янги йилга борганимда, пул тутқизишса, оламан. Олмасам, шубҳаланишади. Берган пулларини талабалик учун асраб кўяман. Келгуси йил ўқишга ўтсам, ростини айтаман ва бир йил пул сўрамайман".

Трамвай бекатига яқин қолганида, ортида кимдир кузатиб турганини сизди. Назарида, ҳозиргина йўлак четида у Норбекнинг ёнидан кўрмагандек ўтиб кетганди. Бирдан ҳарир шамол эсиб, юзини силаб, сочларини енгил қитиқлади. Оёқлари секинлашди, ёзлик туфлисининг пошнаси тикиллашдан тўхтади, юрагида ажиб илиқлик уйғониб, илк баҳор кезларидагидек сармаст бўлди.

— Гулюз, — чақирди Норбек.

"Мая опа айтганидек ростдан ҳам паришонхотирман шекилли", деб қиз ортига ўгирилди. Нима ҳам дерди: Норбек йўлак ўртасида ёқимли жилмаймоқда эди. "Хайрият", — деди қизнинг ичидаги овоз.

Норбек қўлларини ёйган бўлди ва:

— Бир соат кутдим, Гулюз, сиз эса танимай ўтиб кетдингиз, — деб ўпкалади. — Ҳеч ким тушунмаса ҳам мен тушунаман. Отангиз йигитларга қарамасликни тайинлаган. Ўтган-кетган йигитларга қарайвермаслик отанинг насиҳатисиз ҳам тўғри қарор.

— Қанча кутганингизни қаёқдан биласиз?

— Чорраҳадан нариги томонда соатли минора бор. Ҳув ана!

– Вақт ҳақида фикрингиз бошқача эди-ку?

– Ўзгартирганим йўқ, ўзгартиролмаيمان ҳам. Мен сизнинг тилингизда гапирдим, холос.

Улар бекатга дарров етишди. Йигит ўзида йўқ шод эди. Ахир, қиз унга кўнглини очиб сўзлаётган эди-да.

– Сония, дақиқа, соат, сутка, ҳафта, ой, йил, аср, эра – булар ўйлаб топилган, – деди Норбек. – Аслида улар йўқ. Вақт дейдиган ҳаракат ҳеч қандай ҳаракат эмас, у жим туради, у қимирламайди. Одам тугилади, униб-улгаяди, қарийди, ўлади. Ер шари айланади, қабристонлар айланади. Ҳар бир тирик мавжудот ривожланади, ҳар бир ўлик мавжудот чирийди. Бундай ўзгаришларни одамлар муддат билан ўлчашади. Муддатни вақт деб аташади. Вақтни онг ҳис қилади. Инсон ухлаётганида, ҳушидан кетганида вақтни сезадими? Йўқ.

– Худога ишонаман. Норбек ака. – деди Гулюз. – Ўлган одам абадий йўқ, у ҳеч нарсани ҳис қилмайди, демоқчи бўлсангиз, алашасиз.

– Асло! Асло! – бош чайқади Норбек. – Ўлимдан гапирманг, Гулюз! Ўлим ҳақида ҳеч нима билмайсиз. Вақт ҳақидаги гапимни мутлақо бошқача тушундингиз.

– Уста йигитга ўхшайман.

Йигитнинг кўзларида бегуборлик балқиди.

– Кимга ўхшайман?

– Билмасам... Ўқитувчи бўлсангиз керак.

– Ўқитувчи? Мен-а? – қувониб кетди Норбек. – Онам бир умр орзу қилган. Қанийди ўқитувчи бўлганимда. Ўқитувчилик армон бўлиб қолди.

– Кўп китоб ўқиганмисиз?

– Китоб ўқимаганман.

– Бўлмаса, мен тушунмайдиган гапларни қаердан олиб гапираяпсиз?

– Китоб нима эканини айтайми?

– Айтини.

– Китоблар бир оламдан мавжуд бўлган ҳолда иккинчи оламнинг чиптаси ҳисобланади. Менга ҳеч қандай китоб керак эмас. Мен... мен ҳозир айтолмайману... қисқаси, китоб

ўқийдиганлардан эмасман. Китобни сиз ўқишингиз мумкин. Сиз... имтиҳонга тайёрланаётган қизсиз.

— Эрка ўсанман, ичадиган одатим бор дегандингиз. Ҳозир ичмайсиз, чекмайсиз, китоб ҳам ўқимайсиз. Ростдан шунақамисиз?

— Жуда яқин келдингиз, — синиқ кулумсиради Норбек.

— Мен аввал уйдагиларимдан, қариндошларимдан, ҳамқишлоқларимдан қўрқардим, энди Мая опадан ҳам қўрқаман.

— Нега?

— Йигитлар билан гаплашмаслигим керак.

— Нега доим бир хил гапни такрорлайсиз, Гулюз? Йигитлар билан гаплашмасангиз гаплашманг, ихтиёрингиз. Ҳар бир қиз бир кун келиб биттаси билан гаплашади.

Трамвайда одам ҳар домгидек гавжум эди. Гулюз тиқилинчда сукут сақлашни илтимос қилди. Улар ярим соатча жим кетишди. Ниҳоят, ўзларининг бекатига етдилар. Ёнма-ён туриб бир-бирини соғиниб қолишган эди, тушганданоқ гапга оғиз очишди.

— Куёш ҳам ботди, яна бир кун ўтди, — деди Норбек. Кейин кўшиб қўйди: — Сизларнинг тақвимингиз бўйича албатта.

— Сизнинг тақвимингиз қанақа? — кулумсиради Гулюз.

— Менинг тақвимим йўқ.

— Ҳазилларингиз ҳали анча кўпми?

— Келинг, шу ерда очиқ гаплашиб оламиз, — деди йигит.

Уни ҳазиллашаяпти ҳам, жиддий гапираяпти ҳам деб бўлмасди.

— Аччиқ ҳақиқатингизни гапирасизми?

— Ҳақиқатни Гулсаройдан бошлаймиз, розимисиз?

— Ёлғондан бошлайсизми?

— Аввал ёлғончи эдим, ҳозир ростгўйман.

— Ижара уйимиз ёнидаги новвойхонагача бирга борасиз, кейин хайрлашамиз. Мени хонадош қизлар сиз билан бирга кўрса, Нафиса опамга етказишади. Шаҳарга келганидан йигит топиб олибди, дейишларини истамайман.

— Қўрқманг, хонадошларингиз мени кўришмайди.

Улар қадамларини секинлатишди.

— Сиз имонли қизсиз, — деди Норбек. — Тестдан аввал

Хизр бобога ишонмаслигингиз ҳақидаги гап эса оғзингиздан чиқиб кетган, буни кечириш тугул гуноҳ деб ҳам бўлмайди.

Гулюз сергакланиб:

– Фақат Баҳорга айтганман-ку, сиз қаёқдан биласиз? – деб сўради.

– Нега сиз бошқалар ҳеч нима билмайди, деган фикрга таянасиз? "Бошқалар билиб турган бўлиши мумкин", деган фикр билан ёндашсангиз-чи.

– Баҳорнинг оғзида гап турмайди, – деди Гулюз ва тушини эслади. Тушида Баҳор душмани, Норбек дўсти бўлиб чиққанди, бу ёғи қандай давом этаркан?

– Аввало, сизнинг оғзингизда гап турмаган, бировларни айблашдан аввал шу ҳақда ўйланг.

– Сиз учун мен бошқаман, – бўш келишни истамади Гулюз. – Гулсарой қишлоғиданман, дегансиз. Аниқ билмайман, сиз Гулсаройданмисиз, бошқа жойданми. Нега энди бошқалар билиб туриши мумкин, дейман? Агар шундай ўйласам, отамнинг кўзига тик қараб алдармидим?

– Отангизни аллаганингизнинг гуноҳи ювилади.

– Бу оғир гуноҳ... Ҳар бир гапни ишонч билан гапиришингиз, очиги, ҳайрон қолдираяпти. Ўқишга ўтишимга, гуноҳларим ювилишига нега бунча ишонасиз?

– Шошмасангиз ҳаммасини билиб оласиз.

– Ҳозир нималарни билар эканман? Қизиқаяпман.

– Мени қутқариш сизга насиб этишидан умидворман, Гулюз. Бир бечора бандани азоблардан сақлаб қолган инсонга савоб ёзиладими? Ёзилади! Мабодо қутқаролсангиз, гуноҳларингиз кечирилишига савобларингиз сабаб бўлади.

Гулюз отасининг таълимотидан сўзлагувчи йигитни олис шаҳарда учратганидан севинди. Норбекнинг қандай йигит эканини падари бузруквори билганда эди, фотиҳаланишга рози бўлармиди? Балки йигит шу йил уйланмоқчидир? Шаҳарда яшаб, устачилик қилса, Гулюз ҳам ишласа, улар рўзғорни тебратишни удалайдилар. Келгуси йил университетга ҳужжат топширарди. Ксйинчалик Норбек ҳам ўқирди. Билимдон йигит дипломли бўлгач, катта ўқитувчига айланарди...

Бироқ танишганларидан бери Норбек бошқа мақсадни кўзлаётгани ҳам сезиларди. Гулюз баайни шуни ўйларкан,

ширин энтиктирувчи ҳислар устига гумон булути соя солди.

— Очиқ айтмоқчи экансиз, эшитаман, сизни айнан нимадан ёки кимдан қутқараман?

— Жаҳаннамдан, — деди йигит.

— Қайси жаҳаннамдан?

— Қайси бўларди, нариги дунёдаги жаҳаннамдан. Мен осий бандаман.

— Хўп, дўзахдан сизни қандай қутқараман? — ҳазил деб ўйлади Гулюз. — Мулланинг қизи эканим учун нишонга олган бўлсангиз, шунини айтиб қўяй, мен бошқа қизларга ўхшаб ҳар йили рамазон рўзасини тутаман, лекин ибодат қилмайман, авлиёлик хислатим ҳам йўқ. Талаба бўлиш учун отамни-ю элимни алдаб юрибман. Ёлгончи қизман!

— Боласига дори олиш учун аптекага кетаётган одамнинг пулини ўғирлаганман, — овозини баландлатди Норбек. — Бошқа бир кимса чўнтагимга пул тиқиштириб, ёлгон кўрсатма беришимни сўраганида, рози бўлганман. Ҳар кунини ишдан қайтаётиб, арақ дўконидан юз эллик грамм арақ ичардим. Ичишга сарфланадиган пулни заводдан ўғирланган майда-чуйдалар эвазига қоплардим...

Гулюз анграйиб қараб қолди.

— Яна қайси гуноҳларимни айтай? — ҳасратини давом эттирди йигит. — Ёшгина хотиннинг хиёнат қилишига йўл очиб берганим-чи?! Сиз кечирармидингиз бу гуноҳларни? Ўша хотинга бир пулдор эркак ошиқ эди, воситачи керак эди, воситачи бўлдим, худди қўшмачилардек! Охир-оқибат ўзим ҳам шафқатсизларча жазоландим. Яъни бу дунёнинг жазоси берилди. Агар ёрдам бермасангиз, у дунёда мени дўзах азоблари кутиб турибди. Илтимос, дўзахдан қутқаринг. Бу сизнинг қўлингиздан келади, Гулюз.

Қиз кўзларида қўрқинч ўти ёнаётган йигитнинг иқрорини тинглаб шавираб қолди. У Норбекни ҳозиргина отаси орзу қилган куёв деб билганди.

— Сизга ёрдам беролмайман, — деди Гулюз. — Мен ўйлагандимки...

— Гулсарой қишлоқ эмас, қабристон, — деди Норбек ҳақиқат юкидан ҳансираб. — Сизни алдадим ҳам деёлмайман, мен ростдан ҳам қабристонда яшаганман. Ониси уйидан қувиб

юборганда қоровулхонада тунаган, деган хаёлга борасизми, далли-девона дейсизми, ўзингиз биласиз. Қабристонда ҳам тузуккина уйлар бор. Кўчада ётгандан кўра гўристонда ётган афзал экани ҳақидаги ривоятларни эшитганмисиз? Ҳар қандай қабристон ўрнида бир вақтлар одамлар яшаган. Мен жамики иллатларини ташлаган йигитман. Менга ёрдам берсангиз, бас... Ўтинаман...

— Йўқ, кечирасиз, мен...

— Берилган охирги имкониятни кунпаякун этиб, жаҳаннамга қулатиб юборасизми? Ахир, кўраяпсиз, мен тўғри йўлга қайтарилдим. Сизни ҳовуздан чиқараётганимда қанчалик энгил тортганимни билсангиз эди!.. Гулюз, сизни севаман!

— Нима? — бир зумда қизиб кетди Гулюз. Ичидаги овоз: "Шарманда... шарманда..." деб бонг урди.

— Бир кўришдаёқ жонимдан ортиқ севиб қолдим! Ўз қилмишларидан пушаймон еб ўтирган йигитга сиздек халоскор қиз дуч келди. Шунчаки халоскор эмас, севгили, суюкли бўлди у! Ҳақиқатни очиқ айтаётган инсонни нега ёмон кўрасиз? Энди ўтмишим йўқ! Менга бугуннинг кўзи билан қаранг! Вақтга ишонасиз-ку! Вақтга ишонган одам ўтмишдан кўрқмаслиги керак. Ўтмиш қайтмайди.

Норбек кўлларидан тутган эди, Гулюз ортга тисланди.

— Сизни бунақа деб ўйламагандим, Норбек ака... Ҳовуздан қутқарганингиз учун раҳмат.

— Тўхтанг! Мен-чи?! Мени дўзахдан қутқармайсизми? Бу иш қийинмас. Афсусда эканимни, кечиришларини сўраб ўша одамларникига борсангиз, бас! Улар кечиришса бўлди.

— Ўзингиз бора қолинг, — новвойхона сари юрди қиз.

— Боролмайман, Гулюз.

— Кўрқасизми?

— Кўрқмайман! — ёниб-тутақиб сўзлади йигит. — Кўрқмайман! Нега боролмаслигимни айтсам, ишонмайсиз.

— Яхши дам олинг, Норбек ака, эртага гаплашамиз... — осон қутулмоқчи бўлди Гулюз.

— Дам ололмайман! — йигит йўлини тўсди. — Дам олишга ҳаққим йўқ!

— Кетақолай...



– Онамнинг ҳузурига бориб, мени кўргангингни айтасизми? – зорланди Норбек.

– Онангиз билан ҳам хабарлашмасизми? – Гулюзнинг томоғига нимадир тикилиб, юз-туси бўғриқди. – Тўғрисини айтайми, Норбек ака, шу ерда орамизни очиқ қилайлик.

– Шошманг! Онам Гулсарой яқинидаги Беҳизор қишлоғида яшайди. Қишлоққа боришни хоҳламасангиз, Тошкентга келадиган вақтини айтаман, бекатда кутиб олиб, гаплашасиз. Мен онам билан уришмаганман. Фақат сиз мени эшитасиз, сиз мени кўрасиз, бошқалар учун йўқман.

– Бошқалар учун йўқман, деб ўзингизни четга тортиб юришингиздан нима фойда? Онангиз билан уришмаган бўлсангиз мен орқали қанақа сюрприз тайёрламоқчисиз?

– Дардимни сизга айтдим, шунда ҳам тушунмаган бўлсангиз...

– Дардингизни ўзига айта қолинг, онангиз-ку!

– Барибир тушунмадингиз. Мен шунақаманки...

– Йўқ, ўйинларингизга қатнашмайман.

– Сиздай қиз учрашини қанча вақт кутганимни билсангиз эди. Бу ўйин эмас!

– Норбек ака, – деди Гулюз, – менга унақа гапларни гапирманг. хафа қилаяпсиз.

– Ахир...

– Нима "ахир"? – далиллашди қиз. – Нега тушунмайсиз? Шунақа қилаверсангиз, цехдан ҳам, шаҳардан ҳам кетаман. Мақсадингиз – мени кеткизиш бўлиб чиқади.

– Хўп, севгимдан оғиз очмайман. Севмасангиз, мажбурлаб севдириб бўлармиди?! Мени халос этишингиздан умид қилишда давом этаман. Сизга ёмонлик тилаётган бўлсам, мени умрбод кечирманг!

– Дўзахга тушмаслик учун қандайдир ишларга мажбурламоқчисиз. Ҳайронман, Норбек ака, тўғри йўлдан юраётган экансиз, нега дўзахга тушаркансиз?

Шу пайт кўпқаватли уй подъездларининг бирида карнай-сурнай овози эшитилди. Иккаласи ҳам ўша томонга қарашди. Келин-куёв ресторандаги кечки никоҳ базмига отланишган эди. Шампан виноси пақиллаб отилди, қадаҳлар тўлдирилди. Сўнгра жуфтлик оппоқ машинага ўтирди. Гуллар сочилди.

Куёвнавкарлару дугоналар бошқа машиналарга шошилиб чиқишди. Тўй карвони Гулюз ва Норбек сари бурилди. Гулюз шаҳар тўйини илк марта кўриши эди, кўз узолмай қолди.

– Бўпти, келишдик, – ортига тисланди Норбек кўлларини кўтариб. – Биз ҳозир хайрлашамиз. Севгини гапирмайман, онамни кутиб олишга ҳам жўнатмайман. Бунинг эвазига менга нима берасиз?

Гулюз йигитнинг муддаосини англамади. Ундан қарз жойи бормидики, эвазига нимадир берса? Ҳовузга фарқ бўлишдан қутқарганини умрбод миннат қилиб юрадиган йигитга ҳам ўхшамаяпти...

– Шаҳардан кетмайсиз, – деди Норбек. – Мирзакамол аканинг цехида ишлайсиз, бугунги суҳбатни унутиб, мени ҳеч қаерда гапирмайсиз. Цехга ҳар куни бирга бориб, бирга қайтамиз. Истасангиз бир оғиз гаплашмаймиз. Ёнингизда ёки орқангизда юрсам бўлди. Шу ҳам етарли. Нима дедингиз? – Йигитнинг юзида табассум ўйнади. – Гулюз, жавобимни кутаяпман.

Тўй карвони уларнинг ёнидан ўтаётганида, Гулюз бутун диққатини жамлаб келинчакка тикилди. Бир зумгагина кўрди уни. Қишлоқ келинлари каби оддий келин, пардоз-андоз қилган, оқ фата кийган, гул тутган, хурлиқо.

– Гулюз, – деди Норбек норози оҳангда.

Қиз келин-куёвдан олдинда кетаётган машинанинг орқа томони очиқ эканини, видеочи йигит тасвирга тушираётганини кўраркан, бировнинг тўй маросимида Норбек иккисининг учрашув онлари ҳам эсдаликка қолганини ўйлади. Ирим-сиримлардан ҳамон қутулолмаган эди, тасвирга бирга тушганини яхшиликка йўйди, хийла енгил тортиб, ўзини эркин ҳис этди. Тақдир аломатлари унга тўйдан дарак бермоқда эди. Шу билан бирга у ирим бошқа, отаси сингдирган эътиқод бошқа эканини ҳам англади. Ирим-сиримларсиз яшаса, равон йўлида ҳеч ким ва ҳеч нарса халақит бермайди, аммо эътиқодсиз кечган умрида равон йўлнинг ўзи бўлармикан? Ирим унга хурсандчилик берган эса-да, отасини алдаб яшаётгани барибир юрагини эзди.

– Ўйлаб кўраман, – деди Гулюз.

– Бунинг нимасини ўйлаб кўрасиз? Бир оғиз гапирмай

изингиздан бораман, изингиздан қайтаман, – Норбек тишининг оқини кўрсатди. – Лоақал шу шартимга кўнарсиз?

Гулюз бош қимирлатиб хайрлашди ва ўн қадамлар юргач, ногоҳон эсган шамолга ҳайрон бўлиб, ўгирилиб қаради. Йигит ғойиб бўлган эди. У турган жойга газета парчаси учиб келиб, алланимага илакишиб бир зум ҳилпираб турди, сўнг учиб кетди.

Ҳақиқатан, Гулюз тун бўйи ўйлаб чиқди. Норбек ўтмишдаги айбларини очиқ-ойдин тўкиб солди. Ким шундай қила олади? Чин ошиқ эмасми? Йигитнинг кўзлари... Кўзларида ишқ, умид ва мунг балқиб турибди. Худди қорни оч бола овқатланаётган кишига ютинишдан ўзини тиёлмай тикилаётганга ўхшайди. Бироқ бу оч нигоҳлар эмас, бир қиз розилигига зор нигоҳлар эди...

Кўпқаватли уйлар оралаб ўтган асфальт йўлакдан эрталаб шошаётган Гулюз болалар майдончасидан чиққан шарпани кўз қири ила илғаб бошини бурди. Кечаги либосдаги Норбек кечагидек мамнун эди, қизга индамади, ҳатто қўл ҳам силкимади. Гулюз унинг ваъдасида турадиганлардан эканини билганди, ичида қувонди.

Бу ҳол қирқ кун давом этди. Гулюз ширин сўздан кўра сирли нигоҳ шайдоси эди. Олис қишлоқдаги отасини ўйлаган сайин нигоҳларга асира бўлмоқлик билан кифояланишга виждони кўнганди. Кўзнинг кўзга тушиши бу воқеалар рўй бераётган асрда, ҳатто энг мутаассиб оталар томонидан ҳам тақиқ этилмаган эди-да.

Бироқ нигоҳларнинг ўзи кўп нарсага қодир эканини қиз ҳали билмасди. Дарҳақиқат, қирқ биринчи куни бир воқеа кутиб турардики, ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

## **БЕШИНЧИ ДАЛИЛ**

Шу тариқа Зафартепа қишлоқ қабристонини тобутхонасида Гулюз ва Норбекнинг севги тарихини эшитдим, лекин Баҳорни газдан бўгилиб ўлишдек фожиадан қутқариш хаёлимни бир сония ҳам тарк этмаётганди.

"Сиз айтганчалик суст севги мени қизиқтирмайди, – дедим

икки қадам ташлаб. — Ишқ-муҳаббат олови ловиллаб ёнсагина қизиқ. Юракдан чиқолмаган севги севгимас, ҳавас, холос! Менга Гулюзнинг ҳаваси-ю Норбекнинг эрмаги керакмас!"

"Мажнунона муҳаббатнигина тан оласизми?" — сўради Баҳор.

"Ҳа!" — деб бир ҳамлада қизни тутдим.

"Мени қутқармоқчимисиз?" — тўлғонди у.

"Бурчим эканини такрорлайвериб чарчадим", — дея ташқарига олиб чиққан заҳотим яна ҳушидан кетди. Ҳар гал очиқ оламни кўрганида ҳушидан айриладиган қизни бағримдан қўймай икки-уч силкидим:

"Баҳор! Баҳор! Ҳозир қаерда эканингизни айтинг!"

"Кечикдингиз..." — йўталди қиз ва кўзини зўрға очди.

"Аҳмоқона гапларни қўйинг, — дедим уни ерга ётқизиб. — Иккаламиз ҳам туш кўраётган эканмиз, бизга бу дунёда хавф соладиган ҳеч нарса йўқ... Кетдик!"

"Қаерга?"

"Шифохонага".

"Жинни... — кулди қиз. — Тушингизда мени шифохонага олиб борганингиздан нима наф? Ҳақиқий ҳаётдаги вужудим газдан заҳарланиб ётибди-ку".

"У ҳолда вужудингиз ҳозир қаерда эканини айтинг. нега сир тутаяпсиз? Мен уйғонаман-да, кўнғироқ қиламан, сизни қутқаришади..."

"Битта менинг эмас, уларнинг ҳаётида ҳам фожиа юз берди. Гуноҳкорлар аянчли ўлимга маҳкум".

"Кимларнинг ҳаётида фожиа юз берди?"

"Гулюз ва Норбекнинг ёлғон ҳаётида, — деди Баҳор. — Ошиқ йигит қараса, қиз рози бўладиган эмас. Шунда у дўзахдан қутулиб қолиш учун яна бир ишга қўл урди. Бу иш гуноҳ эди, аммо йигит шўрлик аввалги гуноҳларини бошқа бир гуноҳ билан ювишига ишонди".

"Нималар деяпсиз, Баҳор? Одам ҳам гуноҳларини ювиш учун бошқа бир гуноҳга қўл уради?"

"Нега ажабланасиз? Сиз ҳам шундай қилган бўлардингиз".

"Йўқ, мени қандайдир Норбекка тенглаштирманг! Фикрим тоза!"

"Нега унда ҳушдан кетар даражада ароқ ичиб, бу ерларда юрибсиз? — кўзлари катта-катта очилди Баҳорнинг. — Иш,

ижод, танқид, рўзгор ташвишлари тажанглаштирдими? Ҳаммага бақирадиган, маврид-бемаврид газабингизни сочадиган бўлдингизми? Бегоналар тугул оилангиздагилар ҳам сиздан безиллай бошлади. Кейин-чи? Буни тушуниб етганингизда миянгизга бир фикр келди. Ичмай, чекмай ёмон кўрингандан кўра ичиб, чекиб шод-хуррам юрган афзал. Доим хушчақчақ одам ҳеч кимни хафа қилмайди. Атрофдагилар ундан қувват олади, суянади. Куч-қувват бу кишимга арақдан келаётганини кеч тушунадилар. Арақ бир одамга тузоқ қўйгач, бошқаларни ҳам ўз домига тортиб кетади. Қани, айтинг, шунақа эмасмисиз? Менга сизнинг ёрдамингиз керакмас. Газдан заҳарданиб ўлганим яши".

"Нима ҳам дердим, бу сафсата эмас, фалсафа!"

"Тушингиз тугаганида, агар уйғонсангиз, тавба қилинг. Келажакда саодат топадиганлар қаторида бўлишга ишониш энг катта бахт. Арақ ичмасдан туриб хурсанд юриш йўлини ахтаринг. Бу йўл бор... "

"Авлиёга ўхшайсиз, синглим. Майли, мен таслимман. Ўзи сизни қутқара оламанми, йўқми? Шуни ҳам маълум қилсангиз".

"Қутқаролмайсиз. Мен ўлаяпман".

"Уларни-чи?"

"Кимларни?" – ҳолсиз чўзилган кўйи кўзларини юмди қиз.

"Гулюз билан Норбекни".

"Улар бир-бирини қутқаришгани ростми ё охириги синовда бир-бирини дўзахга тортиб кетишдими, ҳикоямнинг охирида билиб оласиз".

"Ҳа, қулоғим сизда, – дедим мен. – Ҳикоянгни охири кўринди чоғи. Қани, нима бўлган экан абитуриент қизга-ю уйдан қочиб юрган уста йигитга?"

Баҳор ҳикоясини давом эттирди:

"Қирқ биринчи куни Гулюз даҳшатли фожиани билиб қолди. Аслида фожиа илдизи менга бориб тақалади. Завод биносида арвоҳ борлиги рост эди. У мени ёллади ва Гулюзни завод биносига алдаб чақиришни буюрди, акс ҳолда бир фалокатга гирифтор бўлардим. "Йўғ-е", деб устимдан кулмоқчимисиз? Ким бўлсангиз ҳам шошилманг. Мен ўттиз биринчи июль кечасида, тестдан аввал Гулюзга ёмон ҳазил қилганимни гапирдим. Ўша тундаги ҳазилдан сўнг донг қотиб ухладим.

Кейин эса кимнингдир оқиста турткилашидан уйғониб кетдим. Қарасам, учта аёл турибди. Учаласи ҳам оқ рўмол ёпинган, узун шойи камзулда. Кўрққанимдан дамим чиқмай қолди. Аёллардан бири боши билан йўлакка имлади. Мен уларга эргашиб, университет ётоқхонаси йўлаги охирига бордим. Нима қилаётганимни билмасдим, ўзимни идрок этолмасдим. Қарасам, ошхонадамиз. Бир йигит газни очиб кўйиб, худди ҳузур қилиб ҳидлаётгандек кўзларини юмиб олганди. "Мени гийбат қилган қиз, — деди у кўзларини очмай. — Гаплашсак бўладими сен билан?" Ўз вужудимни сезмаётган эдим. Бунинг ҳаммаси алаҳсирашга ўшарди. "Ҳа", — дедим тилимни зўрға айлантириб. Шунда у Гулюзни тоғамнинг цехига алдаб олиб боришимни, ишга ўтказиб қўйишимни илтимос қилди. Йўқ, илтимос қилмади. Шундай оҳангда айтдики, энг қатъий буйруқдан ҳам қаттиқ жаранглади. Юзига қарадиму ҳеч қачон рад этолмаслигимни, мабодо гинг деб эътироз билдирсам, улар мени албатта ҳалок қилишларини фаҳмладим. Негадир ўзимни қабристондаги тобутхонада тургандек ҳис этдим...

"Тушингиз ичида тушингизни гапириб бераяпсизми?"

"Ўттиз биринчи июлдан биринчи августга ўтар кечаси юз берган бу воқеа туш эдими, ўнгми, билишга шошилманг. Одам уйқудаги воқеаларни "туш", ўлимда бўлганларини "нариги дунё" деб атайди, шунақами? Йўқ, шошилманг, шошилманг. Менинг бошимга қандай қисмат тушса, Гулюзни ҳам худди шундай қисмат кутаётганди. Ошхонадаги йигитдан қанчалик кўрққан бўлсам, эртасига ўн чандон кўрқдим. Йигит менга шундай деган: "Гапимга ишонмасанг, тоғангнинг гилам цехидаги мудҳиш фалокат содир бўлган ҳовузхона қулфини бузганимни кўр!"

Баҳор ҳансираб тўхтади. Негадир тилимга кесатиқ сўзлар кўйилиб келди:

"Тушундим, тушундим, Баҳорой... — дедим. — Демак, ётоқхона ошхонасидаги йигит тоғангизнинг цехидаги ҳовуздан чиққан Мавлон, аниқроғи, Мавлоннинг арвоҳи, тўғрими? Сиз уни мазах қилаверганингизга чидаёлмай "Э, бор-е!" деб ҳовуздан чиққан-да, қулфни синдирган. Бу билан ҳам кифояланмай университет ётоқхонасига жўнаган. Нима

сабабдандир хоналарингизга кирмай ошхонага бориб, газни очган. Қайсидир гўрдан чиққан ўзига ўхшаган учта хотинни сизга совчиликка юбориб... "

"Бас қилинг!" – қичқариб юборди қиз; қулоқларини беркитган эди, ранги кўкариб чиқди.

"Бўлмаса, ким ўша йигит? Гулюзда нима иши бор эди? Тўйи арафасида ўлгани учун эндиликда чимилдиқни қўмсаб, ўзига келин ахтараётган бўлса, бу шаккоклик, Баҳор! Ҳаммаси туш бўлса ҳам, арвоқлар ҳақида ўйлаб гапиринг! Сиз чет эл адабиётини ўқибми, киносини кўрибми, бошингиз айланиб қолган девона қизсиз! Бошқа кимсиз?! Айтинг! Мана шу кўриб турганларимни ҳам туш деяпсиз! Одам ўзининг кимлигини тузукроқ билмаганидан кейин атрофдаги муҳитни ҳам билмайди-да! Ё биладими?"

"Ҳикоямнинг бу ёғини эшитинг", – деди Баҳор менга ўқрайиб.

Шундай қилиб, мен тобутхона остонасида Баҳордан Гулюзнинг шаҳардаги сирли саргузаштлари хотимасини тингладим.

### ХIII

Қирқ биринчи кун Гулюзга маош тегди. Гарчи пулларини санаган бўлса-да, зинапоядан ёлғиз тушаётиб, сумкасига қўл солди. Кузнинг охириги илиқ кунлари эди. "Этик олсам, пальто олсам..." – ўйлади у пул бойламларини пайпаслаб. Дарвоқе, отаси берган пуллардан ҳам фойдаланса, туппа-тузук кийинган замонавий қизга айланади. Тўлиқ сменада ишласа, ноябрдан бошлаб бугунгидан-да кўп ойлик олиб...

"Йўқ, бундай қилиш яхшимас, – деди бирпас ўтмай. – Ўқишга тайёрланишимга вақт кам қолади. Пул топишга эмас, ўқишга келганман-ку..."

– Уҳ-хў, уҳ-хў...

Гулюз ялт этиб қаради: йўталган Норбек эди. Зинапоя этагида деворга суяниб, бежирим оқ костюмда кутмоқда эди уни. Кўкрак чўнтагида қизил атиргул мўралаб турарди, кувёларниқидек.

– Салом. – деди хиёл таъзим қилиб. – Балки тушарсиз, яхши қиз?

– Менми? – атрофга аланглади Гулюз.

– Йўғ-е, сизни эмас, Баҳорними, Холбувиними, Нодираними кутаётгандим.

Гулюз киноядан ҳайрон қолмади. У Норбек нега бугун шартни бузиб, йўлини ошкора тўсаётганига тушунолмаётган эди. Байрам либоси-чи? Қўлига битта сариқ гулдаста етишмабди. Бошига шляпа ҳам.

– Қулоқ солинг, Гулюз! – деди Норбек аллақаяққа, девор ичига қулоғини динг қилиб.

– Нима у? – сесканиб тушди Гулюз. Назарида, ҳовузхонадан йиғи эшитилгандек бўлди.

– Тарақ-туруқ, фириллаш, бегона овозлар йўқ, – изоҳ берди йигит. – Усталар ишини тугатганидан далолат бу! Таъмирлашни бугун батамом тугатдик. Энди бинода ишламаймиз. Мен билан кетасизми?

– Қаёққа?

– Қулоқ солинг, Гулюз! – Йигит яна қулоғини динг қилгандек кўзларини маъноли қисди.

– Мен сизни тушунолмаяпман, Норбек ака...

– Бу сафар девор ортига қулоқ солинг, демадим. Қалбингизга, ҳа, қалбингизга қулоқ тутинг. У нима демоқда? Мен соҳибингиз эканимни айтмаяптими? Фақат ёлгон гапирманг, Гулюз! Зинадан тушасизми ё анча кутиб қоламанми?

Гулюз ғайриихтиёрий тарзда Норбекка талпинди. Билакдан билак ўтказилиб, йўлакда ёнма-ён кетилди. Ё алҳазар, Норбекда ростдан ҳам сариқ гулдаста бор экан, хиёбондагидек назокатли узатди у. Йигитдан таралаётган ифорга гулдаста иси ҳам кўшилиб, қиз сармаст бўлди. Қишлоқда йигитлар билан учрашмаган, гул олмаган эди. Аммо шунга амин эдики, учрашган тақдирда ҳам ҳеч ким уни Норбекдек севмайди, сабр билан кутмайди, илтифот кўрсатмайди.

– Гулдастамни қайтармаганингиз учун раҳмат! – деди у. – Ортимга яшириб тургандим, лекин сезлингиз-а, Гулюз?

– Ҳа, – кулумсиради Гулюз.

– Эртадан бошлаб бу ерда қорамни ҳам кўрсатмаслигимдан хафа эмасмисиз?

– Йўқ, – уялинқираб жавоб берди қиз.



Фойе бурчагидаги ойнаванд қоровулхонада ўтирган қоровул кўзойнаги устидан галати қараб қолди. Афтидан у оддий қишлоқ қизи тўсатдан уста йигит билан қўлтиқлашиб, гулгул яшнаб, боз устига заррача тап тортмай юришидан таажжубда эди.

– Ҳой қизим! – хитоб қилди қоровул.

– Эртагача, амаки! – деди Гулюз.

Ташқарига чиққанларида енгил тин олди.

– Истироҳат боғини айланамиз, овқатланамиз, кинога тушамиз. – деди Норбек. – Ундан кейин сизни квартирангизга кузатиб кўяман. Ҳўш?

– Маъкул, – кулумсиради Гулюз.

– Бугун хонадошларингиз уйларига кетишганми?

– Ҳм.

– Кечаси битта ўзингиз ётишга кўрқмайсизми?

– Кўрқмайман, – деди Гулюз.

У алданиб қолган қизлар ҳақида мактаб чоғларидаёқ эшитган эди. Ҳозир ёлғиз ухлашдан эмас, йигитнинг хиралик қилишидан чўчиб тушди. Гўё алданган қизларнинг қисмати бошига тушади-ю эртага қишлоқда гап тарқалади: иккови бир жойда ишларкан, квартиралари ҳам яқин экан, ҳар куни учраша бошлашибди, киноларга тушишибди, бир куни Гулюз яшайдиган уйда ҳеч ким йўқлигида йигит тунаб қолибди.

– Мен ҳақимда ҳалигача ёмон хаёлдамисиз, дейман? – сўради йигит.

– Бошқаларни ёмон кўришдан олдин ўзимни ўйлаб кўраман, – деб жавоб берди қиз.

Ўша куни улар истироҳат боғида ярим соатча кезиб юришди. Кейин кўл бўйидаги "Марваридгул" ошхонасига киришди. Норбек кунжакдаги нимқоронғи бўлмани танлади. Овқатланишди. Гулюз илк бора йигит зоти билан бир дастурхонда овқат ейиши эди.

– Бир гап айтсам хафа бўлмайсизми? – деди Норбек.

– Ваъда беролмайман.

– Иккимиз ҳам ваъдалардан чарчаганмиз, – деб йигит чўнтагидан қутича чиқарди. Унда тилла узук ярақлаб кўринди. Лекин бу узук Гулюз ҳовузга йиқилганида бармоғида пайдо бўлиб қолган никоҳ узугининг айнан ўзгинаси эди.

- Бу узук менга таниш... – юраги гупиллаб урди Гулюзнинг.
- Тошкентда шундай одат бор, – кўз остидан қаради Норбек.
- Яхши кўрган қизига тилла тақишади.

– Ўша узук эмасми?

– Узук тақиш ҳалоллик рамзи. Менинг поку ҳалол жуфтим бўлишингизни орзу қилдим. Ўқишни тугатишингиз арафасида тўйни ўтказсак деган бўлардим. Мана, Нафиса опа шундай йўл танлаган. Шаҳарда ўқийсиз, сизни тушунган йигит билан кўнгил боғлаб, турмушга чиқасиз. Бу сизга ёқмайdimи? Кечирасизу, тўйгача йигитга қўлингизни ҳам ушлатмасангиз, фақат гаплашиб юрсангиз, нимаси ёмон? Йигит ва қизнинг бирга юришини четдан қараб қоралаганлар муҳаббатни тушунадиларми? Йўқ.

– Нега саволимга жавоб бермаяпсиз, Норбек ака? Мен ҳовузга йиқилиб тушган кундаги узукми бу?

Норбекнинг юзи тундлашиб, гоҳ узукка, гоҳ Гулюзга қаради.

– Сизнингча, узук бировнинг омонатими? Ахир, ўзимга жуфти ҳалол танлаётганимда, наҳотки, ўғирланган ёки кимдир йўқотган узукни совға қилсам?

– Ўғирладингиз демаяпман. Бу ўшами, йўқми?

– Гапимнинг маъноси "асло йўқ" деган маънони англатмаяптими? Турмуш қуришдан ҳалитдан гап очиб, сизни хафа қилиб қўйишдан кўрққандим. Лекин менмас, сиз кўнглимни оғритаяпсиз. Ярим қайсар, ярим ҳалимсиз. Ҳа, ҳар жиҳатдан олиб қараганда, сиз иккита қизсиз. Отасининг назаридаги ва ўзининг назаридаги, эски замонлар тимсоли ва ҳозирги замон... Ва ҳоказо.

– Вой, мени икки хил гапиради ҳам дерсиз? Қирқ кунда ваъдасини бузган ким?

– Сиз ҳам кун санаб юрибсизми?! – қувончини яширолмади Норбек.

Иккови ҳам кулиб юборди. Қизнинг бир кўнгли узр сўрамоқчи бўлди, иккинчи кўнгли изн бермади. Ҳақиқатан, Гулюз икки хил дунёда яшаб, икки хил фикрлайдигандек эди. Бироқ нима қилсин? Норбекнинг комиллигига нимадир етишмаслиги сезилиб турарди-да. "Балки йигитлардан кўрқишим сабаб менга шундай туюлаётгандир? – ўйлади Гулюз. – Ўтмишидаги гуноҳларига иқрор бўлиб, янги ҳаёт бошлаган

Йигит ҳовуздан топилган узукни янги қутига солиб, совға қилмас?"

– Мен нега бунини олишим керак? – деди Гулюз таслим бўлаётганини ҳис этиб.

– Турмушга чиқасизми?

– Ҳа... йўқ, лекин...

– Хоҳласангиз, ўқишни битиргунингизча безовта қилмайман. Ҳагто, кўзингизга умуман кўринмайман. Масалан, телефон қилиб туришим мумкин. Тўйгача учрашмаслигимиз кўлимдан келади. Мана, қаранг, ёмон йигитга ёки иродасизга ўхшайманми? Сиз менга кераксиз... Сизсиз менга осонмас... Илтимос, узукни бармоғингизга тақиб қўйишимга ижозат этинг.

– Кўрганлар нима дейди?

– Айтдим-ку, бизда бўлажак келинларга тилла тақиш одати бор. Кўрганлар қиз эгали экан, деб тўғри тушунишади. "Эгали экан" дегани "юрадиган йигити бор экан" маъносида эмас. Куёвнинг яқинлари келиб узук тақиб кетишибди ёки куёвнинг онаси узук бериб юборибди, дейишади.

– Онангизни хабардор қиласизми?

– Хабар топса, севинади. Келинли бўлишни қанчалик хоҳлашини билсангиз эди! Шундай экан, узук тақаётганимдан онам хабарсиз қолса ҳам, бу жиноят эмас.

Қутидан узукни авайлаб чиқарган Норбек Гулюзнинг қўлидан тўтди. Йигитнинг қўли теккан он қиз сесканиб тушди. Йигит бунинг сабабини сўрамади. Узукни секин, аммо ички бир интиқлик, сабрсизлик ва очлик билан тақаётганди у.

– Табриклайман, – Норбекнинг юзида сирли жилмайиш зоҳир бўлди.

– Ҳм... – бош силкиди ўзини йўқотиб қўйган қиз.

– Нега бошқачасиз? – ниҳоят сўради йигит.

– Ҳеч нима... ўзим...

Гулюз узукка ўғринча қараб олди. Ҳозиргина Норбекнинг қўллари муз каби совуқ эканини билди. Гўё узук ҳам тобора музлаб борарди. Музлаб бориш билан бирга у намланаётгандек, тез орада ҳовузнинг суви томадигандек эди. "Бу оддий тилла узук-ку, менга нимадир бўлаяпти, – деди ўзини лоҳас сезаётган Гулюз. – Балки қаттиқ ҳаяжонланаётгандирман? Балки ота-

онамдан рухсатсиз ўзимни шу йигитга фотиҳалатиб қўйгандирман?.. Йўқ, қанақа фотиҳа? Узук тақди, холос... "

– Хизр бобога ишонасизми? – маъноли қаради Норбек ошхонадан чиққанларида.

Ёзда Гулюзни Баҳор гапга тутганида, Нафисанинг боз-боз огоҳлантириши таъсирида фаришталарга-ю Хизр бобога ишонмаслиги ҳақидаги гап оғзидан чиқиб кетганди. Шаккоклиги учун виждон азобидан бир жароҳат ҳосил бўлиб, энди-энди битаётганди, йигит ярани тирнади.

– Уларга ишонмаслик Худога ишонмаслик, Норбек ака, – деди Гулюз.

– Раҳмат, синглим... – деб юборди Норбек бегона овоз, бегона оҳангда. Бироқ шу заҳотиёқ хатосини тўғрилади: – ... севгилим.

– Ғалати гаплар гапирманг, – ерга қаради қиз.

– Ҳар эҳтимолга қарши сўрагандим. Демак, қиз танлашда алашмабман.

Улар кинотеатрга боришди. Чиптахонадан чипта олишгач, кенг ҳашамдор зинага қараб юришди. Фойеда одам кўп эди: чақчақлашган, бировни кутаётган, попкорн харид қилаётган, бола етаклаган...

Чироқлар ўчирилиб, фильм намойиши бошланган чоғ Норбек попкорн олиш учун зинадан юқорилаб, фойега чиқиб кетди. Уларнинг қаторида ёнма-ён эр-хотин ва қизлари ўтиришганди. Бир пайт қандайдир хотин келиб оила билан ҳол-аҳвол сўрашди. Кейин:

– Анави жой бўшмикан? – деди Гулюз томон қараб.

– Ҳа, бўш, – жавоб берди эркак бамайлихотир. – Сингилча ёлғиз. Ташвишланманг.

Гулюз таажжубланди: "Одам ҳам шунчалик сурбет бўладими? Кино қўйилаётганда гаплашгани етмагандек... яна бу нимаси?"

– Синглим, узр, ёнингизга ҳеч ким келмайдими? – мурожаат қилди эркак. – Манави опангиз ўтира қолсин.

– Эгаси ҳозиргина попкорнга кетаётганини айтиб, олдингиздан ўтди-ку, – энсаси қотди Гулюзнинг.

– Ким?

– Жойнинг эгаси, – деди Гулюз қовоқ уйиб.

– Попкорнга кетди? Қачон? Мен ҳеч кимни кўрмадим-ку?

– Ҳозир айнан сизнинг олдингиздан ўтган йигит...

Эркак Гулюзга лабини буриштиргандек бўлди. Сўнг ҳалиги хотинга илдао билан деди:

– Наилож, бугунги замон қизлари алдайдими, аврайдими, нима ҳам дердик. Шевасига қараганда, бизга ўхшаб қишлоқдан келган, лекин ёлғонни ямламай ютади. Ўз жойингизга бора қолинг.

Оила ҳадеб Гулюзга олайиб қараб, ўзларича шивирлаша бошлашди. Гулюз айти шу дамда Норбекнинг попкорнга кетганидан аччиқланди. "Кинога биринчи марта тушишим бўлса, – деди ўзича. – Попкорн еб томоша қилиш ҳақида Нафиса опамдан эшитгандим, зинадан бу ёққа чиқаётганимизда кўрдим попкорн сотадиган хотинни. "Попкорн олиб беринг", деёлмадим, ўзим ҳам бормадим, тортинчоқлик қилдим..."

Шунда Гулюз ўзидаги уят туйғуси отанинг панд-насихатларидан четга чиқмасликка сарфланмаётганини, юракдаги бебаҳо ҳислар ҳозир попкорн олиш-олмаслик билан банд эканини англаб кўрқиб кетди. Унга нима бўлмоқда? Эсини таниганидан бери эшитган адашган қизлар қисмати шуми? Мантиқан ўйлаб қараса, отасини попкорнга алмашган бўлиб чиқмайдими? "Ё алҳазар, шу залда қанча қизлар оталаридан яширинча йигитлар билан попкорн еб ўтиришибди. Попкорн – олисларда қолган оталарнинг "қовурилган насихатлари бўлиб чиқиши ҳам мумкин, агар..."

– Энди қўлимни ушлатмайман, – ўзига-ўзи гапирди Гулюз. → Бежиз йигитнинг қўли худди илондек совуқ туюлмади. Ичимда имон йиғлаяпти. Уят ҳам ўз вазифасини ўзгартираяпти. Ҳозир ўрнимдан туриб кинозалдан қочиб чиқсам, тўғри иш қилган бўламанми?

– Кутиб қолмадингизми?

Гулюз Норбекнинг қандай етиб келганини пайқамади ҳам.

– Олинг, – попкорн қопчасини очди йигит.

Фильмдаги қизнинг "Дадажон!" деб чопишига чалғиган Гулюз беихтиёр попкорнни оғзига солди. Ҳаяжонли дамлар... Ота ўз қизини оломон орасида танирмикан? Кўрмай қолса, тамом.

– Бахтимисиз? – сўради Норбек бир оздан кейин.

– Ҳа, – деди Гулюз.

Улар кинодан чиққанларида зулмат чўккан эди. Шундай қуоқ зулмат эдики, симустунларда порлаётган сарғиш чироқлар асфальт йўллари биноларни зўрға ёритарди. Бинолар юзлаб чироқлар даврасида ҳам барибир зулматнинг чексиз бағрига бош тираб турарди. Баъзи тор кўчаларда, боғларнинг кунжакларида, кўприк тағларида қоронғиликнинг парчалари сочилиб ётарди. Ва қоронғилик парчаларида одамзодга номаълум қора махлуқлар нурсиз, қора кўзларини ёруғликка тикиб ўтиришарди гўё. Чироқ нурлари тушиши билан янада панароққа қочарди бу зулмат аҳли.

Такси ижара уй пойида тўхтади. Норбекнинг елкасига бош кўйган Гулюз кўзини очди. Осмонўпар бино бўлиб кўринаётган тўққизинчи қаватни ҳам зулмат ишғол этган эди. Гулюз подъезд олдида иккиланиб тўхтади. У нимадан кўпроқ кўрқис керак? Қоронғиликданми, йигитданми?

– Квотирангиз эшигигача кузатиб кўяман. – деди Норбек.  
– Лифт ишламаяпти, подъезд юқорисидаги чироқлар ҳам ўчган.

Гулюз бирор сўз ё хатти-ҳаракат билан монелик қилмади.

– Бу ерда ҳам хайрлашолмайман, – деди йигит эшик олдида. – Уйга кириб, чироқларни ёқинг. Ҳар бир хонани кўриб чиқишим керак. Бугун миноранинг юқори қаватида ёлғиз қолмоқчисиз, ахир.

Улар даҳлиз чироғини ёққач, уйга бир зум термулиб туришди. Норбек хоналарга бир-бир кириб чиққач, деди:

– Сиз ухламагунингизча кетмайман. Эшик қулфи ўзи қулфланиб қоладиган хилидан экан. Кетаётиб қаттиқроқ ёпаман, қулфланади.

– Лекин... нега?.. – қизнинг ҳадиксираган овози эшитилди.

– Ёлғиз кўрқасиз. Эрталабгача ухлолмай чиқсангиз, цехга қандай борасиз?

Йигит гиламчага ўтириб, Гулюзнинг каравотига суянди.

– Бундай ўтиришингиз ноқулай, Норбек ака, – деди ёқасини гижимлаган кўйи турган Гулюз.

– Сиз ётаверинг, мен қарамайман. Чунки биз ҳали бегонамиз. Яъни вужудларимиз бегона.

Гулюз ялинишнинг фойдаси йўқлигини фаҳмлади. Чироқни ўчирмаган эди, Норбек деди:

– Ёруғда ухлаш ҳам, қоронғида бедор ётиш ҳам тирикларга тўғри келмайди.

Иккови қоронғи хонада холи қолишди.

– Кетмадингизми? – деди Гулюз хавотир билан.

– Бунинг учун ухлашингиз керак.

– Уйқум келмаяпти. Кетаверинг.

– Каравотнинг бир четида, ҳеч бўлмаса, оёқ томонингизда ётсам майлими?

– Йўқ, – зорланди қиз.

– Тирногимни ҳам теккизмасам, битта хонада ётдик нима-ю битта каравотда ётдик нима? – леб Норбек қизнинг оёқ томонига оҳиста ўтирди, каравот симлари гижирламади ҳам.

– Хайрли тун, Гулюз.

– Хайрли тун... – уйқу элита бошлади қизни.

#### XIV

Кимдир қичқирди. Гулюз кўзини очганида каравотда ёлғиз ётарди. Атрофига қўрқа-писа аланглади: қоронғи хона, чиқиллаётган соат. Даҳшатли қичқириқни тушда эшитдими, ўнгдами, англолмай ўрнидан турди. Норбек эшикни қулфлаб кетибди. Шаҳар уйқула, тонг узоқ.

Гулюз ошхонага кирди, аммо ёғ ҳидига чидаёлмай кўнгли айниб, ваннага югурди. Бир оз ўқчигач, юз-қўлини ювиб, кўзгуга қаради. Қарадию ҳушидан кетаёзди. Юзида доғлар пайдо бўлган эди, худди акасининг ҳомиладор хотининикидек.

– Мен... мен... нега ёғ ҳидига кўнглим айниди? – юраги орқага тортди Гулюзнинг. – Эй Худо... Нима бўлаяпти менга? Бор-йўғи бирга овқатланиб, кинога тушиб, кейин каравотда, оёқ учида ўтиргани учун... Эсим қурсин, нималар деяпман? Қандай қилиб қисқа вақт ичида?

Кутилмаганда қорни қимирлагандек бўлди-ю Гулюзнинг ранги қоғоздек оқариб, ваннахонанинг совуқ плита деворига суяниб қолди.

– Энажон, энди нима қиламан? – қиз қорнини ушлади. – Бу... бу тушимми? Ё отамни алдаб, киноларда юрганим учун қарғиш урдими? Қанақасига? Тушунмадим... Йўқ, мен девона бўп қолдим... Эсимдан оғдим... Қорнимда ҳеч нима қимирламади... Мен тентак бўп қолдим, холос... Отам мулла...

Ҳам отам, ҳам мулла... Ўл, бу кунингдан, Гулюз!.. Мана, ўзимга-ўзим гапираяпман... Нега тўққизинчи қаватда ёлғиз қолдим? Нафиса опамни чақирсам бўлмасмиди?.. Эртага Норбек акадан сўрайман. Дўхтирга олиб боради... Йўқ, дўхтирга бормайман. Тагин мени текшириб, иккиқат, деб ташхис қўйса... Йўғ-е, нега иккиқат бўларканман?! Алаҳсираяпман! Ёмон алаҳсираяпман...

Гулюз қаравотга ётиб, йиғлай-йиғлай ухлаб қолди. Эрталаб ювиниб, пардоз-андоз қилиб, бир пиёла чой ичди-да, ишга жўнади. Бугун унга ҳеч ким ҳамроҳ бўлмади. Гулюз қирқ йилдан буён шаҳарда яшайдигандек, ишга ёлғиз қатнайдигандек тутди ўзини. Норбек билан кеча истироҳат боғини айланиб, ошхонада тамадди қилган бўлса осмон узилиб ерга тушмади. Кинога боришганлари-чи? Ҳар кун юзлаб ёшлар жуфт-жуфт ҳолда кинозалларга киришади. Ҳаммасининг ота-онаси бохабарми? Ижара уйда ёлғиз қолганини билган йигит хавотир олмаслик учун уни кузатиб қўйди. Ҳатто, ухлатиб, кейин кетди. Тирноғини ҳам теккизмаган экан, нега гуноҳга қоларкан?..

– Ёмон алаҳсирадим, – деб қўйди Гулюз яна.

Бино қоровулхонасида ўтирган қоровул бу сафар ойнани қаттиқ тақиллатди. Гулюз тўхтади. Қоровул фойега чиқиб, деди:

– Қизим, охирги пайтларда сени кузатиб, бир нарсага хайрон қолаяпман. Хотинлар даврасида бинойидай юрасан, кўринишинг ҳам туппа-тузук. Отанг мулла экан. Лекин ёлғиз юрганингда худди ёнингда биров бордек гапирасан. Шунинг ўзинг биласанми, йўқми?

Гулюз тайинли жавоб тополмай каловланди. "Кеча Норбек ака ҳаддидан ошириб юборди, гулдаста кўтариб, бирга чиқиб кетганимизни амаки энди ҳаммага ёяди", – ўйлади у.

– Баъзан ўзимга ўзим гапираман, – деди Гулюз аччиқланганини сездирмай.

– Отангга айт, сени ўқиб юборсин. Гоҳида одам ўзини ўқитиб турса, бунинг ҳеч зарари йўқ. Машинанинг мойини алмаштиришади, дарахтларни оқлашади, касалга укол қилишади, руҳга эса суралар билан...



– Мен борай, ишга кечикаяпман, – Гулюз ваъздан безор бўлгандек тутди ўзини.

Кун бўйи кўнгли айниб, зўрға ишлади. Кийим алмаштириш хонасига тез-тез кириб, юзига упа суртди. Доғларни кўрганлар ёмон хаёлга боришлари турган гап эди-да.

Шу куни тўқувчи жувонлар ҳомиладорлик ҳақида гаплашиб қолишди. Ҳомиладорликнинг иккинчи ё учинчи ойида юзга доғ тушиб, ҳомила ҳар замонда қимирлай бошлармиш. Гулюз кечаси ўзини ҳомиладор чоғлаб, чиндан кўрққанини ўйлади-да, асоссиз ва бемаъни кўрқувидан ҳайрон бўлди. "Соғ қиз бундай хаёлга бормайди, отамни алдаб юрганим учун асабларим чарчаган кўринади", деди у.

Норбек эртасига ҳам кўринмади. Учинчи куни трамвай бекатига боргунча атрофига бир неча марта аланглади. Ўтган вақт мобайнида йигитга ўрганиб қолган эди.

Тушлик чоғи усталардан секин гап очди:

– Бинони тўлиқ таъмирлаб бўлдиларми дейман, анавиларнинг тақир-туқири эшитилмай қолди?

– Ҳа, энди биллингми? – хитоб қилди Мая опа. – Бирор ишинг бормиди уларда, ҳой?

Мая опани чиқиб кетган деб ўйлаган Гулюз қизарганча жавоб берди:

– Ўзим... шунчаки сўрагандим.

– Узунқулоқ гапларга қараганда, сен севиб қолган эмишсан. Тўғрими ё ёлғонми?

Хотин-қизлар баб-баравар кулиб юборишди.

– Тўхмат, Мая опа, – мулзам бўлди Гулюз.

– Қўлимда далил йўқ, мен фаромушхотир бўлиб бораётганинг учун "Севдингми?" деб сўрадим, холос. Биламан, ота-онасининг юзига оёқ кўйиб, пана-пастқамда бирор йигит билан етаклашиб юрадиганлардан эмассан. Мени бир маълумот қизиқтиради. Ўнинчи август куни ҳовузга йиқилиб тушганингда сени қандайдир жингалаксоч уста йигит қутқарган эмиш. Ростми?

– Рост, – деди Гулюз.

У Норбек билан ўртасидаги муносабатларни яширолмаслигини англаб, барчасини тан олмоқчи бўлди, бироқ Мая опанинг оғзидан даҳшатли сўзлар чиқди:

– Ҳовузда айнан ўнинчи август куни Мавлон деган йигит ўлганини биласан. У жингалаксоч, келишган, барно йигит бўлган. Сен айтгандек устачилик қилган. Келиб чиқиши Тошкент вилоятидан. Ҳовузга йиқилиб тушганингни эшитган қоровул бугун менга айтдики, сен унинг кўзига ўзи билан ўзи гаплашадиган бўлиб кўринаётган экансан. Менга қара, мабодо Холбувига ўхшаб ўзингни ёмон ҳис қиладётган бўлсанг, яширмасдан айт. Баҳорнинг яқин дугонасисан. Уни ҳам, ўзимизни ҳам балога қўймайлик.

– Мени ростдан ҳам уста йигит ҳовуздан чиқариб олганди, – томоғига нимадир текилиб ютинди Гулюз. – У сиз айтган ўша жингалаксоч йигит. Буни бошқалар шу вақтгача билмасмиди?

– Мен айтган йигит? Тушунмадим, Гулюз? – чимирилди Мая опа. – Гап оҳангига қараганда...

– Ҳовузxonани тозалаётганимизда сиз жўмракни ким очганини сўрадингиз. Биз усталар очганини айтдик. Шунда сиз: "Усталарнинг орасида сочи жингалак янги бола пайдо бўлибди? Боя мендан ҳовузxonани сўраганди. Ўша йигитми?" дегандингиз. Эсладингизми?

– Мен ҳазиллашгандим, – деди Мая опа. – Ҳеч қандай сочи жингалак уста йигитни кўрмаганман.

– Нега кўрмагансиз? – ранг-туси ўзгарди Гулюзнинг.

– Вой... – кулиб юборди Мая опа. – Кўрмаганимдан кейин кўрмаганман-да!

– Ҳозир яна ҳазиллашаяпсизми? – Гулюзнинг кўзида аввал жаҳл ифодаси, сўнг қўрқинч зоҳир бўлди. – Ўзингиз айтгандингиз ўша гапни, сочи жингалак йигитни ичимдан тўқиб чиқариб менга нима зарил?!

– Ким сенга тўқиб чиқардинг, деяпти? – виқор-ла яқинлашди иш бошқарувчи. – Ростдан ҳам ўша гапни айтганман. Дугонанг Баҳор менга ғирт бегона, лекин иккимизнинг тупроғимизни бир жойдан олган. Арвоҳлар ҳақида шунақа ҳазиллашиб турамыз.

– Арвоҳлар?

– Хўп, хўп! – Мая опа қўлини кўксига қўйди. – "Арвоҳлар" деб хато айтдим, "арвоҳ", яъни битта руҳ, битта! Кечириб кўясизми?

– Норбек ака билан сиз гаплашган экансиз... "Мая опа айтган бўлса керак, мен янги ходимман", деди.

– Норбек деганлари ким экан?

– Мени ҳовуздан қутқарган йигит.

– Жингалаксочми?

– Ҳа.

Мая опа ошхонадагилар билан маъноли кўз уриштирди.  
Сўнг:

– Гапларингнинг мазмуни ҳам, оҳанги ҳам тушунарсиз, Гулюз, – деди жиддий тортиб. – Мендан хафа бўлмагин, сенга бир-иккита савол бераман, аниқ ва лўнда жавоб қайтаришинг керак. Келишдикми? Сен бизни кўрқитаяпсан. Соғлигингдан хавотирдамиз.

Гулюз қафтларини юзига босди. "Упам тўкилиб, доғларим кўриниб қолдимикан?" – деб кўрқиб кетди. Цехдагилар унинг соғлигидан хавотирга тушишларига қайси аломатлар сабаб экан?

– "Мая опа айтган бўлса керак, мен янги ходимман" деган гапингни умуман тушунмадим, – деди Мая опа дона-дона қилиб.

– Бу гапни Норбек ака айтди, – шошиб изоҳлади Гулюз. – Яъни сиз менга гапиргансиз, янги ходим келди, деб. Норбек ака шу гапингизни назарда тутди. Ҳазиллашиб бўлса ҳам айтгансиз-ку янги йигит келганини. Норбек ака ҳам ичидан тўқимаган.

– Вой-вў-ў! Бу гапинг аввалгисидан ҳам тушунарсиз-ку.

– Сиз сўрадингиз, мен жавоб бердим, – деб Гулюз ошхонадагиларга бир қур кўз югуртирди: ҳамма унга ҳадик ила тикилмоқда эди.

– Яхши, – қўлларини чалиштирди Мая опа. – Цех ходимларини битта оила, деб биламан. Кел, шу оила даврасида, агар қарши бўлмасанг, сени бир жамоавий муҳокамага қўйсам! Мен билан нима иши бор буларнинг, деб кўнглингга олмайсан! Бошида айтганман, ҳозир ҳам такрорлаяпман: ходимлар мен учун битта оила! Жингалаксоч йигит ҳақида сенга ҳазиллашиб айтгандим, бунга эътироз билдирмайман. Бироқ усталар орасида сочи жингалак, исми

Норбек, касби уста, қолаверса сени ҳовуздан қутқарган йигит йўқ! Бунга нима дейсан?

– Бўлмаса, мени ким қутқарди?

– Сув белингдан ҳам келмасди, осонгина чиқдинг. Чунки бетон ҳовузга икки-уч ёшли бола йиқилмади, ўн етти ёшли соғлом, ақлли-хушли қиз эди у. Бироқ ниҳоятда кўрқиб кетганидан ҳовуздан чиққан заҳоти ювиниш хонасига кирди-да, душга қамалиб олди. Биз йўлакда Баҳорнинг кўрсатган томошасига кулишдик. Кейин мен ювиниш хонаси эшигини қаттиқ тортганимда, ичкаридаги зулфини узилиб, эшик ланг очилди ва янги қизни кўрдим. Янги қиз, яъни сен кийим-пийиминг билан душнинг тагида ўтиргандинг. Адашмаяпманми?

– У ҳолда ҳовуз тепасидаги жўмракни ким маҳкамлаб ташлаганди? Жўмракни биров қаттиқ бурабди, дегандингиз-ку? Норбек ака мени қутқариб, сувни ҳам ўзи ўтирган...

– Сен майда-чуйда гапларни эслаб қолиб, бошни қотирадиган роса ўжар қиз экансанми? Бала-говурда усталардан бири кранни ўчиргандир-да!

– Ўша куни тилла узукни устага... Норбек акага қайтариб берганимни цехдаги қизларга, манави опаларга айтганимда, нега ҳеч ким ҳайрон бўлмаганди? Норбек ака мени қутқарганига бирортангиз шубҳаланмадингиз ҳам. Нимага деганда, мулла келганида Норбек акани ҳамма кўрганди, у киши бир чеккада эл қатори турди. Узукни бармоғимдан ололмаганимдан сўнг ҳовузхонадан йўлакка ўтдим. Ўша ерда узукни бир амаллаб бармоғимдан чиқардим-да, Норбек акага бердим. Энди бунақа гапларни тарқатиш... Кимга нима ёмонлик қилдим? – Гулюзнинг кўзларида ёш ўйнади.

– Тилла узукни халоскорингга қайтариб берган экансан, – дея Мая опа Гулюзнинг ўнг қўлидан ушлаб, бир энлик кўтарди, – қандай қилиб яна ўзингга қайтиб қолди?

Ошхонадагилар Гулюзнинг номсиз бармоғидаги тилла узукка баб-баравар кўз ташлашди. Айримлар ачиқроқ кўриш учун жойларидан туришди, айримлар кафтлари билан оғизларини бекитиб, кўзларини олайтиришди.

– Бу бошқа узук, – Гулюз овози қалтираб оёққа қалқди.

– Биринчи келганинда қўлингда тилла узук йўқ эди, ҳовуздан топиб чиқдинг. Ё ёлғонми?

Гулюз сирни очса, Баҳор эшитишини, Нафиса ҳам хабардор бўлиб, гап-сўз кўпайишини тушуниб каловланди.

– Бу... бошқа... – деди атрофга ёрдам илинжида аланглаб.

Ошпаз аёл овқат идишлари ортидан бошини кўтариб, деди:

– Нега Гулюзхонни қийнаёпсизлар? Узук таққан бўлса, нима, бунга ҳаққи йўқми? Гулюзхон жудаям яхши қиз. Мая, ундан бекорга шубҳаланаёпсан. Ҳовуздан узук топиб олган бўлса, ораларимиздан кимдир йўқотдимми? Йўқ. Топган топалоқники! Буюрсин, Гулюз!

– Бу шубҳа, тергов, танбеҳ – ҳеч нарса эмас, – эътироз билдирди Мая опа Гулюздан узоқлашиб. – Хонамга чақириб холи гаплашсам ҳам бўларди. Жамоадан сўрайдиган гапларим бўлгани учун бирдан муҳокамани бошлаб қўя қолдим. Гулюз, сингилжон, сен охирги пайтлар ғалати бўлиб қолдинг. Бошқалар ҳам айтсин! Тўғрими?

– Тўғри, – дейишди гиламчи хотинлар.

– Норбекни ҳамма кўрди, деди, лекин биз ҳеч қандай жингалаксоч йигитни кўрмаганмиз, – бошини оҳиста чайқади Нодира.

– Мен ҳам танимаيمان, – елка қисди Сора.

– Сиз-чи? – деб Гулюз яна ошпаздан ёрдам кутди. Мулла ташриф буюрган ўнинчи августдаги маросимдан секин тисланиб чиқаётганида ошпазга урилиб кетганини аниқ-тиниқ эслади. Ошпаз унга син солиб қараган эди. Норбекни ҳам кўрган бўлиши керак.

– Ҳа, тўғри айтди, – Мая опа ошпазга ўгирилди. – Усталарни биз эслолмасак ҳам сен эслашинг керак. Ҳар қандай ошпаз ўз қўлидан бир неча ой овқат еган одамни танимаслиги мумкинмас. Норбек деган жингалаксоч устани танийсанми?

– Танимаيمان, – деди ошпаз. – Усталарнинг орасида жингалаксоч йигит йўқлиги ҳам аниқ. Яна бир гап айтмоқчиман, Гулюз... – У ҳолсизланаётган қизга ачиниб, сўзида давом этди: – Мени кечир, асалим, ўша куни ҳушинг ўзингда эмасди. Ўнинчи август куни ҳовузда куёв йигит ўлган, кечалари арвоҳи кезиб юради, деб Баҳор мияннга қуявериб, заҳарлаб ташлаган. Бунинг устига мулла одамнинг қизи

эмасмисан, болалигингдан руҳлар, беҳосият жойлар, сирли воқеалар ҳақида эшитиб улғайгансан. Айнан ўнинчи августда ҳовузга йиқилиб тушганингдан карахт бўлиб қолганинг. Менга туртиниб ўтганинга сени кузатиб турдим. Йўлакка чиқиб ўзингга ўзинг гапириб у ёқ-бу ёққа юрдингми-ей... Отаси ўргатган дуоларни ўқияпти, деб индамай қўя қолдим. Шеф билан мулла келганида мен ҳам изингдан чиқиб кетсам одобсизлик бўларди.

Гулюзнинг кўнгил алафига бир ўй кўнди: "Улар Норбек акани пайқамабдилар. Ошпаз опа биз тарафга қараганида Норбек ака йўлакнинг чапдаги девор томонида турган, ҳовузхонадан у ер кўринмаган. Бу яхши эмасми? Ошиқ-маъшуқлигимиз фош бўлмаганига шукр қилишим керак..."

— Қисқаси, куёв бола бор, аммо бизнинг бинода эмас, — деди Мая опа.

— Бас, энди уялтирмайлик, — қўл силкиди ошпаз. — Оналаримизга ҳам бир замонлар куёв йигитлар топилганки, ўша куёвтураларни ҳозир ОТА деймиз. Узукни ўнг қўлига ирим қилиб тақибдими, бу — ҳалоллик! Баракалла. Гулюз, танлаганингнинг ҳалолу пок жуфти бўл! Тўйгача чап ёноғинг тугул ўнгидан ҳам ўптирма!

— Ваҳ-ҳа-ҳа-ҳа-а!.. — ошхона деворлари кулгидан ёрилаёзди.

Гулюзнинг кўзида ёши қуриб, ҳарҳолда енгил тортди. У ҳамкасбларини "Узугим аввалдан бор эди, шаҳарга эндигина келган кунларим тилла тақишга қўрққандим", деб алдамоқчи ҳам бўлди, аммо бу ёлғони шубҳа-гумон ўтига ёғ сепмаслигига да ишонч йўқ эди. Ёлғондан туғилган гуноҳлар-чи? Гулюз бу кунларига ўз гуноҳларидан бошқа ҳеч нима доялик қилмаганини юрагининг бир четида тан ола бошлаганди.

Танг аҳволдан кулги билан қутулиб, кийим алмаштириш хонасига кирди-да, кўзгуга қаради. Юзидаги упалар содиқ эди унга. Бироқ қувонишга эрта. Ой тўлишса, барибир булутлар орасидан ёриб чиқади.

Муҳокама кунидан сўнг Гулюз атрофлагиларнинг фикру зикридан чўчиб қолди. Одамлар ҳар доим бир-бирини кузатиб яшайди, вақт-соати келганда, ҳамла қилганда қаёққа қочишни билмай қоларкан киши. Ҳолбуки, булар бегоналар. Агар Норбекдан гулдаста олганини қўлтиқлашиб юрганини, битта

дастурхонда овқатланиб, кинога тушганини, бир уйда тунаганини қишлоқдагилар эшитсами? Отаси ё оқ қилади, ё хотини ўлгангами, ажрашгангами бериб юборади. Гулюзга уйланадиган бўйдоқ йигит қишлоқда топилмайди-да.

— Гуноҳим шунчалар оғирми? — уйга келиб ингради Гулюз.  
— Майли, бугундан бошлаб Норбек акани унутаман. Кўчада дуч келса гаплашмайман, йўлимни терс буриб кетаман, худди қишлоқдаги дугоналаримдек тутаман ўзимни. Шусиз ҳам у йўқ бўлди-кетди. Қасрларда юрган экан-а? Яхшиям, орамизда узукдан бошқа боғлаб турган нарса... — У узукка сер солиб, юраги орқага тортди. — Ишхонадагилар тўғри айтади, узук эскига ўхшайди. Ўзим ҳам билгандим, сезгандим, иродам етишмади... Норбек ака билан яна бир марта гаплашиб олишим керак. Шефимизнинг биносини таъмирлашда ишладими ё мени боплаб алдаб юрдими? Берган совғаси ҳам ҳовуздан ўзим топган узук бўлиб чиқса... Уф-ф, бу гапғоларни ким бошлади? Норбек аками, Баҳорми ёки ўзим? Нималар қилиб юрибман?

Гулюз узукни тортқилади, никоҳ тилласи тилсимлангандек бармоғидан чиқмади. Ўтган бир неча ҳафта ичида яхши хаёлларга эш бўлишга уринди. Унингча, Норбек Гулсарой томонга, онаси яшайдиган Беҳизор қишлоғига жўнаб кетганди. Гулюзни учратиб қолгач, дунёқараши бутунлай ўзгарганини, қизга кўнгил боғлаганини, уйланажагини, ҳатто ҳозирдан қўлига узук таққанини онасига айтиб, суюнчи олгандир? Онадек муҳтарама зотдан аразлаб юриш нимаси, ахир?! Волида жигарбандини кечирган албатта, тўйга жон-жон деб кўнган, "шаҳарингга кейинги ой кетарсан, дийдорингга тўйай, болажоним, бу ёқда уйни ҳам таъмирлашинг керак", деган. Эҳтимол, ўғлимни инсофга қайтарган хурлиқони бир кўрай, деб онахоннинг ўзи келиб қолар...

Кўп ўтмай эзгу хаёлларнинг умри поёнига етиб, Гулюз маҳзун тортиб, деразага турмулиб қолди. Шунча вақт хабарлашмаслик иккита воқеадан бонг урарди: биринчиси, йигитнинг юрагида муҳаббат йўқ. Иккинчиси, бирор кор-қол юз берган.

Қорнида ҳомила қимирлагандек, кун сайин сезилар-сезилмас катталашаётгандек туюлди. Қанийди дардини бир сирдошга айтолса-ю шифокор ҳузурига боролса? Кўзгуга қарайди, доғлар кўпаймоқда. Норбек ҳадеб безовта

қилмасликка ваъда берганди. Балки муҳаббат шунақадир: севмасдан аввал кўришни хоҳламайсан, сўнгра ўзига ўргатиб олади-да, узоқдан кўришга-да зор қилади. Ҳеч кимни севмаган тинч, ҳур, беғалва кунларни соғинди қиз.

Бир куни ваннахонага кирди-ю кўзгуга қараб қичқириб юборди. Ижарадош қизлар чопиб кирганларида, Гулюз ваннада ранги қув ўчиб, титраб-қақшаб ўтирарди.

– Нима бўлди сенга, Гули? – анграйишди улар.

– Ванна тагидаги латтани каламуш деб ўйлабман, – деди Гулюз.

– Юрагимизни ёрдинг-ей! – норози пўнғиллаб эшикни ёпишди қизлар.

Гулюз инқиллаб ўрнидан турди-да, ваннадан чиқиб, кўзгуга боқди. Ҳа, ҳозиргина у халатини ечиб, сочларини ёйди, қорни анча билиниб қолганидан ҳасрат чекиб кўзгу олдида бош эгиб турди. Бир пайт кўзгудан кимдир қараётгандек бўлди. Ё алҳазар, сезаяпти, рўнарасида кимдир қараётгани шубҳасиз. Бунга кўз қири билан пайқаш қийинмас. Кўзгудаги одам хиёл қимирлаб ҳам кўйдди. Шу аснода Гулюз нигоҳини вужудидан узиб, кўзгуга қалади. У аниқ эслайди: кўзгуга боққан онда ўз акси кўзларини бир лаҳза юмиб олди, кейин шундай ўкрайдики, бу ўкрайиш ўзиники эмасди.

Куз тугаб, қиш келди. Гулюз пальто киядиган вақтга етганидан хурсанд эди. Ўтган ойлар мобайнида юзидан доғлар аримади, қорнининг дўппайиши оддий кўйлақда билиниб қолганди. Хонадош қизлардан сир тутиш учун қишлоқча кенг кўйлақларини киярди. Кунларнинг бирида ойнаи жаҳонда бачадон кистаси хасталиги хусусида бир шифокор анча гапирди. Бу касалликда қориннинг шишиб кетиши кузатилар экан. Кўрганлар ҳомиладор гумон қилишлари ҳам мумкин эмиш. Агар ўз вақтида шифокорга учрамаса, оқибат ўлим билан якунланаркан. Гулюз елкасидан тоғ ағдарилгандек енгиллашди. "Ҳомиладор бўлганимдан кўра бачадон кистаси бўлиб ўлганим яхши", – деди ўзига-ўзи.

Ижара уйга гоҳида Баҳор келиб турарди. Якшанба куни у Гулюздаги ўзгаришларни сезиб, сўради:

– Дугонажон, сизда анча-мунча ўзгаришлар бор. Мазангиз жойидами?



– Цехдагилар айтгандир, мен ҳардамхаёл бўп қолибман, – кесатди Гулюз.

– Цехга қадамимни босмаяпман-ку. Кун бўйи ўқиб, кечқурун ишлашимга бошиданоқ ишонмагандим. Жуда таннозман-да, Гулюз.

– Менда қандай ўзгаришлар бор экан, билсак бўладими?

– Жаҳлингиз чиқди-я? Барибир ҳақиқатни юзингизга айтаман. Кўзларингизда нур йўқолган, жуда озиб кетгансиз, сочларингизни ҳам аввалгидай турмакламаяпсиз. Доим юзингизга қалин қилиб упа суртасиз. Хамир қилаётиб унга беланиб қолибди, деб ўйлайди одамлар. Ишқилиб ўқишга тайёрланаяпсизми?

– Тайёрланаяпман. Шаҳарга ишлашга келмаганман.

– Асабларингиз ёмон чарчабди, билмадим нега! Тест китобчангизни олиб келинг, бир синаб кўрай-чи.

Гулюз балкондаги шкафдан китобчани ахтараётиб, ҳақиқатан Баҳорга аччиқ-тизиқ қилаётганини тушунди. Ростдан асаблари чарчаган шекилли. Қанийди ҳозир Баҳор келмаган бўлса! Якшанбани маза қилиб уйқуда ўтказарди, хордиқ чиқарарди. Балки ҳушини йиғиб, тақдир йўлидаги кейинги бекатда нима қилишни ўйлаб олишга имконият ҳам туғилармиди?

Китобчани топди. Асаби кўзиди, кўзийверди. Нега Баҳор ўзини ўқитувчидек тутиб уни синаб кўриши лозим экан? "Кўришни ҳам истамайман шу Баҳорни", деб Гулюз балкондаги стулчага жаҳл билан ўтирди. Бир пайт хонадош қизлар тушликка чақирди. Гулюз ноилож катта хонага қайтди. Қараса, Баҳор йўқ.

Дастурхонга картошка қовурма тортилгач, қизлар нонни синдириб, ўзларини овқатга уришди. Гулюз Баҳорни кўришни қанчалик истамаса-да, меҳмон қўл ювиш учун ваннахонага кирганида овқатланишни бошлашга кўнгли чопмади.

– Баҳор қани? – сўради у.

– Дугонангиз Баҳорми? – қизлар негадир бир-бирига қарашди.

– Кўлини ювишга кирдими, дессам, кетиб қолдими?

– У бугун келгани йўқ-ку.

– Биз ҳозир шу ерда гаплашиб ўтиргандик. У тест

китобчангизни олиб келинг, деганди, балконда ушланиб қолдим.

— Баҳор-саҳор келмади, Гулюз, — дейишди қизлар, — бир соатдан бери балконда хаёл сураяпсиз. Ундан аввал хонтахтадаги китоб-дафтарларингизга тикилиб ёлғиз ўтиргандингиз. Тест жавобларини ёдлаяпти, деб индамадик. Баҳорнинг келмаганига икки ойча бўлиб қолди-ёв. У келса, вағир-вуғур қилиб, мияларимизни ачитиб юборади-я!

Гулюз нима дейишни, нима қилишни билмай қолди. Иттифоқо, миясида қўрқинчли фикр чақнади: "Ҳовузга йиқилганимда қаттиқ қўрққанимдан руҳий касалликка чалинганга ўхшайман! Ҳақиқий ҳаёт билан хаёлларимни чалкаштириб юбораяпман. Цехда ишласам, Баҳор билан секин-аста узилишаман, танноз қиз ҳам ўқиб, ҳам ишлолмайди, деб ўйлагандим. Ростдан Баҳор айнан шу гапимни ўзимга айтди. Демак, бояги Баҳор хаёлотимдан чиқиб, ҳақиқий одамдек рўпарамда жонланган рўё! У яна нималар деди? "Кўзингизда нур йўқ, озибсиз. сочингизни аввалгилай турмаклямаяпсиз..." Кўзларим нурсизланганини кўзгуга қараб ўйлагандим. сочимни турмаклямаётганимни танқид қилишларини кутгандим, қорним қаппаймаслиги. семирмаслигим эса орзуйим бўлиб қолган..."

У ошхонада ликобча юваётиб, ногоҳон ўз соясига кўз ташлади-ю қўлидагини ташлаб юборди, чил-чил синди идиш. Соя! Қоп-қора соя! Мана, гап қаерда?! Қирқ кун мобайнида Норбек билан ишга бирга қатнаганида, унинг соясини кўрмади. Во дариф, бир куни кўчага чиққанида соч турмаги кўнгилдагидекми, йўқми, билиш учун ўз соясига атайин қараганди. Ёнгинасидаги йигитнинг сояси йўқлигини аниқ кўрганди ўшанда. Кўра-била туриб, диққат қилмаганди. Нега ҳаммаси энди ёдига тушмоқда? Руҳий касал бўлиб чиқиши чин бўлса, ҳаммаси тамом! "Наҳотки, шу ёшимда руҳий касаллар шифохонасига тушсам?!" — юрак-бағри эзилиб кетди Гулюзнинг.

— Телефон қилса эди... — ич-этини еб аппаратга умид боғлади.

Шу он телефон жиринглади.

— Алло, — деди қиз Норбекнинг овозини эшитишга муштоқ бўлиб.

— Қулоғим сенда, — деган тунд овоз келди гўшакдан.

— Норбек ака, сизмисиз? — йиғлаб юбораёзди Гулюз.

— Ҳа, бошқа ким?! Айтгандим-ку, энди кўзингга кўринмайман, фақат қўнғироқ қиламан, деб. Бугун жуда хоҳладинг, тўғрими?

— Келмасангиз бўлмайди, Норбек ака. Мен... мен... ўша кундан бери ёмон ҳис қиляяпман ўзимни... Ҳомиладорман, деб қўрқаяпман. Илтимос, келинг, гаплашиб олайлик.

— Совчи юбораман, — деди Норбек пинагини ҳам бузмай. — Шартим шуки, мен қилган гуноҳларни ювасан. Касал боланинг отасидан пул ўғирлаганимни, судда ёлгон гувоҳлик берганимни, қаҳвахонада арақхўрлик қилганимни... ҳаммасини айтганман. Ўша жойларга борасан, жабр кўрганларни топиб, мени кечирришларини сўрайсан. Қарзларимни цехдан олган маошларинг билан тўлайсан.

— Мени биров билан адаштираяпсиз, Норбек ака.

— Сенингча, квартирангдаги телефонга адашиб тушиб қолдимми? Унда исминг Гулюз эканини. бу йил тестдан йиқилиб, уйдагиларингни "ўқияпман" деб аллаб юрганингни қаёқдан биламан? Мирзакамол аканинг гилам цехида ишлаб, кечкурунлари ўқишга тайёрланаяпсан... Э, нималар деяпман? Қанақа тайёргарлик? Қишлоғингдаги қизлару йигитларнинг ҳавасини келтириш, уларнинг орасида осмондаги ойдай ажралиб туриш учун шаҳарда қолдинг. Бунинг учун ота-онангни алдадинг, менга илакишдинг, бирга овқатланиб, кинога тушиб, уйингга ҳам киритдинг. Университетда ўқийман, Норбекка турмушга чиқаман, ўртада муҳаббат бор, бир умр шаҳарлик бўламан, деб ўзингни ўзинг алдадинг. Хабардорсан, китобларда муҳаббат ҳамиша оқданган! Лекин сенинг муҳаббатинг кимга керак?

Гулюз оқ қоғоздай ёниб, қора кулга айланди. Норбекнинг шунчалик нафратланишини кутмаган эди.

— Демак, ҳаммаси ёлгон экан-да? — титраётган лабини маҳкам тишлади қиз.

— Мен ёлгончиман, ота-онангнинг олдида сен ҳам ёлгончисан. Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ! Нега қизлар

ота-онасини алдаб, бирортаси билан учрашиб юради-ю йигит бевафолик қилганда, ўзини ҳоксор тутиб, йиғлайди, тушунмайман. Ота-онангни алдаб юрган чоғингда сени кимдир чув туширса туширибди-да. Улар ота-она ахир! Сен кимсан? Енгилтак қизсан! Йўқ, мен яхши қизман, деб кўр-чи!

– Нималар деяпсиз, Норбек ака? – Гулюз хўнграб йиғлаб юборди. – Юзимга доғ тошди... Менда ўзгариш бор. Нима демоқчилигимни тушунаяпсизми?

– Ҳа, сиздан ҳомиладорман, демоқчисан.

– Қачон бундай бўлди? Тушунтириб беринг! Қўлимдан ушлагансиз... Каравотимда ўтиргансиз...

– Шуларнинг ўзи етарли эмасми? – заҳарханда кулди йигит.

– Қачон бетарбияларнинг шунча ишига улгурдинг, ҳайрону лолман. Қўлидан ушлатади, кинога киради, битта уйда иккови ёлғиз қолади, каравоти четига ўтиргизади.

– Сиздан жиддий сўраяпман...

– Ҳовузга йиқилиб тушганинг эсингдами?

– Ҳовузга... Ўшанда мени қутқарди, деб юрсам... Ҳовуздан чиққунча чўкиб ўлсам бўлмасмиди!

– Шошма! Бир-биримизни қутқаришимиз керак, демаганмидим сенга? Оддий огзаки илтимосга кўнмаслигинг маълум эди. Менинг эса қарзларим кўп, жуда ҳам кўп. Ҳам моддий, ҳам маънавий! Муаммомни сен ҳал қилиб берасан, мулланинг қизи! Ўтмишдаги кўплаб қора доғларни бугун битта қора доғ билан ювиш мумкин бўлса, шу қора – сени илтирганим!

Гўшакни қизнинг йиғиси тутди. Орадан ярим дақиқа ўтди.

– Ҳозир қаердасиз? – ҳиқиллаб сўради Гулюз.

– Мендан жабр кўрганларни ахтариб топишга ва мени кечиришларига уларни кўндирасанми? Ваъда берсанг, бугуноқ совчи юбораман... – Йигитнинг овози бирдан майинлашди. Яна сизлай бошлади: – Мени кечиринг, шунақа қилмасам бўлмасди. Йиғлатаётганим учун вижлоним қанчалик қийналаётганини билсангиз эди! Йиғламанг! Шарманда бўлмайсиз, Гулюз! Сизнинг олдингиздаги гуноҳларимни ҳам юва оламан. Орзу қилганингиздай, ўқишга ўтасиз, шаҳарда яшаймиз. Хўпми, жоним?

– Кимсиз ўзи? Йигит ҳам шунчалик сурбет, иккиюзламачи, товламачи бўладими?

– Ҳақиқатни пок қизлар талаб қилса арзийди, сиз эмас, Гулюз! Бу гапим учун ҳам узр сўрайман! Ҳақиқат аччиқ! Унга шакар сеполмайман.

– Майли, юборинг совчингизни! Билиб қўйинг, бу тўй элнинг юз-кўзи учун! Ўртамизда ҳеч қачон меҳр-муҳаббат бўлмайди. Агар отам ўз жонига қасд қилиш оғир гуноҳлигини айтмаганида, ўзимни ўлдирардим.

– Отдан ҳам, эгардан ҳам тушинг, яхши қиз. Тақдирга кўникасиз. Шундай кўникасизки... Ўзини ўлдириш, уйдан оқпадар кетиш, ёмон йўлларга кириш – булар олдида мен билан яшаш – бахт! Ўзимни мақтамоқчи эмасман, миннат ҳам қилмаяпман.

– Манзилни биласиз. Айтинг онангизга...

– Ваъда қани? Эшитмаяпман.

– Ойликларимни олиб бораман ўша одамларингизга... – Гулюз гўшакни тарақлатиб қўйди. – Шунчалар ҳам ит бўладими? Йигит деган номинг бор-а?!

Ваннахона эшигини қулфлади-да, изиллаб йиғлади. Кўп бор эшитган адашган қизлар қисмати бошига тушишини, бунчалик тез воқе бўлишини, ўтакетган сурбетга дуч келишини ўйлаганмиди? Одамнинг кўзига қараб алдаб кетадиган йигитлар борлиги чин экан-да? Бебурдлар қавмиданлигини Норбек ўз оғзи билан айтганди, яширмаганди ҳам.

Гулюз кўзгуга боқди. Кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб кетганди. Яхшиям, бугун ижарадош қизлар ишлайдиган қаҳвахонада байрам талбири, улар ярим кечаси қайтишади.

Яна кўзгуга қаради. Шу пайт кўзгудаги акси шифтга нигоҳила секин, сирли имо қилди. Гулюз бу сафар кичқирмади. Кўзгудаги акси нимадир демоқчи эди. Балки мақсад-муддаосини сўраш керакдир?

– Нима дейсан? – ўз аксига ўшқирди Гулюз.

Акс ҳеч нима демади. Бироқ ҳаял ўтмай кўз соққаларини чапга буриб, қорачиқларини шифтга, шифтга ва яна шифтга қаратди, лаблари сезилар-сезилмас жилмайди, "Тушунмаяпсанми?" демоқчи эди у.

– Нега шифтга ишора қиляпсан? – баттар асабийлашди

Гулюз. Ва кўзгудаги акси кўрсатган томонга қаради. Ваннахона шифтида ўргимчак осилиб турарди, каттакон ўргимчак. Худди уни ингичка ип билан кимдир бўйнидан осиб қўйгандек митти оёқчаларини типирчилатарди.

— Мен вос-вос эмасман, — бош чайқаб, эшикка тисарилди Гулюз. — Ўзимни осмайман. Норбек ака совчи юборади. Совчилар ҳаммасини отамга тушунтиради. Акамлар мени уради, сўкади, лекин барибир Норбек акага узатишади, айбим ювилади... Вой, тўғри-да ахир! — У ваннахонадан телбаларча қочиб чиқди. — Нега ўзимни ўлдирар эканман? Ҳали ҳаммаси яхши бўлади... яхши... яхши...

Гулюз ҳаётида бешафқат тўфонлар қутурганидан ўкиниб тўшакда анча вақт ётди. Қорин оғриғи ҳар хуруж қилганида "дол!" демаслик учун тилини тишларди. Вақт орқага қайтса, ўла қолса ҳам ота-онасини алдамасди. Йигитнинг тузоғига қанчалар осон тушди-я? Ота-она ёмонлик согинмаслиги рост, рост, рост... экан.

Соат кечки еттига занг урди. Гулюз қош қорайгунча хаёл суриб ётдимми, гуш кўрдими, фарқлаёлмади. Ташқарида даҳшатли бўрон бошланди. Тўққизинчи қаватга урилган шамол гувилларди. Кўп қаватли уйлар теграсидаги дарахтларнинг шохлари қасир-қусур синди, машиналарнинг сигнализациялари чийиллади. Гулюз шамолда чироқ ўчиб қолишидан кўрқди, аммо бу ер шаҳар эканини ўйлаб, тинчланди. Шаҳардаги электр симлари ёмғир, қор, шамолларга бардошли. Мабодо ўчса, шам ваннахонадаги кўзгу олдида турибди. Гугурт чақиб киради-да, шамни ёқади.

— Ваннахонага кирмайман, — деди Гулюз ўз хаёлидан дарров чўчиб, — ойнадан кўрқаман. Қоронғида гугурт чақсам, ойнадаги аксим мурдадай оқаради, биламан уни! Кўзларини олайтириб қарайди, сўйлоқ тишларини кўрсатади. Тишлари орасидан қон оқиб турадимми-ей... Худо сақласин!..

Оғриётган бошини танғиш учун рўмол ахтараётган ҳам эдики, сувнинг гувиллаши қулогига чалинди. Ҳозир гўёки сув ичила эди-ю тарновдан устига вошиллаб сув оқаётгандек таассурот уйғонди. Хонани кўрқа-писа кузатди. Ҳовузхонадагига ўхшаб шифтда сув мавжланиши аксланиб тургандир, деб кўрқиб кетди, илло қора хаёллари исбот топмади. Ўзидан бошқа ҳеч

ким йўқ. Сув овози ваннахонадан келаяпти. Ким тўлдираяпти уни? Бу уйда яна ким бор?

Ваннахонага бош суқди. Бир томчи ҳам сув йўқ эди ваннада. Жўмракни очиб, муздек сувга юзини ювиб чиққан онда соат яна занг урди. Сочикқа артинаётиб, беихтиёр соатга қаради. Қаради-ю қачонлардир бу ҳол такрорлангандек туюлди. Аввал ҳам шу уйга келган, аввал ҳам яшаган... "Тўхта, тўхта! – Гулюз сочиқни гижимлаб, бир нуқтага тикилганча ўйлади. – Бу... ҳаммаси хаёлотим! Ҳеч қандай арвоҳ-парвоҳни кўрмаганман. Норбек ака ҳам аслида мавжуд эмас. Бундан чиқди, мен ҳомиладор эмасман! Қорнимдаги хаёлий ҳомила. Нимадан кўрқаётган бўлсам, ўша нарса бошимга тушаяпти. Қўрқувим шу даражадаки, хаёлимдагини ўнгимда кўраётгандек бўлаяпман... Йўқ, янглишяпман. Ҳозиргина нега арвоҳни тилга олдим? Қайси арвоҳ? Ким?.. Норбек ака арвоҳ бўлса керак. Ёнимда юрганида соясини кўрмадим... Соат! Соат менга ҳаммасини эслатаяпти. Норбек ака "мен учун вақт тушунчаси йўқ", деганди. Абадий дунёда вақт нима қилсин? Наҳотки, мен арвоҳга маъшуқа бўлдим? Ростдан вақт аслида йўқ нарса! Кеча қишлоқдан келгандим, бугун шу аҳволдаман. Вақт ўзи йўқ экан, кеча мен келмаганман. Бугуннинг ўзи ҳам йўқ! Кеча ва бугун шунчаки ҳис-туйгулар, холос... Ҳа, Норбек ака руҳ! Бехосият ҳовузда яшайдиган ёвуз руҳ! Мавлон деган куёв йигитни тўрт йил аввал, ўнинчи августда у ўлдирган... Э-воҳ, бир куни ўз оғзи билан айтганди-ку! "Ўнинчи августда минг йиллар ичида кимлар ўлмаган? Биров ўтда ёниб, биров найза санчилишидан ўлган, менга ўхшаганларни эса..." Гапининг давомини ичига ютса ҳам. нима демоқчилиги ойдин-ку! Уни кимдир ўлдирган! Ҳаётлигида ҳам яхши одам бўлмаган... Ҳа-а! Энди тушундим! Нега дўзахдан кутқар, қарзларимни тўла, одамлардан мени кечирришларини сўра, деб юрибди. Ўзи айтолмайди! Ўзи, ҳатто онасига гапиролмайди. Чунки ўлик қандай гапирсин?.. У ҳолда нега менга гапираяпти? Нега фақат мен балогардонман? "Бошқалар учун йўқман, фақат сизга кўринаман" демаганмиди? Қайси гуноҳим учун? Мен тирикманми ўзи? Ё... аллақандай ярим тирик, ярим ўлик руҳий касал қизманми?.. Кимдан сўрасам экан? Бирон киши келса-чи!.."

Гулюз овоз чиқариб такрорлади:

– Бирор киши келса-чи!

Шундан сўнг эшик қўнғироғи жиринглади. Гулюз сесканиб тушди.

– Ким у? – эшикка ҳолсиз суяниб сўради қиз.

– Биз... – хотин кишининг овози эшитилди.

– Кимсизлар?

– Норбекжон айтган бўлса керак, биз совчилармиз: иккита аммаси, битта келинойиси. "Москвич"да "дом"нинг тагигача келдик. Шопир бу ёққа чиқмади. У ёнимдаги келинойисининг хўжайини бўлади. Уйим-жойим деб кўп куйинади-да бечора. Болаларининг ёнига кетди...

Гулюз узун-узун изоҳларни эшитишда давом этарди.

– Кўзларини чирт юмиб, жон қулоғи билан тинглаётганга ўхшайди, – гап қўлиди бошқа аёл.

– Ток ўчиб, қўнғироқ ҳам ишламай қолди, босаяпман, чалинмаяпти, – деди учинчи аёл.

Гулюз кўзини очди. Ҳа, у эшикка суянган заҳоти кўзларини қагтиқ юмиб олган экан, чироқ ўчганини ҳам сезмабди.

– Қизим, эшигингни оча қол, – ялинди аёллар.

Уларнинг овозлари қоп-қора чоҳ тубига алдаб чақираётган инс-жинсларнинг аврашларига ўхшарди. Гулюз алдамчи овозларга учди. Шу билан бирга алдамчи овоз эканини ҳам сездди. Ширин гапларнинг ёлғон эканини била туриб ишониш деб шуни айтсалар керак-да.

Эшикни очиб, ортига чекинди. Чекинишдан ҳам кўра хонага тўрига қочиш эди бу. Зим-зиё подъезддаги, тўққизинчи қават зинасидаги уч аёл сассиз-садосиз, оёқлари ерга тегиб-тегмай сузиб кирди. Учаласи ҳам маъракаларда кийиладиган гулли, узун камзулда бўлиб, бошларига жаноза кунларидаги сингари катта оқ рўмол ёпиниб олишганди.

– Айнан биз келганда "свет" ўчганини-ей, – куйинди орқадагиси. – Асли қишлоқданлигимиз сезилиб қолди-я!

– Беҳизорни ёмонлама. Беҳизор жаннатмакон жой эди, -- эътироз билдирди олдиндаги хотин.

Эшик ёпилиб, инглизча қулфи ширқ этиб қулфланди. Совчилар хонтахтанинг девор тарафида бошларини эгиб, тизилишиб, жимгина, қимтинибгина ўтирдилар. Гулюз умрида



бундай совчиликка гувоҳ бўлмаган, эшитмаган, ўқимаган эди. Уяту андишадан эмас, қўрқувдан қарахт эди у. Булар меҳмонга келган уятчан қизалоқларми, кап-катта совчи хотинларми, тушунолмасди. Тўққизинчи қават деразасидан тушаётган ташқи оламнинг хира шуъласи оқ рўмолли аёлларни яхшироқ кўришга изн бермасди. Совчилар ҳадеганда рўмолларини олиб, бошиларини кўтариб қарамадилар. Гулюз диққатини жамламоқчи бўлганида, улар лабларини қимирлатмасалар ҳам ғалати шивирлашаётганини эшитди. Ваннахонадан шамни чиқариб, ёқиш керак. Бироқ ваннахонада кўзгу бор. Кўзгуда эса...

– У чироққа ишора қилган экан-да, – деб юборди Гулюз.

– Ким? – шу лаҳзада учала аёл ҳам бошини кўтарди. Кўтарган онда қишда камдан-кам чақадиган чақмоқ чақнади ва уч қиёфа бир зум ёришди. Шунақа маъсума, маҳзуна, армонли, умидгар, нур эмган чеҳралар эдики, Гулюз ўла-ўлгунча унутмаслигини юрак тубидан туйди. Чеҳралар шу заҳоти қоронғиликка кўмилиб, оқ рўмолдан парда ҳам осилди.

– Ўзим... бир нарса эсимга тушди... – Гулюз ёқасини ушлаб, бурчакка ўтирди.

Кўзгудаги акси шифтда осилган ўргимчакка эмас, ундан сал наридаги девордан бўртиб чиққан электр чироққа белги берган экан. "Эҳтиёт бўл! Совчилар келганда, чироқ ўчади! Мақсад, юзларини аниқ-тиниқ кўрсатмаслик! Мендан қўрқма! Сенинг кўзгудаги аксингман, яъни мен сенман!.."

– Норбек яхши йигит, – деди ўртадаги аёл. – Лекин уйдагилари билан анча вақт келишолмай юрди. Битта-ю битта ўғил бўлгани учун, ёш уйлантирмоқчи эдик. Кўнглимдаги қиз учрамагунча уйланмайман, деб Тошкентга ишга келиб қўйди. Жиянимиз қўли гул уста. Сен билан битта бинода ишлаган экан. Ҳовузга йиқилиб тушганингда қутқариб қолибди. Энди тўй қиламиз.

– Нега бу ерга келдиларингиз? – юзини тўсиб олди Гулюз. – Қишлоққа, ота-онамнинг уйига боришларингиз керак эди. Норбек ака билади... Манзилимни билади... – Гулюз руҳий зўриқишлардан чарчаб, пичирлаганча ёлворди: – Бу кунлар тезроқ тугасин! Қутулай шу азоблардан... Эртага эрталаб йўлга чиқинглар... Отамга айтинглар... Менга нимадир бўлган... Отам

ўқиб юборди... Отам!.. Отажоним! Кечиринг адашган қизингизни!.. Қаердаман ҳозир? Кимсизлар? Бу кўраётганларим ҳақиқий ҳаётмас!

– Юзингдаги доғлар ҳам айтиб турибди, иккиқат экансан, қизим, – деди четдаги аёл.

– Тўйни тезлатиш керак, – деди яна бири.

– Бошқалар кундуз пайқамаган доғларни кечаси қандай кўрдиларингиз? – қалт-қалт титради Гулюз. – Норбек ака ўлган! Ҳа, ҳа, у йўқ! Сизлар ҳам йўқсизлар! Ота-онамни шармандаларча алдаганим учун мени қарғиш уриб, тентак бўп қолдим! Кетинглар! Мени тинч кўйинглар! Энди ихтиёрим ўзимда эмас, ота-онамда! Товонига қолмайлик десаларингиз, Худодан кўрқсаларингиз, қишлоққа, уйимга боринглар!

Гулюз совчилар ҳам хаёлотим маҳсули, улар ҳозир ғойиб бўлишган, деб ўйлади. Кафтларини юзидан олганида, уч аёл бошларини солинтириб, қимир этмай ўтиришганини кўрди. Пичир-пичирлари тинган, жуссалари анча чўкканди. Нимадир шитирлаб тўкила бошлади. Қоп тешилиб, клёнка устига гуруч тушаётганга ўхшарди. Гулюз қалтираган кўйи гугурт чақди. Гугуртнинг заиф шуъласи билан совчиларга яқинлашди. Ёнаётган чўпни уларнинг юзларига тутди-ю даҳшатдан юраги тўхтаб қолаёзди. Ё алҳазар, учала аёлнинг ҳам кўзлари йўқ эди. Хонтахта тагига тўшалган клёнка четига уларнинг кўз ўрнидаги пиёладек ўйиқларидан мозорнинг қуруқшаган тупроғи тўкилмоқда эди.

Гулюз бор овози билан чинқирди-ю, ҳушидан кетди.

## XV

Орадан бир ой ўтди. Нафиса тўйининг ташвиши билан бўлиб, ҳамқишлогининг ҳолидан хабар ололмади. Нафисанинг ўқиши тугашига оз қолган, амалиёт вақтига тўйни белгилатган эди. Тошкентга, курсдошларини тўйга айтишга келганида, вақт ёпиб, Гулюзнинг ижара уйига борди. Ишини, ўқишга тайёргарлигини сўраб, тўйига ҳам таклиф этмоқчи эди. Ахир, улар битта қишлоқдан. Қолаверса, Гулюз августдан бери уйига бормаган, онаси соғинган, "Тўйингга Гулюз ҳам аниқ келсин", деб қайта-қайта тайинлаган эди.

– Биз уйига хабар бермоқчи бўлиб тургандик, – деди

хонадош қизлар. — Бир ойдан бери ишга чиқмаяпти, мазаси йўқ. Дарсини ҳам тайёрламай қўйди.

Нафиса ичкарига кирганида, тўшакда ётган Гулюз ўрнидан туриб, бўйнига осилди ва ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади. Уни овутишнинг иложи бўлмагач, Нафиса:

— Эс-хушинг жойидами?! — деб бақирди. — Нега тентакка ўхшаб ўз-ўзингдан йиғлайсан? Нима бўлди? Гапир, қон қилмай!

— Бўйимда бор... — деди Гулюз сочлари тўзғиб. — Норбек ака қочиб кетди... Тополмаяпман! Қишлоққа совчи юбораман, деганди... Алдади... Энди нима қиламан, Нафиса опа?

Гулюз шу вақтгача ҳеч кимга дардини айтмаганди. Нафиса ҳам, хонадош қизлар ҳам юраклари така-пука бўлиб, ранглари оқариб, ёқаларига туфлашди. Кейин Гулюзга тинчлантирувчи дори беришди, бир хотинни чақариб, қора товуқ билан уриб, ўқитиб юборишди. Гулюз уч кун иситмалаб ётиб, тўртинчи кун анча-мунча ўзига келди. Бу вақтда Нафиса тўйдан сўнг қайтиб, йигитни топишда ёрдамлашишини айтиб, қишлоғига кетган, қўшни қишлоқлик йигит билан тўйи бўлаётган эди. Гулюзни бир йигит алдаб, йўлдан урганини Баҳор ҳам, цехдагилар ҳам эшитишди. Милицияга арз қилишни маслаҳат беришди. Норбекни танийдиган бирор инсон зоти топилмаганди-да. Уни ҳеч ким кўрмаган эди. Гулюз туллак йигитнинг шартларини бажариш ҳақидагина ўйлаётганди. Умид бор эди. Ҳадемай телефон жирингласа ажабмас...

Бироқ миш-мишлар Нафисанинг тўйида ҳам огиздан огизга ўтиб, Гулюзнинг холасининг қулоғига етди. Эртасига чимилдиқдаги келинчакни сўраб, Гулюзнинг онаси ва холаси қўшни қишлоққа, кеча тўй бўлган хонадонга важоҳат билан бордилар. Нафисадан даҳшатли ҳақиқатни ўз қулоқлари билан эшитишгач, фожиадан падари бузруквор хабардор этилди.

— Ҳозироқ... ҳозироқ Тошкентга жўнайсан! — деди мулла тўнғич ўғлига. — Гулюзни урмай, сўкмай олиб келасан! У ёғини ўзимга қўйиб берасанлар! Менинг қароримга биронтанг гинг демайсан, тушундингларми?

— Отаси, ҳой отаси... — йиғлади Гулюзнинг онаси. — Йигит ўлгурни сўраб-суриштирмасдан, ахтариб топмасдан қизим

шўрликкинани "оқ қилдим-қора қилдим" деб юборманг! Жон отажониси!

– Мен уни оқ қилиб бўлдим, – деди мулла қаҳридан тушмай. – Энди эса...

– Вой ўлмасам! Қайтариб олинг гапингизни! – Гулюзнинг онаси иккала қўлини ҳам силкиди. – Ҳаммангизга нима бало бўлди? – Кўзёшлари юзини ювди. – Қандай кунларга қолдим, қандай кунларга!..

– Энди эса... мени тинч қўйинглар, – мулла касал каби кўрпачага чўзилди. – Гуноҳим нима? Хатоим нима? Умр бўйи ибодатдан бўшамадим. Мулла бўлдим, эл-юртга панд-насиҳат қилдим, лекин... лекин... – Падарнинг ҳам кўзига ёш қуйилди. – Қаерда хато қилдим? Кимман энди? Сизлар ҳам кимсизлар? Невараларим-чи? Ҳаммамизни битта қиз юзиқора қилди.

– Қўйинг, отаси...

– Нега қўяман? – мулла бошини эгиб, кўзёшини сидирди.

Мен энди енгилтак қизнинг отаси, ҳароми боланинг бобосиманми? Ўғилларим элнинг олдида қандай бош кўтариб юришади? Маъракаларда қайси юз билан ўгиришади? Невараларимнинг Гулюз деган бузуқи холаси, аммаси борми? Биз билан ким қуда бўлалай? Қуда бўлсак, "Кимлардан?" деб суриштира, "Қизи Тошкентда бир йигит билан юриб кетиб, иккиқат бўлиб қолган мулланинг авлодидан" дейишмайдами?.. Хаҳ, қизим-а! Тириклай кўмиб, устимга тупроқ тортдинг-а! Ўқишдан йиқилган экансан, нега биздан яширасан? Шаҳарда қолишни, талаба бўлишни шунчалик хоҳлар экансан, бунга шармандали йўл билан эришиш қаёқдан ҳам кўнглингга сиғди? Шайтон кўнглингни шу қадар кенг қилиб қўйганмиди?

Мулла юзлаб чақирим наридаги абгор қизига сўзлай-сўзлай малорсизланди. Қон босими кўтарилди, дея дарҳол дори ичиришди. Гулюзнинг тўнғич акаси бу вақтда ўз уйида шкафни очди, тўйларга киядиган костюмини кийди. Бир неча сония ўйланиб тургач, шкаф тагига қўл узатиб, латтага ўралган қассоб пичоқни олди. Синглисини ўлдириш ҳақида ўйлагандаёқ титраб кетди, кўзлари намланди.

– Ўша йигитни топаман... Ўлдираман уни... – пичирлади ака. – Синглим шаҳар кўрмаган, ҳатто қишлоқда ҳам бирор йигит билан гаплашиб юрмаган эди. Лаънати! Синглимнинг

соддалигидан фойдаланган! Ака-укаси йўқ деб ўйлагани унинг энг катта хатоси!

Аламзада ака йўлга тушганида, мулла иснодга чидаёлмай жон таслим қилди. Гулюз униб-ўсган хонадон қий-чувга тўлди: ким дод солган, ким ҳушидан кетган, ким қўни-қўшниникига чопган. Ҳақиқатан ҳам битта қиз секин-аста ўз қавмини ҳалокатга маҳкум этаётган эди. Ўша йиллари ҳали чўнтак телефонлари кенг тарқалмагани сабаб катта йўлнинг нечанчидир чақиримида, қайсидир автобусда мамлакат пойтахтига кетаётган акани йўлдан қайтаришнинг иложи бўлмади.

Отаси ўлганидан беҳабар Гулюз пала-партиш кийиниб, нари-бери рўмол ўраб, университетга жўнади. Хонадош қизлар ўша куни Гулюз айтган қўшни подъезддаги келин-куёвнинг тўй видеосини кўриб, Норбекнинг суратини чиқармоқчи эдилар. Тўй карвони ресторандаги базмга кетаётганида Гулюз ўзига ўзи гапираётгани бир четда акс этганди. Атрофида ҳеч ким йўқ. Унинг руҳий касаллигига видеотасма яна бир далил эди.

Бироқ Гулюз хонадошларнинг кўзларини шамғалат қилиб, кўчага чиқишга улгурган эди. Эндиликда Баҳор унга жамики жумбоқлар қалити бўлиб туюлаётганди. Ким ўзи бу қиз? Нега бир гал кўзига рўё бўлиб кўринди, суҳбатлашиб ўтирди, тест саволларидан имтиҳон қилишга уринди, сўнгра тўсатдан ғойиб бўлди-қолди? Тестдан аввал кечаси арвоҳ ҳақида у ҳазил қилмаганмиди? Ҳа, албатта у. Цехдаги Холбувини ҳам кўрқитган, касал қилган. Балки Баҳор ҳам, Норбек ҳам аллақачон ўлиб кетганларнинг арвоҳларидир? Баҳор "арча орқасида китоб ўқиб ўтиргандим" деганида, тобутда ётган қиз кўз олдидан лип этиб ўтмаганмиди? Бироқ у ўзи эдими, Баҳорми, фарқлаёлмаганди. Билгани шу — кафанга ўралган қиз тирик эди. Демак, ё Гулюзнинг ўзи, ё Баҳор бошқа дунёда тирик...

"Биринчи алаҳсирашим ўша бўлган, — деди Гулюз ичида. — Баҳор жодугарнинг шахсан ўзи. Мен жодугар билан бир кеча тунабман-да! Тушларимга Норбек иккиси бежиз кирмаган. Бир-биридан ёлғончи ошиқ, ёлғончи дугона Шайтон битта.

аммо синиқ кўзгадаги акслари кўп. Бири Норбек, бири Баҳор...  
Ва бошқалар... "

– Энди қочиб қутулолмайсан! – Гулюз қадамини тезлатди, ўзига-ўзи гапириб, йўргалади. – Бир куни трамвайда йўловчилар орасида жингалаксоч йигитни кўрганнингни айтгандинг, орқамиздан пойлаб юрибди, дегандинг... Ҳа, турқингни кўриш учун бекордан-бекорга сандироқлаб бораётганим йўқ. Эсим жойида! "Сени ҳовузда қутқарган йигит бизни пойлаб юрибди", дегандинг! Қани, рад этиб кўр-чи! Цехдагилар тонса ҳам сен тонолмайсан! Мени ҳеч ким қутқармаган экан, сен Норбекни қаёқдан таний қолдинг?

Гулюз кўчада бир аҳволда тентираб кетаётганида, "Қишлоқ фуқаролар йиғини" идорасидан амакилари ижара уйга сим қоқишди. Зўр келса, телефон орқали ҳам топиб олишнинг иложи бор эди.

– Нафиса орқали телефонни топдик. – дейишди хоналош қизга. – Гулюз қайтганида ёки акаси ахтариб борганида, айтинглар. зудлик билан йўлга тушишсин. Бугун отаси оламдан ўтди. эртага жанозаси.

Университет остонасида талаба йигитлар суҳбатлашиб туришганди. Кир рўмолни ияги остидан боғлаган, гижимланган кўйлак-лозим кийган. кўзлари хавотирдан олма-кесак тераётган, алланималар деб пичирлаётган галати қизга қараб қолишди. Баҳор ўтирган аудиторияни ҳеч ким кўрсатмаса ҳам Гулюз беҳато топиб борди.

– Гулюз?! – ҳайратдан ёқа ушлади Баҳор. – Тавба, нима қилиб юрибсиз бу... бу аҳволда?

– Ниятингга етдингми? – Гулюз бошидан рўмолни олган эди, талабалар унинг сочи ҳўл эканини кўришди. Факультетнинг кафель полига эски ҳовузникидек ифлос сув томчилари томди.

– Бу ёққа юринг! – Баҳор унинг қўлидан судради. Иккиси зинапоя тагига бурилишди. – Битта маслаҳатим, уйингизга кетинг, ҳозироқ кетинг! Йўл пулингиз йўқми? Олинг! – Қўлига бир сиқим пул тутқазди. – Сизга тегинган йигитни танимайман, Гулюз! Менга унақа қараманг!

– Танимайсанми?

– Вой, иш топиб берганим учун туҳматга қоламанми?

– Трамвайда... энг орқала... одамлар орасида бизни цехгача пойлаб келган йигит ким эди? Мени чўкиб ўлишдан қутқарган жингалақсоч уста эмасми? Нега анграясан? Буни ўз оғзинг билан айтгансан! – Гулюз унинг ёқасидан олди.

– Лекин биз уни кўрмадик-ку!

– Кўрмадингми? Унда жингалақсоч эканини қаёқдан билдинг?

– Сиз тасвираб бергансиз, Гулюз! Ҳамма айтапти, сиз соғ эмассиз! Ўзингизни дўхтирга кўрсатишдан, алдаб кетган йигитни уйига ахтариб боришдан бекорга қочмаяпсиз!

– Мени ҳовуздан қутқарганини-чи? – кучлироқ бўғди Гулюз.

– Буни ҳам ўзингиз айтгансиз! Сиз ҳовузга йиқилиб тушганингизда, ҳовуз жойлашган залда ҳеч ким йўқ эди. Биз сизни жангалақсоч уста қутқарган экан-да, деб индамай қўя қолгандик. Аҳвол жиддийлашгандан сўнг суриштирсак, сиз айтган Норбек деган жингалақсоч йигит тоғамнинг усталари орасида умуман бўлмаган! Йўқ ундай йигит! Йўқ! Йўқ!

– Алдаяпсан! – чинқирди Гулюз.

– У ҳолда милицияга беринг Норбекни! Қаерда яшашини айтган-ку! Ҳеч бўлмаса, қишлоғига боринг! Тошкентга яқин жойда яшар экан! Нима, қийинми? Бунақа сиқилиб юргандан кўра...

Баҳорнинг курсдошлари чопиб келиб, Гулюзнинг қўлидан тутиб, ташқари эшик сари етаклашди. Университет йўлаги ўнлаб томоша талабларга тўлди. Баҳор ранги оқаринқираб қараб турди. Қизлар фойега судраб келишаётганида бир амаллаб ортига ўгирилган Гулюз аниқ кўрди: Баҳор айёрона кўлумсираб қўйди-да, ортига шаҳд билан бурилиб, туфлисини тақ-туқ қилиб, йўлакда голибона юриб кетди.

– Қўйворинглар! – дод солди Гулюз. – Тестдан олдин арвоҳ ҳақида менга Баҳор гапирганди! Арвоҳлар билан у ҳазиллашганди! Тоғасининг цехига борганимизда, ҳовузхона қулфи кечаси, айнан у ҳазил қилганида синганини эшитиб, ранги гезарганини ҳам ўз кўзим билан кўрганман! Ўзига келган балони у менга буриб юборди! Ҳовузга йиқилиб тушишимдан аввал кўнгли айнигани ҳам ёлгон! Мақсади, мени ҳовуз ёнида ёлғиз қолдириш эди! Мен... мен ёмон қиз эмасман! Баҳор ёмон! Баҳор топган йигит ҳам ёмон!.. У оддий йигит эмас!

Биз билмаган қандайдир руҳга ўхшаш мавжудот... Менга ишонинглар, қизлар!

Талабалар Гулюзни йўлдан ўтказиб, хиёбонга олиб киришди.

– Сиз ҳақингизда Баҳордан эшитгандик, – дейишди улар.  
– Раҳимимиз келаяпти. Яхшиси, уйдагиларингизни чақирингда, биргаликда йигитнинг қишлоғига бориб келинг. Гувоҳлар олдида иккалангиз юзма-юз қилинсангиз ҳаммаси ойдинлашади.

Бу пайтда Гулюзнинг акаси шаҳарга етиб келган эди. У қанчалик ахтармасин, ижара уйни тополмади. Баҳор исмли дугонаси университетнинг биринчи курс талабаси эканини Нафиса айтганди. Кўп ўтмай ака университетда пайдо бўлди. Баҳорнинг курсдошлари Гулюзни ҳозиргина хиёбонга элиб қўйишганини, у ўша ердаги ўриндиқда қолганини маълум қилишди. Ака йўлни кесиб ўтди. Бир неча қадам ташлаб, сингисини кўрди. Гулюз бошини чангаллаб, бир аҳволда ўтирарди. Акаси келганини сезиб илкис бош кўтарди-ю оғзи қийшайиб, ияги қалтираб йиғлай бошлади. Акаси уни бунчалик ҳилвираган, девонасифат, ташландиқ аҳволда кўраман, деб хаёлига ҳам келтирмаганди.

– Гулюз! – дея шошиб борган эди, сингил ўриндиқ четига чекинди, аммо акаси қўл кўтармади. – Нима бўлди сенга? Нега бундай юрибсан? Сингилжоним Гулюз! Сингилжоним...

– Акажон... Мени қутқаринг... Менга бир нималар бўлаяпти, акажон...

– Аблаҳнинг уйини биласанми? Айт менга!

Гулюз телбаларча бошини қалтиратди. Акаси рапидадай қўлини ияги остига олиб келди.

– Гапирасанми, йўқми?

– Беҳизор қишлоғи... Тошкентга яқин... Исми Норбек... Мен у билан юрганим йўқ... Ҳовузга йиқилиб, ҳушимдан кетгандим... Ҳеч нимани эслолмайман...

Улар шу заҳотиёқ йўлга тушишди. Пойтахт атрофларига қатнайдиған автобуслар бекагидаги бир таксичи Беҳизор қишлоғини билар экан, ака-сингилни элиб қўядиган бўлди. Орадан ярим соат ўтмай Беҳизор кўчаларида Норбек деган уста йигитни сўраб-суриштириб юришарди.



– Тошкентда ишлайдиган Норбек исмли жингалаксоч уста йигит қишлоғимизда йўқ, – деди "Жигули"сига суяниб турган киши. – Мавлон деган йигит бор эди. Сочи жингалак, ўзи уста, доим Тошкентдан бери келмасди. Бояқиш тўйдан бир кун аввал ҳовузга чўкиб ўлган. Ҳовуз деганим, бу – завод ичидаги залда жойлашган темир-терсак ювиладиган бетон ўра. Бунга тўрт йилдан ошди. Ўзиям кўчанинг боласи эди, бечора.

– Ўша... – деди Гулюз. – Аниқ ўша!

– Нималар деяпсан? – акаси ҳайратланиб қаради. – Ўлган деяпти-ку!

– У ўлмаган, ака, мен кўрганман, гаплашганман...

– Ҳозиргина онасини машинада Гулсарой қабристонига ташлаб келдим, – деди "Жигули" эгаси Гулюзга норизо нигоҳ ташларкан. – Она шўрлик тез-тез ўғлининг мозорини зиёрат қилади. Қандайдир Норбек деган йигитни ахтариб юрган экансиз, яхшимас, синглим. Ташқи кўриниш ўхшайверади. Айтаяпман-ку Мавлон ўлган деб! Улфатбоз йигит эди, балки улфатларидан бири мазах қилиш учун қасддан манзилини бергандир? Улфатда оқибат бўладими!

Вақт кутиб турмас эди, албатта. Ҳали Тошкентга қайтишлари, милицияга учрашишлари, олис қишлоққа жўнашлари керак.

– Атайин шунча йўлдан келган экансизлар, машинамга ўтиринглар, Мавлоннинг онасига учраштираман, – деди "Жигули" эгаси. – Эҳ, дунёси қурсин, нималар бўлмайди-я!

Эски ёғоч дарвозанинг гиштин пештоқига "Гулсарой қабристони" деб ёзиб қўйилган эди. Машина дарвозага етиб, қайирилди. Шу дам бир аёл ҳассага таяниб, инқиллаб-синқиллаб келаверди.

– Келинойи, узр, буларнинг сизда ишлари бор экан, – деди ҳайдовчи.

Чўпдай озғин, рангпар юзли аёл бир Гулюзга, бир акасига қаради. Ака-сингилнинг авзойи бузуклиги кўриниб турарди. Ўғлининг устидан бир неча йилдан буён ҳеч ким арз қилиб келмай қўйган эса-да, онанинг қандайдир хавотирланганини пайқаш мушкул эмасди.

– Ўғлингизнинг қабртошида сурати борми? – деб сўради

Гулюзнинг акаси. – Ҳаммасини қисқа айтиб қўя қоламан. Синглимни бир йигит алдаб кетган. Биз унинг жингалаксоч уста эканини, исми Норбеклигини ва... шу қишлоқда яшашини биламиз, холос.

– Юринглар, – деди аёл.

Бошқа бир сўз қотмай ўглининг мозорига бошлаб борди. Зўр-базўр тиз чўкди.

– Норбекми? – синчиклаб тикилди Гулюзнинг акаси.

Ердан бош кўтаролмаётган Гулюз ниҳоят қаради. Қаради-ю ҳайкалдек қотди. Қабртошда Норбекнинг сурати бор эди, тагида ҳам унинг исми битилган, вафот этган санаси ҳам қайд этилган.

– Қа... қанақасига? – кўз олди тинди Гулюзнинг.

– Елкасида нори борлиги учун Норбек деб от қўйганман, – деди онаизор қалтироқ овозда. – Мен ҳам, бошқалар ҳам уни Мавлон деймиз. Биламан. руҳи безовта. Сизлардан илтимос, боламни қарғаманглар... Кечиринглар уни... Кимдир боламнинг номидан манави қизга тегинган бўлса, ўғлим айбдормас... Ёнидаги қабрларнинг иккитаси аммасиники, биттаси келинойисиники... Улар амакисининг машинасида келинимга совчиликка бораётганида авария бўлишган. Битта амакиси тирик қолди... Шунақа қора кунлар ўтди бошимдан... Нима қилай, куйиб-куйиб яшаяпман...

Гулюз ва онанинг кўзлари тўқнашди. Бўридек совуқ тикилди аёл. "Ўлган боламда нима ўчинг бор, бетавфиқ?" демоқчи эди у. Гулюз шусиз ҳам адойи тамом бўлганди, шилқ этиб йиқилди тупроққа.

Кўзини очганида, машинада кетиб боришарди. Акаси тўғри шифохонага ҳайдатди. Гулюз ифбатли қиз экани, ҳомиладор эмаслиги аниқланди. Бироқ...

– Синглингиз руҳий касал, – деди шифокор кўзойнагини столга қўйиб. – Вақтида даволатишингиз керак. Иложи бўлса, бугуноқ шифохонага ётқизинг.

Ижара уйдаги қизлардан ўлим хабарини эшитган ака-сингил сарсон-саргардонликда она қишлоққа йўл олишди. Тақдир чархпалагининг чархлари умрларни майдалаб, янчиб, қабристонларга сочишда давом этарди.

## XVI

Мулланинг жанозаси куни ёмғир қўйди. Ташқаридаги таъзия шовқинидан қочиб, чекка хонада бир нуқтага тикилиб ўтирган Гулюз деди:

– Ҳаммасига мен айбдорман...

– Ҳа, сиз айбдорсиз, – деди шу пайт кимдир.

Гулюз ўғирилди-ю оппоқ либосда, сариқ гулдаста кўтарган Норбекни кўрди. Йигит илк танишган кунларидегидек барно бўлиб қолганди.

– Мен айтган жойларга боринг, гуноҳларимни кечиришларини сўранг, – деди йигит. – Тўғри, ўлганман, лекин хаёлотингизга кириб, сизни бошқараётганим рост-ку! Агар мени қутқарсангиз, сизни ҳам оғир кунлардан халос этаман, тинч қўяман. Отангиз ҳам ўлмаган бўлиб чиқади. Бу ҳаммаси сизнинг хаёлотингиз! Менга ишонинг, Гулюз!

– Ишонмайман...

– Ўн дақиқадан сўнг йўлдан сариқ машина ўтади. Бир одам фарзандлари билан туман марказига, кўғирчоқ театрига борапти. Ёнида бўш жой бор. Шохбекатга етиб оласиз. Агар алдаётган бўлсам, сариқ машина келмайди, сиз ҳам Тошкентга бормасиз. Келишдикми, Гулюз? Акс ҳолда хонумонингиз куйишдан тўхтамайди. Савоб ишлар қутқаради сизни!

Гулюз рўмол ёпиниб, оломон орасидан ўтди-да, кўчага югурди. Ҳақиқатан ҳам тез орада сариқ "Москвич" кўринди. Ҳайдовчи ёмғирда ивиб турган қизга раҳми келиб, тўхтади.

– Йўл бўлсин, қизим?

– Бекатга...

Ҳайдовчи орқа ўриндиқда ўтирган тўртта ёш боласини театрга олиб бораётгани, тарбия, маданият, санъат, ҳатто соғлиқ ҳақида гапириб борди.

– Мулла бобонинг юраги хуруж қилган экан-а? – деди бир пайт (Гулюз ишқилиб таниган бўлмасин-да, деб юзини терс бурди). – Менинг ҳам худди шунақа касалим бор. Рулда хуруж қилмасин, дейман.

Машина сой устидаги кўприкка етганда, ҳайдовчи "Воҳ!" деди-ю рулга бош қўйди, қўллари рулни қўйиб юборди. Машина ўнгдаги тўсинларни қарсиллатиб синдириб, кўприк лабига осилиб қолди. Болалар чуввос солиб йиғлай бошлашди.

Темир машина эса шунча тирик жонни қурбон қилаётганини тушунмай секин-аста сой устига оға бошлади.

– Акажон, кўзингизни очинг! – деди Гулюз ҳайдовчига ёпишиб.

Темир арава вазни шундай тақсимландики, бир кишининг оғирлиги билан мувозанат йўқолиб, сойга қулаши муқаррар эди. Гулюз болаларга қаради, болалар Гулюзга. Машина қутуриб оқаётган сой устига яна бир қарич оғди, темирларнинг аянчли гийқиллаши эшитилди. Ҳаммаси бир сонияда тугайди, тамом-вассалом. Кўприк устидан қутурган сойга ўмбалоқ ошиб тушган машинада ким ҳам тирик қоларди.

Гулюз шартта эшикни очди-да, ўзини ташлади. Майли, Норбекнинг талабларини бажармасин, аммо шу болажонлар тирик қолсин! Кўприк ва сой оралиғи анчами ёки вақт тўхтаб қолганми, Гулюз тушунолмади. У пастга шувиллаб йиқилаётиб, машинага кўз ташлашга улгурди. Машина кўприкда қолайми, сойга қулайми. деб лопиллаб турарди.

Шалоплаб кетди сув. Гулюз чин ўлимни кутди. Йўқ, дарров ўлмади. Оёғи ҳув ўша ўнинчи августдаги каби сув остидаги панжарага қисилиб қолди. "Ҳали умид бор, – деди Гулюз. – Яна бир марта ҳаёт учун курашсам-чи!.."

– Ё Оллоҳ!.. – деди Гулюз хаёлий товуш ила.

Ва оёғини панжара орасидан тортиб олди-да, бор кучи билан юқорига талпинди. Ўпкасидаги сўнгги ҳаво зарралари ҳам тугаб, томирлари бўртиб, кўзлари қинидан чиқаёзди. Бир сония, икки сония... Ниҳоят, сув юзасига пўкакдек отилиб чиқди қизгина. Ютоқиб ҳаво ютди, ўқчиб-ўқчиб йўталди.

– Болалар... – Юқорига қаради қиз. – Машина қуламади... Мен ҳам тирикман!

Ё алҳазар, ёмғир тинган, булутли осмону кўприк ғойиб бўлган, бу улкан зал эди. Гулюз бетон қирғоққа осилиб, гурс этиб полга қулади. Кўзларига ишонмай яна атрофга аланглади. Нималар бўлаяпти? Баҳорнинг тоғасига тегишли ўша цех биносидаги ҳовузхона-ку! Ҳозиргина қишлоғи яқинидаги сойда эди, қандай қилиб яна ҳовузхонага келиб қолди?

– Гулюз ҳовузга йиқилиб тушди! – қичқирди гиламчи қизлардан бири.

Мая опа ва бир неча қиз чопиб киришди.

– Қаердаман? – ҳеч вақога тушунолмади Гулюз.

— Шеф билан мулла келадиган кун шу фалокат етишмай тургани, — деди Мая опа. — Гулюз, оёғинг озроқ лат ебди-ку! Иккинчи қаватга чиқарамиз. Кийимларингни ҳам алмаштириб оласан.

— Бугун қайси кун?

— Ўнинчи август, — жавоб берди Мая опа. — Баҳор ўнинчи август кунини ҳовузга куёв йигит чўкиб ўлган, деб мияннга қуйиб ташлаган-да, дарров буни иримга йўйиб, кўрқиб кетдинг. Э, сени қара-ю!

Гулюз кўлига қаради: никоҳ узуги! Дарров ечиб, ҳовузга отиб юборди. Чўлп этиб тушди тилла...

## ОЛТИНЧИ ДАЛИЛ

Баҳодир ака ҳамон чоржуйлик шоирнинг шеърини берилиб ўқимоқда эди. Машина мотори ванғиллайди, тунги даштда куз тумани сирли мавҳумотни ўз бағрига бекитаётгандек туюлади. Бошим қаттиқ огрир эди, беихтиёр инқилладим. "Москвич" айри йўлда тўхтади.

"Ўннга юрайми, чапгами?" — деди ҳайдовчи.

"Чапда Зафартепа қишлоқ қабристонини бор, — деди Баҳодир ака. — Ўннга ҳайданг! Йигирма беш йил бурун ташлаб кетилган кимсасиз қабристонда бизга нима бор? Шифохонага шошилишимиз керак... Ие, шоир ҳушига келибди-ку! Хайрият-е! Кўп арақ ичсам, кўтаролмайман, ўлиб-пўлиб қолишим мумкин, демайсизми бундоқ? Кайфим учиб кетди-я!".

Баҳорнинг тилида айтганда, мен ўз вужудимга қайтдим. Гулюз деган қиз ҳовузга йиқилиб, то ўзини ўнглаб олгунча ўтган ярим дақиқа ичида бир неча ойлик аянчли саргузаштни туш кўргандек мен ҳам тушимда яшадим. Албатта, қиз жуда катта сабоқ чиқарган, ўша куниниёқ қишлоғига жўнаб, онасига ўқишдан йиқилганини айтган, гуноҳларига тавба қилган бўлса керак. Мулла уни оқ қилганиди. Бу ўнгдаги оқ қилиш эмасди. Оқ қилиш динда борми? Йўқ, албатта. Демак, мулла ҳеч қачон оқ қилмайди. Ҳаммаси Гулюзнинг миясида акс этган ўз хаёллари эди. Кимни дўзахий, кимни жаннатий қилиш Яратганнинг ихтиёри...

"Баҳор!.. Ахир, у газдан заҳарланиб ётибди-ку! Қутқариш керак!.." — дедим тўлғониб.

"Тинчланинг, — деди Баҳодир ака. — Қанақа газдан заҳарланишни гапираётганингизни билмадим, аммо аниқ биламанки, сиз арақдан заҳарланиб ётибсиз. Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа-а!.. Бундан кейин умуман ичманг, шоир жаноблари!"

Биз ташландиқ тобутхонага дуч келмадик. Нафисанинг "Шайтон биология дарсларида йўқ-ку", деган гапи ёдимга тушди. У на ҳайвон, на наботот! Нега биология дарсида бўлар экан? Баногоҳ Баҳорнинг "Гуноҳкорлар аянчли ўлимга маҳкум" деган гапи ҳам ёдимга тушди. У кимни назарда тутганди? Гулюз ҳақиқий ҳаётга қайтди. Мен ҳам ҳозирча тирикман. Бундан чиқди, ўзини ва Норбекни айтган экан-да. Саодатга эришиш учун шу бугундан мен ҳам тавба қилишим керак.

## ХОТИМА

Даштдаги воқеадан сўнг Тошкентга келиб, Баҳор деган қизни университетга ахтариб бордим. Таассуфки, ҳеч каердан тополмадим. Гулюзни суриштирган эдим, бир курсдошини учратиб қолдим. У шундай деди:

— Ҳа, утган йили биз билан Гулюз деган қиз ўқишни тугатди. Мулланинг қизи эди, жуда одобли, тиришқоқ, бамаъни. Бир аспирантга турмушга чиққан, ҳозир Қўйлиқда яшашади, ёш боласи бор... Ҳа, ҳа, Баҳорни ҳам эсладим. Сиз ахтарган қиз унинг дугонаси эди. Баҳор ўқишдан йиқилиб, тоғасининг гилам цехида ишларди. Эшитишимча, бир йигит билан юриб қўйгач, квартирасига кириб, атайлаб газни очиб, ухлаган, ўша ерда вафот этган. Ўлганига ҳам уч-тўрт йил бўлиб қолди.

— Баҳор ўқишдан йиқилган бўлса, Гулюз-чи? У биринчи йили тестдан ўтганми?

— Баҳорнинг тоғасиникида бир вақтлар Гулюз ҳам ўн кунча ишлаган. Ҳовузга йиқилиб, қаттиқ қўрққан, дейишади. Ўшанда "Ўқишдан аниқ йиқиламан, буни тушимда кўрганман", деб қишлоғига кетиб қолган экан. Аксинча, Баҳор йиқилиб, у ўтгач, сентябрда уйига деканат хат юборган. Гулюз қанчалик хурсанд бўлиб дарсга кириб келгани кечагидай эсимда.

Мен университетдан чиқиб, хиёбондаги ўриндиққа ўтирдим-да, қувончимни яширолмай йиғлаб юбордим. Мен ва Гулюз саодатга эришиш имконияти берилганлардан эдик.

## УЧ АЁЛ ФИТНАСИ

(қисса)

Шифохона орқасидаги кўчада қад ростлаган ойнаванд бино эшигида ўн беш-йигирма чоғли аёл тўпланди. Айримлари гулдор рўмол ўраган, ангорка ёки урфдан қолган чарм пальто кийган оддий хотинлар эди. Янгича урфда кийинганлар ҳам ораларида йўқ эмасди. Дунё мувозанатини баайни мувозанатсизликнинг ўзи сақлаб турадиганга ўхшайди шекилли, ҳаммалари бахтиёр ва беташвиш эдилар.

Қарғалар шифохона ҳовлисидаги дарахтдан бирин-кетин узилиб, ҳаво наҳрида шитоб-ла оқди. Шифохонанинг ғиштли девори ортда қолди. Кўчада турган "Нексия" устидан ҳам учиб ўтишди, баландроқ кўтарилишди. Ойнаванд бино пештоқи ёнидан учаётганида, ярқироқ ойнадан уларнинг акси лип-лип ўтди. Аёллар қаргаларга, қаргалар аёлларга қаради. Ҳадемай қиш. Қаргалар номигагина қагиллаб, кўчанинг нариги томонидаги беш қаватли уйлар узра баландлади, сўнг соҳилдан олислаган кемалар каби шаҳар уфқига сингиб кетди. Уларнинг патларини юлқиган шамол янада кучайиб, пастга, шифохона орқасидаги кўчага ўзини урди: чанг аралаш хазонни кўзгаб, тўполон бошлади. Феруза осмон ва чарақлаган қуёш кун илиқлигидан ваъда беролмасди, ёқалар кўтарилиб, кўзлар қисилди — одамлар ўзларига ажин ясайдиган ва ҳеч кимга сотолмай ўзларининг юз-чеҳраларида қолдирадиган содда мавжудотларга ўхшашарди.

— Кутубхоначи хотинларга алангалик салом! — деди бир эркак ойнаванд бино томон бурилиб.

Дарвоқе, ойнаванд бино олдидагилар атрофдаги туманлардан келган кутубхона ходималари эди. Шифохона орқасидаги кўчадан қийиб чиқиб, бурчакда турган оқ "Нексия" ёнидан ўтган бир неча аёл ҳам уларнинг даврасига қўшилди. Йиғилиш бор экан-да.

Боядан бери ойнаси очиқ "Нексия"да атрофни кузатиб ўтирган ўттиз беш ёшлардаги, озгин, ранги қоғоздай оқарган аёл кутубхоначиларга чалғиди. Кейин эса яна кўчани кўздан кечирмоқчи бўлган эди, аксига олиб, шамол кўзига хас парчасини учуриб кирди. Аёл хасдан халос бўлиш учун

чиройли, қоп-қора кўзларини очиб-юмди, бўлмади. Чўзилиб, пешойнага боқди, уддалаёлмади. Ён ўриндиқдаги қизил сумкасидан кўзгуча олиб, кўзига яқин тутди ва ниҳоят хасни чиқариб, пуфлаб юборди. Сумка оғзида бир даста пулнинг учи кўриниб қолди.

У пулни ичкарироқ тиқиб қўйди-да, пардоз қутчасини олиб, аввал кўзини, кейин қизиқиб кетиб, лаб бўёғини чиқариб, қонсиз лабларини ҳам бўяди. Кўлини катта-кичик тўртта тилла узук безагани, бўйнидаги қалин тилла занжир, айниқса, яп-янги машина унинг бойвучча хоним эканидан далолат берарди. Ёшлигини сақлаб қолиш учун муолажалардан қайтмайдиганлар тоифасидан экани, кўп вақтини гўзаллик салонларида ўтказиши сезилиб турарди. Бир қарашда қандайдир касал деб ҳам ўйлаш мумкин эди. Гўзаллик салони эмас, тиббий усқуналар чарчатган бўлса-чи? Алалхусус, унинг чарчаганини, эзилганини, юрагини нимадир кемираётганини синчков олам пайқаши мушкул эмасди. Сершовқин, гавжум, тиқилинч кўчадан бу ёққа бурилиб, кимни кутаётган экан? Катта хотинлардек пешонадан рўмол танғиб олганига қараганда эса уйилан шошилиб чиққан кўринади, холбуки ҳеч бир шаҳарлик хотин кўчага чиққанда рўмолни бунақасига пешонадан боғламасди. Қолаверса, шунақа қисиб боғлаганки, бошида сочи йўқ деб ўйлайсан киши.

Машина ойнасини ёпиб, ўриндиққа ҳорғин суянган маҳал телефони жиринглаб, яшил тугмачасини босди-да, кибр ила қулоққа тутди.

— Динора опа, эшитинг, — деди телефон қилгувчи йигит чийиллаган товушда, — жами ўн саккиз киши. Шундан олтитаси эркак. Тўрт соатга гаплашдик, бундан ортиғи ортиқ, опажоним.

— Уч соат, бу — кам.

— Нима?

— Тўртинчи соат захира бўла қолсин. "Яхши" демоқчиман, йигит.

— Ҳа-а... Бу дейман, опа... шифохонадан чиқдингизми ўзи?

— Куппа-кундузи, иш вақтида уйқусираяпсанми? Бир ой бўлган-ку чиққанамга! — Айни шу дам бошқа биров кўнгироқ қилиб қолди. — Майли, ишларингга омад, — деб Динора у



билан хайрлашди ва иккинчини улади. — Алло, эшитаман!

Эркакнинг жарангдор, аммо норизо оҳангдаги овози эшитилди:

— Биз кутаяпмиз.

— Биз эса ушланиб қоладиганга ўхшаймиз, — деди жавобан Динора. — Илтимос, яна бир оз кутинглар. Кўрдингиз-ку, устма-уст кўнғироқ қилишаяпти, ҳамма нарса тайёр, фақат...

— Бошидан айтганман. Кутолмаймиз! Вақт йўқ, вақт!

— Вой-бў, бунча ичингиз тор? — деди Динора.

— Қанақасига ичим тор бўлсин?! Бизда режа бор.

— Қайтиб умрбод ишим тушмайди сизга! Биринчи ва охири илтимосимни қон қилиб бажарманг! Бу ишлар менга ҳам зарил эмасди. Мажбурман!

— Нега мажбурсиз? Ҳаммасини ўз ихтиёрингиз билан бошладингиз. Эрингиз бор. дўконларингиз бор, машина ҳайдаб юрасиз. Истасангиз чет элда дам олишингиз мумкин. Маза қилиб яшамайсизми?

— Шу ишни қилмасам бўлмайди! — кесиб гапирди Динора.

— Лекин ярим соатдан сўнг, мен ва...

— Бу гапни кечадан буён ўн марта эшитдим, — деб Динора аччиқланган эди, телефон қилгувчи "бор-е" дегандек шартта алоқани узиб қўйди. Динора телефонни иягига босиб, ўйланди, уҳ тортиб, қарғади: — Ўл-е, эркак бўп эркакка, аёл бўп аёлга ўхшамайсан! Беш минут кут, ейилиб қолмайсан-ку!

Шамол газета парчасини учириб, "Нексия"нинг олд ойнасига ёпиштирди. Айни шу лаҳзада Динора кўчанинг сўл ёқасида ўзи томон келаётган баланд бўйли, қирқ ёшлардаги чўлоқ эркак ва ўрта бўйли, ўн етти ёшлардаги соҳибжамол қизни кўриб, кўзини узолмай қолди. Танидими ё унга худди шунақа одамлар керакмиди, жуда-жуда қизиқсиниб қаради. Ён ўриндиқда ётган сумкасини титкилаб, даста пулни чиқарди. Пулни очикчасига кўтариб юриш ёқмади, қайтариб солиб, сумкани юлиб олиб, машинадан илдам тушди-да, кўчани кесиб ўта бошлади. Афтидан тўппа-тўғри чўлоқ эркак ва қизнинг устига бостириб бораётган эди. Бироқ шу пайт лоп этиб бошқа воқеа юз берди:

— Динора! — деб чақирди кимдир.

Қулоқларига ишонмагандек таққа тўхтаб, ортига ўгирилган Динора ҳақиқатан ҳам лол бўлди-қолди. Эгнига бежирим қора

пальто кийган, сочларини ёйган, қорачадан келган, кулгичи ярашган, ўзи тенги шаҳло кўз аёл жилмайиб турарди. Кўзлари қўғирчоқникидек лип-лип этар, агар бирор эркакка шундай боқсами, жодулаб қўярди. Юқори жағидаги бир қатор тилла тишлари ярақлади. Тишлар ўз соҳибасини янада жозибадор кўрсатди.

– Шоҳсанам! – деди Динора ниҳоятда ажабланиб ва ишининг пачаваси чиққандек дам ҳалиги жуфтликка, дам кўча бошига қараб қўйди. – Ўзингмисан?

Иккиси бир-бирининг кучоғига шошилишди. Ниманидир тортишиб келаётган эркак ва навнихол қиз ҳозиргина Динора йўлни қиймоқчи бўлганига эътибор беришганди. "Нима бало, "Нексия"дан тушган бу аёлнинг бизда иши борми?" қабилидаги ўй ўйлаган бўлсалар ажабмас. Таниши чақиргач, Диноранинг қайрилиб кетганини кўргач, улар ҳам тўхтади. Икки аёлнинг аввал устма-уст ўпишганини, сўнг сал кам бир дақиқа бетўхтов ҳол-аҳвол сўрашганини кузатиб туришди. Қишлоқ аёллари кўпинча уч марта ўпишиб, бир-бирига қулоқ солмай қирқ соғия ҳол сўрашишади. Дарҳақиқат, икки аёл битта қишлоқдан бўлиб, Динора анча йилдан бери шаҳарда яшар, Шоҳсанам эса туман марказида аввалги эридан қолган уйда фарзандлари билан истиқомат қиларди.

– Бу ерда нима қилиб юрибсан? – сўради Динора.

– Келдим, – дея Шоҳсанам ойнаванд бинога ишора қилди.

– "Район"имиз кутубхонасида ишлайман-ку, чақиринган. Ўзинг-чи? Шифохонага тушибди деб эшитгандим, яхши бўп кетдингми?

– Яхшиман. Кимдан эшита қолдинг?

– Сенга ўхшаб синфдош дугоналарни унутиб юбормаймиз, суриштирамиз, ўйлаймиз, мактаб даврларини эслаймиз. Машинангдан тушиб мен томонга қарасанг ҳам танимадинг. Яхшиям чақирдим. Шошилишча ишинг бормиди? Йўлдан қўяётган бўлмай тагин?

– Нимаси шошилишча! – қўл силкиди Динора. – Ўзинг-чи? Шошмаяпсанми? Йигилишларинг қачон?

– Беш-ўн минут бор. Нега рўмол ўраб юрибсан?

– Сочимни бўяйман, деб куйдириб қўйдим, ёмон тўкилаяпти.

– Ҳовлинглар шу атрофда бўлса, уйингдан шошиб чиқибсанми, деб ўйлабман.

– Машинада юрибман-ку! Уйимга бирор марта келмадинг, қаердалигиниям билмайсан, – ўпкалади Динора. – Шу қадар ўзгариб кетибсанки, танимабман. Пальтонинг ҳам даҳшатини олибсан. Тўхта, мабодо яна турмушга чиқмадингми? Тўй-пўйга айтмай, писмиқланиб...

– Нима, эрга тегмасам пальтосиз юраманми?

– Буни яқинда Фарҳод акамнинг дўконига кўргандим, олти юз доллар туради-я!

– Худди шу пальтони кўрганмидинг? – юзидан кулги йўқолди Шоҳсанамнинг. – Вой, буни Тошкентдан олдим, дугонажон!

– Дарров рангинг ўзгаришини қара! Худди шу пальтони дедимми сенга? Дўконимизга келсанг, Фарҳод акам менга, албатта айтарди ё ўзинг мени чақирардинг-да! Майли, омадингни берсин. Семинарингга кирасанми? Қачон тугайди? Уйга опкетардим.

– Уйингга қуруқ бормайман. Бошқа пайт бемалол келаман.

Йўлакда турган эркак ва қиз икки дугона ҳақида нимадир дейишди, бош силкишди, бир қарорга тўхталдилар чоғи, тўғри уларга қараб юрдилар Кўча охиридаги ойнаванд бино олдидагиларни айтмаганда, хилват кўчада бошқа ҳеч ким йўқ эди. Эркак қўлини кўкрак чўнтагига суқди.

– Кечирасиз, сизни мумкинми? – мурожаат этди у.

– Меними? – кўксига нуқиди Динора ҳайрон бўлиб.

– Ҳа, сизни. Ҳозир машинангиздан тушиб, бизга нимадир демоқчимидингиз?

– Мен-а? – янада ҳайратланди Динора. – Сизни биринчи кўриб туришим. Йўл четидан юриб, катта кўчага чиқмоқчи эдим.

– Машинадан тушиб, бизга қараб шошилиб юрдингиз-да, шунга сўраяпман.

– Тавба, нималар деяпсиз? Машинада эмас, яёв боришим керак эди, бунинг сабабини сизга тушунтиришим керакми? Одамлар бошқача ўйлайди, деб энди машинадан андиша билан тушиб, андиша билан йўлни кесиб ўтарқанман-да!

– Илтимос, жаҳлингиз чиқмасин. Тўғриси айтганда, биз сизни танладик.

– Тушунмадим? – Диноранинг қоши чимирилди. – Соппасоғ одам десам, ғирт томингиз кетганми дейман?! Қани, туёғингизни шиқиллатинг-чи! – Ёнидаги қизга деди: – Ким бу одам? Олиб кет!

– Опажон, аввал бизга бир кулоқ солинг, – тилга кирди қиз.

– Гап шундаки, концертга учта чипта бор, – эркак қўйнидан учта яшил қоғоз чиқарди. – Учинчимиз ярим соат аввал мана шу шифохонага ётқизилди. Хуллас, энди биз ҳам бормоқчи эмасмиз.

– Опажон, хафа бўлманг, – қайғурди қиз. – Ҳеч қандай ёмон ниятимиз йўқ.

– Дўстсиз концерт ҳам, зиёфат ҳам татимайди, – давом этди эркак. – Кўчада дуч келган севишганларга ёки қалин дўстларга совға қилмоқчи эдик. Айтгандек, концерт ресторанда бўлади, зиёфати билан бирга. Мана, олинг! Бир умр унутмайсиз. "Божалар". Зиёда, Манзура келган. Гап йўқ томоша! Ахир, бир тийин сўрамайпман! Текинга-я!

– Текин нарса қолибдими? – деди Динора. – Хўш, чипталар эвазига сизга нима қилиб беришим керак? Балки масхаралаш учун кимдир юборгандир?

– Олаверинг, – деб қиз эркакнинг ташаббусини маъқуллади. – Бизни ким юборади! Пулингиз керакмас, чин кўнгилдан бераёпмиз, опажон. Ё сиз олинг, – у Шоҳсанамга жилмайди. – Фикрим ўзгариб қолмасидан қутулай деяпман. Агар дугонам шифохонага тушиб қолмаганида, юз минг сўмга ҳам сотмасдик. Олсангиз-чи, нега ўйланасиз?

– Биздан совға! – деди эркак кулумсираганча чиптани Шоҳсанамга узатиб. – Битта муаммо: яна бир дугона топасиз, холос. Қарадик, дугоналари кўп аёлларга ўхшадиларингиз.

– Шоҳсанам, майли, ола қолинг, – дея Динора дугонасига қаради. – Кутубхоначи танишларингизга берасиз.

– Лекин бу оддий шоу эмас, учта-учта бўлиб бориладиган ноанъанавий концерт, – тушунтирди эркак. – Муҳими, ниятимиз холис экан, мана, қалин дугоналарни учратдик. Бировларга бергунча ўзларинг боринглар, бошланишига ярим

соат қолди. Яна бир дугона албатта топилади. Ана, телефон бор, кўнғироқ қилинг. Сизларга яхши дам, бизга эса савоб ҳамдам!

— Омад тилайман, — жилмайди қиз ҳам.

Улар етаклашиб жўнаб қолишди.

— Ёшгина қиз ўзидан икки баравар катта эркак билан етаклашиб юрибди-я! — сўйлади Шоҳсанам чипталарни ағдариб-тўнтариб қилиб томоша қиларкан. — Отаси қатори! Бунинг устига чўлоқ...

— Чўлоқлик айб эмас, ўртада қизнинг дугонаси ҳам борлигига ўлайми? — лаб бурди Динора.

— Ҳозирги қизларни нима жин урган? Шаҳарда бунақа воқеалар кўп, дуч келасанми, дугонажон?

— Э, ўзимиз ҳам гўр эмасдик, — кулди Динора. Кейин бирдан жиддий тортиб, чиптадаги манзилга кўз ташлади. — Қара, "Учрашув" ресторанида экан, зўр жой. Бунинг устига машҳур санъаткорлар ҳам келишибди. Бормаймизми? Бир яйраб концерт томоша қилардик. Шундоқ ҳам меҳмон қилишим керак эди, мезбон деган отим бор ахир.

Шоҳсанам ҳам қизиқиб қолди.

— Ростини айтсам, семинарга мажбуран келаётгандим.

— Умрингда битта китоб ўқимагансан, — кулди Динора.

— Семинарингни ҳам қойиллатмайсан! Раҳбарингга адашиб қолдим, де. Эсингдами, мактабда қитмир баҳоналар тўқиб ташлардинг, ҳамма ишонарди.

Шу он Диноранинг телефони жиринглади.

— Кутиб-кутиб адо бўлдик, — боя кўнғироқ қилган эркакнинг жаранглор овози тутди гўшакни. — Сизга умуман ишониб бўлмас экан.

— Умримда ҳеч кимни алдамаганман, десам ёлгон гапирган бўламан, — Динора бир оз четга ўтиб сўзлади, — лекин сизни ҳали ҳеч қачон алдаганим йўқ, алдамаслигим аниқ. Кетаверинглар! Вақтим йўқ, дегандинглар, энди менинг ҳам вақтим йўқ. Эртага гаплашамиз.

— Айтган аёлингиз қани?

— Эртага гаплашамиз, дедим. Вақти йўқ одам дарров...

Кўнғироқ қилгувчи боягидек яна телефонини ўчириб қўйди. Диноранинг у билан гаплашадиган гапи қолмаганди:

рўпарасида бир синфда ўқиган, бирга улғайган сирдош дугонаси турибди. Тақдир тақазоси билан зиёфатли концертга бепул чипта ҳам насиб этди. Бугун маза қилиб хордиқ чиқаришлари, яйрашлари мумкин. Фақат учинчи дугона топилса, бас.

Шу тобла иккисининг ҳам хаёлидан Холида ўтган бўлса керак. Зеро, учаласи ўн йиллик мактаб даврида сирдош бўлиб юришди. Мактаб даври ниҳоясига етгач, дастлабки йиллар дугоналик ришталари узилмади. Бироқ вақт барибир енгди: бора-бора улар деярли кўришмай кўйишди. Кўл телефонлар кенг тарқалганда ҳам улар бир-бирининг рақамларини суриштирмади, меҳр-оқибат қайта жонланмади, худди улар дугона бўлишмагандек эди. Кўча-кўйда, тўй-ҳашамда кўришиб қолишса эса уч марта ўпишиб, қирқ сония нафас ростламай ҳол сўрашишни кўйишмасди. Шунақа! Бундай қисмат мактабда қалин дугона бўлган кўплаб қизларнинг бошига тушади.

Бироқ тасодиф ёрдамга келмаса, бугун ҳам, эртага ҳам, ўн йил ўтиб ҳам Динора ва Шоҳсанам учрашмасди гўё. Бугун тасодифми, заруриятми, ҳар ҳолда кўришиб қолишди.

Ўз-ўзидан Холида тилга олинадиган фурсат келган эди.

– Холишни кўриб турасанми? – Динора чуқур тин олди.

– Ҳа, – жавоб берди Шоҳсанам. – Ёздан бери учратмадим. Уйдан чиқмай кўйган. "Район"га келса ҳам кутубхонамга кириб ўтмайди.

– Нега?

– Билмадим, уй бекалигига кўникиб қолган шекилли... Эҳ, эсим курсин, унинг қизи сувга тушиб кетган, шаҳарга олиб кетибди, деб эшитгандим.

– Қачон? Жиддийроқ ҳеч нарса қилмабдими?

Диноранинг қонсиз ранг-туси янада оқаринқирагандек туюлди Шоҳсанамга.

– Уч-тўрт кун бўлган-ов. Операция қилармиш деб эшитгандим.

– Демак, ҳозир шаҳарда, шундайми?

Дугоналар қишлоқдаги қариндошларига кўнғироқ қилиб, Холиданинг телефон рақамини суриштира бошлашди. Кўп ўтмай топилди. Холидага Диноранинг ўзи кўнғироқ қилди.

Қизига куйинганидан бўлса керак, бояқиш довдираб, ҳатто ўз дугонасини танимади. Кейин:

– Динора! – деб қичқириб юборди. – Вой-й... кечирасан, танимабман! Хаёлимда нуқул қудамизнинг қизи Динора. Чиндан ўзингмисан?! Телефонда овозинг бошқача эшитиларкан. Қаердасан? Номеримни қандай топдинг?

Бор гап айтилди.

– Вилоят шифохонаси орқасидаги кўчада турибсизларми? – ишонмади Холида. – Ростдан? Ўлай агар де-чи! Бизнинг шу ерда ётганимизни аввалдан билгансан. Алдама, мени кўришга келгансан икковинг. Ёмон ҳазил қиласан-а, Динора?

– Узр, дугонажон, қизинг билан шу ерда ётганингни билганимиз йўқ. Шоҳсанам узун-қулоқ гапларни эшитган экан, қишлоққа қўнғироқ қилиб, номерингни зўрға топдик. Эшитмаганимизда ёнгинангдан кўришмай ўтиб кетарканмиз-а! Ҳозироқ дарвоза томондан айланиб борамиз. Нечанчи палата?

Диноранинг аллақандай эркаклар билан қиладиган шубҳали иши, Шоҳсанамнинг семинари мана энди муқаррар тўхтатилди. Иккови "Нексия"га ўтириб, шифохонанинг катта кўчадаги дарвозасига боришди. Динора эшикбонга чойчақа узатганди, машинанинг шифохона ҳовлисига киришига рухсат берди. Бинолар оралаб, анча ичкарига ўтишди. Машинадан тушиб, тўрт қаватли бинонинг қабулхонасига қадам қўйишган ҳам эдиларки, шифохона халатидаги узун бўйли, озгин, кўзлари ўйнаб турган аёл уларга пешвоз чиқди. Чап ёноғидаги кичкина холи ўзига жуда ярашган эди.

– Холиданинг ўзи тушибди-ку пастга, – деди Шоҳсанам.

– Индамаса сени ҳам танимасдим, – деб Динора қучоқ очиб кўришди. – Ҳаммаларинг бунча ўзгариб кетибсизлар.

Етти ёшли қизи Муниса сув бўйидаги толга чиққанида, шох синиб пастга қулаганини, сувга йиқилишдан аввал бетонга урилганини эшитиб, Диноранинг эти жимирлаб кетди. Бироқ бу мутаассирлик ҳалокатли йиқилишдан эмас, бутунлай бошқа сабабдан эди. Ҳа, Диноранинг кўз олдига мактабни битирар йилдаги фожиа – ҳалигача тўлиқ тафсилотини ҳеч ким билмайдиган мудҳиш воқеа келди. Келдию ўзини чалғитишга уринди. Олдинда нима кутаётганини уч аёлдан иккитаси –

Шоҳсанам ва Холида хаёлига ҳам келтирмас, Динора эса тақдири азал ҳукмига ич-ичидан ҳайрону лол қолаётган эди.

– Шифо берсин, – деди Динора куюнчаклик билан.

Ўтган куни операция қилишибди. Бугундан бошлаб қизалоқнинг аҳволи анча яхши экан. Шўхлиги учун ойисидан узр ҳам сўрабди. Холида тинимсиз шукрона айтар, шифокорларни, қизини сувдан чиқарган подачи йигитларни мақтар, эътибор бериб қаралса, Холида ҳозир дунёдаги энг бахтманд аёл эди. Юқори қаватдаги палатага чиқиб, тўшакда ётган Мунисани кўрдилар. Қизалоқ эндигина ухлаган бўлиб, ҳамширанинг айтишича, уч соат бўлмасдан уйғонмас эмиш.

– Холиш, гап бундай, – деди Динора палатадан чиққанларида, – мен жудаям муҳим ишимни қолдирдим. Шоҳсанам эса вилоят бўйича ўтказилаётган семинардан воз кечди.

– Шунча овора бўлибсизлар... – деб Холида кўзига ёш олмоқчи эди. Динора елкасига қўл ташлади.

– Фақат сен ва қизинг учун эмас, – деди у. – Мунисанг, Худо хоҳласа, отдай бўлиб кетади. куёвга узатаётганинда тўйига айтасан. Биз бугун ўзимиз учун вақт ажратайлик. Тўғрими, Шоҳсанам? Холида кийиниб чиқсин, машинада "Учрашув" ресторанига борамиз. Ресторандаги концерт тугагунча Муниса ҳам уйғониб қолар. Кейин келиб у билан бафуржа ўтириб гаплашамиз. Холалари билан танишиб олсинда! Адашмасам, гўдаклигида бир кўрганман.

Холида ҳамон ҳаяжон огушида эди, бошини қимирлатиб тасдиқлади.

– Қандоқ бўларкин? – У дугоналарига боқди. Тўй-тантанаю байрамларга ўч эди. Ичида жон деб тургани билан касал боқаётган одам ҳойнаҳой ақчадан қийналаётган бўлса, эҳтимол.

– Бепул, – кўз қисди Шоҳсанам унинг аҳволини сезиб. – Бориш-келиш Диноранинг машинасида. Юрсанг-чи.

– Икковимиз гаплашиб тургандик, бир довдир амаки билан бир қиз қўлимизга учта чипта бериб кетди, – деди Динора. – Ресторанда бугун концерт бўларкан. "Божалар", Зиёда, Манзура келишаркан. Уч киши ният қилиб чипта олган экан, учинчиси касалхонага тушиб қолгани учун ҳалиги иккови ҳам



бормайдиган бўлишибди. Ресторанга фақат учта дўст ёки дугона бўлиб бориш шарт экан. Зўр-а?

Орадан ўн дақиқа ўтиб, Диноранинг машинаси катта кўчада елиб борарди. Динора муқаддам бир неча марта "Учрашув" ресторанида ўтиргани боис, гарчи бир чеккада жойлашган бўлса-да, ҳеч қийналмасдан топди. Машинани қулфлаб, ресторан сари юришган эди, ҳеч қандай концерт уюштирилганга ўхшамади. Хўрандалар бемалол кириб-чиқиб туришарди.

– Шарманда! Алданган бўлиб чиқмайлик, – Шоҳсанам пальтоси ёқасини ушлаб, атрофга кўз югуртирди. – Агар ўтирмоқчи бўлсак, бошқа жойда ўз пулимизга ўтирайлик, зарилми кимнингдир ҳисобига еб-ичиб?!

– Пальтонг яхши экан, – деди Холида пианиночиларникидек узун бармоқлари ила енгини ушлаб кўраркан. – Қанчага олдинг?

– Олти юз.

– Ҳиҳх... – ичини тортди Холида. – Ўларсан-ов! Олти юз минг сўмга-я?

– Сўмга эмас, долларга.

Ресторан эшигидан кўз узмай бораётган Динора ялт этиб қаради.

– Қўйсанг-чи! – деб юборди у. – Олти юз доллар деб сени алдагандим, Шоҳсанам. Бунинг устига Тошкентда бизникидан паст нархда сотишади.

Шоҳсанамнинг кўзлари катта-катта очилиб:

– Мен ҳам... мен ҳам алдаяпман, – деди. – Нима, фақат сен алдайсанми, Динор? Олти юз долларлик пальтони кийишга бизга йўл бўлсин! Сўмга чақсанг бир миллиондан ошади-я!

– Вой, мен қачон алдабман?! Ҳазиллашдиму! – кулди Динора.

– Икковинг ҳам мени алда! – ёлғондакам жиғибийрон бўлди Холида. – Бировинг районлик, бировинг шаҳарлик бўлиб олгансан-да, а? Ким қишлоқи? Холида! Ким ҳамма гапга ишонади? Холида!

– Концерт-понцерт йўққа ўхшайди, – деди Шоҳсанам, – ана, сўранглар. Мен ўзимни уятга қўйиб, кирмайман бунақа жойга.

– Сизлар "Шоу"гами? – Уларнинг гапине эшитган ресторан ходими сўради.

– Ҳа, – дейишди дугоналар.

– Репетицияга келмадиларингми?

– Қанақа репетиция? – энсаси қотди Диноранинг.

– Ким чипта олган бўлса, қайси столда ўтиришни, қанақа кийимда келишни кеча гаплашиб кетишган. Ресторан орқасига ўтинлар, ўша томондаги кичик залимизда бўлаяпти.

Дугоналар беихтиёр ўз уст-бошларига қарашди. Бири семинарга, иккинчиси кўчага, учинчи шифохонага бораяпман, деб кийинган. Бу қандай тадбир экан? Маскарадни? Яқин-орада ҳеч қанақа байрам йўқ шекилли.

– Кулгига қолмасдан кета қолайлик, – уф тортди Шоҳсанам.

Бироқ Диноранинг қайсарлиги тутди. У шу шаҳарда яшайди, шаҳар уни шарманда қилмаслиги керак. Дугоналарини эргаштириб, кичик зал эшигига юаркан, нигоҳида алланечук қатъият зуҳурланди. Эшикка қўл чўзган ҳам эдики, хушсурат официант йиғин ичкаридан очиб, мулойимлик билан чипта сўради.

– Мана. – Динора дарҳол Шоҳсанамдан олиб, узатди. – Буни сотиб олмаганмиз, совга қилишган. Бўлаверадими?

– Бизга фарқи йўқ, марҳамат! – йўл кўрсатди официант.

– Концертга келдикми, келдик, бировнинг чиптаси деб қисиниб ўтирманглар, – деди Динора дугоналарига. – Агар биров инқ этса, оғзига пул билан ураман.

Нимқоронғи ресторан залидаги йигирма чоғли столда шамлар ёниб турар, бир-биридан узоқ жойлаштирилган ўн чоғли столдагина ноз-неъматлар кўринарди. Олтитасини одамлар банд этиб улгуришганди. Дарҳақиқат, улар Янги йил базмига тўпланишгандек ажабтовур байрам либосларида кўр тўкиб ўтиришарди. Кичик саҳнадаги қарнайлардан мусиқа таралар, ҳаммалари тез-тез ўша ёққа кўз ташлаб қўйишарди.

– Одам кам-ку, – деди Шоҳсанам.

Дугоналар ўтиргач, капалакнусха бўйинбоғ таққан озгин бошловчи қўлида қоғози билан микрофонга яқинлашди. Кўзойнаги шуълада йилтиради.

– Бугун, – деди у, – "Учлик-шоу"нинг навбатдаги томошаси

жонажон шаҳримизда ўтказилмоқда. Биласиз, тадбирнинг асосий мақсади, ҳар бир столга учтадан дўст-дугонани таклиф этиб, улар учун ростлик кечасини уюштириш. Узоқ йиллардан бери кўнглини бир-бирига очмаган синфдошлар, курсдошлар, ҳамкасблар, хизматдошлар очиқча суҳбат қурадиган кун келди! Сир сақлайман деган одам барибир сир сақлайди, дейсизми? Йўқ, бугун сирлар калити бизда!

Чапак чалинди.

– Бир қарашда одамнинг ўтмишини айтиб берадиган сеҳрли нигоҳ соҳиби Жаббор Ўтамуродовнинг иштирок этаётгани ҳам айни муддао, – давом этди бошловчи. Бироқ у ўтмишни айтиб берувчи шахснинг саҳнада намоён бўлишини ортга суриб, санъаткорларга навбат берди. "Божалар", Зиёда, Манзура деганлари аслида уларнинг қиёфадoshiлари, яъники тақлидчилари бўлиб, ресторанма-ресторан турли томошалар кўйиб юрадиган талабалар экан.

– Нима бўлгандаям, ёмон ўтирганимиз йўқ, – дугоналарига кўз қисди Динора. – Ким ўйлабди дейсан, бугун учаламиз бирикиб, битта жойда маза қилиб гурунглашишимизни!

– Ўртамизда ҳеч қандай сир ҳам йўқ, – жилмайди Холида.

Улар таомлардан еб, ичкиликлардан ичиб, янги очилган гулдек барқ уриб яшнашди. Бу аслида дўзах остгонасидаги зиёфат эканини ҳеч бири, ҳатто Динора ҳам билмас эди.

\* \* \*

Сюртук, оқ кўйлак, цилиндр шляпа кийган, учли туфлидаги ҳассали эркак саҳнага чиққанида, ҳамма барабар қарсақ уриб, олқишлади. Дугоналар зални зимдан кузатиб, мийғида кулишди. "Биз-ку тасодифан келиб қолдик. буларга зарил экан-да", деган ўй учаласининг ҳам кўнглидан ўтгандир, эҳтимол.

– Европа, – деб хитоб қилди Жаббор Ўтамуродов, – ўзининг антиқа тадбирлари, шоулари билан лол қолдириб келган! Бир қарасанг, уйдаи пишлоқ пиширишади, бир қарасанг энагалар мусобақаси бўлади. Бизнинг қаеримиз кам? Нега кўпчилигимиз ресторанларга асосан байрам ёки тугилган кун шарофати билан тўпланамиз? "Ростлик зиёфати" уюштириш, орадан ўн, йигирма йил ўтганидан сўнг бир дастурхон агрофида учрашиб, "Сени яхши кўрардим", "Ёмон кўрардим", "Фалон ишни мен

қилгандим" деб иқрор бўлиш, менимча, қийин эмас. Инсон ҳаёти иқрори билан гўзал! Қолаверса, виждон қийноғидан ёки юракда йиллаб чиқолмаётган изҳорлардан қутулиш мумкин. Умр ўткинчи! Бугунги ўн йилда айтар гапингизни айтмасангиз, кейинги ўн йилда ким бор, ким йўқ! Албатта, каминани шундай ажойиб тадбирга катта масъулият билан қақирган эканлар, бундан беҳад хурсандман! Бор маҳоратимни ишга солишга, тилларингиздагию дилларингиздаги тугунни ечиб юборишга ваъда бераман.

Ресторандагилар уни ҳам худди машҳур хонандаларнинг тақлидчилари каби сохта экстрасенс, чала фокусчи, фолбин ролидаги актёр деб ўйлашди. Бироқ Жаббор деганларининг ёши қирққа яқинлашган эди ва ҳеч қандай сохталик сезилмасди. На талаба, на омадсиз жонглёрга ўхшарди у.

— Тавба, ростдан ҳам ўтмишимиздан фол очолармикан? — сўради Холида дугоналарига бир-бир қараб. — Бир гал укамнинг итини заҳарлаб ўлдириб, молхона орқасидаги чуқурга ташлаб юборгандим. Шўни айтиб, шаҳарликларнинг олдида номулга қолдирмаса эди!

— Бўлиши мумкинмас, — деди Шоҳсанам ва беихтиёр гардеробга қараб кўйди. У қимматбаҳо пальтосидан бир сония ҳам ажралишини истамасди. Бугун эгнига илганининг илк куни эди-да.

Жаббор залда ўтирган эркак-аёлларнинг бир қанчасининг исмини тўлиқ айтди. Тўғри чиқди, қарсақлар чалинди.

— Яна кимнинг исмини айтай? — Нигоҳи ила залдан одам ахтарди. — Агар талабгор бўлмаса...

— Меникени айтинг! — Холида бир кўлини баланд кўтарди. Унга "Қора марварид" виноси яхшигина таъсир кўрсатган эди. Балки қизини ўйлайвериб, асаблари толиққан бўлса, вино осонлик билан маҳв эта бошлагандир.

Жаббор уч дугона томон синчиклаб тикилди, сўнг:

— Маъзур тутасиз, четроқда ўтирганларингиз учун сизларни пайқамабман, — деди. — Исмингиз жисмингизга монанд, яъни Холида!

Динора ва Холида қичқириб, шунақа чапак чалишдики, уларга бутун зал жўр бўлди. Ё алҳазар, Жаббор Ўтамуродов

ҳақиқатан ноёб қобилият соҳиби экан. Қойил қолмаган одам йўқ эди шу тобда...

Йўқ, янглишдик. Шоҳсанам ниш санчилгандек инграб юборди, лабини киши билмас тишлаб, бошини ҳам қилди-қолди. Шам ва саҳна чироқлари ўрнига шифтдаги қандилларни чарақлатиб юборишганида эди, кутубхоначининг ранги мурданикидек оқариб кетганини кўриш мумкин эди.

— Исм айтиш мушкул эмас, — деди Жаббор тантанавор оҳангда, — агар исм бўйича бошқа талабгор бўлмаса, мен одамнинг юз-кўзига қараб, ўтмишидан бир парча маълумот келтириш иқтидоримни намойиш этсам! Қани, хоҳловчилар бўлса, ёнимга келсин!

— Мен ўлсам ҳам чиқмайман, — стол тагига киргудек бекинди Холида.

— Мен ҳам, — гўлдиреди Шоҳсанам. Кўзида ўлимга ҳукм қилинган бандининг нигоҳи муҳрланган эди.

Бир аёл чиқди.

— Сиз ҳозир курсдошларингиз билан бирга ўтирибсиз, — деди Жаббор. — Улардан бирининг эсдалик дафтарини ўғирлаб, ҳалигача қайтариб бермагансиз. Ҳар сафар уйингиздаги сандиқни очганингизда, суратларини томоша қиласиз, курсдошларингизнинг ҳар хил тилакларини ўқийсиз, дугонангизники эканини ўйлаб, виждонингиз қийналади, лекин начора... Бу дафтар сандиғингизда сақланишини, ҳар замонда ўқиб туришни истайсиз.

Бунга жавобан аёл қаҳ-қаҳ уриб кулиб, ростлигини айтди ва шу бугун қайтариб беришга оғт ичди. Кейинги аёл хўппасемиз бўлиб, камбағал оилала ўсган экан. Бир умр синфдош дугонасига ҳасад қилганини Жаббор исботлаб, мазкур гаройиб зиёфат чоғида узр сўрашни маслаҳат берди. Ахир, шоу уюштиришдан мақсад ҳам шу эмасми?

— Худога шукр, ҳозир бойман, ҳамма нарсам етарли... дугонамдан кечирим сўраганман, бугун яна бир марта сўрайман, ёшликда одам кўп хато қиларкан, — деди кўзлари ёшланиб. — Ҳеч кимга етишмовчиликни раво кўрмайман, азизлар!

Учинчи бўлиб бир эркак чиқди. Жаббор унга: "Ҳозир бир даврада ўтирган дўппили дўстингизнинг хотинини севгансиз",

– деган эди, ресторан шифти кулгидан бир қарич кўтарилиб тушди.

– Навбатни хонандаларга беришдан аввал яна ким чиқади?

– сўради Жаббор.

– Мен, – деди Динора.

Жаббор тузукроқ эшитмади чоғи, хира ёришган залдаги шамлар липиллаб ёнаётган столларга аланг-жаланг боқиб, овоз эгасини ахтарди. Цилиндрини одоб билан ушлаб қўйиб, хассасини саҳнага қаттиқроқ тираб, қайта сўради:

– Ким?

Динора ўрнидан туриб, ресторан аҳлига қўли кўксидан энгил таъзим қилди. Унга ҳам "Қора марварид" таъсир қилган кўринади. Тадбир иштирокчилари Динорага қарсақ чапишди, айримлари "Браво!", "Яшасин!", "Зўр!" деб қичқиришди. Бошқаларга унчалик илтифот кўрсатишмаганди, бундан чиқди. ҳар бир столда эркагу аёл хурсандчиликдан баб-баравар баҳраманд бўлмоқда, борган сайин ўз кайфларини чоғ қилишмоқда эди.

– Негадир сизларнинг столингизга яна эътибор бермабман, иккинчи марта узр, – деди Жаббор Ўтамуродов. – Қани, келинг, синглим! Саҳнамиз сизга мунтазир!

Динора унинг ёнида тураркан, жилмайишдан ҳеч ўзини тиёлмасди.

– Хўш, нимадан бошлаймиз? – деди Жаббор. – Нега рўмол ўраб олганингизни айтайми?

– Йўқ, илтимос, йўқ! – деди Динора. – Уларга ўхшаб ўтмишимдан битта маълумот айтинг, холос. "Нимадан бошлаймиз", деб ҳамма сиришни очиб ташламоқчимисиз?

Ўтирганлар кулиб юборишди.

– Дам хафа кўринасиз, дам шодмон! – Жаббор ҳам завқланди. – Ҳаётингиз бошдан-охир оқ ва қора рангда экан. "Нексия"нгиз бор...

Динора қулочини ёйиб, эълон қилди:

– Бу акам рости гапирапти, қарсақлар! – Кейин қўлидаги калитни тантанавор ўйнатди. – Сиз фол очинг, аёл кишининг қўлида "Нексия" калитини кўриб, хулоса чиқарманг! Хулосани биз ҳам чиқара оламиз!

Ресторан шифтларигаю деворларига қаҳ-қаҳ кулги сачради.

Увиллашлар! Холида ўрнидан сакраб туриб чапак урди, узун бармоқларини оғзига солиб, хуштак чалишга ҳам уринди. Шоҳсанам эса киприк қоқмай саҳнага тикилиб ўтирарди. Ундаги мотам аломатларига ҳеч ким эътибор қаратмаётган эди. Нега бундай ўзгариб қолди экан?

– Хўп, хўп, – таслим бўлмади Жаббор, – сиз айтганча бўла қолсин. Ҳозир ўтмишингизни бошқаларникига қараганда шафқатсизроқ маълумотлар билан очиб ташлайман. Розимисиз?

– Розиман, – бўшашмади Динора. У ресторандагилардан яна олқиш олишни истаётгани сезилиб қолди.

– Исмингиз Динора...

– Вой, тўғри топдингиз! Шуми шафқатсизлигингиз?

– Аёллар бунча шошқалоқ бўлишади-я! Эшитинг, столингизда бирга ўтирганларнинг иккови ҳам синфдошингиз, – деб Жаббор цилиндрини бир оз кўтарган эди, пешонаси терлай бошлагани кўринди. – Анча йилдан сўнг худди шу бугун учрашиб қолдингиз.

– Тўппа-тўғри! – фолбинга таъзим қилди Динора.

– Сиз уларнинг севган йигитини тортиб олиб, турмушга чиққансиз! Тортиб олиш учун куч ишлатмагансиз, аксинча, айёрлик қилгансиз, аниқроғи фитна қўллагансиз! Тарихда қолган фитна санъатга айланади. Бугун сиз ўтмишдаги "санъат"ингизни ҳикоя қилиб бериб, уларни хушнуд этинг. Кулиб-кулиб гапириб бераверинг, бўлар иш бўлди.

Стол теграсида ўтирган Шоҳсанам қулт этиб ютинди, Холида тубсиз шодлик осмонида учиб юрган эди, муаллақ қотди. Сўнг икки аёл ўртадаги шам оша кўз уриштиришди. "Нима деяпти бу ғалати одам? Наҳотки, иккаласи дўст ҳисоблаб юрган саҳнадаги шу очиққўнгил синфдош – Динора уларнинг душмани?!"

Динора эгилган жойида бир зум ўзини ўнглаёлмади, аммо таъзимда туравериш ҳам ножоиз эди, ўзини мажбурлаб ресторан аҳлига юзланганида, юз-кўзида сохта кулги ўйнарди. Дугоналари томон қараёлмади, кулочини яна ёйди. Бироқ энди у ўлим олдидан ўз халқи билан видолашаётган шаҳзодани эслатиб юборди. Кулги одамни қутқарали, бу сафар эса...

– Нега кулмаяпсиз? – сўради Жаббор. – Кулинг, сизга ярашади.

– Ёлгон гапирдингиз, ака... – ҳаяжондан кўкраги кўтарилиб тушди Диноранинг.

– Йўқ! – чўрт кесди Жаббор. – Мени ёлгончига чиқаришга бекор уринаяпсиз. Истасангиз, дугоналарингизнинг ҳам ўтмишда қилган айрим ишларининг учини чиқараман, кейин ўтириб, бир-бирингиздан бафуржа узр-маъзур қилаверасизлар! Келишдикми?

Ҳуштакбозлик бошланди.

– Яхшиси, келажакимдан фол оча қолинг, – деди Динора зўрма-зўраки илжайиб. – Ўтмишда бўлган ишни айтиш фолга кирмайди... Бу... бу, менимча, бошқа нарса...

– Сиз яқин ойлар ичида узоқ сафарга кетасиз. – хотиржам сўзлади Жаббор. – Келажак ҳақида бошқа сўз айтмайман, бугунги талбир дастурига кирмайди.

– Қаерга кетаман? – тик қаради Динора. – Ҳеч қаерга отланаётган эмасман.

– Бунинг жавоби рўмолингиз билан боғлиқ, – жавоб берди фолбин. – Рўмол ўраб юрганингизни сир тутаяпсиз. Айтмоқчиманки, асл сабабини бошқача қилиб кўрсатаяпсиз. Рўмол тақдирингиз билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар ҳолда Шекспирнинг рўмолчаси сингари эмас албатта!

– Етар, бас! – бош чайқади Динора. – Мен бундай илмоқли гапларни кўтармайман!

– Шоуда сўнгги нуқтани мен қўяман.

– Ҳазил ҳам ўз ўрни билан! Ўртоқлар, бу киши кечаги репетиция баҳона исм-фамилияларингизни, ўтмишингиздаги айрим маълумотларни билиб олган! Шоу-томошага бир кун аввал томошабинларни бежиз чақирмайди-ку, тўғрими?

– Улар кеча келишган, тўғри, лекин сиз ва дугоналарингизчи? – Жаббор одоб билан, голибона бош силкиди. – Қолаверса, камина айғоқчи эмас. Масалан, бир қарашда ҳозир анави хушчақчақ дугонангизнинг қизи шифохонада маза қилиб ухлаб ётганини айтишим мумкин. Ўша қизчанинг исми Муниса, отаси эса...

– Тўхтанг! – дик этиб турган Холида қўлини силкиди. –



Мени гапиришни сиздан илтимос қилганим йўқ! Гапирманг, бўлмаса, ҳозироқ чиқиб кетаман!

Шоу-базм иштирокчилари кулгидан ўзларини тўхтатолмасдилар, айримларгина жиддий тортиб қолишганди. Динора саҳнадан илдам тушган эди, Жаббор ёшига ярашмаган тезлик билан йўлини тўсиб, қўлидан тутди ва оппоқ қўлига бирдан лаб босди. Ресторан яна қийқириқларга тўлди.

– Тўғри айтасиз, етар, бас! – деди у аёлга маъноли нигоҳ ташлаб.

Шу пайт саҳнага хонандалар чиқиб, гумбурлаган қўшиқни бошлаб юборишди, Жаббор Ўтамуродов таъзим қила-қила саҳна ортига ўтиб, кўздан йўқолди.

– Акамиз танаффусда яна чиқадилар! – мусиқа орасида микрофондан эълон қилди хонанда.

– Бопладинг, улар қандайдир йўл билан исмимизни билиб олишган, – Холида ўз жойига қайтган Динорани юпатди. – Индамасам, ҳар нарса деб ташларди. Бошида роса ишонибман-а!

– Ҳе, ўлсин... бекор чиқибман саҳнасига! – деб Динора хансираб ўтирди-да, ўзига бир қадаҳ шароб қуйиб, илтифотсиз кўтариб юборди.

– Кетсак бўлармиди? – қовоқ солди Шоҳсанам. – Менга умуман ёқмаяпти. Минг марта семинарим яхши эди. Концерт десанг келаверибман, бунақа иғво бўлишини қаердан билибман!

– Энди ҳеч қайсимиз саҳнага чиқмаймиз, – оғзини тўлдириб салат чайнади Динора. – Еймиз, ичамиз, концерт томоша қиламиз. Бу бировларнинг устидан кулиш шоуси экан! Кулаамиз, кулаамиз! Бир яйрайлик! Худди мактаблагидай! Мактаб даврига ҳам неча йиллар бўлиб кетди! Йигирма йил...

– Машинадасан-ку! – эслатди Холида олд тишларига тикилиб қолган гўшт бўлагини тили билан чиқариб ташлашга уринган каби. – Устма-уст ичаяпсан, Динор. Маст бўлиб қолма!

Динора унга қаради, шунда учаласининг кўзида бир хил маъно – Жаббор Ўтамуродов очган сир балқиб тургани аён бўлди. Нигоҳлар олиб қочилди. "Қўнғироқ қиламан, машинамни хўжайинимнинг ёрдамчиси олиб кетади", дея

"Нексия" муаммоси ҳал этилди. Кейин саҳнадаги раққосага гап бурилди, нариги столларда қизиб кетган суҳбатларга эътибор қаратилди. Барибир бўлмади!

— Гап бундай, — деди Динора, — у рост айтди... Хуллас, Фарҳодни мен сизлардан тортиб олганман... айёрлик билан... Фолбин "фитна" дедими? Ўша фитнани чиндан ҳам қўллаганман.

— Вой-й... — Шоҳсанам боядан бери бўзариб ўтирган эмасмиди, баттар сўлжайиб Холидага ер остидан қаради. Холида қип-қизариб, жилмайди: дам Динорага, дам Шоҳсанамга тикилди.

— Нега биздан тортиб олган экансан, ўзи аввалдан сенинг йигитинг эди-ку? — деди Холида. — Турдик, ҳамма ўйнапти! Биз ҳам...

— Йўқ, — Динора столни муштлиди. — Мен сизларга ҳақиқий дугона эмасман, йигирма йилдан бери алдаб юрибман. Ҳасадгўйман! Ичим қора! Сени, Шоҳсанам, кейинчалик сени ҳам. Холида, у киши... Фарҳод акам севиб қолганди... Бу воқеалар мактаб даврида бошланган... У тез-тез кишлоғимизга, тоғасиникига келиб турарди, учаламиз ҳам яхши танирдик, ҳавас қилардик. Фарҳод акам артистларга ўхшарди. Қолаверса, Янгиобод кишлоғидаги қайси қиз туман марказига келин бўлишни истамасди?! Яна де, Фарҳоддек йигитга-я!

— Маст бўлиб қолдинг, Динор! — дея Холида шоша-пиша аччиқ чой қуйди.

— Бир кун виждон олдида ҳам ҳисоб беришимиз керак-ку! — деди Динора. Телефони жиринглаган эди, ўчириб қуйди.

— Мана, Фарҳод акам билан ўртада фарзандимиз йўқ.

— Ҳали Худо беради... — заиф товушда сўзлади Шоҳсанам.

— Қирқ ёшда ҳам болали бўлишган. Агар қайсидир гуноҳ учун фарзанд берилмаса ёки бирор ёмон иши учун касалликка чалинса, дунёда ёмон одам қолмасди.

— Аллоҳнинг бир синови-да, дарров кўнглимизни хижил қилма, дугонажон, — деди Холида оғзига конфет солиб.

Телефон яна жиринглади.

— Кечирасизлар, — Динора уҳ тортиб ўрнидан турди ва столдан узоқлашиб, телефонни қулоғига тутди. — Нима дейсан? Гапир!

– Сиз айтганча бўлаяптими, опа? – сўради йигит. Овозига қараганда, Динора билан шифохона кўчасида кўнгироқлашган йигит эди.

– Ҳа. Шунинг учун кўнгироқ қилдингми?

– Режанинг бир қисми сиз айтганчалик давом этмайдиганга ўхшайди. Жаббор Ўтамуродов кетаяпти.

– Қаёққа кетади?

– Ҳозиргина хабар келди, онаси вафот этибди. Пулини бериб юборайми?

Динора ресторанга бир қур назар солиб, лабини қимтиди.

– Майли, бер... Лекин анави артистчаларинг қўшиқни тўхтатмасин, уқдингми? Айтгандай, боя кўнгироқ қилганинда айтдингки, жами ўн саккиз киши, шундан олтитаси эркак, деб. Ҳозир кўраяпманки, бу ерга бошқа гуруҳлар ҳам кирди, йигирматадан ошди.

– Опа, узр, улар менинг курсдошларим. Пулини ўзимиз тўлаймиз.

– Албатта, ўзларинг тўлайсанлар! Уларга нима дегансан?

– Томоша уюштираяпмиз, деганман. Сиз ҳақингизда, Жаббор Ўтамуродовнинг чиқишлари ҳақида гапирмаганман. Шоу ишонарли бўлиши учун одам кўплиги яхши, Динора опа.

– Ҳўп, хўп, ақл ўргатма.

– Яхши ўтказинг...

– Тўхта. Чўлоқ билан бирга келган қиз ким эди? Танийсанми? У дугонамга галати қилиб қаради, бир-бирини танийдигандек туюлди.

– Қайси чўлоқ? Қандай қиз?

– Ҳаким ака шоу-концертга учта бепул чипта бериш учун бизнинг олдимизга ўзини чўлоққа солиб келди, бетинг курғур артист роса роль ўйнади! Ёнида ёшгина қиз бор экан, ўшани сўраяпман. Бу сценарийга зид эди, билдинг! Кимлигини аниқлаб, кўнгироқ қил, майлими?

– Шогирди бўлса керак.

– Қаердан эканини аниқла. Ҳаким ака йўлақда туравериб, қизнинг олдида хижолат чекдими, "кетаман"га тушиб қолди, машинамда ўтирганимда, кўнгироқ қилиб, "Вақтим йўқ", деявериб жуда асабимга ўйнади. "Нексия"мдан тушиб, пулини оғзига тиқиб қўйсам овози ўчадими, деб жаҳл билан

бораётгандим, лоп этиб синфлошимнинг нақ ўзига дуч келиб қолдим. Шошилинчда уни танимабман.

— Буларнинг барини ўзингиз ташкил қилаяпсиз-ку! Курсдамидингиз ўзи?

— Курсдаман! Бунақа пальто кийиб, имиджини ҳам ўзгартириб келишини қаёқдан билибман! Ҳаким ака сал нарига бориб, яна кўнғироқ қилиб: "Кутиб-кутиб адо бўлдик, сизга ишониб керак эмас экан", деб ўша пластинкасини айлантирганига нима дейсан! Хизмат ҳақи сумкамда тургани, дугонамининг олдида пул беролмайман-ку! Унда чипталарнинг бепуллиги қаёқда қолади! Менга эса икки дугонамини бепул чилтага ишонтириш сув билан ҳаводек зарур эди, тушунаяпсанми?

— Тушунаяпман.

— Қизни аниқлаш учун кўнғироқ қилганинда айт, пулини эртагаёқ ўзим театрга олиб бориб бераман.

Динора дугоналари ёнига қайтгач, ўтмиш ҳақиқатидан ҳикоя бошлади. Аслида ўзи ҳам шайтондан дарс олган қизларнинг қурбонига айланганини ҳозирча билмасди. У дийдор чашмасидан сув ичишга келадиган урғочи йўлбарслар ўтадиган сўқмоқда чоҳ қазиётганида, таассуфки, йўлбарслар чангалзордаги зино дарахтлари панасидан бахтиқаро овчини кузатиб туришган эди.

\* \* \*

— Иккаланг ҳам бугун гапимни бўлмай эшит, — деди Динора дилидаги хотира дафтарининг йигирма йил бурунги саҳифасини очиб, — қизлар бир-бирига камдан-кам садоқатли дўст бўлишадилар, деган гап бор. Тўғриси, бунақа мақолларга гашим келарди. Нима учун қизлар орасида яширин ҳасад, кўролмаслик, дугонасидан устун бўлишга интилиш йигитларга қараганда кучлироқ? Мен тан олишни истамасдим. Ўша мақолда назарда тутилган қиз менман! Икковингдан ҳам чиройли, икковингдан ҳам бахтли бўлишни истардим. Бунинг учун йигирма йил бурун, то яқин йилларгача, нима ишлар қилганимни билсаларинг эди! Йиллар ўтса ҳам феълим ўзгармади. Энди-чи? Ҳаммасини не сабабдан очиқ-ошкор гапириб қолдим? Жаббор Ўтамуродовнинг гапидан сўнг

олдиларингда шунчалик уялиб қолдимми? Йўқ! Жаббор бир саҳна одами. Ҳаётим эса саҳна эмас! Ҳақиқий сабабни шу зиёфатнинг охирида айтаман. Фақат хафа бўлиш йўқ. Бугун иқрор куни! Шундай қилиб, ўшанда тўққизни битириб, таътилга чиққандик, июнь ойи эди. Уйимизнинг орқа томонидаги деразалар ланг очиқ. Кечки овқатдан аввал хонтахта устини тозалаб, кўрпача солай, деб ошхонага кирдим у ташқаридан Фарҳоднинг кулгисини эшитиб, мўраладим. Исмоил тоғасининг уйи кўчанинг нариги томонида эканини биласизлар.

– Салом, Динора, – деди у дарвоза йўлагидаги гулларга резина ичакдан сув сепаётиб, менга кулумсираб қараркан.

Бегона йигит қишлоқ қизига баланд овозда салом бериши камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Бу "саломлашиш" эмас, "гап отиш", "хиралик қилиш" деб баҳоланиб, катта можарога важ бўлиши турган гап эди.

– Салом... – деб шаҳарчанинг олифта йигитига жилмайдим, айни дамда атрофга кўрқа-писа алангладим: ҳеч зоғ йўқ, у кимга кулган экан?

– Исмингни тўғри айтдимми? – сўради у.

Бош қимирлатдим. Тувакда ўсган гулларни баҳона қилиб, яна бир муддат туриш чорасини топдим.

– Мактаб тугадими? – мендан кўз узмай резина ичакдан сув ичди Фарҳод.

– Тугади... Сиз битирдингизми?

– Ҳа. Бир илтимос айтсам, бажарасанми?

Шу пайт Исмоил аканинг мендан бир ёш катта қизи Гулсин уйдан чиқди. Аммасининг ўғлига маъноли қараб кўйди-да, менга:

– Ҳа, Динора, тинчликми? – деди.

– Тинчлик, – деб жавоб бердим. Парда ортига яширинишга улгурмаган эдим. Шундай ёқмадики бу Гулсин. Кейин ўйладим: "Агар ҳозир бекинсам, то Фарҳодни яна кўргунча интизорлик азобига чидашга мажбурман. Бу йигитни учратганимда, юрагим жиз этади, қачонгача дардимни сездирмай, қачонгача тасодифан рўпара бўлишни кутиб яшайман? Илтимоси нима экан? Балки мен ҳам унга ёқарман?.."

— Тинчликка ўхшамаяпти-да, — безрайди Гулсин. Сўнгра чимирилиб, дарвозахонада кўздан йўқолди.

Шу кеча ҳар хил баҳона билан тандирхонага кўп қатнадим. Уй ва тандирхона ўртасидаги симёғочда чироқ ёниб турарди, йўлак Исмоил ака дарвозаси олдидаги ўриндиқда ўтирганларга бемалол кўринарди. Ниҳоят, тўртинчи ё бешинчи қатнашимда кўчадан хуштак овозини эшитдим. Қарасам, Фарҳод кўчада туриб, менга кўл силкияпти.

— Фарҳод ака, сизми? — деб секин кўчага чиқдим. Бахтимга агрофда ҳеч ким йўқ эди.

— Ма, манави хатни Холидага бериб қўй, — деди у букланган қоғозни узатиб. — Ҳеч ким ичини очмасин. Шахсан ўзига бер. Тагин севги изҳори деб ўйлама, районлик бир одам бериб юборди. Ўта махфий.

— Йўғ-е, — дедим кулиб. — Ҳеч замонда махфий хат ҳам буклаб қўйиладими. Фарҳод ака? Конверт-понверти қани бунинг?

— Оқ ип боғланган, очиб бўлмайди.

Шўхгина кулиб қўйишим унга ёққани чехрасидан сезилди, мактабни тамомлаган навқирон йигитнинг қаршисида гаҳ деса қўлига кўнадиган ўн олти ёшли париваш турибли, наҳотки ўртага бепарқлик пардаси тортилса? Фарҳод ишқпараст йигит эканини яширолмади. Бироқ...

— Холидага айт, онасига берсин, — Фарҳод жиддий тортди. — Бировнинг омонати билан ҳазиллашмайлик, Динора. Тўғрими?

Бошимни қимирлатиб, маъқулладим. Холида, бу ҳикоямни эшитиб тепа сочинг тикка бўлиши мумкин. Бироқ бугун иқроп куни, ҳаммасини очиқ-ошкор сўзлаб бераётганимга сабаб, виждон азобига ортиқ бардош беролмайман. Мен ҳеч нима ютмадим, йиллар мобайнида ютқазиб яшадим. Ўша кезлари онанг ҳақида бир миш-миш эшитгандим. Эмишки, туман марказидаги идорада ишлаганида бўлим бошлиғи билан гап-сўз бўлган, шундан сўнг отанг ишдан бўшашини талаб этган. Сал ўтиб айрим далиллар юзага қалқиб чиққан шекилли, ҳатто онанг ишдан бўшаганидан сўнг ҳам отанг жанжал кўзгаб, ажрашмоқчи бўлган экан. Энди туман марказида яшовчи ўша эркак ва онанг ўртасида келиб-келиб мен почтачи бўлиб

қоламанми? Буни хоҳламасдим, аммо мактуб ўзига оҳанрабодек тортиб турарди.

– Ўзингиз бера қолсангиз-чи? – дедим нозланиб. – Қоронғида кўрқаман.

– Ҳозир бормоқчимисан? – ҳайрон бўлди Фарҳод. – Эртага бериб қўясан.

– Бировнинг омонатини бир кун сақлайманми? Э-э...

– Бўлмаса, кетдик. Холидани чақириб чиқасан, хатни ўзим топшираман.

Кўнглимга аллақачон шайтон оралаган эди. Ён қўшнининг қизидан китоб олиб келаман, деб онамни алдадим. Хонамга чопиб кириб, нари-бери пардоз қилдим-да, эшикка югурдим. Шунда қўлимдаги хат ўзига янада кучли жалб этди: "Ўқиб кўрсам-чи!"

Тикув машинаси ғаладонини очсам, оқ ип бор экан. Хатнинг ипини юлиб, қоғозни очдим. Очаётиб елимнинг чирт этиб сянганини эшитдим. Айёр эркак бир чеккасини киши билмас елимлаб қўйган экан. Бироқ мен махфий хатни ўқишга шундай чанқоқ эдимки, елимнинг ажрагани ҳеч қандай ташвишга солмади. Шу сатрларни ўқидим: "Сен ҳеч қандай нопок эмассан, Гўзал. Буларнинг ҳаммаси тўхмат эканини иккимиз жуда яхши биламиз. Эринг ишонмайди, лекин фарзандларинг сен томонга ён босади, она ёлғон гапирмайди-ку ахир! Эркак бўлсам ҳам қарғайман: бизни ёмонлаганларнинг тиллари узилсин, ўз кўзим билан икковини бирга кўрдим, деганларнинг кўзлари кўр бўлсин! Сендек пок аёл борлиги учун дунё турибди!.. Мурод".

Қўлим қалтираб, кўзим ачишди. Шоша-пиша хатни буклаб, чеккасига елим томиздим ва оқ ип билан боглаб, кўчага чиқдим. Фарҳод жинси шимининг чўнтақларига қўл солиб, юлдузларни томоша қилиб турарди.

– Кетдикми? – деди у.

– Кетдик, – ҳаяжонимни яширолмадим.

Холиданинг уйига ўн дақиқа ҳам юрилмайди. Бу йўл мен учун бир умр унутилмас сеҳрли масофа бўлиб қоладигандек эди. Фараҳбахш кеча эди! Фарҳодни қанчалар ёқтиришимни, кўнглим унингдек йигитнинг оташин ишқига, чигирткалар чириллаган, қурбақалар қуриллаган ажойиб оқшомларга

эҳтиёжманд эканини минг чандон кучли ҳис этдим. Ишқ изҳорлари, қўлингдан тутишлар, биргаликда ойга термулишлар, илк бўса... Ҳайласам, бошимни айлантириб юборганди ўшанда. Албатта, орзуларим ушалишини Фарҳод тимсолидагина кўрардим. У барно йигит эди, мард-тантелигини, доим сўнги русумда кийиниб юришини, дидини, қизларга жентльменча муносабатда бўлишини айтмайсанми! Ҳар бир ишни хотиржам, оғир-босиқлик билан ҳал қиларди. Совуққонлиги гоҳо уни янада салобатли, ўқтам ва қағъиятли кўрсатарди. Ҳеч нарсадан қўрқмаслиги, тушкунликка тушмаслиги, асабий вазиятларда масалани жилмайиб ёки қағъият билан ҳал қилиши-чи? Ҳа, уни бир неча йилдан бери роса кузатган эдим. Қолаверса, туман марказидан, бойвачча йигит. Орзумдаги шаҳзода шунчалик бўлар-да, ундан ортигини тополармидим?

– Холида қанақа қиз? – сўради у йўлда.

– Акбар билан юради, – дедим ўйлаб ҳам ўтирмай. Берган саволи сониялар ичида рашқимни минг даражали ўт-оловлек гуриллатиб юборганди.

– Акбар? Ким экан у?

– Синфдошимиз. Уйи сой томонда. Ўтган йили Исмоил тоғангизнинг ўғли билан балиқ тутишга борганингизда, уришиб қолгансиз. Эсладингизми?

– Ннега эсламас эканман? – менга яқинроқ юрди Фарҳод.

– Фақат тоғамнинг ўғли биланмас, районлик ўртоқларим ҳам бор эди. Ҳаммасини биласанми дейман?

– Қулоғимга чалингандек бўлувди.

– Жуда қизиқ бола-я? Ўртоқларим ток билан балиқ овлаш қанақалигини кўрсатиб қўймоқчи эдилар. Қарасам, Акбар ўдағайлаяпти. "Балиқ тутсанг, қармоқда ёки тўрда тут" дейди. Нима, у қишлоқларингнинг табиатига мудирми?

– Ўзи шунақа бола. Жуда аълочи, кейин... бизларга ҳам хўжайинлик қилади.

– Қанақасига?

– Қизлар шўхлик қилишса, ҳадеб кулаверишса, ўтиришларда ярим кечасигача қолса... Қисқаси, ўзини бизнинг отамиздек тутайди. Ёшлар ҳақида ўз назарияси бормиш.

– Назария? Ўҳ-ҳў, чатоқ-ку. Унда Холида билан нега



севишиб юради? Ўзига мумкин экан-да, а? Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма.

Биз кулишдик. Холиданикига боришга азм этганимда, хаёлимга Фарҳоддан чўчиш ҳақида зиғирча ўй келмаганди. Қўлимдан секингина ушлаганида, сесканиб тушдим. Бу вақтда хилват кўчадан ўтаётган эдик.

– Сен-чи? Сенинг йигитинг борми? – сўради у.

– Уялмайсизми, Фарҳод ака? – деб таққа тўхтадим. – Дарров узр сўранг... узр сўранг дедим. Бўлмаса, ҳеч қаёққа бормайман. – Қўлимни тортиб олдим. – Хафа бўладиям демайсиз-а?

– Нега кўпчилик қизлар ҳақиқатга чидаёлмайди? Нуқул яширадилар. Сени айтмаяпман, Динора. Умуман, россиялик қизми, америкаликми, арабистонликми, ёш қизда орзу-ҳавас, ишққа мойиллик, бўлажак ёри ҳақида романтик тасаввур бўлади. Лекин бир ўлкада очиқча, бошқасида яширин, айрим юртларда эса ўта қаттиқ сир тутилади. Мен бутун дунё қизларини бирдек кўраман. Кийиниш, урф-одат, қонунлар, миллатлар – булар ташқи кўриниш ва улар ҳар хил. Юрак-қалб, орзулар эса ички олам ҳисобланади ва бу ички олам ҳаммада бир хил. Кимнингдир ички олами бойроқ, кимникидир камбағалроқдир; барибир улар бир хил. Ё фикримга шубҳанг борми?

– Йўқ.

– Унда кетдик... Биладан, сен ҳам бировни ўйлаб яшайсан. Жа унчалик севмасдирсан, аммо хаёлингда кимдир бор. Ҳеч кимни севмаган, ҳеч кимни кўнглига келтирмаган йигит ёки қиз бўлиши мумкинмас, на Осиёда, на Европада.

– Нима қилсангиз ҳам... ҳеч кимни севмайман, Фарҳод ака.

У дабдурустдан елкамдан кучиб олди. Шу заҳотиёқ кўйиб юбориб, деди:

– Тоғамникига неча йилдан бери келаётган бўлсам, сени танийман, Динора. Тағин мен ҳақимда ёмон хаёлга борма, синглимдек кўраман. Ростини айтсам сир сақлашга ваъда берасанми? Дугонангни яхши кўриб қолганман. Агар кўнса, мактабни битирганларингдан кейин уйланмоқчиман. Нега анграясан?

– Қайси дугонам? – кўзларим катта-катта очилиб кетган эди.

– Аввал ваъда бер.

– В... ваъда бераман.

– Шоҳсанам... Тоғамнинг қизлари ҳам ўшани келин қиламиз, деб қулоқ-миямни еб қўйишди. Худди сизлар мактабни битиргандегу мен ҳозир уйланаётгандек.

– Яхши кўришингизни... уларга... Гулсин опаларга ҳам айтганмисиз?

– Э, нега айтарканман! Буни энди фақат иккимиз биламиз, Динора. Ҳадеб мақтайверишди, "яхши қиз, чиройли, оиласи ҳам бизга мос" ва ҳоказо. Охири ишқим тушганини ўзим ҳам билмай қолдим. Қалб шунақа экан, мақталган қизнинг ортидан кетаркан.

Шунда рақибам Холида эмас, Шоҳсанам эканини билиб, дилим вайрон бўлди. Ҳақиқатан, эй Шоҳсанам, лаҳзалар ичида душманимга айландинг. Ҳусн-малоҳат, феъл-атвор, макр бобила ўзимга ишонардим. Нозик томоним нима эди? Биз қўл учиди кун кечирардик – мана шу эди чўчиганим. Уйимиз олди бетон қилинмагани учун ёғингарчилик кунлари ҳаммаёқ лой бўларди. Отамнинг ҳар бир тўйдан маст ҳолда қайтишичи! Наҳотки, арақхўрлиги ва камбагаллигининг нуқси биз – қизларига урмаса?!

Камбагаллик айб эмас, бироқ умр савдомда Фарҳоддек йигит сен билан мени таққослар экан, оилавий ҳолатим айб каби пешонамга муҳрланиши муқаррар эди. Кўшнимиз Исмоил ака хонадони ҳам жиянлари Фарҳоднинг менга уйланишига тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатиши тайин эди. Сен эса, Шоҳсанам, қишлоқнинг энг олд одамнинг қизи эдинг. Шундай хонадонга куёв бўлишни қайси йигит хоҳламайди? Опанглар туман марказидаги ўзига тўқ оилалар келини. Қизнинг тақдирида поччалар ҳам, оз бўлса-да, роль ўйнайди. Сенга уйланса, Фарҳоднинг божалари ўз ҳамшаҳарлари – бойвачча йигитлар. Менинг уч поччамдан бири подачи, иккитаси оддий деҳқон эди. Улар ҳам отамдек тўйларда арақ ичгани-ичган... Ҳа, ўшанда инсоний фазилатлар ҳақида эмас, шулар хусусида уйлаб, кўзимга дунё тор кўринди.

Қизиги, биз – учаламиз 1-синфдан буён қалин дугона эдик. Дугоналик ришталарини шунчалик тез узадиган қайчи борлигини туш кўрганмидим? Бу ҳасад ва худбинликми ёки

исёнкор муҳаббат қушчасининг парвозими, таъриф этиб ўтирмайман. Фарҳод Холидага ё Шоҳсанамга уйланса, чидаёлмаслигини юрак-юракдан туйдим. То мактабни битиргунимизча вақт бор экан, иблисининг урғочи отини қамчилаб қолишга аҳд қилдим. Исмоил ака хонадони билан қўшни бўлсак-да, борди-келдимиз рисоладагидек эмасди. Кечқурун Гулсин "Тинчликми, Динора?" деб бежиз чақиб олмаган эди. Макрнинг қора капалаклари Фарҳоднинг кўнгил гулзоридан ташқари Исмоил ака хонадонига ҳам учиб кириши, барчани маҳлиё айлаши, ўзига сеҳрлаб олиши лозим эди.

– Эртага бошқа қизни мақташса, фикрингиз ўзгарар экан-да, а? – дедим Фарҳодга. Во дариғ, овозим қалтираб кетди.

– Динора, назаримда мени рашк қилаётгандексан, – шўхчан қош қоқди йигит.

Фитнамни сездириб қўйишим жуда-жуда хавфли эди: бирйўла Фарҳоддан ҳам, икки дугонамдан ҳам, "яхши қиз" деган номимдан ҳам айирилишим мумкин. Ёмонлар биринчи галда ўзига ўхшаган ёмонлардан воз кечади. Шунинг учун чўчиб:

– Рашк қилмаяпман, Фарҳод ака, – дедим. – Дугонамдан хавотир олаяпман. Бугун унга севги изҳор қилсангиз, эртага бошқа қизга оғиб кетишингиз ҳеч гап эмас, деяпман, билдингизми? Мақтаса севиб қолаяпман, деб ўз оғзингиз билан айтаяпсиз-ку! Рашкни севишганларга чиқарган, нима, мен, сизнингча...

– Тш-ш... Кимдир келаяпти.

Гапимни тугатолмадим. Кўчада икки шарпа кўринди. Бекинингга кечиккан эдим. Негадир Фарҳод ҳаяжонланди ва ўз-ўзига, секингина ҳуштак чалиб қўйди.

– Динор, – деган овоз эшитилди қоронғиликдан, – сенмисан?

У Шоҳсанам эди, ёнидаги эса Акбар. Бир неча дақиқа аввал Акбар ва Холида ўртасидаги яқин муносабатни ишқий алоқа дея Фарҳодни алдагандим, шу тобда унинг ўрнига Шоҳсанам ҳақида бўҳтон тўқимаганим учун ич-этимни едим. Мана, дарров исботланарди, эҳ! Омадим чопмагани учун ўзимни чимчилаб, лабимни қаттиқ тишладим. Бироқ айни шу дамда хаёлимга келган ўйдан енгил тортдим...

Шоҳсанам, балки ҳозир ҳикоямни тинглаб, мени умрингнинг охиригача кечирмассан. Ўшанда отанг сенга ўғайлиги ҳақидаги узун-қулоқ гапни эсладим. Онанг иккинчи марта турмуш қурганида, сен икки яшар қизалоқ бўлгансан. Бу сирдан айримлар, жумладан Фарҳод беҳабар эди. Нима бўлибди онасининг иккинчи турмушию отаси ўғай бўлса?! Аслида гап бунда эмас. Мен даҳшатли ҳақиқатнинг бир учини эшитгандим. Бу шундай воқеа эдики, агар ҳақиқат экани исботланса, эшитган одамнинг кўнгли айниши, ўн кеча-кундуз ухлаёлмай чиқиши, Шоҳсанамни бир умр ачиниш ҳамда аллақандай ирганишга ўхшаш туйғу билан эслаб юриши аниқ эди. Бундай қизга уйланиш ҳақида-ку гап бўлиши мумкин эмас. Ким ҳам ўз авлодлари...

\* \* \*

Диноранинг ҳикояси шу жойга етганида, Шоҳсанам ликобча ва қошиқни полга тушириб юбориб, ўрнидан турди, маст одамдек чайқалиб кетди. Холида стаканлаги ичимликни ичиб юбориб, иккала дугонасига бир-бир қаради. Ресторан шифтлари саҳнадаги рангин чироқлар шуъласида товланар, хонандалар ҳамон тинмай куйлар, нариги столларда ҳам учтадан ўтирганлар қизгин ҳикоянавислигу баҳс-мунозаралар домида эдилар. Динора қулт этиб ютинди.

– Бас! – деди Шоҳсанам титраб-қақшаб. – Ўтмишни кавлаштиришнинг кимга кераги бор? Бу томошанг менга ёқмади, Динора! Яхшиси, келинглар, ҳар ким ўз қилган қилмишини ўлганидан кейин у дунёда берадиган сўроқ кунига қолдирсин. Ҳаммага хайр!

– Йўқ! – Холида унинг кўлига ёпишди. – Кетмайсан! Ўтир! Сенга ўтир дедим, Шоҳсанам! Мен ҳам бор ҳақиқатни айтай! Бугун айтмасам, қайтиб умрбод ҳаддим сиғмайди... Жуда яхши бўлди... Хуллас, эшит, Динора, сен ҳикоя қилиб бераётган воқеа сал бошқача бўлиб чиқади, чунки... чунки мен ҳам шунча вақт сендан сир сақлаб келаётгандим, сендан ҳам, Шоҳсанам... Қулоқ сол, Динора, Фарҳод эринг, лекин... ҳозир мен айтадиган ҳикоядан сўнг ажрашиб кетсанг, ўзингдан кўр! Ҳаммасини ўзинг бошладинг, дугонажон! Шоҳсанамнинг

тарихини сал орқага суриб тураминз... Унинг айби йўқ. Бу ерда бутунлай бошқа ҳақиқат бор...

Энди ҳайратланиш Динорага кўчди. Ҳарҳолда Шоҳсанам ресторани тарк этмади, жаҳл билан стулга чўкиб, ичимликка ёпишди. Унинг ҳам Динора ва Холидага айтадиган мудҳиш ҳақиқати кўнгил тубидан қалқиб чиқиб, бўғзига тиқилиб турган эди, қўллари қалтирарди бояқишининг. Шундай эса-да, ҳикоя қилиш навбатини Холида олишга улгурганди. У йигирма йил аввал илакишиб, ҳозиргача уч дугонани таъқиб қилаётган кўланкага чироқ тутди ва фош эта бошлади:

– Бу воқеа Динора ҳикоя қилган тўққизинчи синфни битириб, таътилга чиққанимиздан сал аввалроқ бошланган, – деб ҳикоясининг илк саҳифасини очди Холида. – Бир куни онам пешиндан сўнг туман марказидаги бозорга жўнатди. Бозорга борсам, бўёқ сотадиган хотинлар тушликдан сўнг уйларига кетиб қолишибди. Бир аёл менга бўёқфурушнинг уйини кўрсатишга ваъда берди. Иккимиз туман марказининг чекка кўчасига бордик. Кўчада тирик жон кўринмасди. Кун қайтаётган бўлса-да, иссиқдан жизиллаётган бефайз кўчада анча юриб, тор муюлишга етдик. Бу ерда кўчанинг икки ёқасидаги уйлар бир-бирига анча яқин эди, соя ҳам чўзилиб қолган. Газ қувурига тирмашиб, бўғотдаги чумчуқ уясини бузишга уринаётган безори болакайдан ҳамроҳим бувисини сўради.

– Уйда, – деди болакай қўпол оҳангда, – бораверинглар, шум кампирниям мандан сўрайсизларми?

– Вой-бў, бунча эси йўқ бола бўлибсан? – оғринди хотин. – Отангга айтиб, қулоғингдан чўздирмасамми сен шайтончанинг! Қани, туш пастга! Тегма қушнинг инига!

– Отам уйда бўлганида Фарҳод жинни бизникига келармиди? – деди бола ва менга олайиб қаради. – Ҳей қиз, отинг нима? Айтмасанг айтма! Сен ҳам жиннисан! Аҳмоқ! Аҳмоқ!

Кейин ерга сакраб тушиб ура қочиб қолди. Биз пастаккина дарвозахонага яқинлашганимизда, идиш-товоқ жаранглаб синди, аёлнинг қарғгани, кимнингдир чийиллагани, эшикнинг шарақлаб очилиб-ёпилгани эшитилди. Олача ва жилбароқ тўқувчи юзлаб уй бекаларининг ипларини рангдор

этувчи хотиннинг шахсий ҳаётига ранг етишмаслиги маълум бўлди-қолди.

Ҳамроҳим эшикни тақиллатиб, мени мўъжазгина, супуриқсиз ҳовличага бошлаб кирганида, йигирма беш ёшлардаги жувон йиғламсираб четдаги хонага югургунча ўтиб кетди. Қанчалик тез ғойиб бўлмасин, унинг чап ёноғидаги холни яққол кўрдим. Менинг ҳам холим бўлгани учунми, билмадим.

Хонадон келини шекилли, ҳалиги жувон билан тенгдош бошқа бир жувон ошхонадан чиқа солиб, бизни ўзининг нотинч маконига таклиф этди. Юзида хижолат акс этиш билан бирга аччиқланиш ҳам зуҳурланмоқда эди.

— Ташқаридаги ўғилча сизданми, келин? — деди ҳамроҳим.  
— Бунча одобсиз бўлмаса! Бувисини шум кампир деди-я!

— Амакиваччалари ўргатган.

— Ким шум кампир экан? — бўёқ сотувчи хотин ичкаридан чиқиб, биз билан кўришгани кела бошлади. Гапни ҳазилга буришга уринса-да, ўхшамаётган эди. — Мен шум кампир бўлиб қолибманми? Ҳали анча бор эли шекилли.

Келини дарров қўлига супурги олиб, пешоб ҳиди тутган ифлос ҳовлини супуришга тушди. Арақ пўкаклари ва сигарета қолдиқлари супурги ҳужумидан аралаш-қуралаш бўлиб, ариққа думалаб тушаверди. Бўёқчи хотин қишлоқдан атайин бўёқ олишга келганимни билгач, ошхона ёнидаги ҳужра эшигини очди. Кирдим. Ҳамроҳим эса хайрлашиб, кўчага чиқди. Токчалар устида бўёқ солинган кичик-кичик сон-саноксиз халтачаларни томоша қилиб, нигоҳим беихтиёр яна ҳовличада тўхтади. Болакайнинг "Отам уйда бўлганида Фарҳод жинни келармиди?" деган гапи миямда айланди. Отаси уйда йўқлигида келган одам ким эканки, бу хонадонда жанжал кўпса? Бўёқчи хотин уйда, қизи ва келини уйда. Қизиқ...

Шу он эшик ғийқиллаб, йигитнинг: "Мен кетдим!" — деган овози эшитилди. Овоз таниш эди, жуда, жуда.

— Кетавер, бугун кечқурун уйингга бориб гаплашаман, — деди бўёқчи хотин ҳужрадан туриб. — Менга унақа баҳоналаринг ўтмайди, отангни сенинг ўзингдан яхши танийман, билдингми?!

Бўёқчи хотиннинг елкаси оша қарадим ва қишлоғимиздаги

Исмоил аканинг мактабни тамомлаган жияни Фарҳодни кўрдим. Шу заҳотиёқ ўзимни олиб қочдим, мени таниб қолишини истамадим. "Бу уйда нима қилиб юрган экан?" деган савол туғилдию ҳалиги можародан бир хулоса ясадим: "Наҳотки, Фарҳоднинг холли жувонга алоқаси бўлса?! Уйланмаган йигит ўздан беш-олти ёш катта билан?.."

– Бундан фойда йўқ, – деди Фарҳод. – Йигит гапга қолса шўхлик, аёл гапга қолса эса ... лик. Буни билиб қўйинглар!

У кўпол сўз ишлатди, Динора! Шу вақтгача Фарҳодни мен ҳам жентльменсифат йигит деб ўйлардим. Бугун иқрор куни экан, сен ҳам энди ҳикоямни бўлмай эшит, дугонажон! Эринг сенга уйланмасидан аввал нима ишлар қилиб юрганини билиш, албатта, оғир. Бироқ ҳаётда бундан-да оғир ҳодисалар бор-ку!

Ўшанда Фарҳодда – сенинг сеvimли турмуш ўртоғингда – менинг ҳам кўнглим бор эди. Йигитнинг гулига турмушга чиқишни ҳавас қилардим. Эсларингиздадир. биз аслида тўққизинчи синфда эмас, адашмасам, бешинчи синфдан бошлаб йигитлар ҳақида жиддий гаплашардик. Фарҳод шаҳарлик боди йигит сифатида қишлоғимизга келиб, кўп қизларни куйдирарди. Гулсинга: "Аммангнинг ўғли кимни севади? Жуда яхши йигит-а?" – деб умид илинжида гапирган айрим қизларни кўрганман. Улар ўзлари яхши танимайдиган йигитларни ташқи кўринишига қараб севиб қоладиган ҳаслпараст, хомхаёл эдилар. Мен-чи? Кўпчилик ўткир, шаддод, айёр қиз дейишарди, лекин мен ҳам Фарҳод деса, хаёлпараст бўлиб қолардим.

Бироқ турмуши бузилган жувон билан Фарҳоднинг дон олишиб юрганидан ўша куни хабар топиб, кўнгил дунёмни тўфонлар ағдар-тўнтар қилди. Миямда қандай қарор воқе бўлганини ўзим билмасдим. Нима қилсам экан?

– Уйга кир, сен билан бошқатдан гаплашмасам бўлмайдиганга ўхшайди, – деди бўёқчи унга.

Мен бўёқнинг пулини бердим. Фарҳод ичкарига кирганида, биз ҳужрадан чиқдик. Хонадон келини мени дарвозага кузатиб қўйди. "Шу маҳаллада Шаҳодат исмли қиз яшайдими?" деган баҳонада келин билан дарвозахонада бирпас туришга муваффақ

бўлдим ва бўёқчи хотин билан Фарҳоднинг қуйидаги гапларини эшитишга улгурдим:

– Бўз бола бўла туриб, нега қизимнинг бошини айлантирдинг унда, а?! – дўқ урди бўёқчи. – Ким гапга қолади, ким ўлади, ишим йўқ! Уйланасан, тамом-вассалом.

– Бўпти, – Фарҳод дарҳол розилик айтди. – Лекин яна ўша гап-да, хола! Кейинчалик ота-онам ўзлари орзу қилган қизни олиб беришади, Холжон эса кватирамда яшайди, бир умр ўз эри, ўз оиласи бўлмайди. Шу керакми сизга? Бу гапларни қўқитиш учун айтаётганим йўқ, хола. Минг афсус, уни ота-онам уйимизга паранжига чирмаб, орзу-ҳавас билан киргизолмайди. Эридан ажрашган жувон...

– Эридан ажрашган бўлса, нега йўлдан урдинг, чўққанинг боласи?! Келиним қариндошинг экан, ўртага тушди! Бўлмаса, қаматиб юборардим! Агар унга уйланмасанг, сени тинч қўймайман! Қамаласан! Кейин ит ҳам қиз бермайди!

– Менинг ҳам таклифим ёмон эмас-ку, холажон! Нега сиз...

– Э, таклифингдан ўргилдим! Бўлди, кет! Мен отанг билан гаплашаман! Сендан жўяли бир гап чиқмайди! Олифта!

Кўчага чиқиб, қадамимни тезлатмоқчи бўлсам-да, ҳеч унмасди. Қарасам, Фарҳод сўппайиб келаяпти. Яна бир марта ўгирилганимда, менга диққат билан назар солиб, илдамлаганини кўрдим. Етиб олгач, шундай ўқрайиб қарадики, кўрқиб кетдим.

– Ас... салом... алайкум, – дедим тутилиб.

– Салом, – деди у иддао билан.

Бахтимга шу дамда безори болакай "Отам келаяпти!" деб қичқириб, ўртамиздан югуриб ўтди. Жувоннинг акасига кўзи тушган Фарҳод шартта йўлини буриб, икки уй оралиғидаги тор йўлакка ўзини урди.

Бир ҳафтадан сўнг шундай воқеа бўлди: радиоприёмникдан таралаётган шўх қўшиққа ўйнаб, маза қилиб коса-товоқ юваётсам, ошхона деразасига кимдир тошча отди. Радионинг овозини пасайтириб, ташқарига мўраладим. Шу кеча уйда мендан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ота-онам бир жанжал юзасидан кимникигадир музокарага кетишган, укамлар қўшниникига видео кўришга чиқишган эди. Сезгиларим каминга одам келганидан дарак берди, аммо ким экан у? Фалон қизни



чақириб бер, дейдиганлар кўп эди. гашим келарди унақалардан. Акбар кечасими, кундузими, уйга тўғридан-тўғри таширф буюрар, ота-онам билан катталардек, мен билан акам ёки тоғамдек гаплашарди.

— Кимсан, ўв? — дедим сохта дарғазаб бўлиб. Бироқ кувончим ичимга сиғмаётгани аён-ошкор билинди.

— Холида, сенда гапим бор, — деган овоз эшитилди, — беш минутга чиқоласанми?

Қарасам, Фарҳод симтўсиқнинг нариги томонида турибди. Бордим. Кўл узатди, кўришдим. Ундан ичкилик ҳиди уфурди. Оғир уҳ тортиб, сигарета тутатгач, деди:

— Илтимос, нариги ёқдан айланиб чиқ. Анави уйда гаплашайлик. Сенда муҳим гап бор, бу ерда айтолмайман. Кўрқма. Кўнглимда кир бўлса, нон урсин.

Симтўсиқни айланиб ўтгач, Фарҳод айтган уй — девори кўтарилиб, томи ёпилган, тўлиқ битмаган иморат ичига кирдик. Симсўч чироғи шуъласи ичкарига уриб турса-да, бурчаклар қоронғи эди. Фарҳод кўярда-кўймай мени тўрга етаклади, муҳим гап учун кунжак бежавотир эмиш. У сигаретини ташлаб:

— Холида, — деди алланечук эҳтиросли оҳангда, — сени яхши кўриб қолдим.

— Вой!.. Кетдим мен! Эртага гаплашамиз, Фарҳод ака!

Қўйвормади. Чуқур-чуқур, худди ичи куйганга ўхшаб нафас оли, бошини кўтаролмай, бир неча сония турди.

— Ўша кунги сенмидинг? — сўради руҳсиз ҳолда.

— Ҳа, аям бўёққа жўнатганди. Бозорда бир хотин у кишининг уйига эргаштириб борди.

— У ерда эшитганларинг, кўрганларинг — ҳаммаси ёлгон! Бир ўртоғимни сотишни истамаяпман, холос. Ҳаммаси унинг иши!

— Ҳеч кимга айтганим йўқ, Фарҳод ака.

— Ростданми? Қасам ич!

— Менга ишонмаяпсизми? Ёш боладек қасам ичиришини бу кишининг!

— Бўпти, ишондим... Ма. — У кўйнидан шоколад чиқарди.

— Тухматдан кўрқиб, шунақа гаранг бўлдимки, бир қарашда сени танимабман. Ўртоғим икки ҳафта уларни алдаб тур, кейин

айбни ўз бўйнимга оламан, деган. Сени Исмоил тоғамникага келганимда кўрганман. Тоғамнинг қўшнисининг қизи Динора билан синфдошсан. Шоҳсанам деган қиз ҳам бор. Учаланг қалин дугонасан, адашмаяпманми?

– Ҳамма нарсани биларкансизми?

– Анча вақтдан бери сени кўз остимга олиб юргандим, Холида. Шу баҳонада суриштирдим. Бўёқчи хотин ҳам, қизи ҳам одам эмас, уларнинг уйига қадам босмасликка ваъда бер! Шунчалик асабийлаштиришдики, ўша кунни сени кўриб туриб, танимабман.

Шундай қилиб, биз ошиқ-маъшуқ бўлганмиз, дугонажонлар! Фарҳоднинг талаби – ишқий алоқаларимизни қаттиқ сир тутиш эди. Шунча йил ҳеч ким билмади, йўлларимиз айро тушса ҳам...

Эсларингиздадир, йигитлар менга жиддий қарамасдилар. Гўё ким ҳуштак чалса. эргашиб кетадиган бевафо қиз эдим. Онамга менгзаганларини ҳам эшитганман. Фарҳод эса мени қадрлади, ҳеч ким бермаган меҳрни қизганмади. Қиммат совғаларни айтмаяпман. совғалар ўз йўлига... Менинг ҳам кўнглим ишқни, оташин изҳорларни, йигитлар орасида суюнчигим бўлишини тусарди. Қачонгача "жиддий қиз эмас", деб қараш керак эди?! Балки яширин учрашув учун мени, ҳатто лаънатлаш мумкиндир? Бўлажак эр-хотин бир-бирини чимилдиқда кўриши керак, деган қоидадан йироқ эдим, Фарҳодга турмушга чиқишимга ишонардим...

Эй дугонажонларим, бугун ҳақиқатни гапирадиган кун – сиз ҳам шундай эдингиз! Фарқимиз, биз битта уйга ҳар хил йўллардан бораётган орзуларга лиммо-лим юраклар эдик. Ҳа, аслида манзилу мақсад битта: ишқ, суюкли ёр, висол тўйи, бахтли турмуш...

– Тоғамнинг қизлари Шоҳсанамни келин қиламиз, дейишганидан хабаринг борми? – деди Фарҳод ажойиб кечаларнинг бирида. Ўртамиздаги риштага ажралиш болтасининг биринчи зарби тушгандек енгил сескандим.

– Мактабни тугатганимизча бир йил бор, – эркаландим мен. – Кўйинг шунақа иғволарни, Фарҳод ака, ўзимиз ҳақимизда гаплашайлик. Мени қанчалик севадиз?

– Ҳўш, бир йил ўтса-чи? – сочимни силаб, ёноғимдан бўса

олди у. Бироқ бу совуқ бўса эканини ҳис этдим. Саволим ҳам жавобсиз қолгани-чи.

– Сизни бутунлай ўзимники қиламан, Фарҳод ака.

– Шоҳсанам билан яқин дугонасан-ку! Раҳминг келмайдими унга?

– Динора билан ҳам дугонаман, – дедим. – Биласизми, сезишимча, улар ҳам сизга бефарқ эмас. Барибир Шоҳсанамга ҳам, Динорага ҳам уйланмайсиз. Тоғангизнинг қизлари зигирча рол ўйнаёлмай қолади. Нима, сиз бировнинг гапига кириб қиз танлайсизми? Нега дугоналарингдан бирига уйланмас эканман, денг?

– Нега?

– Сиртида кулиб туришгани билан ичлари бошқа. Ишонмасангиз, биргаликда синаб кўрамиз. Хўп денг.

– Хўп. Икковини ҳамми?

– Ҳа. Биринчи навбат Динорага. У жуда ҳам ичидан пишган-да. Худога шукр қилинг, пешонангиз беш қарич йигитсиз, чунки мендек оққўнгилга учрадингиз. Мақтанаяпти деманг, рост айтаяпман, Фарҳод ака! Шу оққўнгиллигим сабабли кўпчилик нотўғри фикрга боради. Одам одамга ишониши керак, тўғрими? Ишонч йўқолган жойда эркинлик ҳам йўқолади, самимийлик ҳам. Масалан, ўрнимда Динора ёки Шоҳсанам бўлганида, бўёқчи хотиннинг қизи Холжон ҳақида айтганларингизга ишонмасди. Ё сиздан воз кечишарди, ё атрофингизга чизиқлар чизиб қўйишарди. Нима дедингиз?

Фарҳод тўмтайди.

– Холжон деган исмни ҳеч қачон тилга олма, – деди у.

Динора, ҳозиргина сенинг ҳикоянгни тингладик. Менинг мактубимни "Махфий хат" деб атадинг. Ҳа, у Мурод ака номидан онамга ўз қўлим билан ёзганим сохта мактуб эди. Биринчидан, сенинг шум қиз эканингни Фарҳодга исботлаб беришим керак эди. Иккинчидан, онам туман марказида ишлаганида тарқалган миш-мишлар бахтимга чанг солишини тушунардим. Гарчи бўёқчининг қизига Фарҳод хуштор бўлиб чиқса-да, ота-онаси мени айнан онам хусусидаги гап-сўзлар туфайли ўз фарзандига муносиб кўрмаслиги мумкин эди. Фарҳоднинг хонадони келиннинг насл-насабини, оилавий шарт-шароитини қаттиқ суриштиришини билмасмидим? Бу

одат мени мудҳиш ва аёвсиз макр итларини чорлашга мажбурлади. Динора, бугун сенинг ҳам, Шоҳсанамнинг ҳам оналаринг йўқ, Худо раҳмат қилсин уларни. Бу воқеалар бошланган ўша кезлари эса ҳаёт эдилар. "Махфий хат" ҳақида онангга оғиз очишингни билардим. Онанг кейинчалик ота-онамнинг ажралиб кетишига бошқаларга қараганда барибир кўпроқ "ҳисса қўшди", начора, кучлироқ макр қўлламаган эканман.

Энди давомини, энг муҳим воқеани эшитинглар. Фарҳод уйланадиган йили, баҳаво кечаларнинг бирида ёнимга келиб:

— Кечир, Холида, қанчалик ҳаракат қилмай, бўлмади, уйдагилар сенга рози эмас, — деди.

Мени йиғлади, деб ўйларсиз. Йўқ, ойдин кеча эди, бедапоя этаги. Шарақлаб кулиб юбордим. Чунки ҳаммаси худди ўйлаганимдек бўлган эди. Макр дафтаримнинг сўнгги саҳифасини очмоқчи эмасдим. тақдирнинг ўзи изн берди. Бунинг учун мени ҳеч ким кечирмайди, синфдошимиз Акбар ҳам.

Сокин кечани титратган кулгим ҳавога сингиб кетгач, Фарҳод атрофга бир қур кўз югуртириб, билагимдан тутди. У бир ой ичида қишлоққа икки-уч марта келган бўлса-да, мендан хабар олмаган, бағрига босмаган эди. Кўлини силтаб ташладим. Қаердадир қурбақа чўлп этиб сувга сакради, кейин беўхшов "вақ-вақи" эшитилди. Гўзал кеча қалбимга таскин беролмади. "Энди ташландиқ қизманми?"

— Холида, бу кулгилими? — деди Фарҳод энсаси қотиб. — Жиннимисан? Бизни кўриб қолишса, шунча вақт яширинча учрашиб юрганимиз бир тийин бўлади.

— Кўриб қолишса-чи? Нимадан қўрқаман?! Сиз-чи?.. Э-э, келинбола ўзимизнинг қишлоқданми? Хўш, ким экан?

— Ҳозир айтмайман.

— Ҳозир айтмасангиз хафа бўламан. Барибир сиз шу қишлоқдан уйланасиз, онангиз шундай деганлар-ку! "Келин ўзимнинг қишлоғимдан бўлади!" ва ҳоказо, ва ҳоказо. Эртага бировлардан эшитишни истамайман! Мен билан орани очиқ қилмоқчимисиз, бирйўла очиқ қилинг-да. Ким у?

— Сен жуда яхши танийсан.

– А-а, ўзим ҳам шунақа, деб ўйловдим. Демак, Шоҳсанам ёки Динора?

Фарҳод бош қашиб:

– Динора, – деди. – Лекин уни мен танламадим. Мажбурман, тушундингми?

– Энг яқин дугонам-а!.. – дедим алашимни яширолмайдим.  
– Шоҳсанамми, Динорами, деб ҳазиллашсам, рост чиқди! Шўрим бор!

Мен йўғламадим, кулмадим, аммо қон босимим ошганини ҳис этдим: бошим ғувиллаб, ўзимни лоҳас сездим.

– Кўлига бировнинг хатини бериб, очадими, йўқми, синаб кўргандик... – деб минғилладим.

– Бунақа гаплардан фойда йўқ, Холида, қўй!

– Хўп, нима ҳам дердим, – ич-ичимдан ғазаб ва нафрат вулқони тошиб келарди, зўрга чидамоқда эдим. – Кулганимга сабаб, мени ташлаб кетишингизни билгандим.

– Шоҳсанам тўғри келмади. Тоғамнинг қизлари минг марта мақтагани билан у менга мос эмас...

– Тўхтанг, нега Шоҳсанам тўғри келмаси, Динорахонга, қандайдир бир ичиқора қизга уйланыапсиз? Бизга – уч дугонага ёпишиб олганга ўхшайсиз. Бошқа қиз йўқми қишлоқда?

– Пичинг қилма! Уйдагилар сенга кўнмади! – бақириб юборди Фарҳод. Сўнгра овозини пасайтириб, вишиллаб сўзлай бошлади: – Кечирасан-ку, онанг ҳақида турли ёлғон-яшиқ гаплар ота-онамнинг қулоғига етиб борган! Ажрашмаганида ҳам бир нави эди. Отанг билан онанг ёмон гап-сўз бўлиб ажрашган, эшитаяпсанми?! Бизда одамларнинг гап-сўзи катта роль ўйнайди. Мен қанчалик эркин, ўз айтганини қиладиган йигит бўлмайин, отамдан кўрқаман. Бир куни минг азоб билан Тошкентга етиб борганимда, қариндошимизнинг уйига отам кўнгироқ қилиб: "Мендан сўрамай кетибсан, болам, уйга қайт", деган. Бир пиёла чой ичмай, шу заҳотиёқ юзимга фотиҳа тортиб, юзлаб километрдан уйга қайтганман. Сенинг ота-онанг билан қуда бўлишни тасаввур ҳам қилолмаслигини айтиб, мени оқ қилиб юбораёзди.

– Сизни яхши кўрмасдим, Фарҳод ака. Илтимос, "ўтган

иш"ларни унутайлик. Агар Динорага уйлансангиз, муносабатимиз ҳақида унга миқ этмайсиз.

– Қандай оғиз очаман?! Лекин севмасанг ҳам менга ёқасан.

Шундан сўнг Фарҳод билан ажралишдик. Бироқ айрилиқ кўпга чўзилмади...

Динора, унга фотиҳа қилинганида биз ҳамон учрашишда давом этардик. Вужудим ишқнинг эмас, гайирликнинг ўтида ёнарди. "Нега энди Динора? Нега сен эмас? Ўртага дугонангнинг ўзи тушди, ювилмаган қошиқ бўлиб!" – дерди шайтон.

Балки Фарҳод аввал-бошдан мени севмагандир, бўёқчининг қизи билан яшаганини эл-юртга ёйишимдан кўрққандир. Нима бўлганда ҳам қишлоғимиздаги битмаган уйларда, пичанлар гарамиди, ёзда эса маккажўхоризор ёки бедапоёда мен билан соатлаб гаплашиб ўтиришни хуш кўрарди. Қаёққа етакласа, ўша ёққа борадиган қишлоқдаги ягона қиз эдим. Иккимиз ҳам романтикани хоҳлардик, аммо бир-биримизни эмас. У, менимча, ҳеч кимни чин юракдан севмас, ҳеч кимга умрбод боғланиб қолишни истамасди. Ҳақиқатан, эркин қуш эди. Мен билан учрашишни қанда қилмаганини, эй дугона, енгилтакликка йўйма! Тўғри, сенинг назарингда, энди эринг ҳам, мен ҳам бир гўрмиз.

Макр дафтارينинг сўнгги саҳифаси ҳақида гапиришдан бир оз чалғидим, узр.

– Сен нимадир қилмоқчисан, шум қиз, – хавотирга тушган эди Фарҳод.

– Нима ҳақида гапираяпсиз ўзи? – талмовсирагандим мен.

– Динорага уйланишимни эшитганингдан бери кўзларингда совуқ нур...

Фарҳод юрагимни чирмаган аждаҳони пайқаган эди. Шундан сўнг ҳам мени осонгина ташлаб қочади, деб ўйлайсанми? Қўлида қурол тутган рақибга ким орқа ўгириб, бемалол кетади? У бошқа қизга уйланишни ихтиёр этса, тўй куни бир доғули хотинни ёллаб, тўй аҳли олдида бўёқчининг қизи Холжон ҳақида жар солдириш ниятим бор эди. Куёв шарманда бўлгач, ҳужумнинг иккинчи қисмига навбат... Динора, сени аслида синфдошимиз Акбар жон-дилидан севарди. Ҳаммага "хўжайинлик" қилса ҳам, сенинг олдинда қанчалар ювош тортиб

қоларди бечора. Шу ёшга кириб, бу қадар пинҳона, аммо оташин севган йигитни учратмадим. Хуллас, синфдошимизга суиқасд уюштиришни режалаштирдим. Фақат Фарҳодгина қилиши мумкин бўлган қотиллик эди у...

\* \* \*

Ресторан саҳнасида бошқа хонандалар пайдо бўлиб, шоуга келганлар қарсақбозлик ва ҳуштакбозликни авж олдиришди. Холида ҳикоясидан тўхтаб, рюмкага қалтираганича ичимлик куйди-да, сўнги томчисигача ичиб юборди. Уч аёл бир-бирига урғочи бўрилар каби кўзларини йилтиратиб тикилишди. Руҳият уммонида тўфонлар қутуриб, чақмоқлар чаққан ҳаяжонли дам эди. Ким ўйлабди дейсиз уч душманнинг шунча йил дугона бўлиб яшаганини.

Шоҳсанам тилга кирди:

– Диноранинг ҳикоясини эшитиб, оғзим очилиб қолди. Холиданинг ҳикояси эса бутунлай карахт қилди. Эй Худойим, бу нима кўргилик? Биз бир синфда ўқиб, айрилмас дугона бўлиб яшабмизу шунчалик душман эканмиз-а?! Балки ҳаммаси ёлгондир, дугонажонлар?

– Афсус, рост, – деди Динора.

– Ҳа, рост, – бошини телбаларча лиқиллатди Холида.

– Акбар бахтсиз воқеа сабаб дарахтдан сувга йиқилиб, чўкиб ўлмаганми? Наҳотки, уни сен ўлдирган бўлсанг, Холида? – сўради Шоҳсанам кўзларини катта-катта очиб.

– Худо сақласин, Шоҳсанам! – тишлари гижирлаб тўлғониб кўйди Холида. – Мен... мен... фақат худди шундай фалокатга йўлиқтириб, шифохонага тушириб, кейин эса Фарҳодни бошлаб айбламоқчи эдим! Чунки сойдан электр билан балиқ тутиш фақат Фарҳоднинг қўлидан келарди. Ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Акбар ростдан ҳам ўлди! У жон куйдириб, табиатни асраб қолди, бизни эмас! Биз ўша пайтларда руҳан ўлиб кетганмиз! Бу вужуд эса ўтмишдаги ёмонликларимизнинг сояси, холос. Ўтмиш бизни қарғади! Мана, бахтимизни тополмадик! Орамизда ким бахтли? Уч марта турмуш қуриб ҳам эрдан тинчимаган Шоҳсанамми ё энг маккор хотинбознинг эрка рафиқаси бўлмиш Динорами? Ҳа, ўзим

ҳам бахтсизман. Биласизларми, эрим икки йил бурун иккинчи хотин олган, мен... ҳаммасига мен айбдорман!

– Ўзингни бос, Холиш, – юзини тўсиб, уҳ тортди Шоҳсанам. – Бир нарсага тушунмаяпман: биз бир одамнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб яшадикми? Уч қиз, уч синфдош, уч аёл! Фарҳодга нима ёмонлик қилган эдикки, биттама-битта бахтсизликка йўлиқтирди?

Эгилиб ўтирган Динора унга ҳайронлик инган нигоҳини қадади.

– Эрим сенинг ҳам бошингни айлантирганми, Шоҳсанам? – деб сўради таажжуб ила.

– Икковингнинг ҳикоянгдан сўнг меникига навбат... – хўрсинди Шоҳсанам. – Йўқ, яхшиси, аввал Динора узишган ҳикоясини яқунласин. Виждоним камроқ қийналишини истайман. У боя айтдики, агар Фарҳод менга уйланмоқчи бўлса, жирканч миш-мишнинг ҳақиқат эканини исботлашга ҳаракат қиламан, деб.

– Исботланган, – деди Динора. – Лекин гапни сал узоқдан бошлайман. Тасаввур ҳам қилмагандим эрим сизларни қўлида қўғирчоқ қилиб ўйнатганини... Начора! Нима ҳам дердим... У бугун кечқурун менга романтик оқшом уюштирмоқчи эди. Аттанг, ҳаммаси тугади.

– Йўқ, ажрашмайсан! – хитоб қилди Холида.

– Қўявер, ажрашиш енгил жазо. Умуман олганда, бунинг ҳолатида жазо ҳам эмас, – қўл силтади Шоҳсанам.

– Ҳи-ҳи-ҳи, – кулди Холида.

– Дугоналик шунча вақтдан бери йўқ экан, менимча, йўқотадиган ҳеч нимамиз қолмади, нима дединглар? – дугоналарига аланглади Динора. У мўъжизавий куч билан ўзини йиғидан тийиб турарди.

– Бор гапни айтиб, кейин бир-биримиз билан ўпишиб, кучоқлашиб, чин дугона тутинамиз, – маст бўлиб қолган Холида вайсай бошлади. – Ўлсин шу эркаклар! Қайси аёлни алдамаган?! Нега уларни деб куярканмиз? Ўзимиздан ҳам ўтган-да!

– Хўп, – деди Динора. – Сарик чақалик фойдаси бўлмаса ҳам хўп.

Шу дам телефони жиринглади. Мазкур томошани



уюштиришда жонбозлик кўрсатаётган йигит кўнғироқ қилмоқда эди.

Динора четга чиқиб, тугмачани босди.

– Алло, опа, ҳалиги қизни аниқладим, – деди йигит.

– Хўш?

– У театр соҳаси бўйича институтнинг охириги курсида ўқиркан.

– Ҳаким ака билан ҳамкасб экан-да?

– Ҳа, вилоят театрига практикага келибди. Сиз билан ҳозир битта столда ўтирган синфдошингизни кутубхоначи дегандингиз...

– Иккиси таниш эканми?

– Таниш ҳам гапми! У дугонангизнинг иккинчи эрининг синглиси экан, яъни кутубхоначининг собиқ қайнсинглиси. Ҳаким ака ўз оғзи билан айтди.

– Бўлиши мумкинмас!

– Ҳаким акага нима зарил алдаб?! Ресторандаги томошани анча пул сарфлаб уюштираяпсиз, ўша дугонангиз эса ҳаммасини билиб ўтирибди. Агар макрингизни сезмаганида, собиқ қайнсинглиси билан очиқчасига сўрашарди. Қиз кўз уриштириб сизни сотганга ўхшайди. Демак, иккиси ҳам сир бой бермаганига қараганида, ҳозир сиз сирини олмаяпсиз, аксинча, ўйин қурбони бўлаяпсиз! Бу – менинг тахминим, опа! Яна ўзингиз биласиз.

Динорани ўй босди. Фарҳод билан танишганини, иккови кечаси Холидаларникига "махфий хат" олиб борганини ҳозиргина ҳикоя қилди, Холида эса ўша воқеадан сал олдин Фарҳодни туман марказидаги бўёқчи хотинникида учратганини, сўнг иккиси сирдошга айланганини сўзлаб берди. Ўша тўққизинчи синфда Динора "Бопладим" деганида, аслида "боплангани" аён бўлди. Қиссахонлик навбати Шоҳсанамга келгач, ўзи ҳақидаги жирканч миш-миш билан боғлиқ воқеани Диноранинг оғзидан эшитишни истади. У ҳам икки дугонасига кечириб бўлмас хиёнат қилган, буни писанда ҳам этди. Модомики, дугоналари йигирма йилдан бери фитнес уюштириб келаётган экан, уларнинг иқроридан сўнг, ўзи ҳам қараб турмаганини айтмоқчи. Ресторандаги шоу Динора ўйлаб топган томоша эканини била туриб, ҳақиқатни сўзлармикан?

Ҳақиқатни сўзлашдан қўрққани учун Жаббор Ўтамуродов сахнага чиққанида, ресторани тарк этмоқчи бўлди ё қўрмагани, аниқроғи, бачканалик учунми? Ахир, ҳар ким сирини айтадиган "Учлик-шоу" деган томоша ҳақиқатан ҳам бормикан дунёда? Номининг ўзиёқ одамнинг кўнглини айнитмайдими?

Динора дугоналарига ўгирилиб қараганида, Шоҳсанам ҳам ким биландир телефонда гаплашмоқда эди. Шундай виқор ва кибр билан сўзлардики, тишини қовлашни ҳам эп кўраётганди.

— Хўп, — деди Динора столга қайтиб, — ҳаммасини сўзлаб берман, Шоҳсанам. Нима бўлганда ҳам, сен... сен ҳам яширмайсан. То бугунги кунгача — ҳаммасини!

Шоҳсанам кўз остидан қараб, деди:

— Энди яширишдан нима фойда? Бор гапни айттайлик-да, турайлик. Учовимизга уч йўл.

— Ҳа-да, яширишдан фойда йўқ, — пиқ этиб кулди сархуш Холида.

\* \* \*

— Фарҳод секингина, чўзиб ҳуштак чалиб қўйганида, қоронги кўчада келаётган Акбар билан Шоҳсанамни таниган эди. — деб ҳикоясини узилган жойидан улади Динора. — Холидаларнинг ошхонаси шундоққина томорқа ортида кўриниб турар, парда ортидаги қиз бола сояси ҳадеб ликилларди. Билардимки, Холида кўпинча коса-товоқ юваётиб, мусиқани баландлатиб кўяр ва рақсга тушиб, юмуш бажарарди. Ҳозир негадир қўшиқ овози эшитилмаса ҳам у ликиллаб ўйнамоқда эди.

Холиданикига иш билан келаётганимизни айтдим. Акбар ишонмай, дам менга, дам Фарҳодга ўқрайди.

— Холиш ўзидан-ўзи ўйнаптимми? Жинни-пинни бўлганми? — деди Шоҳсанам. Шунда сездимки, у Холидадан эмас, Фарҳод билан бирга юрганимдан ҳаяжонланаётган эди.

— Қулоғида наушник бор, — изоҳ берди Фарҳод.

Биз Фарҳодга баб-баравар тикилдик. Дарьоқе, у Холиданинг плейери борлигини қаёқдан била қолди? Ҳали бундан биз — дугоналари беҳабар эдик-да.

— Бўлмаса, ўз-ўзидан ўйнамайди-ку, — деди Фарҳод. — Ҳозир

Германияда хизмат қилган аскарлар қайтишда стереомагнитофон, плейер олиб келишяпти. Шунақаларнинг биридан сотиб олган-да. Пул бўлса, чангалда балиқ... Э, шўрва демоқчи эдим, узр, қизлар.

Шубҳасиз, у Акбарга тегишган эди.

— Майли, нима ҳам дердик, — Акбар кўзойнагини бурнига яхшироқ кўндирди. — Қозонда шўрва бўлса, энг моҳир ошпаз ҳам палов сузиб келолмайди.

— Бу билан қозонингда палов йўқ, демоқчимисан, кўзойнак?

— Лақаб қўйишга отангнинг ҳам ҳаққи йўқ!

Иккиси сал бўлмаса ёқалашиб қолишарди. Бироқ мактубни бериш учун Холиданикига шошилдим. Акбар ортимдан чақирди, қарамадим. Фарҳод: "Мен уни кузатиб келганман", деб изимдан эргашиди. Бу кеча Акбар квант физикаси бўйича китоб ахтариб, Шоҳсанамникига борган экан, иккиси Холидаларникига чиқишибди ва кутилмаганда бизга дуч келишибди. Бир фитнани сезгандим, аммо ёшлик, гўрлик, соддалик қилганман — Фарҳод, Шоҳсанам ва Холидага ишонганман.

Орадан бир неча кун ўтиб, онамдан сўрадим:

— Шоҳсанамнинг аяси билан ўз дадаси нега ажрашган? Ажрашганларидан кейин дадаси ўзини осган экан, ростми?

Онам менга, эй Шоҳсанам, сенинг қисматинг билан боғлиқ куйидаги аянчли тарихни сўзлаб берган эди. Ўйлайманки, онамдан эшитган бу ҳикоя ҳар қандай одамнинг этини жунжиктириб юборади.

Шундай қилиб, бундан кўп йиллар муқаддам туман марказидан жануб томонда жойлашган, аввал-бошдан богдорчиликка ихтисослашган совхозда Зайнаб деган жувон яшаркан. Эрининг умри боғда ўтаркан, моҳир боғбон экан. Уларнинг Замон исмли ўғилчаси бўлиб, бола уч ёшга тўлганида, онаси туман марказидаги деҳқон бозорига ўрик сотишга келибди, пул жуда зарур экан. Бахтга қарши ўша куни ўғилчасига қараб турадиган ҳеч ким топилмабди ва жувон шўрлик бозорга бир қўлида бола, иккинчисида сирли челак билан кириб борибди. Бир челак мевани сотиш нима деган гап? Бирор олибсотарга арзонроқ берса, шу заҳотиёқ пулини санайди.

Бироқ олибсотарлар тупроқ нархини айтибди. Зайнаб кўнмабди ва деҳқон аёлларнинг қаторидан қулай жой топиб, ўтирибди. Харидорлар ўрикни сўраб-суриштира бошлашибди. Замон эса онасидан бир қадам ҳам узоқлашмай, ўтган-кетганга қизиқсиниб тикиларкан. Жуда ширин болакай экан у.

Шу пайт заҳил юзли, бадбуруш хотин пайдо бўлибди. Ўрикдан ҳам кўра болага шундай синчков тикилибдики, Зайнаб кейинчалик унинг нигоҳини эслаб, болани ўғирлаш мақсадида келганини пайқамаганига ҳайрон қолиб, ўзини қарғабди.

– Ўрик қанча, келинчак?

– Фалон сўм.

– Мана сенга фалон сўм, – шартта пул санаб узатибди хотин.

– Раҳмат, опагон.

– Хўжайинимнинг машинаси ҳув анави жойда, бозорнинг орқа томонида, – дебди аёл. – Идишимни олиб келмабман, капотда қолибди. Илтимос, келинчак, ўрикни машинагача элиб бер. Бунинг учун, мана, яна қўшимча ҳақ! Ол, олсанг-чи, келинчак! Пул одамни қаритмайди! Ўғлингни эса ўзим етаклаб оламан. Юра қол, болажоним! Оначанг билан бозорчага келибсан-да, полвонча!

Тўғри-да, Зайнаб катта ёшли аёлга челақни кўтартириб қўярмиди? Бадбуруш хотин Замонни эркалаб, авраб, бағрига маҳкам босибди. Қўлига "Ирис" конфет берганини-чи! Зайнаб ҳар гал ортига ўгирилганида: "Юравер, айланай, биз келаяпмиз, тиқилинча тўхтама", деб далда берган киши бўлибди. Ҳақиқатан, бозорнинг ўртасини кесиб ўтиш мушкул экан. Бир пайт Зайнаб қайрилиб қараб, оломон ичида на ҳалиги хотинни, на ўғлини кўрибди. Одамлар Зайнабни тобора четга суриб бораверибди. Ўғлимни етаклаган харидорни ҳам суриб юборишган, деган хаёлда Зайнаб четроққа чиқиб, аланглабди. Бояқиш хотин мени йўқотиб қўйганидан роса ташвишга тушгандир, деб ўйлабди содда келин. Ўғирлик етти ухлаб тушига кирибдими?

Шу-шу бола ҳам, бадбуруш хотин ҳам топилмабди. Ўша дамларда бир-биридан ваҳимали миш-мишлар тарқалибди. Қаердадир бир она дўконга кириб чиққунча, йўлакдаги аравачадан гўдақкинасини ўғирлаб кетишибди ёки қайсидир

постда милиция ходимлари иккита аёлдан шубҳаланишибди, чунки улардан бирининг қўлидаги бола ҳеч йиғламасмиш, шунда чақалоқ ўлик экани, қорнига эса наша тиқилгани маълум бўлибди.

Зайнабнинг боласи ҳақида ҳам одамлар турли тахминлар тўкишибди. Гўёки Замонни ўғирлаган хотин уни ўлдириб, ё нашафурушликда фойдаланган, ё тана аъзоларини сотган — донорлик жинояти. Айримлар эса бола бефарзанд оилада соғ-саломат катта бўлаяпти, дейишибди.

Бу воқеадан сўнг ёш она уч йил аза тутибди. Қизчаси тугилгач, дарду аламни унутибди. Қизчага Фароғат деб исм қўйишибди. Фароғатдан кейин Зайнаб қўша-қўша ўғил ва қизларни ҳам дунёга келтириб, бахтли онага айланибди. Бироқ ҳар замонда тўнғич фарзандини эслаб, ҳеч кимга билдирмай кўзёш тўкар экан. Айрим кунлари эса, мен бозорга кетдим, деб қош қорайганда қайтаркан. Одамлар "Зайнаб бечора ҳалигача Замонни бозордан ахтаради, шунча йилдан кейин худди уни ўғирлатган жойида қайтиб учратиб қоладигандек", деб гапиришаркан. Қизиги, Зайнаб ҳар гал бозордан қайтганида илгариги ғамгинлик, сўлгинлик ариб, кўзларида севинч ўтлари порлаб турармиш. Норасида гўдагидан айрилган кунни хотирлаб, ўша жойларни кўриб, азият чекиш ўрнига боласини кўриб қайтган онага ўхшармиш.

Йиллар ўтиб, Фароғат улгайиб, вилоят марказига ўқишга кетибди. Бўй етган қизларнинг эшигини совчи қоқади, лекин Зайнабникига совчидан аввал совуқ хабар келибди. Не тонгки, унинг қизи ифбатидан айрилиб, ҳомиладор бўлиб қолган экан. Йигит юқори курс талабаси бўлиб, бошқа вилоятнинг чекка туманидаги чекка тоғ қишлоғидан эмиш. Нима қилади энди? Қизини уруф-аймоғи, таг-зоти номаълум йигитга беради-да. Бир хатони бир таваккал тузатиши мумкин, адашган ёлғиз Фароғат эмас.

Тўй совиган ош каби қўпчиликка татимабди. Қиз номусига одамлар ҳеч қайси замонда шунчаки оддий нарсасдек қарамайди. Туппа-тузук оиладан чиққан қиз бундай номаъқулчиликка йўл қўйишига ҳеч қандай важ-корсон йўқ экан-да, эҳ... Яхшим, куёв жа тутуруқсиз эмас экан. Уларнинг бахтига Фаррух бир беванинг ёлғиз жигарбанди бўлиб, мундоқ

олиб қараганда, бинойидек оила вакили экан. Ёшлик қилиб бир адашган-да.

Вақт ўтган сайин Зайнабни бир савол қийнай бошлабди: куёвнинг онасини аввал қаерда кўрган экан? Куёвнинг ўзини-чи? Нега етти ёт бегона она-бола унга танишдек, жуда-жуда танишдек...

Ва ниҳоят эслабди: лаънатлар бўлсин, бу бозордаги ўша ўғри аёл эмиш! Йиллар ўтиб, қариб-чириб кетганига қарамай барибир танибди. Куёви эса тўққиз ой қорнида кўтариб юргани, сўнг бир парча гўштдан катта қилиб, уч ёшга тўлганида бозорда ўғирлатиб қўйган Замонжони...

Қуда аёллар ҳеч қандай гувоҳсиз юзма-юз гаплашибдилар. Шамол баргсиз дарахтларни ерга эгишга уринган, изиллаган эрга баҳордаги бехосият кун экан. Бадкирдор қуда аёл ўз жиноятини тан олибди. Даҳшатли ҳақиқатни эшитган Фароғат жинни бўлаёзибди. Фаррух эса асл исми Замон эканини билди. хотини ўз синглиси бўлиб чиққанига чидаёлмай жонига қасд қилибди. Фароғат фарзандининг келажагини ўйлаб, ўтмишини одамлардан яширибди, малъун қайнонаси билан шармандали қора тарихни эл-юртдан сир тутишга келишиб олибди. "Эрим билан кўп жанжаллашардик, у асабий одам эди, охири ўзини осиб қўйди", деб гап тарқатибди Фароғат.

Бир қиз туғибди. Қизга Шоҳсанам деб исм қўйибди. Бизнинг қишлоқдаги Бекқул аканинг хотини ўлиб, ўзига есир қидириб юрганида, қариндошларидан бири боғдорчилик қишлоғидаги Фароғатни кўрсатишибди. Шу тариқа Фароғат опа қишлоғимизга келин бўлиб тушибди, Шоҳсанам эса онасига эргашиб, ўгай отасиникига келибди.

Биз билан бир синфда ўқиётган, яқин дугона ва сирдош қизнинг тарихини онам сўзлаб бергач, бу қаттиқ сир сақланадиган воқеа эканини айтиб, ҳеч кимга гуллаб қўймаслигимни сўради. "Агар оғзингдан чиқса, катта жанжалга сабабчи бўламиз", деб қўрқитди. Дугоналаримга ҳеч нима демардим. Айтадиган битта одамим бор эди – Фарҳод.

– Шоҳсанам яхши қиз, – дедим бир куни, – лекин унга уйланомайсиз, Фарҳод ака.

– Нега? – ҳайрон бўлди ошиқ.

– Йигитмисиз?  
– Ие, бу нима деганинг, Динора?  
– Йигит бўлсангиз, йигитчасига ваъда беринг, ҳеч кимга айтмайман, деб.

– Нимани? Бундоқ тушунтириб гапирсанг-чи!  
– Биласиз, Шоҳсанам яқин дугонам. У менга бир сирини айтган. Ҳеч кимга, ҳатто энг сирдошимга ҳам очмаслигим керак. Сиз унга уйланмоқчи бўлаётганингиз учун кўра-била туриб, индамасликка виждоним йўл қўймаяпти.

Фарҳод ваъда берди, устига-устак қасам ҳам ичди. Шундан сўнг Шоҳсанам ўз тогасидан, яъни ака-сингилдан бўлган зурриёт экани ҳақидаги кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мудҳиш воқеани ҳикоя қилиб бердим. Шу-шу Фарҳод менинг олдимда Шоҳсанам деган исмни тилга олмай қўйди. У дугонамга уйланмаслигига юз фоиз ишонардим.

Бироқ кунларнинг бирида Холида иккимиз мактабдан қайтаётганимизда, у Фарҳод ҳақида сўради. Холида менинг Фарҳод билан ишқий алоқаларим хусусида ниманидир сездимикан, деб талмовсирадим:

– Исмоил аканинг районлик жияними? Нима қиласан уни? Ёзда бир хатни уйлариנגга бериб келганимиздан бери гаплашганим йўқ.

– Ким сенга гаплашдинг деяпти? Миш-миш эшитдим. Даҳшат!

– Қанақа? – юрагим товонимга тушди.

Негаки, мактубни элтиб бергач, Фарҳод иккимиз бефарқ эмаслигимизни нигоҳларимиз орқали бир-биримизга бирмунча вақт сездириб юрдик. Бир неча марта бегоналарнинг кўзидан пана жойда учрашиб, сирлашдик. Яширмайман, у мени огушига олган, ўпган. Мен ҳам шуни хоҳлаганман. Эртасига, индинига, бир ойдан сўнг яна ва яна келишига сабаб яратганман. Бироқ мени энгилтак деб ўйламанглар. Дастлаб учрашувга чиққанимда, Фарҳоднинг қилиқларидан шунчалик кўрқиб кетганманки, бировга айтишга тилим бормаган. Кўрққаним сайин яна учрашувга чиқишни истаганман. Кўрқувдан хуркак охунинг хаяжони, хаяжондан эса муҳаббат тугилган. Ҳар ҳолда ишқимнинг дунёга келишини шундай тушунаман. Ҳана дамларда ички бир сезги ила сезардимки,

Фарҳод шу қишлоқдан уйланар экан, мендан муносибини тополмайди. Топса ҳам, зимдан ҳаракат қилиб, фақат мени дейдиган қиламан. Ўзимга зеб бериб юра бошлаганим ҳеч кимга сир эмасди. Отамга арақ ичишни ташланг, деб ҳар куни нолаю фигон қилардим. Мол-қўйни кўпайтириш, уйимиз олдини бетонлаш, яхши еб-ичиб, яхши кийиниш ташаббуси билан чиқиб, оиладаги энг фаол одамга айлангандим. Бу, аввало муҳаббат эди, фитна эмас.

– Мактабни битирсак, уйдагилари Фарҳодга Шоҳсанамни олиб бермоқчи эмиш. Мана, сенга янгилик, Динор! – деди Холида. – Ўтган куни Гулсиннинг ўзи уни Фарҳодга чақириб берибди. Бу писмиқ учрашибди!

– Бўлиши мумкинмас, – деб қичқириб юбораёздим.

Ҳа-да. Мен Фарҳодга ўйинчоқманми? Кеча мени учрашувга чақириб, бугун дугонамга уйланмоқчи! Яна денг, хоҳлаган вақтида учрашувга чақирса, чиқардим. Кўнгли тусаса, мен билан ошиқ-маъшук бўлиб юради, тусамаса, бошқага уйланади, ўйинчоғини топиб олган экан-да! Нима, энди ҳеч ким қўлини теккизмаган бокира келинчак бўлиб бошқа йигитнинг гўшангасига қадам қўяманми? Бу не номардлик? Ҳе йўқ, чучварани хом санабсан, йигитларнинг қурбақаси! Менга уйланасан, тамом! Ичимда дедим: "Агар мени олмасанг, шундай қиламанки, сен ҳам, топган жуфтинг ҳам туғилганларингга пушаймон чекасанлар!.."

Холида билан зўрма-зўраки хайрлашиб, уйга келдим-да, юзимни ёстиққа босиб, хўнграб йиглаб юбордим. Фарҳод биринчи муҳаббатим, орзуимдаги шахзода, бошқа қизларнинг ҳам хаёлидаги йигит эди (дугоналарим ҳавас қиладиган йигитга турмушга чиқишни шунчалар хоҳлардимки!..). Наҳотки, энди ундан айирилсам? Боз устига дугонамга уйланса! Йўқ, бу ҳолда ўзимни ўлдириб қўйишим мумкин. Энг ҳайратланарлиси, нега Фарҳод Шоҳсанамнинг жирканч тарихидан кўз юмди?

– У ҳақда айтган гапларинг ёлғонга ўхшайди, – деди Фарҳод бир тўйдан қайтаётганимда, уйимиз ёнида тўхтатиб.

– Ёлғонми, ҳақиқатми, мен билан юриб, дугонамга уйланадиган йигитни танимайман, – деб жавоб бердим. – Умуман олганда, йигит ҳам ҳисобламайман. Йигит либосидаги хотин! Йўқ, бу ҳурматли аёлларга ҳақорат бўлади. Сиз



хунарасиз, бошқа ҳеч ким эмас! Юриб-юриб, ташлаб кетадиган ҳамма йигит шунақа, билдингизми?

— Бўлмаса, Шоҳсанам ростдан ҳам ака-сингилнинг боласи эканини исботлаб бер, — қатъий шарт қўйди Фарҳод. — Сен яхши қизсан, Динора, лекин уйимдагилар кўнмаса, нима қилай?! Айниқса, отамни билмайсан-да! Бир куни Самарқандга тошкалиш ахтариб кетганман. Сиёбга етганимда, маҳалладош таксичини учратиб қолдим. У: "Ҳозиргина уларнинг олдидан ўтдим, отанг, Кўқондан олиб келган тошкалишим бор эди, аҳмоқнинг боласи шаҳарга тошкалишга кетибди, деб сўкиб турган экан", деди. Ишонасанми, бозорга кирмай шу заҳотиёқ орқамга қайтдим. Эркин йигит кўринганим билан отамнинг чизган чизигидан бир сантиметр ҳам чиқмайман. Тоғамникига кўп келишимнинг сабаби ҳам шу — эркинликдан нафас олиш, хоҳлаганимдай яшаш. Шоҳсанам билан учрашиб юрибди, деб хато маълумот эшитибсан. Тоғам Бекқул аканинг олдига бир иш билан юборганди. Қариндошваччалар қишлоқларингдан қиз ахтараётганига қарамай, аслида кўнглимга ёққан қизга уйланаман. Менга эса фақат сен ёқасан! Дугонангга уйланишга мажбурлашса, тўйни фақат сенинг миш-мишни исботлашинг тўхтатиб қолади, чунки отам унақа зурриётни келин қилмаслиги аниқ.

Шундан кейин жирканч миш-мишнинг ҳақиқат эканини исботлашга киришдим. Кутилмаганда аянчли эмас, ибратли бошқа тарихга дуч келдим. Зайнаб опа ўғлини бозорда ўғирлатиб қўймаган экан. Бола ҳалигача ҳаёт бўлиб, у Шоҳсанамнинг отаси эмас эди. Аслида Зайнаб опа ўша куни бозорга кирмаган. Сирли жумбоқнинг ечими куйидагича, қулоқ солинглар. Аввало, онам қора тарихни кимдан эшитганини аниқлашим керак эди. Буни қандай эплайман? Ўзидан сўраган эдим: "Миш-мишнинг орқасидан тушма, ўласан", деб койиб бергач, узоқ ўйладим. Икки қишлоқ нарида бир қариндошимиз бор эди. У хотин фитналарнинг устаси эди. Негадир мени жуда яхши кўрар, доим ўпишиб сўрашар, "Ойна, ишинг, ўқишинг, соғлигинг яхшими? Мактабни битирай деб қолибсан, ҳеч қайси йигит хафа қилмаяптими? Хафа қилса менга айт, терисига биргалашиб сомон тикамиз", дерди. Эски тилла сирғам бор эди, қариндошимиз эса тиллага ўчлиги билан

ҳамманинг оғзига тушганди. Онамга тилла сирғамни йўқотиб қўйганимни айтдим. Ўша хотинга мукофот ўрнида бериб, мақсадимга эришмоқчи эдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қариндошимизни кўчамиз охиридаги отасининг уйига келганида кўриб, бир иш борлигини маълум қилдим, тилла сирғамни мукофот ўрнида таклиф этдим. Сирғамни олмади, аммо харидор борлигини айтди. Сўнгра иккимиз тилла сирғанинг пулига олис вилоятга — Шоҳсанамнинг отасини уч ёшлик чоғида ўғирлаб, фарзанд қилиб олган кампирникига жўнадик. Бироқ бола ўгриси аллақачон бандаликни бажо келтирган экан.

— Нима иш билан келдиларингиз ўзи? — сўради унинг уйила яшовчи эр-хотин. — Сир бўлмаса, бизга айтарсизлар? Момомиз вафот этган бўлса, мана бизнинг ёрдамимиз тегиб қолар?

Қариндошим ёлғон қўшиб-чатиб мақсад-муддаосини баён қилгач, эр-хотинни ўй босди. Шунга ўхшаш миш-миш уларнинг-да қулоғига чалинган экан. Бироқ жа унчалик эмаслигини гапирдилар. Сирли воқеа ҳақида асл ҳақиқатни марҳуманинг саккиз чақирим наридаги дашт қишлоғида яшовчи кампир ўртоғи билиши мумкин эмиш. Икки кампир охирги дамларда эшак миниб, кўп борди-келди қиладиган, сирлашадиган бўлиб қолишган экан. Биз қишлоқдаги бир одамнинг "Урал" мотоциклини кира қилиб, даштга тушдик. Ниҳоят, кампирни топиб, Шоҳсанамнинг ота-онаси фожиаси хусусидаги бор гапни билиб олдик. У бизга қасам ичирган, бугун қасамимни бузиб, нима эшитган бўлсам, сўзлаб бераман. Худо мени кечирсин. Фақат мени эмас, бошқаларни ҳам.

Зайнаб опа асли келиб чиқиши дарёнинг ирмоқ томонидаги бир қишлоқдан бўлиб, Саҳодат исмли опаси бор экан. Опасингил бошқа укалари, сингилларига қараганда иноқ ва ораларидан қил ўтмас сирдош эканлар. Бу иноқлик иплари оғир кунларда ҳам узилмабди. Исботи шуки, Саҳодатни отаси оқ қилганида ҳам Зайнаб опа яширинча учрашишни канда қилмабди. Нсга ота оқ қилиб, туққан онаси ҳам воз кечган? Саҳодат бир йигит билан севишиб қолган. Айримлар йигит уни "иситиб" олган деса, айримлар бу шунчаки инсоний муҳаббат дейдилар. Саҳодатнинг ота-онаси эса уруг-аймоқчилик, қавм-қариндошликка қон-қони билан

муккасидан кетган инсонлар бўлишган, йигит эса ўша атрофдаги аҳоли қиз олиб-қиз бермайдиган лўлиларнинг қандайдир паст табақасидан экан. Ота-она тўнғич қизлари овлоқ макондаги чолдеворда яшайдиган оила вакили бўлмиш қора йигит билан қочиб кетганига асти чидаёлмаганлар. Бу ҳеч нима билан ювиб бўлмас оғир гуноҳ, оғир иснод эди уларга.

Бир йил ўтгач, Зайнаб опани, агар у киши Шоҳсанамнинг бувиси эканини ҳисобга олсак, Зайнаб момони туманимиздаги боғдорчилик хўжалигида боғбон бўлиб ишлайдиган йигитга турмушга узатишади. Шундан сўнг Зайнаб момо опаси Саҳодат билан икки йилча кўришолмайди. Саҳодат йигирма чақиримча наридаги шаҳарча яқинида яшарди. У барча қариндошлари учун ўлган эди. Қаерда, қандай яшаяпти, ҳеч ким, ҳатто онаси ҳам қизиқмас эди (балки онаси тақдирга тан бериб, дардини ичига ютиб яшагандир). Қизи хатосини тушуниб ёки ҳайдалиб қайтиб келса, бу уларга аввалгидан-да ортиқ шармандалик эди, оқ қилинган қиз барибир уйга киритилмасди, қишлоққа гап-сўз бўлгани қоларди, шу боис Саҳодат учун ёлғиз бир йўл бор эди — ўша йигит билан ўла-ўлагунча яшаш, ўлигини қондошларига кўрсатмаслик.

Хуллас, кунларнинг бирида Зайнаб момомиз қўлида икки ёшлардаги боласи билан туман марказидаги илгирнинг уйидан қайтаётган экан, бир лўли хотин тўхтатибди. "Анави дўкон орқасида сизни опангиз кутаяпти", дебди у. Опа-сингил узоқ ва азобли айрилиқдан кейин хўнг-хўнг йиғлаб кўришибдилар. Саҳодат кичкина Замонжонни шунчалик суйиб-эркалабдики, сингил оқпадар опанинг юрагида яна бир оғир дард борлигини англабди.

— Олти йилдирки тирноққа зормиз, — дебди Саҳодат.  
— Поччангнинг яқинлари мени ҳайдаб юбориб, ўз қавмларидан бўлган қизга уйлантиришмоқчи. Ялиниб-ёлвориб яна икки йил муддат сўрадим. Агар шу муддат ичида туғмасам, тамомман. Фол очирдим, ҳали-бери туғмас эканман. Шифокорлар ҳам текшириб, болали бўлиш имкони деярли йўқлигини айтишди...  
— Саҳодат яна юм-юм йиғлабди. — Битта йўл қолди, сингилжоним: ўзимни ўзим ўлдириш. Мен эримдан ажрашиб, ҳеч қаерга сиғмай... яна ким биландир турмуш қуриб кетолмайман. Поччанг билан севишдик, отам оқ қилишини

ўйлаб кўрмагандим. Агар ажрашсам, энди мени ҳеч ким фотиҳа билан иккинчи турмушга узатмасликни олдиндан билиш, худди фоҳишадек ёлғиз, ҳеч кимсиз ва фотиҳасиз эрга тегиб кетиш... нима деган гап? Бунга иккинчи марта чидолмайман.

Зайнаб момо опасининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилибди. Иккиси тез-тез шу ерда учрашишга келишиб олишибди. Бир куни Саҳодат эри ва қариндошлари бола асраб олишга рози бўлганини айтибди. Бироқ ким ҳам боласини берарди? Сотиб олишга эса шўрлик Саҳодатнинг пули йўқ экан. Бу вақтда Замонжон уч ёшга кирган эди. Зайнаб момо сеvimли опажонисидан жудо бўлмаслик учун оғир ишга қўл урибди – ўз ўғлидан кечиб, опасига беришга қарор қилибди. "Белим тўла бола, истаганимча туғиб олавераман", дебди. Шарти шу эканки, Саҳодат ҳар ойда ўғлини туман марказига олиб келиб, она-болани учраштиради. Она-бола учрашуви қанчалик мушкул бўлмасин, айна ламда шунчалик сеvimли ҳам экан. Зайнаб момонинг боладан кечгани, учаласининг махфий учрашувлари бошқалардан қаттиқ сир тутилибди. Зайнаб момо боламни ўғирлатдим, деб гап чиқарибди. Ҳар ойда туман марказига бориб, худди ўғлини кўргандек енгил тортиб қайтишининг сабаби ҳам шу экан: аслида чиндан ўғли ва сеvimли опажонисини кўриб қайтаркан.

Йиллар ўтибди. Зайнаб момонинг қизи Фароғат опа олис вилоятлик йигитга тўй бўлгач (икки ёш "юриб қўймаган", севишган экан, холос), ўша жирканч миш-миш тарқалибди. Шоҳсанамнинг отасини кўпчилик Замонжонга ўхшатиб, ака ўз синглисига уйланган бўлиб чиққанмиш, деб гап урчитишибди. Куёв ўзини ўлдиргач (узун-қулоқ гапларга қараганда, синфдош ўртоқлари ўлдириб қўйиб, "ўзини осиш" воқеасини ўйлаб топишган эмиш, чунки Фаррух ўз жонига қасд қиладиган йигит эмас экан), гўёки миш-мишлар ўз тасдиғини топгандек бўлибди.

Ушбу тарих даштлик кампир томонидан нега сир тутилди? Зайнаб момо "Боламни ўғирлатдим", деб алдаганини умрининг охиригача ҳеч ким билмаслигини қудасидан ўтиниб сўраган экан. Шунга қарамай қуда аёл сирни даштлик дугонасига айтгани унинг тагига бизнинг етишимизга сабаб бўлди. Ҳа, Фароғат ва Фаррухнинг тўйидан сўнг икки қуда аёл жирканч

миш-миш масаласида шартлашганлар. Эл оғзига элак тутиб бўлмайти, модомики, одамлар Фароғат ва Фаррухни ака-сингил деб гап қилишган экан, асл тарихни фош этиб, ниманидир исботлаб бўлармиди? Қолаверса, тенг кўрилмайдиган қавмга ўз боласини тортиқ қилгани учун Зайнаб момога лаънат ёмғири ёғилиши ҳам ҳеч гап эмасди.

Шу тариқа биз Шоҳсанамнинг бувисига дугона бўлган даштлик кампирдан ҳақиқатни эшитдик. Кайфиятим тушиб кетди – шунча харажат, шунча йўл. Нимага эришдим? Шоҳсанам рисоладагидек ота-онанинг зурриёти экан-ку, мен аҳмоқ эса не ташвишда юрибман.

– Фарҳод ака, миш-миш рост чиқди, – дедим Фарҳодни туман марказида учратиб. – Ишонмасангиз, гувоҳни кўрсатаман.

– Рост эканми? Қани гувоҳ? – Фарҳод фитнамга дарров учди.

Мен қариндош хотинни рўпара қилдим. Биз йўлда Фарҳодни қандай ишонтиришни ўйлаб олгандик.

– Ука, гап бундай, – деди қариндошимиз йигитни бир четга чақириб, – сизни тилига маҳкам, ориятли, мард йигит деб биламан. Бу гаплар шу ерда қолсин. Динора синглим сизни деб мени қаёқлардаги қишлоқларга олиб борди, биргаликда қариялардан сўрадик, минг машаққат билан бўлса-да, аниқладик. Миш-миш рост! Одамлар бекорга гап чиқаришмайди. Ҳозир ўйлаяпсиз, ука, нега бу иккови миш-мишнинг орқасидан қувиб юрибди, деб? Тўғрисини айтсам, Динора синглимнинг сизда кўнгли борга ўхшайди, бекорга сиз учун жон куйдирадими? Уйлансангиз шундай қизга уйланасиз-да, ундан ортигини тополмайсиз.

Шоҳсанамни шу тариқа йўлдан суриб ташладим. Холидага қарши кўп курашмадим. Ота-онасининг доимий уриш-жанжали косани тўлдирган эди, бир томчи висир-висир гап кўшилиши билан тошиб, ажрашиш юз берди. Онаси энгилтаклик билан ном чиқарган хотиннинг қизини ким ҳавас билан келин қиларди?

Бизнинг яшаш тарзимиз яхшилана бошлади, отам арақни ташлади, пул топишга қизиқиши уйғонди. Исмоил аканинг порахўрлик устида қўлга олиниб, қамалиб кетиши ҳам менга

омад келтирди. Уларнинг оиласи чўкиб қолишини, бизга иши тушишини хаёлимдан кўп ўтказганман. Хаёл ҳақиқатга айлангач, Гулсинларга далда берадиган, гоҳида ёғ, ун, макарони тугаб қолса, уйимиздаги маҳсулотлардан қарзга чиқарадиган бўлдим. Сиртдан қараганда, бу қўшничиликдек кўринса-да, менинг "қора орзум"нинг ушалгани эди. Фарҳод ҳам тоғасиникига келганида, қанчалик эсли-хушли қиз эканими кўриб, менга муҳаббати ошгандан ошиб бораётганга ўхшарди.

Йиллар ўтди. Бировларнинг ҳаёти билан қанчалик ўйин қилган бўлсам, мени ҳам ўйинчоқдек ўйнатишганини бугун билдим. Эй Шоҳсанам, мен – дугонанг ана шунақаман! Энди сен ҳикоя қилиб бер. Эрим уч дугонадан ҳам баттар маккор эканини сенинг оғзингдан ҳам эшитай.

\* \* \*

Шоҳсанам рўмолчаси билан кўз атрофларини артиб, шарбат хўплади-да, синиқ кулумсиради. Сўнгра қатъият акс этган нигоҳини Динорага қалади.

– Кутубхонада уззу-кун ўтиравериб, китоб ўқимайдиган одам ҳам ўқийдиган бўлиб қоларкан. Кеча бир журнални варақлаб, "Рўмолчангиз ёнингиздами?" номли ҳикояга кўзим тушди. Унда ёзилишича, рўмолча румин тилида "батиста" деб аталаркан. Сабаби, авваллари рўмолча асосан батистдан тайёрланган. Биз – ҳаммамиз инсонмиз. Батистдан тайёрланган рўмолчани ўз материали билан "батиста" деб аташар экан, бизни ҳам бекорга "инсон" дейишмаган. Фақат гўшт, суяк, қил, қон, пайлардан иборат эмасмиз. Бизнинг асосимиз – инс, яъни руҳ. Айтишадикун "инс-жинс" деб. Лекин ичимиздаги ўша инсни фақат ўз манфаатимиз учун ишлатганмиз. Хўп, бу ёғини жа китобий гапларга тўлдириб юбормай. Оддий қилиб айтганда, мен ҳам Фарҳоднинг тузоғига илинганман. Бир аёлнинг макри қирқта туяга юк бўлади, аммо бир йигитнинг макрларига уч қиз паққос тушганмиз. У учаламизни ҳам жонсиз, ақлсиз, иффатсиз қўғирчоқдек роса ўйнатгани маълум бўлди. Хумордан чиққунча устимиздан кулган экан. Эҳ, онаси ўпмаган қизлар! Битта олифта, бойвачча йигит учун шунчаликка бордикми?

Мен ҳам илинган бўлсам-да, ҳузур қилиб ўч олганман.

Қанақа ўч дейсизларми? Унга турмушга чиқмадим. Касал эканини мактабни битирган йилимиз билиб қолганман. Ҳа, у касал эди, касал эканини ҳаммамиз билиб юрибмиз, айниқса, сен – Динора, унинг хотинисан. Ютдим деб ютқаздинг. Гапларим сени қанчалик таажжубга солаётганини кўриб турибман. Ўзинг айтдинг, бугун ҳақиқатни гапиришимиз керак, ҳа, фақат ҳақиқатни. Сизлардан фарқли ўлароқ мен унинг бир имосига зор эмасдим. Фарҳод – кўп қизларнинг орзусидаги йигит эди, шу жумладан, менинг ҳам. Бироқ менинг ишонганим бор эди. Ўғай отасининг бойликларига бунча орқа қилмаса, деманглар. Бунақа ўйлашларингдан мактаб давридаёқ безор бўлганман. Одам ўз қадрини билиши учун жуда-жуда яхши инсон бўлиши ёки бой бўлиши шарт эмас. Биласизлар, бойликлари меники эмасди. Икки марта турмушга чиқиб, турмушим бузилиб, мана, кўриб турибсизлар, маошига кун кўрадиган оддий кутубхоначи аёлга айландим. Феълим ҳам яхши эмасди. Шуларга қарамай, нега Фарҳод учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қилмадим? Қиз боланинг андишасими? Элдан уялишми? Йўқ. Биз ҳақимизда кўпинча "Қиз бола шайтон бўлади", деб гапиришади. Бировнинг кўнглини забт этмоқчи бўлсак, очиқ-ошкор ҳаракат қилиб ўтирмаймиз. Кимдир учаламизнинг ҳикоямизни четдан эшитса, "Мусулмон қизлари бир йигитга талашиб, жуда беэтак экан-ку булар", дейиши мумкин. Сен, Динора, боя ҳикоянгда эрингнинг бир гапини айтиб ўтдинг: қизлар осиеликми, европаликми, аслида ички дунё бир хил, яъни ҳар бир инсоннинг кўнгли муҳаббатни, бахтни, орзусидаги йигит билан яхши яшашни тусайди. Бу фикрга қўшиламан. Биз ошкора қўлтиқлашиб, севги ҳақида ҳам очиқ-ойдин гапириб юрмаганимиз билан севгидан йироқ эмасмиз. Ўтган куни кутубхонамда икки ўқитувчи баҳслашаётганида гапларини беихтиёр эшитдим. Америкалик бир ёзувчи романида "Мусулмонлар итни ёқтирмайди, ҳаром деб ҳисоблайди, шунинг учун ўз уйидан жой бермайди, битта хонада ухламайди", деб ёзганмиш. Бири тўғри деса, иккинчи ўқитувчи нотўғри, дерди. Иккинчи ўқитувчининг фикрича, мусулмонлар итни яхши кўради, аммо бир уйда яшаш ислом маданиятига тўғри келмайди. Мен иккинчисининг гапига қўшилдим. Нега энди мусулмонлар итни яхши кўрмас экан?

Ўгай акамлар итнинг жинниси эди, шунақа итлари бор эдики, эсларингда бўлса, бир гал раҳматли Акбар синфдошимизни тишлаб олганди. Итни уйига киритмаса, бир дастурхондан овқат емаса, бу "Мусулмонлар итни ёмон кўради", дегани эмаску!

Итни шунчаки мисол келтирдим, ҳеч кимни ит демоқчи эмасман. Бу ерда одамнинг кўнгли бир хил, фикрлаши, ташқи кўриниши, яшаш тарзи ҳар хил экани ҳақида гап кетаяпти. Бир йигитга учаламиз уч хил ёндашганмиз. Менинг фикрим шундай эди: қиз бола севадим, севмайдими, йигитга ички дунёсини очавермаслиги керак. У сирлилигини сақлаб қолса, муҳаббат оловини сақлаб қолган бўлади. Фарҳод менга битта хуштак чалган заҳоти кучукваччага ўхшаб думимни ликиллайтиб чопганимда эди, бундай муҳаббатнинг умри қисқа бўларди. Айрим қизлар "Йигитга кўрслик қилсанг, севги изҳорини рад этсанг, учрашувга чиқмасанг, кейин қайрилиб қарамай кўяди". деб кўрқишади. Қизларнинг энг катта хатоларидан бири шу. Ё нотўғрими? Гапим турмуш қурмаган йигит-қизларга эмас, оилалиларга ҳам тааллуқли. Эринга бор сирингни олдириб кўйсанг, нима қизинг қолади? Бегона аёл сирли туюлиб, ошиқ бўлиб, ҳатто уйланиб, бир неча йилдан сўнг "Аввалги хотиним яхши эди", деган эркакларни кўрмадикми? Иккинчи аёл шунчаки унга сирли туюлган, холос.

Мен Фарҳод учун ҳамаша сирли эдим. Бир куни Гулсиндан хат бериб юборибди. Очдим. Шундай сатрларни ёзибди: "Шоҳсанам, қишлоқларингга болалигимдан бери келаман, на катта қизлар, не тенгқурларим ичида сендек қизни учратдим. Бутун район, бутун мамлакатда сендек қиз йўқ. Агар бугун кечқурун уйланинг орқасидаги чорбоққа чиқсанг, иккита совға бераман. Бири — яқин дугоналарингнинг ҳақиқий қиёфаси ҳақидаги сирлар, иккинчиси — онамнинг сенга атаб бериб юборган буюми. Ишон, мен ёмон йигит эмасман!"

Чиқди, деб ўйлайсизларми? Асло. Хатни ўқиб, майда-майда қилдим-да, уйимиз олдидаги райхонлар устига сочиб юбордим. "Жиянингизга айтиб кўйинг, мен у ўйлаган қиз эмасман", дедим Гулсинга. Бундай муомалани кутмаган Гулсин: "Вой, жиянимга нима қилибди? Нега уни ерга урасан?" деб кибрланган эди, дедим: "Ие, Гулсин опа, бўлмаса, мен ўзимни ерга уриб, у



билан учрашувга чиқайми? Ота-онам кимга узатса, ўшани эр дейман. Дуч келган йигит хат ёзса, эргашиб кетаверсам, обрўйим бир энлик хат экан-да?"

Гулсин ўчди. Ичимда эса нарданинг таваккал тошлари тақдир супасига ҳаволатиб отилган эди. Неча рақамлар тушади, мен ютаманми, ютқазаманми, билмасдим. Орадан бир ҳафта ўтгач, кечаси хонамга кирдим ва ўзимга тўшак солиш учун чироқни ёққан эдим, дераза ойнаси оҳиста чертилди. Аввалига шундай туюлди, деб ўйладим. Иккинчи марта тақиллади. Дераза пардасини жаҳл билан очиб қарасам, бир нотаниш йигит турибди. "Вой!" деб бирдан ортга тисарилдим. Нотаниш йигит деразани учинчи марта тақиллатиб, паст овозда гапирди:

– Шоҳсанам, кўрқманг, бу мен – Фарҳоднинг жўраси. У сизни кутаяпти, қараворасизми? Илтимос, ёмон хаёлга борманг. Муҳим иш! Бизни тўғри тушунинг.

– Нима керак сизга?

– Фарҳоднинг гапи бор. Мени танисангиз керак, районлик Носирман.

Овозимни пасайтириб дўқ урдим:

– Қани, жўнанг бу ердан! Фарҳод-Парҳодни танимаيمان! Тавба, ўғрига ўхшаб ярим кечаси деразамни тақиллатишини!

– Шоҳсанам, нега кўрқасиз? Агар бугун Фарҳод билан гаплашмасангиз, ўзини бир нима қилиб қўяди.

Дераза табақасини очиб, йигитга нарироқ туришни буюрдим. Шу пайт:

– Шоҳсанам, – деб чақирди қоронғиликдан кимдир.

Куриган шох қирс этиб синиб, шарпа кўринди. Қарасам, чорбоғдан Фарҳод чиқиб келаяпти. Маст десам мастга, девона десам девонага ўхшамайди, илло алланечук ўзгача. Урфга кирган малла пиджагини (шу пиджакда кундуз дўкон олдида кўргандим) елкасига ташлаб олган эди. Рўпарамда тўхтаб, бошини илкис силтаб, кўзига тушган сочини йигиб қўйди.

– Чиқмайсанми? – сўради хўрланган одамдек.

– Нима?

– Истасанг шу ерда туриб гаплашамиз, – деди у. – Носир, сен кўчада кут. Бирор одам кўринса беркин, бу қишлоқда бегона болани кўрса, ўласи қилиб дўппослайдилар, ўлигингни районга олиб кетиш ниятим йўқ. – Кейин деразага яқинлашиб,

деворга кўксини бериб, жилмайди. — Сени ўзим чақиришдан қўрқмайман. Ҳаяжон... кечаси деразангни тақиллатиш ҳаяжони бутунлай қалтиратиб қўйди. Қара, қўлларим қандай титрапти. Ушлаб кўр!

Дераза баланд эди. Фарҳод билан илк учрашувимиз шундай кечди: у қўлларимдан тутиб, кўзларимга пастдан термулиб сўзлади. Мактубини йиртиб ташлаганимдаги шахдим ғойиб бўлган эди, бир неча дақиқа индаёлмадим. Дарвоқе, чин зарда билан йиртилмагани ўша нома.

— Бундай фикрингиз борлигини Гулсин опа хат келтириб бермасидан аввал сезгандим, — дедим Фарҳод дил изҳорини айтгач. — Қўлимни қўйворинг. Бу биринчи ва охири марта қўлимдан ушлашингиз!

— Севги фикр эмас, туйгу, — деб жавоб берди Фарҳод.

— Кечаси қиз боланинг деразасига осилиб, қўлидан ушлаш севгими? Қизларни шунақа сурбетчасига оғдириб олиш мумкин, деб ким ўргатган бўлса, боринг-да, юзига бир тарсаки туширинг. Туширолмасангиз, кимлигини айтинг. Ўзим шармандасини чиқараман.

— Шоҳсанам, ахир...

— Илтимос, суйингиз борида жўнанг.

— "Суй" дегани нима экан?

— Меҳр, ҳурмат, иззат.

— "Суймоқ", "севмоқ"... Ҳ-мм, суюмли эмасман, аммо ҳозирча суюм бор экан... Нима ҳам дердим, шунисига ҳам шуқр.

— Қўйворинг!

— Бажонидил, — дея қўлимни бўшатди, — шунақа қиз эканингни билардим. Қара-я, қўлини ушлаганимда чинқириб юборди ёки индамайди, деган хаёл ҳам йўқ эмасди. Худди мен ўйлагандек оғир-босиқ, ақлли қиз экансан. Бир гап айтсам, сир сақлайсанми?

У икки дугонам — Динора ва Холида ҳақида шундай гапларни гапирдики, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Ҳақ гапни айтганда, бундай маълумотга чиркин қалбим мўйил эди, шунинг учун жимгина тингладим (Холиданинг уйига кечаси хат олиб бориш ҳам бир томоша эканини кейинчалик билдим. Динора билан Фарҳод Холиданинг онасига хат олиб борган кечада ҳали ишқий учрашувлар бошланмаган эди). Наҳотки,

дугонам деб хаёл қилганларим, умуман учаламиз ҳам бир-биримизга душманмиз? У ҳолда шунча йиллик сохта дўстлик, ҳар кунги иккиюзламачилик нега керак? Мактабни битиргунча ҳамроҳ, гарчи у чин дўст бўлмаса-да, шунчалар зарурми бизга? Шу сабаб мактабдан сўнг кўпинча дугоналик ҳам хотима топар экан-да? Ҳар ким эри, рўзғори, бола-чақаси билан бўлиб, қизлик давридаги дугоналарини унутиб юборади, десалар ишонардим. Ҳақиқатда эса вазият бошқача – биз бошиданоқ дугона бўлолмаганмиз, ўзимизни алдаб яшаганмиз.

– Билиб қўйинг, – дедим Фарҳодга, – дугоналарим қанақа қиз бўлса, ўзларига! Ҳар ким экканини ўради. Барибир ноғорангизга ўйнамайман! Мени тинч қўйинг.

У дераза табақасини бекитишимга қўймади.

– Севгимнинг исботи учун эрталабгача шу ерда тураман. Шунда ҳам ишонмасанг, ҳар куни келаман. Ёмғирми, қорми, фарқи йўқ. Музлаб ўлсам ёки отанг уриб ўлдирса, уволимга қоласан! Ишонмаяпсанми?

– Билганингизни қилинг.

Деразани қулфлаб, пардани ёпдим-да, тўшагимга кириб, кўрпага буркандим ва кўзимни чирт юмдим. Кўрпа ичида юрагим уриши аниқ-тиниқ эшитиларди. Миям бетиним ишлар, Фарҳод билан бошланажак муносабатим, бунинг оқибатлари, ютиш-ютқазим (бир кун келиб айниб кетиши ҳеч гап эмасди), дабдабали тўйим, келинчак либосида юришим ҳақида ўйлардим. Бироқ ўйдан наф йўқ эди. У ростдан дераза тагида ўтирарди, шундоққина девор ортида. Тунги салқиндан ёки зерикканидан кетиб қолса керак, деб ўйладим, аммо тонг-азонда уй орқасида онамнинг ёзғиришидан уйғониб, ўрнимдан апил-тапил турдим. Онам дераза ойнасини синдиргудек урди ва:

– Ким ётувди манави ерда? – деб бақирди. – Сендан сўраяпман, Шоҳсанам? Оқшом ким келувди, деяпман?!

– Қаерда? Ким ётган экан?

– Деразанинг тагида! Қаерда бўларди, шарманда!

– Мен қаёқдан билай, ая?!

Фарҳод онамни кўриб, ура қочиб қолибди. Онам: "Кимнинг боласи экан? Таниш туюлдию, таниёлмадим-да!" дея кун бўйи гапириб юрди. Тентакка ҳам, соғга ҳам ўхшамайдиган йигитни

таниганида, Исмоил ақаникига бориб, жанжал қилиши тайин эди. Фарҳод иккинчи кеча яна келишини ўйлаб, ўйга толдим. Бунча тез таслим қилмаса-я! Шошқалоқ!

Эсларинглами, йўқми, кунларнинг бирида қўшнимизнинг қизи мактаб ҳовлисидаги водопровод олдида – катта танаффусда тонгги дайди ҳақида оғиз очганда, жеркиб бергандим. Иккаланг ҳам нима воқеа рўй берганини сўрадинглар. Мен: "Битта маст уйимиз орқасида ухлаб қолибди", дедим. "Маст" эса иккалангнинг севгилинг Фарҳод ўғри эди. Ҳа, у ўғри! Бизнинг ишончимиз, садоқатимиз, меҳримиз омонат эди, аммо ўртада ўғри бўлмаганида, балки ўғирланмас ҳам эди. Сўнгги нафасигача дугоналигича қолганларнинг кўпчилиги бир умрга татигулик меҳр-муҳаббатга эга эмаслар, деб очиқ-ошкор, қўрқмасдан айтоламан. Уларнинг шунчаки омадлари чошиб, Фарҳод каби бахт ўғрисига дуч келишмаган, холос. Биз – уч қиз ҳар кuni мактабда, кўча-кўйда учрашардик. сирлашардик. кимларнингдир гийбатини тўқирдик. Бир-биримизни алдаб яшаётганимизни кўзларимиз айтиб турса-да, сир бой бермаслик илинжида ўлиб-гирилиб артистлик қилардик. Юракларимизда битта сиймо, битта "муҳаббат" – Фарҳод эди. Нега ҳар доим, то шу бугунги кунгача учаламиз жилмайиб, кучоқлашиб, ўпишиб ҳол сўрашдик? Нега ҳис-туйғуларимизни яширдик? Ҳаёли, иболи бўлиш учунми? Ахир, хиёнаткорлик бошқа, ҳаёлилик бошқа-ку! Ҳозир ўйлаб кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмаяпман. Сен – икковинг менга хиёнат қилдинг, тўғрими? Мен ҳам қолишмадим!

Ўшандаёқ нимани ўйлардим, буниям ошкора айтаман. Фарҳод билан учрашган кечаларимнинг эртасига икковингга ҳам меҳрибончилик қилиб, хушчақчақ гаплашардим, кўнгилларингни кўтариб, шу тариқа гўёки виждоним олдидаги гуноҳимни ювардим. Мана, менинг фалсафам! Уларнинг бахтини тортиб олганинг учун меҳрибонлик қил, жилмайиб гапир, қўлингдан келганича бошқа нарсалардан ёрдам бер! Шунда гуноҳларингни сал бўлса-да ювган бўласан! Эҳ, шайтоний ўй-хаёлларим...

Йиллар ўтди. Ғалати фалсафам бошқа ишларимда ҳам қўл кела бошлади. Онамнинг ёрдамини ҳам айтиб ўтишим керак.

Онам дерди: "Қизим, одамларга яхши гапир, чунки яхши гап бепул, сен эса бепул гап билан кўп мол-давлатга эга бўласан! Айниқса, бировникига кирсанг, олдинга овқат қўйса, мақтаб-мақтаб ич, шилдир шўрвани қўй гўштли қайнатма шўрва деб тасаввур қилолсанг, бахтли бўласан". Бироқ онам менга ҳеч қачон дугонангнинг севгилисини тортиб ол, демаган. Биз севги ёки йигитлар ҳақида ақалли бир марта ҳам гаплашмаганмиз, бироқ онамнинг айёрона ўғитларининг самараси ўз сарҳадларидан тошиб чиқди. Ишқ, эр ва турмуш бобида ҳам ўзимни тажрибали ҳис этардим. Ўша кунги воқеадан сўнг Фарҳодга "таслим бўлдим". Унга кўп қизлар ошиқу шайдо экан, нега оғзимни очиб ўтирар эканман? Бир имо билан эргашиб кетмасдан ҳам йигитни қўлга олиш мумкин. Ширин гап дунёдаги барча сандиқнинг қулфига тушадиган калит. Бироқ Фарҳодга қатъий шарт қўйдим: менга уйланишга ишонтирсагина учрашувларга чиқаман, акс ҳолда... аҳмоқ бўлиб аро йўлда қолишни истамасдим. Биласизларми, Фарҳод энг азиз нарсалар ҳаққи қасам ичган. Биз — дугоналар қанчалар тубан эканимизни йигирма йил ўтиб тан олдик, у-чи? У бизни бахтиқаро қилди, ўзини ҳам! "Худди иффатидан айрилган, ташландиқ қизга ўхшаб гапираяпти", дейсизларми? Тўғри, бўйимда бўлиб қолмади, лекин қалбимдаги иффат-чи? Қиз бола учун ботиний ибодат-ҳаё биринчи эмасми?

Фарҳод мендан илк марта бўса олганида, сархушликдан ўзимни йўқотиб қўйгандим. Шу-шу у икки ҳафта қишлоқда қорасини кўрсатмади. Негадир унутиб юборишни истардим. Тўсатдан мактабни битирсаму бошқа бир бой ва машҳур йигитга турмушга чиқсам! Интиқ қилгани учун Фарҳод иккала қўлини бурнига тиқиб сўппайиб қолса, эримнинг машинасида кетаётганимда, бизга қараса, жиз-жиз куйса!

У отаси уйдан чиқармай қўйганини баҳонаю сабаб қилганида ишонардим. Отаси ҳақиқатан қаттиққўл эди. Гулсин эса аммаваччасини мақтайвериб, эсимни кеткизарди. Мақтов ҳамаша ўргимчак ипларидек бир қалбни бошқа қалбга чирмаб боғлаган. Ёмон гап эса албатта бунинг акси. Дарҳақиқат, "енгмоқдаман" деб юрган кезларимда ногоҳон қаттиқ зарба едим. Бир куни орқа хоналарнинг деразаларини очиб, полни юваётганимда, чорбоғимизда ишлаётган мардикор

йигитларнинг дугонам Холида ҳақидаги гаплари қулоғимга чалинди. Вужудим қулоқ бўлиб тингладим.

– Фарҳод уни етаклаб, қўшнисининг битмаган уйига кириб кетганини ўз кўзи билан кўрибди, – тортишарди бири.

– Э, Холидага ўхшаганлар билан юрмайди, мен биламанми, сенми?! – бўш келмасди иккинчиси.

Дунёдаги жамики айёрликларни ишга солсам ҳам, Фарҳод бошқа қизлар, хусусан, Холида билан ишқий алоқаси борлигини тан олмади.

– Менга ҳалитдан ишонмасанг, тўйдан сўнг қандай ишонасан? – деди у куйиниб. – Рашк қилиш керак, бу даражада эмас. Наҳотки, уйдагиларим Холидага уйланишимга кўнса? Осмон узилиб ерга тушса ҳам! Мана, отам ҳам, Исмоил тоғам ҳам Бекқул акани... отангни ҳурмат билан тилга олади. Ҳатто, "бўйи етган қизи бор", деб менга маъноли қараб қўйишади. Холида енгилтак қиз, бугун у қўлга, эртага бошқасига кўниб кетаверади. Ота-онаси ҳам яхши одамлар эмас, қишлоқларингда неча марта гап бўлинди! Агар шундай фикрласанг, эртага Динорадан ҳам қизғанасан... айтмоқчиманки, рашк қиласан! Динора иккимиз кечаси Холидаларникига хат олиб боргандик. Ўртамизда ҳеч бир ёмон иш бўлмаган. Ўшанда сен Акбар билан бирга юргандинг, квант физикасини ахтариб! Ёмон хаёлга бордимми? Йўқ, албатта.

Худди Динора каби Холидани рақибим ўрнида кўра бошладим. Сал ўтиб, икки дугонамдан ҳам баравар хавфсирашга тушдим. Фарҳод уларнинг бирига оғиб кетса, дугоналик ҳаққи-ҳурматини ҳисобга олишларига ишонмасдим. Менинг фикримча, дугонамга ишонишим соддалик эди. Иккиси ҳам барибир ўз бахтини ўйлайди, меникини эмас. Шунга ақлим етаяптими, демак, эс-ҳушим жойида.

Шунчалик виждонсизмидим? Йўқ, аслиятим сал бошқача эди. Виждоним – ювилса оқарадиган латта бўлиб, кундузи ювиб-ювиб чарчамасдим, кечаси кирлаб қолаверарди. Эсимда, мактабни битирган йилимиз Холида анча ўзгарди. Энтантак гапирадиган, сал нарсага қулаверадиган, ўз келажагини ўйламайдиган эҳкитабиат ўқувчи кутилмаганда пишиққина, босиққина қизга айланди. Балки Фарҳод билан алоқаси борлиги ҳақидаги миш-мишни эшитганим учун кўзимга шун-

дай кўрингандир, балки бошқа бир нарса туфайлидир. Ҳар ҳолда юрагида севги ўти ёнганини пайқамаслик мумкин эмасди. Кимлигини сўрасак, ҳазиллашиб, "Акбар" деб жавоб берарди. Тўйига атаб кашта тикаётганини кўрганимда эса этим увишгани ёдимда. Назаримда, у фақат Фарҳодга турмушга чиқадигандек эди. Сиримни ҳеч зоғ билмаса-да, қишлоқ аҳли кўлини бигиз қилиб мени кўрсатаётганга ўхшарди: "Шоҳсанам Фарҳод билан севишди, лекин дугонаси Холида илиб кетди. Ўл бу кунингдан!.."

Мен Динора билан Холидага ўхшаб қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилиб беролмаяпман, чунки сочларидек узун саргузаштни бошимдан кечирмаганман, Фарҳод иккимиз кўп ҳолларда дераза орқали гаплашиб қўя қолардик. Бироқ иқрорномамнинг сўнгида иккита мудҳиш воқеани сўзлайман. Диноранинг ҳикоясидан билдикки, Холидани у ҳам ўзига рақиб деб билган. Холиданинг ота-онаси шармандали гап-сўз остида ажрашиб кетиши кўл келган Динорага. Аслини олганда эса бу ажрашиш менга кўпроқ фойда берганди. Кечир, Холида! Ота-онангни мен ажраштириб юборганман. Ҳа, ўша гувоҳ – менман.

Бир куни туман марказидаги бекатда автобус кутиб турганимда, сал нарида Гўзал опа қандайдир "Жигули" эгасига ялинаётганига кўзим тушди. "Мурод ака билан юрармиш" деган узун-қулоқ гапларни мен ҳам эшитгандим. Ўғай отам сабаб туман марказидаги Мурод акани танирдим. "Наҳотки, дугонамнинг онаси унинг хуштори бўлса?" – дедим, лекин одамлар орасидан сирғалиб чиқиб, рулдаги киши бошқа эканини кўрдим. Янада яқинроқ бордим. Гўзал опа шу бугун Гулистон шаҳрига бориб-келиш кераклигини айтар, мўмайгина пул таклиф этарди. Ҳайдовчи йўл олислигини, ҳозир чиқиб кетилса, кечаси қайтиш мумкинлигини гапириб, кўнмас эди. Ҳаял ўтмай Гўзал опа ҳайдовчини кўндирди. Улар қишлоқ орқали ўтиб, сўнг Гулистонга жўнаш ҳақида гаплашдилар. Бир кўнглим Гўзал опага мени ҳам қишлоққа ташлаб ўтишларини илтимос қилмоқчи бўлдим, гурурим йўл қўймади. Беш-ўн дақиқа кутсам, автобус келади, Холиданинг онасига ёмон кўриниб нима зарил? Негадир охириги дамларда қизининг дугоналари билан совуқ саломлашадиган одат касб этганди.

Менимча, Динора ва онасининг ғийбатларга алоқаси борлигини сезган бўлса керак.

Кечки овқатдан сўнг Акбар келмоқчи, Холиданикига бормоқчи эдик. Келавермагач, укамни эргаштириб, жўнадим. Кўча бошида укамнинг синфдошларига дуч келдик.

– Сен жўраларинг билан гаплашиб тур, Холидаларникига ўзим кириб чиқаман, кетиб қолма, – дедим укамга.

Дугонамнинг уйига яқинлашганимда, нариги муюлишдан чироқларини порлатиб машина чиқди ва уйга етмасдан тўхтаб, Гўзал опа тушди. Машинанинг ён томонида, бунинг устига тол ортида бўлганим боис улар мени пайқамадилар. Бугун туман марказидаги бекатда кўрганим таксичини танидим. У:

– Майли, синглим, розиман, – деб пулни санаб олди. – Ҳарқалай ярим кечага қолиб кетмадик-ку, шунисига ҳам шукр.

– Раҳмат, Нусрат ака, – миннатдорчилик билдирди Гўзал опа. – Илойим, бола-чақангизнинг ҳузурини кўринг.

"Жигули" шошилинч жўнаб кетди. Холиданинг онаси қайтганини кўриб, уйига кирмадим. Ўша кеча киракаш Самарқанд-Тошкенг йўлида автоҳалоқатдан ўлди. Орадан икки кун ўтгач эса Холиданинг ота-онаси қиёмат жанжални бошлашди. Кимдир Холиданинг отасига: "Хотининг икки кун аввал Муроднинг "Жигули"сида юрувди", дебди. Нусрат аканинг машинасида бориб келганини Гўзал опа исботлаёлмади. Бахтга қарши Гулистондаги хотин ҳам уйда бўлмаган, тасдиқловчи гувоҳ йўқ эди. "Сен Гулистонга кетдим, деб кимнингдир уйидами, меҳмонхонадами, Мурод билан учрашгансан", деб айб қўйибди Холиданинг отаси. Додвойлар, Мурод аканинг аралашуви, қасамлар – ҳеч бири иш бермади, оила жар ёқасига илиниб қолди. Онам: "Бирор ножўя ишни кўрсанг, ёмон воқеага гувоҳ бўлсанг, кўрмадим, де, шунда тинч яшайсан", дея қаттиқ тайинлагувчи эди. Бироқ Холиданинг отаси кўчада ёлғиз учратиб, Гўзал опани ташлаб кетган "Жигули" ҳақида ҳақиқатни айтишимни ўтиниб сўраганида иккиландим: онамнинг тарбияси бўйича лоқайд қиз бўлайми ёки ўз манфаатини ўйлаган лоқайддан баттар кимса – туҳматкашга айланайми? Холиданинг отаси бировдан (укамнинг синфдошларидан бўлса керак) машинани мен



кўрганимни эшитибди. "Шундоқ ҳам барибир ажрашиб кетаман, виждоним қийналмасин, деяпман", деди у. Баайни ўша куни, туш чоғида Гулсин менга: "Анави ит дугонанг Фарҳоднинг бошини айлантириб олганмиш, лекин кўрқма, поччам билан аммам Гўзал опанинг қизини ўлса ҳам келин қилмайди", деган ва юрагимга гулгула солган эди. Битта пуф дейишим билан Холиданинг онаси яна бир марта ёмонотлиқ бўлиши, ота-онаси ажрашиб кетиши, рақибам жарга қулаб кетиши мумкин эди. Нима қилсам экан?

Ниҳоят, оғир гуноҳга қўл уришга қарор қилдим.

– Мени жанжалга аралаштирмасликка қасам ичсангиз, ростини айтаман, – дедим дугонамнинг отасига.

– Демак, "Жигули" Муродники бўлган? Сен ўзи... танийсанми уни?

– Машинасини ҳам, ўзини ҳам танийман, отамнинг олдига бир неча марта келган... Ҳали қасам ичмадингиз, мен "ўша киши" демадим.

Шу тариқа онангга, оилангга тўхмат қилдим, Холида! Бугун иқрор куни, шу билан бирга узр сўраш куни. Сендан ва ота-онангнинг арвоҳларидан кечирим сўрайман, арвоҳлари шод бўлсин, илойим. Бир бетайин йигит учун ёлғон гапирдим-а! Отанг мен ҳақимда умрининг охиригача ҳеч кимга оғиз очмади. Фарҳод сендан совиди, уйдагилари келин қилмаслиги тўқсон тўққиз фоиз бўлса, бўҳтонимдан сўнг юз фоиз кафолатланди. Иккисини бирга кўрганим ҳақида Фарҳодга ҳам айтганман. Мени ўлдирсанг ҳам оз, Холида! Иккиюзламачи аёл бўлиб яшаш жонимга тегди. Умрим ёлғон билан ўтиб кетди ахир!..

Биламан, ҳозир йиғи-сиғидан фойда йўқ. Келинлар, энди иккинчи воқеага ўтай. Ҳикоямни узоқ давом эттиролмайман, мадорим йўқ... Бу – Динора масаласи... Тақдир мени Холидадан халос этиб, яна бир яқин дугонам Динорага рўпара қилди. Фарҳод ва унинг ўртасида алоқа борлигини аввалдан сезмаганим учун ўзимни-ўзим роса койидим. Фарҳод уларни шунчаки бир синаб кўрганини айтганди, холос. Кўпни кўрган ота-онам қанчалик қулоғимга қуймасин, атрофимдагиларга ишониш, улар ҳар қандай ҳолатда ҳам дўст бўлиб қола олиши мумкин, деган ўйнинг тириклиги таъбимни тирриқ қилди. Бир йигитни деб Динора мендан кечибди-да? Йўқ, нималар

деяпман? У мен билан Фарҳоднинг севишиб юрганини билмайди-ку. Шунда ҳам айбни, аввало дугонамдан қидирдим. Мен билан Фарҳод гўё бошқаларнинг қурбони эдик.

Фарҳод ва ҳамтовоқлари сой бўйида Акбарни ургач, қишлоқда катта мижро кўтарилган эди. Айбдор Носир бўлиб чиқди. Мижродан кейин бир ойлар ўтиб, туман марказидаги дўконларни айланиб юрганимда, ногоҳон ширакайф Носирни учратиб қолдим. Юзимни терс бурганимни кўрган Носир:

– Шоҳсанам, – деб билагимдан тутди, қўлини силтаб ташладим.

– Бу мен... Фарҳоднинг жўраси. Танимадингми?

– Ҳурматингизни билиб, мендан нари юринг!

– Тўғри... тўғри айтасан! Сенга, анави Фарҳодингга, ярим ёввойи қишлоқингга... биронтангга кўзим учиб тургани йўқ! Фарҳод сени ҳам, Динора деган дугонагни ҳам ўйнатиб юрибли.

– Холида демоқчимисиз? – ортимга важоҳат-ла ўгирилдим.

– Динора деяпман. Ди-но-ра! Сенинг дугонаг... Исмоилнинг уйи орқасида яшайди... Айтгандай, районда, шу ерда биттаси билан ҳам дон олишади!.. Ўзидан катта аёл. Исми Холжон! Ишонмасанг, юр, таништираман. Гилам магазинида сотувчи... Эридан ажрашган... Эҳ, қизлар! Бунақа содда бўлмасанглар-а!

Юрагим зардобга тўлди. Одамлар Фарҳоднинг икки дугонам – Динора ва Холида билан ишқий алоқасидан хабар топсаю, кутилмаганда менинг ҳам лаққа тушганим фош бўлса! О, қандай шармандалик! Уч дугона – уч овсар! Фарҳод бошқага уйланишига рози эдим, фақат бир шарт – мен маъшуқаси бўлганимпи ҳеч ким билмаса, бас. Қаёқдан ҳам ошиқ-маъшук бўлдим, ўт тушсин шу севгисига!

Назаримда, вазиятдан чиқишнинг икки йўли бор эди: бири – номимга доғ туширмай Фарҳоддан қутулиш, иккинчиси – ҳеч нарсага қараб ўтирмай унга турмушга чиқиш. Ўйлай-ўйлай, нақадар ғалати бўлмасин, иккинчи йўлни танладим. Ўшанда бир йигитнинг бирйўла уч қизга ошиқлигини ҳазм қилгандек бўлдим, лекин гилам дўконида ишловчи ўзидан катта хотинга алоқаси борлигини эса кечирилмас жиноят деб ҳисобладим. Фарҳодга турмушга чиқишим учун сотувчи ҳақидаги гаплар

уйдирма бўлиши керак эди. Ёлгон ва ҳақиқатни ким миш-мишнинг этидан ажратиб беради?

Бир неча кундан сўнг яна туман марказига келдим. Носирнинг алжирашлари ёлгон эканига умидвор эдим. Гилам дўконига киролмай уйга қайтдим. Фарҳодга бу ҳақда оғиз очмадим. Ундан қандай жавоб кутишим мумкин? "Барчаси ёлгон! Тухмат!" Бошқа нима?

Бир кўнглим Фарҳодни қоғоз парчасидай гижимлаб ташлашни истар, бир кўнглим сувдан қуруқ чиқолмаслигимни ўйлаб, кўр-кўрона, ипсиз боғланиб, ҳеч узоқлашолмасдим ундан. Қиз бола ҳамиша ўйлаб қадам босиши кераклигини ўша кезлари мендан теран тушунган ҳеч ким йўқ эди. Учрашувларга чиққаним бошимга битган бало бўлишини туш кўрибманми? "Нега айрим қизлар ҳеч ким билан юрмаган йигитнинг ишқини рад этиб, аввал бир нечта қизнинг бошини айлантирган йигитга йўқ деёлмайди?" деб ҳайрон бўлардим, шу савдо тушган эди бошимга. Фарҳод — хотинбоз, мен эса овунчоқларидан бириман, дугоналарим қатори. Эҳ, энди сир очилсами, бутун қишлоқ думалаб куладиган бўлди.

Гилам дўкони атрофида яна ўралашдим. Чап ёноғида холи бор жувонни яқиндан кўрдим. Юриш-туриши, ўзини тутиши, гап оҳангига қараганда, ҳақиқатан енгилтакка ўхшарди. Шанба кунни ҳам бордим, бугун у билан гаплашиб қўймасам тентак бўламан, дедим. Тўсатдан Холжоннинг ўзи менга кўмаклашди.

— Сиз Янгиободданмисиз? — деди менга.

— Ҳа. Мени танийсизми?

— Ташқарида кутиб тулинг, ҳозир чиқаман.

Биз "Маиший хизмат кўрсатиш уйи" ёнидаги бўш саҳндан ўтдик-да, мажнунтол тагидаги ўриндиққа ўтирдик. Холжон кечмишларини менга бир бошидан сўзлаб берди. У эрта турмушга чиқибди, эри билан келишолмай ажрашиб кетибди. Фарҳод шунчалик бетайин эканки, бир нечта қизларни ўзига овунчоқ қилиб юргани етмагандек, эрсиз хогинларга айланиша бошлабди. Холжон чиндан ҳам Холида ҳикоя қилган бўёқчи хотиннинг қизи эди. Бўёқчи бойвачча йигитнинг қилғиликларидан хабардор бўлгач, ғавфо кўтарибди. Фарҳод ўйланишга мажбур бўлибди.

Динора, сен билан Фарҳоднинг тўйи қанчалик дабдабали

бўлган эди, бир умр унутмайман. Бироқ, мени кечир, эрингинг яширинча яшайдиган хотинчаси борлигини ўшанда билардим. "Билиб туриб айтмаган, болаган", дейсанми? Йўқ, ҳикоя ҳали тугамади. Холжон мени кўярда-кўймай бир жойга олиб борди. Адашмасам, касаллар анализ топширадиган туман лабораторияси эди. Таниш ҳамшира ишларкан. Ҳамширада муҳим қоғозлари борлигини айтди. Ҳаял ўтмай ичкаридан чиқиб, қоғозларни кўрсатди.

— Мен ҳомиладорман, деб уни алдаганман, — деди Холжон киприк қоқмай, — лекин иккиқат эмасдим. Иккиқат бўлмайман ҳам. Нега деганда, мана унинг анализлари. У икки йил аввал шаҳарда ёмон касаллик юқтириб келган. Даволанди, барибир бўлмади. Энди у умрбод фарзанд кўрмайди. Эшитаяпсанми, ҳой қиз? Ундан нари юр. Бузукчиликни яхши кўрадиган бебурд, бунинг устига бепушт йигитга турмушга чиққанингдан кўра бир умр эрсиз ўтганинг мишг марта афзал эмасми?

Уйга қайтдим. Касал бўлмаганида ҳам Фарҳодга энди турмушга чиқмаслигим аниқ эди. Ор-номусимни бир тийин қилиб, хомхаёл гоёларга учганим учун ўзимни қарғадим. Фарҳод дунёдаги ҳамма қизларнинг ташқи кўриниши ҳар хил, ичи эса бир хил дерди. Бекор айтибди! Аввало, одамнинг одамдан фарқи ичида! Инсон зоҳири тупроқ, инсон ботини эса нур. Мен, ҳатто нурга гард кўндирмоқчи бўлибман.

Эй Динора, дугонажон! Фарҳодни талашмадим ва шу тариқа сендан шафқатсизларча ўч олдим. Бугун виждон азоби куни эмас, иқроор ва узр сўраш куни! Виждон азобланавериб аллақачон тамом бўлган.

\* \* \*

Шоҳсанамнинг ҳикояси хотима топгач, Холида қаҳқаҳ уриб кулиб, бошини телбаларча чайқайверди. Ўн саккиз-йигирма йил бурун бошланган воқеалар силсиласи мисли катта пўртана бўлиб, бугунги кун қирғоқларига зарб-ла урилган, бошдан-оёқ шалаббо қилиб юборган эди. Ресторанни наво тутган эса-да, Холиданинг кулгисини ҳамма эшитди, баравар ўгирилиб, уч аёл ўтирган столга кўз тикишди.

— Холида, одамлар қараяпти, — деди Шоҳсанам. —

Менимча, ҳар ким ўз бошидан кечирган воқеаларини айтиб тугатди, энди кетсак.

– Йўқ, менинг ҳали айтадиганим бор, – Холида ичимликка қўл узатганди, Шоҳсанам бермади.

– Етар! Ҳозир касалхонага, қизингнинг олдига боришинг керак. Эринг хабар олишга келса, қизини сендай пиёниста хотинига ишониб топширгани учун ўзини бир нима қилиб қўяди.

– Қизини? Қанақа қизини? – Холида яна хохолаб юбормаслик қасдида оғзини бекитди, елкалари силкиниб-силкиниб тушди.

Худди ўлимга маҳкум этилган каби рангсиз ва бенаво ўтирган Диноранинг телефони жиринглаб, яшил тугмасини босди. Масъул йигит қўнғироқ қилмоқда эди.

– Овқат сузишни бошлаймиз, – деди йигит. – Учала ҳикоя ҳам яхши ёзиб олинди. Овоз ёзишда давом этамиз, опа.

– Хўп, – деди Динора ҳиссиз оҳангда.

Энди осмон узилиб ерга тушса ҳам унга фарқсиз эди. Икки дугонасини ресторанга айёрлик ила келтириб, виждон оғриғига малҳам қўйиш учун томоша уюштирди, уларга нисбатан қилган кечирилмас жиноятларини сўзлаб берди, аммо дугоналарининг сирлари ҳам очилиб-сочилиб кетди.

– Учаламиз бир-биримизга фитна-фасод қилиб юрғанимиз тушимга ҳам кирмаганди... – гўлдиради Динора бир нуқтага тикилиб. – Эсиз, ёшлигим!

– Эйй... тўхтанглар, – деди Холида. – Менинг сўнги ҳикоям...

– Энди ҳикоянгни ҳеч ким эшитмайди, – жеркиб берди Шоҳсанам.

– Сен эшитасан! Эшитмасдан туриб, ҳеч қаёққа кетмайсан! Ё бугун, ё ҳеч қачон! Бир ёрилдикми, охирги донимизгача тўкилсин-да! Тўғрими, Динора? Бу Шоҳсанам ҳадеб шошилишининг сабабини айтсам, Динора, рангинг ҳозиргидан ҳам оқариб, ҳушингдан кетасан!

– Вой, нега бунча осилдинг менга? – тутатди Шоҳсанам. – Ҳар ким ўз ҳаётини ҳикоя қилди, гуноҳларига пушаймон бўлди, десам, янгидан бошламоқчимисан?

– Тупурдим урушга! Сенга айтмоқчиманки, Фарҳод касал эмасди.

– Хотинининг олдида ишонч билан гапираяпсанми, Холида?

– Динора билан Фарҳод фарзанд кўрмаган бўлса, бунинг сабаби бошқа... ҳа, бошқа! Чунки Холжон менинг айтганимни қилишга мажбур бўлганди. Унга мен айтганман, Шоҳсанамни бошлаб алда, деб. Эшитдингми? Агар Холжонни ёллаб, сени чув туширмаганимда, Фарҳодга тегиб олардинг. Динора ким? Пиёнистанинг қизи эди! Рақобат қилолмасди сен билан!

Шоҳсанам култ этиб ютинди.

– Сени йўлдан суриб ташлашим керакмиди? – безрайди Холида. – Битта фитна ишлатдим, тамом бўлдинг! Ҳаммаси ўтди-кетди, олдиндан келишганмиз, хафа бўлаки йўқ!

– А-а... – оғзини очди Шоҳсанам. – ... а-а, унда нега йигитингни Динорага бериб қўйдинг?

– Сен билан Динора онамни гап-сузга қолдирганингдан кейин гўр бўламанми? – бўшашмади Холида. – Яхшиям, бунинг ўша нафслари билмаганман. Билганимда, икковингни ҳам ўлдирардим! Фарҳод Динорага уйланишига қарор қилганида, чиранишимдан маъно қолмади. Мени умрининг охиригача "унутмасликка" ваъда берган. У тентак!

– Илтимос... – Диноранинг кўзларидан тирқираб ёш чиқди. – Бас қилинглар!

– Акбарнинг ўлимига мен сабабчиман! – деди Холида. – Сой бўйидаги тол шохини арралаб қўйганман. Акбар шўрлик сувга йиқилиб ўлди. Ўзинг айт, Динора, ҳақиқий қотил ким? Менми, Фарҳодми? Балиқ тутиш учун сувга ток тикмоқчи бўлиб турган Фарҳод ўлдирмадимми синфдошимизни? У атайин токни уламаганида Акбар тирик бўларди! Биз ҳаммамиз қотилмиз!

– Вў-ў, жиноят ҳам очилди. – бошини чангаллади Шоҳсанам.

– Қизимнинг сувга йиқилгани қайтма-қайт замон, лекин мен дарахтни арралаганим учун қайтгани йўқ бу фалокат, – гапдан тўхтамади Холида. – Фалокат Фарҳодга қайтди! Чунки у... чунки Муниса қизим аслида Фарҳоднинг қизи... Биласанлар, эрим мендан ёши кичик, олдий таксичи, бечора менга Фарҳоднинг "тавсияси" билан уйланган. Машинани ҳам

Фарҳоднинг пулига олганмиз. Мен шунақа даюс эрнинг хотиниман. Истасанглар устимдан кулинглар!

– Қизинг тўққиз ёшми? – зўрға сўради Динора. – Фарҳод менга уйланганига яқинда йигирма йил бўлади...

– Ҳа, ўн йил аввал ҳам у сенга худди ҳозиргидек бемалол хиёнат қиларди. Сен номигагина хотинсан, дугонажон! Ачинаман! Боя афсунгаринг "фитна қўллаб, дугоналарингнинг севган йигитини тортиб олгансан", деди. Йўқ, Фарҳодни биз сенга қўшқўллаб топширганмиз. Ол ва бахтсиз бўл, деганмиз. Ҳақиқат ёмон аччиғ-ей!

– У бир-икки йилдан бери ўзгариб қолганди... – ингради Динора.

– Йўқ, – бош чайқади Холида, – эринг билан икки йилдан бери гаплашмайман. Икки йилдирки, у Шоҳсанам билан яшайди.

– Ёлғон! – илондек тўлғонди Динора.

– Шоҳсанам уч марта турмушга чиқиб, эрдан тинчимайди, деганимда индамадинг. У икки марта эрга текканини билардинг, учинчисини ҳам биласан деб...

Динора чидаёлмай стакандаги сувни дугонасининг юзига сепиб юборди. Учаласи бирдан оёққа қалқди. Ликобчалар кафелга тушиб, чил-чил синди.

– Пальтосини кўрдингми? – деди Холида. – Уни эринг совға қилган! Ўз қўлинг билан бутун умрингни расво қилгансан, Динора! Мана сенга фитна! Мана сенга худбинлик! Сен, ҳатто ҳозир ҳам бизга фитна қилаяпсан! Ахир, бизни ресторанга алдаб олиб келдинг-ку! Сочинг ҳам бўёқ таъсирига тўкилмаган, кимётерапия натижаси! Сочларингдек узун ҳикоя, деб Шоҳсанам киноя қилди. Соч ҳам йўқ, узун ҳикоя ҳам! Ҳаммаси қисқа тарих! Туғилиш, алдаш, ўлим! Сен кўкрак саратон касалингни яшириб юрибсан, Динора! Бизни билмайди дейсанми?! Умрингнинг охирида кечирим сўрамоқчи эдингми? Биз ҳам узримизни айтдик. Жаббор Ўтамуродов эмиш! Айт бунга, Шоҳсанам, у киминг бўлади? Бизни дугонамизнинг навбатдаги фитнасидан огоҳлантирган.

– Ҳеч кимим, – бош эгли Шоҳсанам. – Қайнсинглим билан бирга ишлайди, холос. Энди кетдик, дугонажонлар. Бўлар

иш бўлди. Бу... Холида сал ошириворди. Сен соғайиб кетасан, Динора!

Бардоши чатнаб кетди Диноранинг. Лабини қонатиб юборгудек қаттиқ тишлаб, ортига бурилди-да, ресторандан чопиб чиқди.

— Ўйин тугади! — қичқирди Холида ресторандагиларга. — Маза қилиб еб-ичиб, уй-уйларингга кетинглар! Дугонамнинг қилган битта савоб иши шу бўлади!

Шоҳсанам Холидани етаклади.

— Юр, тагин машинасини ҳайдаб кетиб қолмасин, — деди дугонасининг қулоғига. — Роса болладик, деганимиз-да, аччиқ устида ҳалокатга йўлиқиб, бир умр вижлон азобига қолмайлик. Мен қўрқаяпман, Холи!

— Иккимизнинг ҳам ҳикоямиз ёлғонлигини дарров айтиб қўямизми?

— Айниқса. пальтомга чиппа-чин ишонди. Замонжон тоғам кутубхонамга ўз китобларидан олиб келганида, мен жияни эканимни билиб. пальто совга қилгани хаёлига келибдими? Тавба, бизни ҳам ўзига ўхшатди-я бу Динора тушмагур. Ахир, қандай қилиб аёл зоти шу даражада тубанлашиб, ор-номусидан кечиб, битта тутуруқсиз йигитни талашади?! Алладик, деб тезроқ айтайлик. Чидолмаяпман!

Бироқ икки дугона кечикишган эди. "Нексия" филдиракларидан тош сачратиб, жойидан қўзғалиб, машиналар оқимига қўшилиб кетди. Муюлишда шунақанги қарсиллаш эшитилдики, умбалоқ ошиб тушган машина олисдан ҳам аниқ-тиниқ кўринди.

\* \* \*

Баҳорда Янгиобод қишлоғидаги сойда балиқлар ҳар йилгидан-да кўпайди. Акбарнинг орзуси ушалди. Жониворларга ҳам, одамзот бахтига ҳам чанг соладиганлар энди бу дунёда йўқ эди.



## МУНДАРИЖА:

### Сўнги гуноҳ

Биринчи далил .....	3
Иккинчи далил .....	11
Учинчи далил .....	22
Тўртинчи далил .....	55
Бешинчи далил .....	73
Олтинчи далил .....	115
Хотима .....	116
Уч аёл фитнаси ( <i>қисса</i> ) .....	117

Азамат ҚОРЖОВОВ

# СҮНГГИ ГУНОҲ

(мистик қиссалар)

Масъул муҳаррир: Шукур Жаббор  
Муҳаррир: Салима Бадалбоева  
Тех. муҳар.: Наргиза Солиқова  
Дизайнер: Расул Ташматов  
Оператор: Нигора Муҳитдинова

Теришга берилди 21.07.2013. Босишга рухсат этилди  
04.09.2013. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ  
гарнитураси. Шартли босма табоғи 12,0.  
Нашр босма табоғи 12,0. Адади 5 000 нусха. Буюртма №46.

Нашриёт лицензияси: АІ №183. 08.12.10.

*«Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти босмаҳонасида чоп этилди.  
100100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22 уй.  
Dizaynpress@mail.ru; Dizaynprint@mail.ru*